

**Й. ТУРСУНОВ**

# **МЕХНАТ ҲУҚУҚИ**

**«МОЛИЯ»**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

---

**Й. ТУРСУНОВ**

# **МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томо-  
идан дарслик сифатида тавсия этилган

**ТОШКЕНТ – «МОЛИЯ» – 2002**

**Й. ТУРСУНОВ.** Мехнат ҳуқуки. Дарслик, Т., «Молия» нашриёти, 2002 й.  
– 280 бет.

Мазкур дарслик бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланиб бораётган шароитда меҳнат соҳасидаги ижтимоий алоқаларни ҳуқуқий тартибга солиш, меҳнат бозори ва уни бошкариш, иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат-ҳуқуқий алоқалар, фуқароларнинг энг асосий ижтимоий-иқтисодий ҳуқукларидан бири бўлган меҳнат килиш ҳуқукини рўёбга чиқариш ва химоялаш каби кўплаб масалаларни ўз ичига олади.

Дарслик юридик олий ўқув юртлари, ўрта маҳсус, касб-хунар коллежларида «Мехнат ҳуқуки» фанидан ўқув машғулотлари олиб борилишида фойдаланилиши мумкин. Китоб шунингдек, амалиётчи юристлар, меҳнат қонунчилиги масалалари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

**Тақризчилар:** Т. Саъдулаев – юридик фанлари номзоди, профессор,  
М. Йўлдошев – иқтисод фанлари доктори, профессор,  
М. Усмонова – юридик фанлари номзоди, доцент.

© Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академиясининг  
«Молия» нашриёти, 2002 й.

**ЙЎЛДОШ ТУРСУНОВ**

**МЕХНАТ ҲУҚУҚИ**

(Дарслик)

**Тошкент — «Молия» нашриёти — 2002**

Мухаррирлар

И. Усмонов, Н. Усмонова

Техник мухаррир

А. Мойдинов

Мусаххиха

Т. Тожибоеva

Рассом

М. Одилов

Компьютерда сахифаловчи

З. Мухамеджанова

Босишига руҳсат этилди 26.01.2002 йил. Бичими  $60 \times 84 \frac{1}{16}$ .  
«TimesUZ» ҳарфидаги терилиб, оғсет усулида чоп этилди. Босма табоби 17,5.  
Нашриёт хисоб табоби 16,6. Адади 2000. Буюртма № 51.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Молия» нашриёти, 700000, Тошкент, Якуб Колас кўчаси, 16-йй.  
Шартнома № 02-02.

«ДИТАФ» босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш. Олмазор кўчаси, 171-йй.

**СЎЗ БОШИ**

Ҳар бир мамлакат тараққиёти ва келажаги юксак интеллектуал салоҳиятли,  
замонавий билимларни пухта эгаллаган, чукур қасбий малака ва маҳоратга эга

бўлган мутахассисга боғлиқдир. Шу туфайли Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим ва тарбия соҳасида ислоҳотнинг бош мақсадларидан бири сифатида юксак касбий, маънавий-ахлоқий талабларга жавоб бера оладиган, билимли ва малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш вазифасини илгари суриб, бу вазифани бажариш йўллари ҳамда воситаларини белгилаб берди.

Республикамида амалга оширилаётган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» муваффақиятини таъминловчи унинг таркибий қисмларидан бири – зарур дарслер, ўкув қўлланмалари, услубий ва бошқа ёрдамчи адабиётларни яратиш, уларни мамлакатимиз миллий тараққиёти foяларига, маънавий-ахлоқий кадрияларимизга мувофиқ бўлишига эришиш, дарслер ва қўлланмаларни амалий муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашувчи замонавий билимлар, касбий-малака кўнкимлари ҳосил қилишга имкон берувчи ахборотлар билан таъминлашдан иборатdir.

Ушбу талаблар гуманитар соҳада, шу жумладан хуқуқшу-нослар тайёрлаш борасида дарслер ва ўкув қўлланмалари яратиш масалаларига ҳам таалукладидир. Ҳозирча юқори малакали мутахассислар тайёрлаш масалаларига оид миллий қонун-чилигимиз мазмун-моҳиятига мос келувчи, кадрлар тайёрлаш дастури вазифаларига тўлиқ жавоб берувчи дарслер, ҳамда ўкув қўлланмалари танқислиги мавжуд ва бу муаммо олдимиға кўйилган вазифаларни тез, муваффақиятли ҳал этилишига тўсқинлик қилмоқда.

Ушбу дарслер бу борада юзага келадиган муаммонинг ҳал этилишига хизмат қиласди, деган умиддамиз. Дарслер 1999 йили «Молия» нашриётида чоп этилган «Меҳнат хуқуки» ўкув қўлланмасининг тўлдирилган ҳамда қайта ишланган варианти бўлиб, унда қонунчилигимиздаги юз берган янгиликлар, меҳнат қонунларини қўллашда учраётган муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари ва бу борадаги янгича назарий қарашлар баён этилган. Олдинги нашрда умумий тарзда ёритилган айрим мавзуларни батафсил ёритишга ҳаракат қилиниб, янги боблар киритилди. Меҳнат соҳасида қонунчиликни таъминлаш ва жавобгарлик, меҳнат-хуқукий муносабатлар соҳасида амалга оширилаётган ҳалқаро-хуқукий ҳамкорлик ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги фаолияти ана шундай мавзулардан саналади.

Мазкур дарслер хуқуқшунослик соҳасида диққатга сазоворли иш бўлиб, малакали мутахассис юрист кадрлар тайёрлашга муносиб хисса кўшади, деб умид қиласми.

### **М. X. Рустамбоев**

Тошкент Давлат юридик институти ректори, юридик фанлари доктори, профессор.

## **ҮМУМИЙ ҚИСМ**

---

I боб. **МЕХНАТ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ,  
УСУЛЛАРИ ВА ТИЗИМЛАРИ**

1-§. Ўзбекистонда бозор муносабатлари қарор топиши шароитида меҳнатта оид ижтимоий муносабатларни

### **ташкилий-хуқуқий тартибга солишнинг зарурлиги**

Мамлакатимиз ўз мустакиллигини қўлга киритганига ўн йилдан ошди. Мазмунан ўнлаб йилларга teng ушбу даврда эришилган улкан ютуқларимиздан бири – бозор муносабатларининг қарор топаётганлиги, инсон хукукларини чеклашга қаратилган, одамзод табиатига зид бўлган маъмурий-бўйруқбозлиқ, бюрократик тизим ўрнига инсон маңбаатларини ҳамма нарсадан устун қўювчи, умуминсоний кадриятларга асосланувчи янгича демократик институтларнинг тобора кенгроқ жорий этилаётганлигидир. Ўзбекистон ҳалқаро ҳаётда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа нуфузли ҳалқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиб, унинг салмоги ва мавқеи тобора аҳамиятлироқ бўлиб бормоқда. Республикаиз демократик ва дунёвий давлат сифатида инсон хукуклари ҳамда эркинликларини тан олувчи ва кафолатловчи ҳалқаро хукуқий ҳужжатларга қўшилаётir. Жумладан, меҳнат ва ижтимоий масалаларга оид “Инсон хукуклари Умумжаҳон Декларацияси”, 1966 йилги “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуклар тўғрисида”ти Ҳалқаро Пактни ва бошқа ҳалқаро хукуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиниши<sup>1</sup> бозор муносабатлари даврида фуқароларнинг энг муҳим инсоний хукукларидан бўлган меҳнат қилиш, меҳнатта яраша ҳақ олиш, дам олиш, соғлом меҳнат шароитларида ишлаш каби хукуклари тўла-тўқис рӯёбга чиқарилиши, хукуқий химояланиши ва кафолатланиши учун зарур, ҳалқаро стандартларга мувофиқ келувчи қонунчилик базасининг яратилишига ёрдам берди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўз моҳияти ва мазмуни билан инсон хукукларига доир ҳалқаро ҳужжатларга тўла мос, улардаги умуминсоний қадриятлар ва ғояларни ўзига сингдирган ҳужжат бўлди. Ушбу Конституция асосида қабул қилинган Қонунлар, жумладан, меҳнат соҳасидаги қонунлар шахс хукукларини самарали ҳимоя қилиш, тўла рӯёбга чиқаришни таъминловчи механизmlарни назарда тутади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ти Фармонида ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг бекиёс аҳамияти ва ўрни таъкидланган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995, 9-сон.

<sup>2</sup> «Ҳалқ сўзи» газетаси, 2001 йил 5 январ.

Бозор иқтисодиёти соҳасидаги муносабатлар ривожланаётган даврда ижтимоий меҳнат муносабатларини эскича, бироқратик усуллар билан тартибга солиш мумкин эмаслиги сабабли хукуқий ислоҳотлар натижасида янги, тез ўзгариб бораётган шароитларни ўзида акс эттирувчи меҳнат қонун хужжатлари юзага кела бошлади ва унда янги тамойиллар, янгича қарашлар ифода этилади.

Меҳнат хукуқи — хукуқ соҳалари орасида етакчи ўрин тутади. Меҳнат хукуқи меҳнат бозори фаолияти натижасида юзага келувчи, ёлланма меҳнатни кўллаш ва ундан фойдаланишини ташкил этиш оқибатида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Моддий ва маънавий бойликлар яратиш жараёнидаги ижтимоий муносабатлар объектив хусусиятга эга бўлиб, барча шаклда меҳнат фаолиятига тааллуклидир. Бунда биргаликдаги меҳнат фаолияти ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги кишилар томонидан ишлаб чиқариш куроллари ва воситаларига таъсир этишга оид алоқалар сифатида баҳоланомги лозим. Бундай алоқалар ҳар доим ташкилий тусга эга, жамоа бўлиб ишлашнинг муайян қоидаларини ўз ичига олади.

Биргаликдаги меҳнат иштирокчиларининг мавқеига кўра, биргаликдаги меҳнат мустақил меҳнат (мулкдорнинг меҳнати) ва ёлланма меҳнат (мулк эгаси бўлмаганлар меҳнати) каби турларга бўлинади. Меҳнат бозорининг мавжуд бўлиши, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш меҳнатнинг иккинчи тури билан боғлиқ бўлади.

Кенг миқёсли хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий мулкчиликнинг ривожланиши, тадбиркорликка кенг йўл очилиши Узбекистонда меҳнатни ташкил этишда бозор муносабатларига хос шакллар ҳамда усулларни карор топиши ва ривожланишига имкон яратди, меҳнатни ташкил этиш ва кўллашга оид ижтимоий муносабатларга янгича ёндашувни талаб этди.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов Вазирлар Махкамасида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: “Биз янги асрга, янги минг йилликка қадам кўйдик. Янги юз йилликни биз учун қандай бўлиши 2001 йилда олдимизда турган вазифаларни нечоғлик адо этишимизга боғлиқ. Биз жамиятни янгилаш, ислоҳотларни изчил амалга ошириш бўйича аниқравшан ва ҳар томонлама пухта ўйланган дастурга эгамиз”<sup>3</sup>.

## 2-§. Меҳнат хукуқи тушунчаси ва предмети

Меҳнат хукуқи меҳнат жараёни технологиясини эмас, балки биргаликдаги меҳнат давомида унинг иштирокчилари ўртасида юзага келувчи социал алоқаларни тартибга солади.

<sup>3</sup> И. А. Каримов. «Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз». «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 17 феврал.

Мехнат хуқукининг предмети саналувчи ижтимоий муносабатлар алоҳида гурухларга ажратилиши мумкин ва улар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин:

## **1. Бевосита меҳнатга оид муносабатлар**

Мехнат хуқуки предмети саналувчи ижтимоий муносабатлар орасида моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатни ташкил этиш юзасидан вужудга келувчи, меҳнатдан фойдаланишга оид бўлган ижтимоий алоқалар асосий ўринни эгаллади.

Иккисодий категория сифатида меҳнат муносабатлари ишлаб чиқариш муносабатларининг таркибий қисми саналиб, турли социал гурухларнинг мавқеини акс эттиради. Меҳнат муносабатлари иштирокчиси сифатида ишловчи ва иш берувчи иштирок этиб, улар ўртасидаги муносабат шартнома (контракт) асосига ва ҳақ тўлаш эвазига асосланган.

Меҳнат муносабатлари қўйидаги хусусиятлари билан ажralиб туради:

а) бу муносабатлар корхонада биргаликда меҳнат қилишдан келиб чиққан ҳолда тартибга солинадиган ички меҳнат тартиби қоидалари доирасида амалга оширилади;

б) ходим аниқ бир корхона-ташкилотнинг меҳнат жамоаси таркибиға киритилади;

в) ходимни корхона жамоасига қўшилиши алоҳида юридик факт – меҳнат шартномаси тузиш, сайлов ёки танловдан ўтиш билан боғлиқ бўлади;

г) меҳнат шартномасининг мазмуни ходим томонидан муайян касб, ихтисос бўйича ишнинг бажарилишига қаратилган бўлади.

Фақат ёлланиб ишловчи ходимлар меҳнатигина меҳнат хуқукининг предмети саналади ва мустақил меҳнат (мулқдор меҳнати) ушбу хуқук соҳаси предмети бўла олмайди.

Давлат хизматчисининг меҳнати улар ҳам ишга ёлланишлари туфайли меҳнат муносабатлари саналади. Бироқ ИИВ, МХХ, Мудофаа вазирлиги, Фавкулодда вазиятлар вазирлиги, Чегара қўшинлари Давлат кўмитаси ҳарбий хизматчилари фаолияти меҳнат хуқукининг предмети саналмайди ва улар маъмурий муносабатлар жумласига киритилади ҳамда давлатнинг мудофаа функцияси билан боғлиқ бўлади.

Меҳнат хуқуки фани назариясида биргаликдаги мулқдорлар меҳнатини ҳам меҳнат хуқуки жумласига киритиши лозимлиги хусусида фикрлар мавжуд<sup>1</sup>. Бизнинг фикримизга кўра қишлоқ хўжалиги ко-

---

<sup>1</sup> В. И. Никитинский, Т. Ю. Коршунова. «Правовое регулирование трудовых правоотношений работающих собственников», «Государство и право», 1992, № 6.

оперативлари, дехкон-фермер хўжаликлари, турли-туман кооператив ва бошқа нодавлат корхоналарининг аъзолари меҳнати ҳам маҳсус тартибга солинишга муҳтож ва бу вазифа меҳнат қонунчилиги доирасида амалга оширилса, мақсадга мувоғик бўлар эди. Ҳозирги пайтда ана шу тоифага мансуб шахслар хукуқларининг ҳимоя қилиниши ва кафолатланишида муаммолар мавжуд.

Меҳнат хукуқининг предмети саналувчи муносабатлар орасида бевосита меҳнат муносабатлари билан бир қаторда унга ёндош бўлган муносабатлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ёндош муносабатлар қаторига меҳнат соҳасидаги ташкилий-бошқарув муносабатлари, ишга жойлаштиришга оид бўлган муносабатлар, касбий тайёрлаш ва малакани оширишга оид муносабатлар, меҳнат қонунларига риоя этилиши устидан назорат олиб боришига оид муносабатлар, меҳнат низоларини ҳал этишга оид муносабатлар киритилиши мумкин.

## **2. Ташкилий-бошқарув муносабатлари**

Бу муносабатлар асосан иш берувчи ва корхона жамоаси, касаба уюшмалари ўртасида меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш юзасидан вужудга келади. Ташкилий-бошқарув муносабатлари аниқ бир корхонада меҳнат шартларини қабул қилиш ва қўллаш, моддий-маиший ва маданий хизмат қўрсатиш, меҳнатга ҳақ тўлашни нормалаш, корхона жамғармаларидан фойдаланиш кабилардан вужудга келади. Ташкилий-бошқарув муносабатлари қаторига жамоа шартномаси ва жамоа келишувларини тузиш, бажаришга оид муносабатлар ҳам киради.

## **3. Ишга жойлаштиришга оид муносабатлар**

Бу муносабатлар фуқаро ишга жойлаштириш бўлимига иш сўраб мурожаат қилиши билан бирга пайдо бўлади. Ўзбекистонда ишга жойлаштириш бўлимлари зиммасига фуқароларнинг меҳнат қилишга оид конституциявий хукуқларини амалга оширилишига қаратилган вазифалар юклатилган.

## **4. Касбга тайёрлаш ва малака оширишга оид муносабатлар**

Бу муносабатлар фуқаро ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда якка тартибда, бригада таркибида ёки маҳсус курсларда касб ўрганиши, малака ошириши пайтида юзага келади. Касбий тайёргарлик соҳасидаги

муносабатлар ходим билан иш берувчи ўртасида ўзаро шартнома тузилишга асосланади.

## **5. Мехнат мухофазаси устидан назорат қилишга оид муносабатлар**

Бу муносабатлар ваколатли органлар томонидан мехнат қонунларига амал қилиниши устидан назоратни амалга оширилиши жараённада юзага келади.

## **6. Мехнат низоларини ҳал этишга оид муносабатлар**

Бу муносабатлар ходим билан иш берувчи ўртасидаги мехнатта оид низоларни ҳал этиш билан бөглиқ равища вужудга келади ва хукуқларни химоя қилиш усуллари ҳамда воситаларини кўзда тутади.

## **7. Мехнат муносабатларидан келиб чиқувчи процессуал муносабатлар**

Бу муносабатлар мехнат муносабатлари юзага келиши, ўзгариши ва барҳам топиши процессуал тартибларини белгилаб беради.

### **3-§. Мехнат хукуқи услублари ва тизимлари**

Агар мехнат хукуқининг предмети деганда ушбу соҳада нималар тартибга солиниши англанса, услуги деганда бу муносабатлар қандай қилиб тартибга солиниши тушунилади.

Мехнат хукуқининг услуги қуйидаги асосий белгилар билан характерли саналади:

а) мехнат хукуки предмети бўлган ижтимоий муносабатлар марказлаштирилган холда ва локал тартибда бошқарилишининг ўзаро қўшиб олиб борилиши;

б) тартибга солища шартномавий, тавсиявий ва императив усуллардан кенг фойдаланиши;

в) мехнат муносабатларини тартибга солища мехнат жамоаси, касаба уюшмаларининг фаол иштирок этиши;

г) мехнат хукуқларини химоялашнинг ўзига хос усуллари ва мажбуриятларнинг ижро этилишини таъминлаш воситаларига кўра.

## **1. Мехнат муносабатларини тартибга солища**

## **марказлаштирилган ва локал усулларнинг қўшиб олиб борилиши**

Бу белги меҳнатни давлат-хукуқий тартибга солиш моҳиятини очиб беради ҳамда миңтақавий, тармоқ хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда меҳнат шароитларининг дифференцияланишини таъминлашга, ягоналигига эришишга имкон беради.

Хозирги пайтда марказлаштирилган тартибда ходимларнинг энг кам даражадаги кафолатлари, иш ҳақи, иш вақти, дам олиш вақти ва бошқа асосий хукуқларнинг энг кам кўрсаткичлари белгиланади. Марказий тартибда қабул қилинган актлар ҳам мажбурий ёки тавсиявий хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Локал нормалар воситасида корхоналарнинг бевосита ўзида меҳнатга оид муносабатлар тартибга солинади. Меҳнатни локал тартибга солиш иштирокчилари сифатида иш берувчи ва ходимлар вакиллик органлари қатнашадилар.

## **2. Меҳнат муносабатларини тартибга солишда шартномавий, тавсиявий ва императив усулларнинг қўшиб олиб борилиши**

Меҳнат муносабатларини тартибга солишда шартномавий усул етакчи ўрин тутади. Бунда айрим ходим билан иш берувчи ўртасидаги муносабатлар меҳнат шартномаси воситасида, иш берувчи ва ходимлар жамоаси ўртасидаги муносабатлар жамоа шартномаси, жамоа келишувлари воситасида тартибга солиниши эътиборда сакланмоғи керак. Шартнома асосида ўрнатилган муносабат, унинг мазмуни бир томонлама ўзгарилиши, бекор қилиниши мумкин эмас.

Тавсиявий усулда меҳнат муносабатлари тартибга солинганида ваколатли органлар томонидан меҳнат муносабатлари субъектларига қаратилган тавсиявий нормалар қабул қилинади. Хозирги пайтда давлатнинг императив актлари воситасида меҳнат муносабатларининг тартибга солиниши ҳам мухим аҳамият касб этади.

Меҳнат хукуқининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 2-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга кўра: «Меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда меҳнат бозорининг самарали амал қилиши, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат хукуқлари ва соғлигининг ҳимоя қилинишини таъминлаиди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифатининг яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади».

Бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий базис ижтимоий муносабатларга таъсир этишнинг ягона давлат-хукуқий механизми билан характерланувчи ягона хукуқий тизимларни юзага чиқарди. У меҳнат соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос юридик услубларини вужудга келтиради.

Меҳнат хукуқига оид услубларнинг ўзига хос хусусиятлари:

- 1) бу муносабатларнинг юзага келиш, ўзгариш, барҳам топишига;
- 2) хукуқий муносабат иштирокчиларининг хукуқий мавқеига;
- 3) хукуқларнинг белгиланиш хусусияти ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъмин этиш воситаларига қараб белгиланади.

Меҳнат хукуқий муносабатларининг юзага келишига ижтимоий иқтисодий асослар сабаб бўлиб, меҳнат бозорининг фаолият кўрсатиши билан бевосита боғлиқ бўлади. Меҳнатга оид хукуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ва барҳам топишининг хукуқий тартибга солинишидан кўзланган асосий мақсад ҳам меҳнат бозорини давлат йўли билан бошқариш, бу муносабатлар давомида фуқаролар ҳамда иш берувчилар хукуқлари ва бошқа қонуний манфаатларни ҳимоя қилишдан иборатdir.

Меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг хукуқий мавқеи ўзаро тенглиги билан ажralиб туради. Бунга қасб тури, машгулот ва иш жойини танлаш эркинлиги фуқароларнинг конституциявий хукукларидан эканлиги, фуқаролар ўз жисмоний ва интеллектуал салоҳиятларидан ўз хоҳишлирича фойдаланишлари мумкинлиги, мажбурий меҳнат тақиқланганлиги кабилар асос бўла олади. Шу билан меҳнат жараёнида ходим иш берувчига, унинг фармойишларига, ички меҳнат тартиби қоидаларига сўзсиз риоя этиши лозимлиги ҳам меҳнат хукуки услубига хос хусусиятлардандир.

Меҳнат хукуқлари ва мажбуриятларини белгилаш усуллари ҳам меҳнат хукуки методининг ўзига хос хусусиятлари жумласига киради. Ҳозирги пайтда меҳнат хукуқий муносабатларини тартибга солиша давлат фаолияти билан бир қаторда бевосита корхона ва ташкилотларнинг ўзларига, ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллик органларига катта ваколатлар бериб кўйилган ҳолда меҳнат муносабатларига оид жуда кўп масалалар локал нормалар воситасида тартибга солиниши назарда тутилган. Шунингдек, меҳнат муносабатларини тартибга солиша бевосита ходим билан иш берувчи ўртасидаги ўзаро келишувларга, меҳнат шартномасига ҳам катта аҳамият берилган. Яъни меҳнат муносабатларини хукуқий тартибга солишнинг норматив-хукуқий, локал, шартномавий усуллари мавжудлиги қайд этилиши мумкин.

Мехнат муносабатларини хукукий тартибга солиш услублари сифатида императив (сўзсиз бажарилиши керак бўлган) ва тавсиявий хусусиятга эга бўлган хукуқ меъёрларининг хусусиятлари эътиборга олинмоғи лозим. Императив меъёрлар тақиқловчи ёки буюрувчи бўлиши (масалан, 18 ёшга тўлмаган ходимларни моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган ишларга қабул қилишнинг тақиқланиши, ходимлар учун энг кам даражадан паст бўлмаган мехнат шароитлари яратилиши лозимлиги ва бошқалар) мумкин.

Мехнат хукукларини химоя қилишнинг ўзига хос тартибда (мехнат низоларини кўриш комиссиялари, бўйсуниш тартибда юқори турувчи органлар томонидан) химоя қилиниши, ўзига хос мехнат хукукий процес-суал тартиблар ҳамда муддатлар белгиланганлиги ҳам мехнат хукуқининг ўзига хос услубларини ифода этувчи хусусиятлардан хисобланади.

Шундай килиб, мехнат хукуки бозор иқтисодиёти шароитида мехнат бозори фаолиятини, мулкчилик шаклидан, хўжалик юритиш усулидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот, муассасаларда юзага келувчи ижтимоий мехнат муносабатларини, ёлланма меҳнатни ташкил этишга оид бўлган муносабатларни давлат, жамият, айрим шахс манфаатлари уйғунлаштирилган ҳолда хукукий тартибга солишга қаратилган хукуқ меъёрлари йигиндиси ва тизимларидан иборатdir.

Мехнат хукуқининг фан соҳаси сифатидаги тизимлари ва конунчилик тармоғи сифатидаги тизимлари мавжуд бўлиб, улар ўзаро ўхшаш бўлсада, бир-биридан фарқ қиласди. Мехнат хукуки фанининг бош вазифаси ўргатиш, таълим беришдан иборат бўлса, мехнат конунчилиги тармоғининг бош вазифаси – ижтимоий муносабатларни хукукий тартибга солишга қаратилгандир.

Мехнат хукуки фан сифатида умумий ва маҳсус қисмлардан иборат бўлиб, умумий қисмда фаннинг предмети, вазифалари, услублари сингари умумий хусусиятга эга бўлган масалалар, маҳсус қисмда эса мехнат муносабатини ўрнатиш, бекор қилиш, иш вақти, дам олиш вақти, иш хақи ва бошка маҳсус мехнат хукукий муносабатларнинг ўзига хос хукукий жиҳатлари ўрганилади.

Мехнат конунчилиги хукуқининг бир тармоғи сифатида Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексида акс эттирилган бўлим ва бобларда ифодаланган тизимлардан иборат бўлади.

Мехнат хукуки фан соҳасининг тизимлари билан мехнат конунчилиги тармоғи тизимлари ўзаро яқин бўлиб, айрим йўналишлар, хукуқ институтларини қамраб олади. Шу билан бирга улар ўртасида муайян фарқлар ҳам мавжуд ва бу фарқлар мехнат хукуки фан соҳаси сифатида конунчилик амалиётини ўрганиш, умумлаштириш ва илмий хulosasi

хамда тавсиялар беришга, мутахассис кадрлар тайёрлашга йўналтирилганлиги билан, меҳнат қонунчилиги эса ҳуқуқий тартибга солиш тармоғи сифатида аниқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилганлиги билан белгиланади.

Шу сабабли меҳнат ҳуқуқи фани ўзига хос бўлим, тушунча ва институтларга эга бўлади.

#### **4-§. Мехнат ҳуқуқи ва унинг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқи**

Юқорида қайд этилганидек, меҳнат ҳуқукининг предмети ижтимоий меҳнат жараёнлари иштирокчилари ўртасида юзага келувчи муносабатлардан иборат. Аммо ижтимоий меҳнат билан боғлик равишда юзага келувчи муносабатларни тартибга солиш предмети жумласига кирувчи бошқа бир қатор ҳуқуқий фанлар ҳам мавжуд ва улар билан меҳнат ҳуқуқи фани ўртасидаги аниқ чегараларни белгилаб олиниши назарий аҳамиятгагина эга бўлиб қолмасдан, катта амалий аҳамиятга ҳам эга. Чунки ҳуқуқий тартибга солиш соҳасини аниқ тасаввур қилмаслик, бир ҳуқуқ соҳасига мансуб муносабатни бошқа муносабатлардан фарқ қила билмаслик қонунларни кўллаш амалиётida хатоликларга олиб келиши, қонунийликни таъминлаш самарадорлигини кескин пасайтириб юбориши мумкин.

Мехнат ҳуқуки предмети – меҳнат бўлганлиги туфайли фуқаролик ҳуқуқи билан; қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи билан; бошқариш фаолияти эканлиги билан маъмурий ҳуқуқ; иш ҳаки, мукофотлар тўлашга қаратилганлиги билан молия ҳуқуқи; меҳнат натижаларига кўра рағбатлантирилишига кўра ижтимоий таъминот ҳуқуки соҳалари билан ўхшаш томонларга, умумий хусусиятларга эга.

Аммо бу ўхшашликлар ўта нисбий бўлиб, уларнинг ҳар бири мустақил юридик фан тармоғи эканлигини ёрқин намоён килувчи, бошқа фанлардан фарқлашга имкон берувчи аниқ-равshan хусусиятларга эга. Ушбу нуктаи назардан меҳнат ҳуқукини юқоридаги ҳуқуқ соҳаларидан фарқ қилишга имкон берувчи жиҳатларини баён этишга ҳаракат қиласиз.

Бунда, энг аавало, меҳнат ҳуқуки ва фуқаролик ҳуқуқи ўртасидаги фарқларни аниқлаш лозим бўлади. Қайд этилганидек, ушбу ҳар икки ҳуқуқ соҳасида ҳам меҳнат қилиш ҳуқуқий муносабат юз беришига асос бўлиши мумкин. Масалан, пудрат, буюртма, топшириқ, муаллифлик ва бошқа кўплаб фуқаролик ҳуқуқий шартномалар иш бажаришга ёки бўлмаса хизмат кўрсатишга, яъни меҳнат қилишга қаратилган муносабатларни тартибга солади. Иш берувчи билан ходим ўртасидаги меҳнат

шартномаси (контракти)нинг предмети ҳам ходимнинг меҳнат фаолиятидан иборат.

Бироқ, меҳнат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган меҳнат ҳуқуқий муносабатлари қўйидаги хусусиятларга эга бўлади ва бу хусусиятлар фуқаролик ҳуқуқига асло хос бўлмайди:

1. Меҳнат ҳуқуқида ходим корхонанинг меҳнат жамоаси таркибида кўшиб олинади ва корхона ходими мақомига эга бўлади. Фуқаролик ҳуқуқий шартномалар асосида бир бригада ёки бошқа гурӯҳ таркибида ишловчилар ҳеч қачон меҳнат жамоаси мақомига эга бўлишмайди;

2. Корхонага ишга қабул қилинган ходим олдиндан аниқ белгилаб қўйилган касб, малака ёки лавозим бўйича меҳнат мажбуриятларини бажаради ва иш берувчи ундан хизмат вазифасига кирмайдиган мажбуриятларни бажаришни қоидага кўра талаб қила олмайди;

3. Меҳнат шартномасига кўра ходим олдиндан аниқ белгиланган касб, ихтисос ёки лавозимга оид ишни доимий равишда, олдиндан муддати белгиланмаган холда бажаради, яъни меҳнат ҳуқуқий муносабатлар давомли бўлади. Фуқаролик ҳуқуқий шартномаларда эса иш бажариб бўлиниши билан ҳуқуқий муносабат барҳам топади;

4. Меҳнат қонунларида корхоналарнинг локал норматив ҳужжатларида белгиланган кафолатлар, имтиёзлар меҳнат шартномасига кўра ишлаётган ходимга тўла тааллуқли бўлади. Фуқаролик ҳуқуқий шартнома асосида ишлаётган шахсларга бундай ҳуқуқлар буюртмачи томонидан берилмайди;

5. Меҳнат ҳуқуқий муносабатларнинг ўрнатилиши ва бекор қилиниши асослари, тартиби фуқаролик ҳуқуқий шартномалар тузиш ва бекор қилиш фаолиятидан тубдан фарқ қиласди.

Меҳнат ҳуқуқи билан кооператив ёки қишлоқ ҳўжалиги ҳуқуқи ўртасида энг яқин ўхшашлик мавжуд ва бу ҳолат уларнинг ҳар иккиси ҳам давомли меҳнат муносабатларини меҳнат жамоасига аъзолик асосида ҳуқуқий тартибга солинишда кўзга ташланади. Аммо уларнинг ҳуқуқий базалари турлича бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги ҳуқуқидаги муносабат мулқдорнинг (аъзонинг) меҳнатидан иборат ва у қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (фермер, дехқон ҳўжалиги) устави ва бошқа таъсис ҳужжатлари билан, меҳнат ҳуқуқида ёлланиб ишловчи ходимнинг меҳнати Меҳнат Кодекси ва бошқа меҳнат қонунлари билан тартибга солинади.

Меҳнат ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқ бошқарув муносабатларини тартибга солиш билан бир-бирига ўхшаб кетсада, бироқ ҳалқ ҳўжалиги тармоқларини, маъмурий-худудий тузилмаларини бошқариш усуллари, воситалари, бошқарилиш обьектлари ва бошқариш ваколатига эга давлат бошқарув органлари томонидан амалга ошириладиган маъмурий

бошқарув меҳнат ҳуқуқидаги корхонани, меҳнат жамоасини, ишлаб чиқаришни бошқаришдан тубдан фарқ қилиши ўз-ўзидан тушунарлидир.

Меҳнат ҳуқуқи иш ҳақи ва бошқа түловлар түлашда молиявий ма-блағлар билан муносабатда бўлишига кўра молия ҳуқуқига ўхшаб кетади. Аммо давлат ёки маҳаллий ҳудудлар бюджети, уни шакллантириш ва сарфлаш тарзидаги давлатнинг молиявий фаолияти билан корхона молиявий фаолияти ўзаро тубдан фарқ қилишини англаш қийин эмас.

Меҳнат ҳуқуқи ижтимоий таъминот ҳуқуқи билан ўзаро ўхшаш бўлиб, уларнинг ҳар иккиси ҳам меҳнат стажи, меҳнат стажи туфайли юз берувчи ҳуқукий оқибатлар билан иш олиб боради. Меҳнат ҳуқуки предмети бўлган ходимнинг меҳнат фаолияти даври ижтимоий таъминот муносабатлари юзага келишига асос бўлади. Аммо меҳнат ҳуқуки ходимнинг иш фаолиятини амалга ошириб турган пайтидаги иш стажига эътибор берса, ижтимоий таъминот ҳуқуқи ходим меҳнат фаолиятини тўхтатганидан кейин унинг иш стажи хажми ва сифатига кўра ижтимоий таъминотларни (пенсия, нафака, социал ёрдамлар) амалга ошириш билан шуғулланади.

## **5-§. Меҳнат ҳуқуқи тамойиллари**

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг амалга оширила-ётган ҳуқукий ислоҳотлар натижасида халқимизнинг бозор иқтисодиёти шароитларига мос келувчи янгича ҳуқукий қарашлари юзага кела бошлади. Бу қадриятлар кейинги йилларда қабул килинаётган қонунларда янгича тамойиллар шаклида ўз ифодасини топмокда. Шу жумладан, Меҳнат Кодексининг қабул килиниши, меҳнатта оид бошқа бир қатор қонунларнинг ишлаб чиқилиши натижасида ушбу ҳуқук соҳасига хос бўлган янгича тамойиллар — меҳнат муносабатларини ҳуқукий тартибга солишга оид ғоялар, етакчи тушунчалар шаклланади.

Энг аввало, меҳнат ҳуқуқи фан соҳаси сифатида умумҳуқукий инсон-парварлик тамойиллари: ижтимоий адолат, камситишга йўл қўйилмаслиги, фуқароларнинг қонун олдида teng эканликлари, қонунчиликка қатъий амал қилинишига сўзсиз риоя этилиши таъкидланмоғи лозим.

Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари деганда амалдаги қонунлар билан мустаҳкамланган, меҳнат бозори фаолиятини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини ифодаловчи асосий ғоялар, раҳбарий қоидалар тушунилмоғи лозим.

Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари иқтисодий қонуниятлар билан белгиланувчи меҳнатни ташкил этишга оид ижтимоий муносабатларни акс эттирса, бошқа томондан эса меҳнатни ҳуқукий тартибга солишга

тааллукли гуманистик ва демократик қоидаларни ҳам ўз ичига олади. Мехнат муносабатларга оид нормалар иерархиявий тузилишга кўра, соҳалараро принциплар, тармоқ ва хуқуқ институтининг принципларига бўлинади.

Мехнат хуқуқининг тамойиллари ўз ичига қамраб оладиган муносабатлар доирасига кўра қуидагича гурухларга ажратилиши мумкин:

а) меҳнат бозорини хуқуқий тартибга солиш ва бандликни самарали тарзда таъминлашга қаратилган принциплар (эркин меҳнат қилиш, меҳнат шартномаси тузиш эркинлиги ва бошқалар);

б) меҳнат шартларини белгилаш соҳасидаги принциплар (меҳнат шартларининг иш шароитлари ва бошқа омилларга кўра табақаланиши; меҳнат шартларини белгилашда ходимлар вакиллиги органларининг бевосита иштирок этиш ва ҳ.к.);

в) ходим меҳнатини кўллашга оид принциплар (меҳнат функцияларининг аниқлиги, меҳнат муносабатларининг барқарорлиги; меҳнат интизомини таъминлаш ва бошқалар);

г) ходимнинг меҳнат соҳасидаги хукуқлари ва эркинликларини химоя қилишга оид принциплар (меҳнат муҳофазаси ва ходимлар соғлигини таъминлаш; меҳнат хукукларининг кафолатланиши ва химоя қилиниши ва ҳ.к.).

Бундан ташкири, меҳнат хукуқида соҳалараро тамойилларга ҳам амал қилиш зарур, буларга:

а) фуқаролар соғлиги ва ҳаётининг ҳар томонлама муҳофаза қилиниши;

б) қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда моддий таъминот олиш хуқуқининг таъминланиши;

в) хукуқлар ва мажбуриятларнинг бирлиги;

г) фаолият турини, иш жойини танлашнинг эркинлиги сингариларни киритиш мумкин.

Меҳнат хуқуқи ўзигагина хос бўлган тамойилларга ҳам амал қиласди. Бу тамойиллар меҳнат хуқуки фани ҳамда тармогининг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди.

Меҳнат хуқуқининг ўзига хос тамойиллари қуидагилардан иборатdir:

1) меҳнат муносабатларига киришишнинг ихтиёрийлиги, эркинлиги ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаслиги;

2) ўз жисмоний ва ақлий имкониятларидан фойдаланиш чоғида фуқароларнинг мутлако мустақил ва эркин эканликлари;

3) ишчи кучининг товар эканлиги, унинг баҳоси меҳнат бозоридаги таклиф ва талабларга кўра белгиланиши, давлат меҳнат бозорининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишига кўмаклашуви;

- 4) давлатнинг ижтимоий химояга муҳтоҷ, меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган аҳоли қатламларини ишга жойлаштиришда кўллаб-кувватлаши ва ёрдам кўрсатиши;
- 5) ишсизликдан ҳимояланишнинг кафолатланиши;
- 6) меҳнат муносабатларини тартибга солишда шартномавий ҳамда локал месъёрий ҳужжатлар устиворлиги;
- 7) минимал меҳнат шароитлари яратиш барча мулкчилик шаклидаги корхоналар учун мажбурийлиги;
- 8) меҳнат интизомига амал қилишнинг зарурлиги;
- 9) меҳнатга ҳақ тўлашда бажарилган ишнинг миқдори ва сифатига кўра чекланмаган ҳақ тўланиши;
- 10) ходимлар ва иш берувчилар вакилларининг мавжудлиги ва мажароларни музокаралар йўли билан ҳал этилиши;
- 11) хотин-қизлар, ёшлар, ногиронлар меҳнатининг маҳсус муҳофаза этилиши, уларга қўшимча кафолатлар берилиши ва бошқалар.

Меҳнатга оид конун ҳужжатларида меҳнат муносабатларида кўлла-ниладиган бошқа тамойиллар ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин. Меҳнат ҳуқуқи тамойилларига оғишмай амал қилиниши ходимлар ва иш берувчилар манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Давлат ва жамият ривожи билан боғлиқ равишда, бозор муносабатларининг тобора чуқурлашиб бориши натижасида меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари ҳам такомиллашиб, янгиланиб бораверади.

### **БИЛИМИНГЗИНИ ТЕКШИРИБ КЎРИНГ**

1. Фукароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи ва бу ҳуқуқнинг таъминланиши ҳақида нималар биласиз?
2. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат муносабатларини ҳуқукий тартибга солишнинг зарурлиги ва аҳамияти нимадан иборат?
3. Меҳнат ҳуқуқининг предмети нималардан иборат эканлигини айтиб беринг.
4. Меҳнат ҳуқуқининг услублари ҳақида гапириб беринг. Меҳнат муносабатларини ҳуқукий тартибга солисида давлат актлари ва локал актларнинг ўзаро нисбати қандай?
5. Меҳнат ҳуқуқи фани тизимларини айтиб беринг.
6. Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари, уларнинг таснифи хусусида сўзлаб беринг.

## **II боб. МЕҲНАТ ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ**

### **1-§. Меҳнат ҳуқуқи манбалари тушунчаси, турлари ва уларнинг аҳамияти**

«Хукуқ манбай» тушунчаси кенг маънода жамиятнинг моддий шароитлари, ишлаб чиқариш муносабатлари даражаси билан белгиланса, тор маънода давлат томонидан ифода этилган эркнинг намоён бўлиш шакли назарда тутилади. Мехнат ҳуқуқининг манбалари хилма-хил шаклларда (қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқалар) бўлиши мумкин, улар умумий мақсад – конунчилик ва адолатни таъминлаш билан ўзаро бирлашган бўлиб, бўйсунниш муносабатида бўлади.

Мехнат ҳуқуқи манбани ўрганиш пайтида унинг вужудга келиш хусусиятлари, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини мухофаза қилишга қаратилганлиги эътиборга олинмоғи лозим. Мехнат ҳуқуқи манбанинг вужудга келишида ходимларнинг вакиллик органларида фаол иштирок этишлари, бу манбалар орасида тармоқ, корхона, ташкилотларнинг бевосита ўзида ишлаб чиқиладиган локал месъёрлар салмоқли ўрин тутиши, меҳнат ҳуқуқига оид месъёрлар энг кўп табақаланганлиги каби (мехнат шароитларига, аҳоли ёшига, жинсига, тармоқ хусусиятларига, табиий иклим ва бошқа шароитларга, бошқа ўзига хос шароитларга кўра) уларнинг ўзига хос хусусиятларидан иборатдир.

Шундай қилиб, меҳнат ҳуқуқининг манбай деганда, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ходимлар ва иш берувчилар вакиллик органлари тамонидан ўз ваколатлари доирасида ходимларнинг меҳнат шароитларини тартибга солиш, ўзаро меҳнат муносабатларини бошқариш юзасидан қабул қилинадиган ҳукуқ нормаларининг ифодаланиш шакли назарда тутилади.

Мехнат ҳуқуқи манбалари қонунлар ва қонун асосида қабул қилинадиган бошқа ҳукуқий хужжатлардан иборат бўлиши мумкин. Қонунлар ўз навбатида Конституция ва амалдаги қонунлардан иборат бўлиши мумкин. Мехнат ҳуқуқининг бош манбай Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлиб, унда ҳар қандай фуқароларнинг барча ижтимоий-иктисодий ҳамда бошқа ҳукуклари, жумладан энг асосий табиий ҳукукларидан хисобланувчи эркин меҳнат қилиш, дам олиш, меҳнатга яраша иш ҳаки олиш, адолатли ва қулай иш шароитларида меҳнат қилиш, меҳнат ҳукуклари амалга оширилишининг кафолатланиши, самарали тарзда химоя қилиниши назарда тутилган (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимаси, 13, 14, 15, 18, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 48 ва бошқа маддалари).

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизнинг Асосий Қонуни сифатида меҳнат қонунчилигининг шаклланиши ва ривожланиши учун табиий юридик негиз сифатида хизмат қиласи. Ҳар қандай қонун, қонун ҳужжатлари ёки бошқа ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларига зид бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида Конституциянинг сўзсиз устивор эканлиги айтилган. Унда инсон хукуклари ва эркинликлари энг олий қадрият эканлиги, барча давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўз кундалик фаолиятларида унга сўзсиз амал қилишлари шарт эканлиги, инсон хукукларига оид халқаро хукукий хужжатлар (айникса, «Инсон хукуклари Умумжахон Декларацияси», «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуклар тўғрисида»ги Халқаро Пакт ва бошқалар) Ўзбекистон Республикасининг хукуқ тизими таркибига киришиллиги қайд этилган.

Конституция олий юридик кучга эга бўлган акт сифатида меҳнат хукуки манбалари шакллантирилиши ва ривожлантирилишида хукукий замин бўлиб хизмат қилади.

Меҳнат хукуки манбалари ҳисобланадиган қонунлар орасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган ва 1996 йил 1 апрелдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси етакчи ўрин тутади. Мазкур Кодекс таркибий тузилишига кўра Умумий ва маҳсус қисм, 16 боб, 294 моддадан иборат. Унда мамлакатимизда юзага келадиган барча асосий меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган тартиб-қоидалар, қонун нормалари жамланган.

Меҳнат Кодекси янги, бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий меҳнат муносабатларини халқаро стандартларга мувофиқ тарзда хукукий тартибга солиш вазифасини бажаради. Меҳнат хукуки билан алоқадор ва ушбу хукуқ манбаи ҳисобланиси мумкин бўлган қонунлар қаторига «Аҳолини иш билан таъминлаш»<sup>4</sup>, «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари»<sup>5</sup>, «Касаба уюшмалари, уларнинг хукуклари ва фаолиятининг кафолатлари»<sup>6</sup>, «Меҳнат муҳофазаси»<sup>7</sup>, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунлар<sup>8</sup> ва бошқалар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари меҳнат хукуки манбаларидан ҳисобланиб, меҳнат муносабатларининг энг муҳимлари ана шу хужжатлар билан тартибга солинади ва хукукий хужжатларнинг ушбу шакли юз берган жиддий ўзгаришларни ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 29 иондаги «2001 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва

<sup>4</sup> Каранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари , Т., «Адолат», 1998, 19-сон.

<sup>5</sup> Ўзбекистоннинг янги қонунлари, Т., «Адолат», 1997, 7-сон.

<sup>6</sup> Ўша ерда, 1993, 6-сон.

<sup>7</sup> Ўша ерда, 1994, 8-сон.

<sup>8</sup> Ўша ерда, 2001, 23-сон.

ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тұғрисида»ғи, 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оиласларни давлат йүли билан ижтимоий құллаб-қувватлашни янада күчайтириш тұғрисида»ғи ва бошқа күплаб Фармоналари шулар жумласидандир.

Мәхнат хукуқининг энг муҳим масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қылган қарор ва фармойишлар алоҳида ўрин тутади. 1997 йил 11 мартағи «Амалдаги қонунларни Мехнат Кодекси талабларига мувофиқлаشتариш тұғрисида»ғи, 2001 йил 24 августдаги «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик қилаётган жисмоний шахслар иш стажини ҳисоблаш ва пенсия жамғармасига бадаллар ажратиши тартибини тасдиқлаш тұғрисида»ғи ва бошқа қарорлар шулар жумласига киради.

Бошқа идоравий хужжатлар ҳам меҳнат хукуқининг манбаи саналади. Булар орасида Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа бошқарув ташкилотлари чиқарадиган мөъёрий хужжатларнинг салмоги катта. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланған ички меҳнат тартибининг Намунавий қоидалари<sup>9</sup>, «Хотин-қызлар меҳнати құлланилиши таъқыллаган меҳнат шароити нокулай бўлган ишлар рўйхати»<sup>10</sup>, «Мехнат дафтарчаларини юритиши тартиби тұғрисидаги Йўрикнома»<sup>11</sup> ва бошқалар шулар жумласидандир.

Вазирликлар ва идоралар томонидан чиқариладиган мөъёрий характеристерга эга бўлган, бошқа фуқаролар ва юридик шахслар учун хукуқ ва мажбуриятларни юзага келтирувчи мөъёрий хужжатлар белгиланған тартибида Адлия вазирлигига хукукий экспертизадан ўтказилиб, давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина юридик кучга киради<sup>12</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият органлари тұғрисидаги қонунига мувофиқ туман, шаҳар, вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокимликлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1999 йил 14 июня 746-сон билан рўйхатга олинган «Намунавий ички меҳнат тартиби қоидалари».

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2000 йил 5 январда 865-сон билан рўйхатта олинган «Ёллар меҳнатини құллаш тұлық ёки қысман тақықланған нокулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати».

<sup>11</sup> «Мехнат дафтарчаларини юритиши тартиби тұғрисидаги Йўрикнома» Т., 1998 йил. Алоҳида нашр. 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатта олинган (2001 йил 19 майдаги 402-2 тартиб раками билан кўшимча ва ўзgartиришлар киритилган).

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли «Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва идоралар мөъёрий хужжатлари қонунийлигини таъминлаш тұғрисида»ғи қарори ва унга 2000 йил 19 майда киритилган ўзgartириши.

карорлар ушбу ҳудудлардаги барча шахслар учун мажбурий кучга эга ва мазкур маҳаллий ҳокимият органлари меҳнатни ташкил этиш, муайян шароитлар белгилаш ва бошқа масалаларга оид меҳнат ҳуқуқининг манбаи саналувчи меъёрий ҳужжатлар чиқаришлари мумкин (масалан, корхоналар иш режимини белгилаш ва х.к.).

Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 4-моддаси, 2-кисмида таъкидланганидек, «қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек ходим ва иш берувчи ўртасида тузиленган меҳнат шартномаси билан белгиланиши мумкин», яъни ходимлар учун меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари камида қонунлarda белгиланган дараҷада бўлиши лозим ва бу ҳуқуқлар ҳажми жамоа шартномалари, жамоа келишувлари, бошқа локал ҳужжатлар меҳнат ҳуқуқининг ўзига хос ва мустақил манбаи ҳисобланади. Корхоналарда қабул қилинадиган жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари, мансаб йўрикномалари ва бошқалар локал норматив ҳужжатларнинг типик кўринишларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 10-моддасига кўра, «Агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида ёки Ҳалқаро Мехнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан имтиёзлироқ қоидалар белгиланган бўлса, ҳалқаро шартнома ёки конвенциянинг қоидалари қўлланилади». Яъни Ўзбекистон иштирок этган икки томонлама ҳалқаро шартномалар ҳам меҳнат ҳуқуқининг мустақил манбаларидан саналади.

Мехнат муносабатлари қонунлар ёки бошқа қонун кучига эга ҳужжатлар билан тартибга солинмаган ҳолларда одатдаги муомала тамойиллари, урф бўлган қоидалар асосида масалалар ҳал этилишига ҳам ўйл кўйилади. Аммо бу урф-одат тамойиллари қонунчиликка зид бўлмаслиги, камситиш, ҳуқуқларни чеклашга олиб келмаслиги шарт.

Евropa ва Америка китъасидаги айрим давлатлардан фарқли ўлароқ, мамлакатимизда суд амалиёти (суд прецеденти) меҳнат ҳуқуқининг манбаи ҳисобланмайди. Аммо Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарорлари қонунларни тўғри тушуниш, амалга тўғри қўллаш, суд хатоликларининг олдини олиш, қонунчиликни мустаҳкамлашда жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли «Судлар томонидан меҳнат

шартномасини бекор қилишга оид конунларни кўлланилиш амалиёти тўгрисида»ги қарори шулар жумласидан саналади<sup>13</sup>.

## **2-§. Мехнат ҳуқуқи манбалари саналувчи норматив ҳужжатларни вақт, худуд ҳамда шахсларга нисбатан амал қилиши**

Ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўгри кўлланилиши, ижтиёмий муносабатларни самарали тартибга солиши, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш юзасидан белгиланган вазифаларни тўлиқ бажариши учун, энг аввало, уларнинг амал қилиш доирасини яхши тушуниб етмоқ, ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат қаерда кўлланиши, қачон кўлланиши ва кимларга нисбатан кўлланиши лозимлигини аниқ-равшан тасаввур этмоқ, белгилаб олмоқ шарт.

Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари вақт давомида, худуд доирасида ва шахслар орасида амал қиласди. Одатда, қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар кучга киритилган пайтидан бошлаб, то бекор қилингунига қадар Ўзбекистоннинг барча худудларида, барча юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан амал қиласди. Бирок, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг бевосита ўзида ёки бошқа маҳсус ҳуқуқий актларда уларнинг вақт, худуд ва шахслар орасида амал қилишининг алоҳида қоидалари белгилаб кўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эълон қилинган санадан, яъни 1992 йил 8 декабрдан бошлаб Ўзбекистоннинг барча худудида, барча юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан амал қила бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг вақт, худуд ва шахслар орасида амал қоидалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексини амалга киритиши тартиби тўгрисида»ги қарорида белгиланишича: «Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси Кодекс амалга киритилганидан кейин, яъни 1996 йил 1 апрелдан эътиборан юзага келган меҳнатга оид муносабатларга нисбатан кўлланилади».

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вақт доирасида юридик кучга кирган пайтдан бошлаб, то бекор қилингунича ёки унинг ўрнига бошқа ана шундай қонун ҳужжати қабул қилингунига қадар амалда бўлади. Қонунлар ва қонун ҳужжатларининг худуд бўйлаб амал қилиши муайян маъмурӣ-худудий чегаралар билан чегараланган. Умумий қоидага кўра давлат конунчилик, бошқарув ва маҳаллий давлат ҳокимияти органи қабул қилган ҳуқуқий актлар Ўзбекистоннинг бутун худудида, тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти юрисдикцияси чегараларида амал қиласди.

---

<sup>13</sup> Карап: «Ўзбекистон Республикаси Олий суди қарорлари тўплами». II жилд, Т., 1999, 58-бет.

Аммо, норматив-хукукий хужжатнинг ўзида ёки уни амалга киритиши тартибларини белгиловчи бошқа хукукий актда унинг тор худудларда, муайян тармоқда амал қилишлиги кўрсатиб қўйилиши мумкин.

Қонун ва қонун ости меъёрий хужжатларини шахслар ўртасида амал қилиши хусусида ҳам улар республиканинг барча жисмоний ва юридик шахсларига нисбатан татбиқ этилишини, маҳсус белгилаб қўйилган ҳолларда фақат жисмоний шахсларга (масалан, ишга жойлашиш хукуқини берувчи нормалар) нисбатан қўлланиши мумкинлигини қайд этиш лозим. Шунингдек, меҳнат хукуқининг айрим нормалари ходимларнинг айрим тоифаларига (масалан, ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бўлган аёллар, ўсмирлар, ногиронлар ва х.к.лар) қаратилиши мумкин. Бундай ҳолда бу нормалар фақат ушбу шахслар ўртасидагина амал қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хукукий хужжатлар тўғрисида»ги Қонуни<sup>14</sup> билан норматив ҳукукий хужжатлар тушунчаси, уларга қўйиладиган талаблар, уларнинг вакт, худуд ва шахслар ўртасида амал қилиши хусусиятлари, уларга шарҳ берилиши тартиблари белгилаб қўйилган. Ушбу қонунда давлат органлари қабул қиласиган норматив ҳукукий хужжатлар тегишли ваколатли органлар томонидан ҳисобга олиб борилиши, мунтазам нашр этилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, Давлат қўмиталари ва идоралари томонидан қабул қилинадиган меъёрий хужжатларни қабул қилиш ҳамда амалга киритишнинг маҳсус тартиби белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли «Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий хужжатларнинг қонунийлигини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги карорига<sup>15</sup> мувофиқ ушбу органлар томонидан қабул қилинган меъёрий актлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хукукий экспертизадан ўтказилиб, давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилиши белгиланади<sup>16</sup>. Ана шундай экспертизадан ўтказилмаган ва давлат рўйхатига олинмаган норматив-идоравий хужжатлар юридик кучга кирмаслиги ва уларда жисмоний ҳамда юридик шахслар учун мажбуриятлар келиб чиқмаслиги, улар асосида ҳукукий жавобгарлик қўллаш мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

<sup>14</sup> Қаранг: «Халқ сўзи» газетаси. 2001 йил 4 январ.

<sup>15</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли «Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий хужжатларнинг қонунийлигини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги карори.

<sup>16</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги карори.

Корхоналарнинг бевосита ўзида қабул қилинадиган ёки минтака, тармоқ доирасида ишлаб чиқиладиган локал норматив хуқуқий ҳужжатларнинг вақт, ҳудуд ва шахслар ўртасида амал қилиши ҳам давлат органлари норматив ҳужжатлари кўлланилишига ўхшаш бўлсада, аммо улар муайян корхона ҳудудида қўлланишига мўлжалланганлиги, унинг вақт доирасида амал қилиши ушбу корхона иш берувчиси ва ходимлар вакиллик органлари ўзаро келишиб белгилайдиган муддатлар билан чекланиши, ушбу локал норматив-хуқуқий актлар ушбу кархонадаги барча ходимларга, корхонанинг иш берувчисига тарқалиши билан улардан фарқ қиласди.

#### **Билимингизни текшириб кўринг**

1. Мехнат хукукининг манбалари тушунчаси ва турлари ҳакида сўзлаб беринг.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг меҳнат хуқуки манбаи сифатидаги аҳамияти нима?
3. Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг қабул қилиниши, тузилиши ва аҳамиятини сўзлаб беринг.
4. Локал норматив ҳужжатлар деганда нималар тушунилади ва уларнинг аҳамияти қандай?
5. Халқаро хуқукий актлар меҳнат хукукининг манбаи бўладими?
6. Мехнат қонунларини кўллашда Олий суд пленумининг карорлари аҳамиятини айтиб беринг.
7. Мехнат қонуни ҳужжатларининг вақт, ҳудуд ва шахслар ўртасида амал қилиш қоидаларини биласизми?

### **III боб. МЕҲНАТ ХУҚУҚИ СУБЪЕКТЛАРИ**

#### **1-§. Меҳнат хуқуки субъектлари тушунчаси, турлари ва уларнинг хуқукий мақоми**

Хукукшунослик фанлари назариясига кўра хукуқ субъектлари деганда амалдаги қонунчиликка мувофиқ субъектив ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлганлари холда ижтимоий меҳнат муносабатларида иштирок этаоладиган шахслар (юридик ва жисмоний шахслар) назарда тутилади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш шароитида меҳнат хукуқида меҳнат бозорида бевосита қатнашувчи шахслар субъектлиги хосдир. Бундай субъектлар қаторига фуқаролар (ишга ёлланувчи ходимлар), юридик шахслар (иш берувчи корхона ва ташкилотлар), ушбу икки томонларнинг вакиллари, тегишли холларда эса давлат органлари (ишга жойлаштириш органлари тимсолида) киритилишлари мумкин. Ушбу субъектларнинг ҳар бири маҳсус хуқуқий статусга эга бўлиб, бу ҳол

уларнинг аниқ белгиланган хукукий муносабатларда қатнашишларига имкон тугдиради.

Мехнат хукуки субъектларининг хукукий статуси уларнинг меҳнат муносабатларидағи юридик мавқеини белгилайди. Мехнат хукуки субъекти бўла олишлик статуси қуйидаги элементлар бўлиши лозимлигини тақозо қиласди:

- 1) меҳнат хукукий-муомала лаёқати;
- 2) Қонун билан белгиланган хуқук ва мажбуриятларга эгалик;
- 3) ушбу хукуқларнинг кафолатланганлиги;
- 4) мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаслиги учун жавобгар бўла олишлик.

### **Мехнат хукукий-муомила лаёқати**

Муайян шарт-шароитлар мавжуд бўлганида (муайян ёшга етиш, хўжалик ёки мулкий мустақилликка эга эканлик) меҳнатга оид муносабат иштирокчиси бўлиш имконини беради. Бундан ташқари, меҳнат хукуки субъекти бўла олишлик меҳнат муносабати давомида субъектив хукуқлар ва мажбуриятлар ола билиш имкони мавжудлигини ҳам англатади.

**Субъектив хуқук ва мажбуриятлар** асосан қонунлардан келиб чиқиб, меҳнат хукукий субъекти статуси негизини ташкил этади, бу хукукий ҳолат Конституция, Меҳнат Кодекси, бошқа қонунлар билан мустаҳкамлаб кўйилган.

### **Мехнат хукуки субъектлари хукуқлари ва мажбуриятларининг кафолатланганлиги**

Улар хукукий статусларни мустаҳкамлашга, меҳнат-хукукий муносабатларни барқарор бўлишига имкон беради.

**Мехнат-хукукий муносабат иштирокчиларнинг жавобгарлиги** шахс юридик статусини белгилашда катта аҳамиятга эга. Мехнат-хукукий муомала лаёқати мазмунининг мухим элементи – жавобгарлик бўлиб, муомалага лаёқатсиз шахсга жавобгарлик юклаш мумкин эмас. Мехнат хукукий статус субъектлар меҳнат хукукий-муомала лаёқати ҳажми, мазмуни турли субъектларда турлича эканлиги билан ажралиб туради. Бундан шундай хулоса чиқиши мумкинки, субъектлар гурӯхининг ҳар бирида айрим гурӯхлар ўзига хос статусга эга бўлиши мумкин.

Масалан, меҳнат хукуки субъекти сифатида фуқаролар тадбиркорлар (иш берувчи фуқаролар) ва ёлланиб ишловчи фуқароларга, ёлланиб

ишлочилар эса ўз навбатида ишчилар, инженер-техник ходимлар, раҳбарлар, ёш болали аёллар каби ўз хуқукий статусига кўра алоҳида мавқеига эга бўлган тоифаларга бўлиниши мумкин. Мехнат жамоалари ҳам меҳнаттага оид муносабат субъекти сифатида корхона меҳнат жамоаси, цех, бўлим, филиал меҳнат жамоаси каби хуқукий статуси ҳар хил бўлган турларга бўлинади.

Мехнат хуқукий статус умумий ва маҳсус турларга бўлинади. Ҳар бир тоифага мансуб субъектлар статуси маҳсус статусни ташкил қиласди.

## **2-§. Фуқаро (ходим)лар меҳнат хуқуки субъекти сифатида**

Фуқаролар меҳнат хуқуки субъектларининг энг кўп сонли ва кенг тарқалган субъектларидан саналади. Чунки улар ўз жисмоний ва ақлий салоҳиятларини, ижодий имкониятларини фақат меҳнат қилиш туфайли юзага чиқарадилар. Мехнат қонунчилиги меҳнат хуқуки субъектлари бўладиган фуқароларнинг икки тоифасини назарда тутади:

а) ёлланиб ишловчилар (ходимлар); б) тадбиркорлар (иш берувчилар) ва уларнинг хуқукий статуси ўзаро фарқ қилинади.

Мехнат хуқуки субъекти сифатида барча фуқаролар амалда меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Бу қобилият шахснинг жисмоний ва ақлий имкониятлари доирасини ўз ичига олувчи омиллар йигиндиси билан белгиланади ҳамда жисмоний ёки ақлий меҳнат қилиш жараёнида юзага чиқади. Бу имкониятлар юзага чиқиши учун фуқаро муайян ёшга етиши, ўз хатти-харакати учун жавоб бера оладиган ҳолатда бўлиши лозим. Мехнат қилишнинг дастлабки лаёқатлари жуда эрта – бола 4 ёшга кирганидаёт юзага кела бошлайди, бироқ меҳнат қонунчилиги шахсада меҳнат қила билиш қобилияти амалда пайдо бўлган пайтдан эмас, балки меҳнат хуқуқ субъекти бўла олишлиги моментидан бошлаб меҳнат хуқуки субъекти деб тан олади.

Мехнат хуқукий субъектлилик амалдаги меҳнат қонунчилик қоидаларига кўра одатда шахснинг 16 ёшга тўлиши билан тан олинади. Мехнат Кодексининг 77-моддасига кўра ишга қабул қилиш 16 ёшдан амалга оширилиши кўзда тутилган. Ота-оналардан бири ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма розилиги билан 15 ёшга тўлган шахслар ҳам, умумтальим, ўрта маҳсус ўкув юртларининг ўкувчилари бўш пайтларида ҳаёти ва соғлиги учун хавф тугдирмайдиган ишларга ота-онасидан бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс ёзма розилиги билан ишга қабул қилинишлари мумкин.

Ёшлар саломатлиги, ҳаёти ва маънавиятини ҳимоялаш мақсадида айrim ишларга қабул қилиш пайтида шахснинг 18 ёшга етган бўлиши талаб қилинади. Бундай касб ва вазифаларда меҳнат хуқуки субъекти

бўла олиш ёши одатдагидан бошқача белгиланган. Ёлланма меҳнат соҳасидаги ишга қабул қилиш ёши императив хусусиятга эга бўлиб, унга риоя қилмаслик қонунбузарлик сифатида баҳоланади.

Меҳнат ҳуқуки субъекти бўла олиш ёш мезонидан ташқари иродавий мезонга ҳам эга. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро меҳнат ҳуқуки субъекти бўла олмайди. Муомала лаёқати чекланган шахслар давлат хизматига олинмайди. Ақлий лаёқатлари жиддий издан чиққанлиги сабабли бу тоифадаги шахслар ўз фаолиятларини назорат қила олишмайди, ўз ҳаракатларига жавоб беролмайди.

Фуқаро меҳнат ҳуқукий лаёқати мазмуни юқоридагилардан ташқари унинг саломатлиги ахволига, малакасига, билимига, айрим холларда жинсига ва бошқа холатларга боғлиқ бўлади. Меҳнат ҳуқукий лаёқати чегаралари, имкониятлар чегараси давлат томонидан, иш берувчи томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир фуқаро ўз жисмоний, ақлий, ишчанлик имкониятларидан эркин фойдаланиши мумкинлиги, иш тури, жойини эркин таанашга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Фуқаро меҳнат ҳуқукий лаёқатини чекланишига фақат қонунларда маҳсус назарда тутилган холлардагина йўл қўйилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 45-моддасида содир этилган жиноят учун фуқаро муайян ҳукуклардан, яъни маълум касб, лавозимларда ишлашига суд белгилаган муддат давомида йўл қўйилмаслиги тарзидаги жиноий жазо назарда тутилган<sup>17</sup>. Фуқаро меҳнат ҳукуклари доимий ва бутунлай чекланиши мумкин эмас ҳамда доим вақтингчалик, чекланган доирада бўлади.

Меҳнат муносабатлари иштирокчиси бўлган ходимнинг меҳнат ҳуқуки субъекти сифатидаги ҳукуқ-муомала лаёқати мазмуни меҳнат қонунчилиги билан бир қаторда бошқа ҳукуқ соҳаларига таалукли нормаларида ҳам кўзда тутилган. Ходимнинг меҳнат ҳуқукий мақоми фуқаронинг юридик мақомининг таркибий қисми бўлиб, ходимнинг юридик мақоми орқали янада тўлароқ намоён бўла боради.

Ходимларнинг меҳнат ҳуқукий мақоми барча шахслар учун, уларнинг миллати, ирқи ва бошқа фарқларидан қатъи назар айни бир хилдадир. Меҳнат қилиш соҳасидаги конституциявий ҳукуқларнинг кафолатланиши, бу ҳукукларни аниқ амалга оширилиши учун шартшароитлар яратилиши фуқаролар меҳнат ҳуқукий мақомининг таркибий қисми ҳисобланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон худудида меҳнат ҳуқукий муносабат субъекти бўла олишлари учун

<sup>17</sup> Каранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Т., «Адолат», 1998, 21-бет.

энг мухим шартлардан бири – уларнинг Ўзбекистонда меҳнат фаолияти билан шуғуллана олишлари учун белгиланган тартибда рухсат (лицензия) олган бўлишлари лозимлигидир.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг<sup>18</sup> 13-моддасида чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолияти қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси нинг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом» ҳам худди шу масалага қартилган<sup>19</sup>. Фуқаролиги йўқ шахслар белгиланган тартибда Ўзбекистон худудида доимий яшаш учун гувоҳнома олганларидан кейин меҳнат фаолияти билан шуғуланишлари мумкин.

Тегишли рухсатнома (лицензия)га эга бўлмаган шахсларни Ўзбекистонда меҳнат фаолияти билан шуғуланишлари тақиқланади, бундай холлар аниқланган тақдирда чет эл фуқароси Ўзбекистондан чиқариб юборилади. Бундай шахсларнинг лицензиясиз ишга қабул қилган мансабдор шахслар тегишли хуқуқий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Фуқаролар (жисмоний шахслар) меҳнат хуқуқи субъекти сифатида муайян мажбуриятларни бажаришлари лозимлиги уларнинг меҳнат хуқуқий мақомининг энг мухим таркибий қисми ҳисобланади. Бу мажбуриятлар меҳнат шартномаси ва бошқа меъёрий хужжатларда назарда тутилади.

### **3-§. Иш берувчилар (корхона ва ташкилотлар) меҳнат хуқуқи субъекти сифатида**

Меҳнат муносабатларининг иккинчи томони – иш берувчилар бўлиб, улар юридик шахслардан иборат бўлиши мумкин. Қоидага кўра кўп холларда иш берувчи сифатида юридик шахс мақомига эга бўлган корхона, ташкилот, муассасалар, давлатнинг тегишли органлари иштирик этади. Улар меҳнат хуқукининг субъекти бўла олишлари учун зарур ҳажмда хуқук-муомала лаёқатига эга бўлишлари лозим ва ушбу меҳнат хуқукий муомала лаёқати мазмуни, яъни уларнинг ҳар бирининг меҳнат хуқуқи субъекти сифатидаги юридик статуси турлича бўлиб, қайси мулкчилик шаклига асосланишига, хўжалик юритиш шаклига, олдига кўйилган устав мақсадларига кўра ўзаро фарқ қиласи.

<sup>18</sup> Қаранғ: Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т., «Адолат», 1998, 19-сон.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1996 йил 20 ноябрда 285-сон билан рўйхатта олинган юкоридаги Низомни кўллаш юзасидан йўрикномага қаралсин.

Тадбиркорлик билан шугулланиш мақсадини кўзловчи кичик, хусусий, ўрта ва бошқа корхоналар ўз уставларида белгиланган мақсадларини амалга ошириш юзасидан меҳнат ҳукуқий муомала лаёкатига эга бўладилар, ходимларни ишга ёллаш, уларни иш билан таъминлаш, меҳнатни ташкил қилиш, иш ҳақи тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳукуклар ва мажбуриятларни кўлга киритадилар.

Иш берувчи корхона деганда қонунда белгиланган тартибда ташкил топган (рўйхатга олинган) меҳнат бозорида иш таклиф килувчи сифатида қатнаша оладиган субъект тушунилади. Тижоратчи ташкилот бўлган барча юридик шахслар ўз устав мақсадларига мос келувчи соҳада иш берувчи сифатида меҳнат бозорида иштирок этиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка кўра иш берувчи корхонанинг меҳнат ҳукуқи субъекти бўла олиш имконияти унинг расман ташкил этилиши билан юзага келади (ваколатли давлат органида рўйхатга олиниши билан боғлайди)<sup>20</sup>. Бунда икки мезон мавжуд бўлишилиги эътиборга олинмоғи лозим. Улар:

- 1) оператив;
- 2) мулкий мезонлар.

Оператив критерийга кўра корхона кадрлар танлаш – жойлаштириш билан шуғуллана билиши, меҳнатни ташкил этиши, сифатли ва самарали ишлашлик учун зарур шарт-шароитларни яратса олиши лозим.

Мулкий критерийга кўра иш берувчи – корхона ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, бажарилган иш учун ҳисоб-китоб қила билишилик лаёкатига эга эканлиги назарда тутилади (устав ва бошқа фондларга, иш ҳақи фондларига эга эканлиги). Корхонани бошқаришнинг энг муҳим масалалари қонун билан ва корхона устави билан ҳукуқий тартибга солинади.

Корхонанинг тугатилиши билан (банкротлик, ихтиёрийлик ва бошқа асослар) ва корхоналарнинг ягона давлат реестридан чиқарилиши билан корхонанинг меҳнат ҳукуқи субъекти эканлиги хам барҳам топади. Тутгатилётган корхонада меҳнат килаётган ходимлар учун қонунда муайян кафолатлар назарда тутилган<sup>21</sup>.

Ўзбекистонда амалда бўлган қонунчиликка мувофик юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда якка тартибда тадбиркорлик фаолияти юритаётган шахслар

<sup>20</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 44-моддаси; «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси, «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 15 июн.

<sup>21</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси.

ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари мумкин эмас яъни улар меҳнат ҳуқуқининг субъекти бўла олишмайди. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (2000 йил 25 май) Қонунининг 6-моддасига кўра якка тадбиркор ёки тадбиркорлар гурухи томонидан ишлар уларнинг ўз шахсий меҳнати асосида, яъни ёлланма меҳнатдан фойдаланмаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Фуқаролар тадбиркорликдан бошқа мақсадлар – майший эҳтиёжларни кондириш учун (оила боғбони, шофёри, бола тарбиячиси ва бошқалар) бошқа фуқароларни ишга ёллашга ҳақли бўлиб, бундай пайтда айрим фуқаро меҳнат ҳуқуқининг иш берувчи сифатидаги субъекти бўлиб қатнашади ва бунда муайян ҳукуқ-мажбуриятларга эга бўлади, бу ҳукуқ ва мажбуриятлар меҳнат қонунчилигига асосланади<sup>22</sup>.

#### **4-§. Касаба уюшмалари (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва меҳнат жамоалари меҳнат ҳуқуқи субъекти сифатида. Иш берувчиларнинг вакиллиги**

Меҳнат муносабатларида ходим ва иш берувчи бевосита муносабатларга ҳам, билвосита муносабатларга ҳам киришишлари мумкин. Ана шундай билвосита муносабат уларнинг вакиллари, вакиллик органлари орқали амалга оширилади.

Меҳнат ҳуқуқининг субъектлари томонидан ўз субъектив ҳукуклари ва мажбуриятларини ўзлари ваколат берган маҳсус шахслар ёки органлар орқали амалга оширилиши меҳнат муносабатларида вакиллик деб юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 21-моддасида меҳнатга оид муносабатларда ходимларнинг манфаатларини ифода этишда вакил бўлиш ва бу манфаатларни химоя қилишни корхонадаги касаба уюшмалари ва уларнинг сайлаб кўйиладиган органлари ёки ходимлар томонидан сайланадиган бошқа органлар амалга ошириши мумкинлиги айтилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳукуклари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг<sup>23</sup> 1-моддасида айтилганидек: «Касба уюшмаси кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига караб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иктисодий ҳукуқларини ҳамда манфаатлари

<sup>22</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 18 майдаги «Вактингчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида»ги 223-сонли карори ва бундай марказларнинг Намунавий Низоми. «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», 2001 йил, №10, 61-мода.

<sup>23</sup> Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонулари, Т., «Адолат», 1993, 6-сон.

ни химоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлашириди».

Касаба уюшмаларининг корхоналарда ходимлар номидан вакиллик қилиши, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини химоя қилиш усуллари ҳамда шакллари юқорида тилга олинган қонун, Меҳнат Кодекси ва бошқа қонун хужжатларида белгилаб қўйилади. Касаба уюшмаларининг меҳнат ҳуқуқий муносабат субъекти сифатидаги юридик мақомини белгилашда улар қандайдир давлат ёки жамоат органларидан мустакил, ўз фаолиятини фақат ходимлар манфаатига мос равишда амалга оширадиган орғанлар эканлиги мухим аҳамиятга эга.

Корхоналарда касаба уюшмалари тузиш, уларнинг доимий иш олиб борувчи органларини ташкил этиш (сайлаш), бу органларнинг ваколатлар доирасини белгилаш ушбу корхонада меҳнат қилаётган ходимлар жамоаси томонидан бевосита амалга оширилади.

Касаба уюшмаларининг ходимлар вакиллик органи сифатидаги фаолиятининг шакллари хилма-хил бўлиб, улар қонунларда белгилаб қўйилган. Бундай шакллар жумласига кўйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) меҳнат ва ижтимоий химоялаш масалаларига оид қонунлар ишлаб чиқилишида иштирок этиш, шу соҳада қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатлар қабул килиниши таклифларини билдириш;
- 2) ходимлар меҳнат ҳуқуқларини иш берувчилар, давлат органлари олдида, шу жумладан суд йўли билан химоя қилиш;
- 3) иш берувчилар, уларнинг ваколатли органлари, давлат билан ходимлар меҳнат шароитларини белгилаш, ўзгартириш масалалари юзасидан музокаралар олиб бориш;
- 4) меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга иш берувчилар, уларнинг вакиллик органлари томонидан риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- 5) қонунда белгиланган ҳолларда меҳнат шароитини белгилаш ёки ўзгартиришга оид меҳнат низоларини кўриб, ҳал этиш;
- 6) жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари шартларининг тўлиқ бажарилишини кузатиб бориш.

Касаба уюшмаларининг ходимлар вакиллик органи сифатидаги ҳуқуқлари хар тамонлама кафолатланади.

Касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (34-модда), Касаба уюшмалари тўғрисидаги Қонунда, Меҳнат Кодексида ва бошқа қонун хужжатларида белгилаб қўйилган. Касаба уюшмалари меҳнат ҳуқуқининг маҳсус субъектларидан бўлиб, уларнинг юридик статуси юқорида эслатилган Касаба уюшмалари тўғрисидаги Қонунда, Меҳнат Кодексида мустаҳкамланган.

Бозор муносабатлари ривожланиб, кенгайиб бораётган шароитда касаба уюшмаларининг бош функцияси – меҳнаткашларни химоя қилишдан иборат. Иш берувчилар ходимлар вакиллик органларининг корхонада фаолият юритишлари учун зарур шароитларни яратиб бериши, улар фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги, қонуний талабларини сўзсиз бажарилшлари шарт.

Меҳнат қонунлари ходимлар вакиллик органлари фаолиятида асосий меҳнат вазифасидан озод этилгани ҳолда ёки қундалик меҳнат бурчларини бажаришдан озод этилмаган тарзда иш олиб борувчи ходимлар учун кўшимча хукукий кафолатлар берилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 25-моддасида айтилишича: «Ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларига ўзларнинг вакиллик фаолиятларини амалага оширишлари муносабати билан иш берувчи томонидан бирон бир шаклдаги таъқиб қилинишдан химоя этиш кафолатланади.

Вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилишга, маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмай туриб йўл қўйилмайди». Вакиллик органларига сайланган ходимларнинг ушбу органлардаги ваколат муддати тамом бўлганидан кейин икки йил давомида иш берувчи ташабbusи билан маҳаллий меҳнат органларининг олдиндан розилиги олинмасдан туриб, ишидан бўшатилишлари мумкин эмас.

Вакиллик органига сайланган ходим ваколат муддати тамом бўлганидан кейин иш берувчи унга аввалти лавозимини бериши, бунинг иложи бўлмаса, ўша лавозимга teng келувчи бошқа вазифа бериши шарт. Бундай кафолатлар ҳақида, шунингдек, Касаба уюшмалари, уларнинг хукуклари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисидаги Қонуннинг 17-20-моддаларида ҳам белгилаб қўйилган.

Меҳнат хукукининг субъекти сифатида меҳнат жамоаси, бу – меҳнат шартномаси тузилиши асосида корхона меҳнат фаолиятида ўз меҳнати билан иштирок этаётган ходимлар бирлашмасидан иборат. Меҳнат жамоасининг меҳнат хукуки субъекти сифатидаги ваколатлари доираси, фаолият олиб бориш шакллари ва услублари қонунлар билан, биринчи навбатда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги (116-модда), Меҳнат Кодексида (19, 21, 46 ва бошқа моддалар), бошқа бир қатор қонунларда кўзда тутилган бўлиб, корхона ҳаётида уларнинг ҳам муайян рол йўнаши белгилаб қўйилган. Меҳнат жамоасининг меҳнат муносабатларида иштирок этишининг асосий шакли меҳнат жамоалари аъзолари умумий мажлиси (конференцияси)ни ўтказилишидир.

Ходимлар билан бир қаторда иш берувчилар ҳам меҳнат ҳуқукий муносабатларда ўз вакиллик органлари орқали иштирок этишлари мумкин. Меҳнат Кодексининг 28-моддасида айтилганидек: «Иш берувчилар уюшмаларга, ассоциацияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашишга ҳақлидир». Иш берувчиларнинг вакиллик органларининг меҳнат ҳуқукий муносабатлардаги мақоми ушбу жамоат бирлашмаларини таъсис этишга оид хужжатларда, уларнинг Уставлари (Низомлари)да белгилаб кўйилади. Ҳозирги пайтда ҳалқ ҳўжалиги тармоқлари, иқтисодиёт соҳасига оид корхоналарни бирлаштирувчи кўплаб ассоциациялар, корпорациялар, уюшмалар ва хоказолар фаолият кўрсатиб келмоқдалар. (Масалан: Ёнгил саноат ассоциацияси, «Ўзбексавдо» корпорацияси, Дехқон (фермер) ҳўжаликлари иттифоки ва бошқалар).

Ўзбекистон Республикасининг «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Конуни<sup>24</sup> қабул қилиниши билан кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектлари номидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари, ҳалкаро алоқалар соҳасида вакиллик қилиш муаммолари муайян даражада ҳал этилди. Ушбу Конуннинг 3-моддасида палатанинг мақсадлари ва вазифалари баён этилган бўлиб, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ифодалаш, улар номидан вакиллик қилиш унинг асосий вазифаларидан эканлиги кўрсатиб кўйилган.

Иш берувчиларнинг вакиллик органлари ходимлар, уларнинг вакиллик органлари, давлат ва жамоат органлари билан иш берувчилар номидан музокаралар олиб боради. Бунда иш берувчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиласди. Иш берувчининг вакиллик органи зиммасига юқлатилган асосий вазифалар Меҳнат Кодексининг 28-моддасида ҳам баён этилган.

### **Билимингизни текшириб кўринг**

1. Меҳнат ҳуқукининг субъектлари ҳакида гапириб беринг.
2. Ходимлар меҳнат ҳуқукининг субъекти сифатида қандай макомга эга?
3. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистонда қандай тартибида меҳнат ҳуқуки субъекти бўладилар?
4. Иш берувчилар (корхона, ташкилотлар) меҳнат ҳуқукининг субъекти сифатида қандай ҳуқукий макомга эга эканлигини сўзлаб беринг.
5. Ходимлар вакиллик органлари меҳнат ҳуқуки субъекти бўладиларми?
6. «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Конун ҳакида сўзлаб беринг.

---

<sup>24</sup> Қаранг: Ўзбекистоннинг янги конунлари, Т., «Адолат», 1997, 16-сон,

## IV боб. МЕХНАТГА ОИД ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

### 1-§. Мехнатга оид хукукий муносабатлар ва уларнинг турлари

Мъйлумки, моддий ва маънавий бойликлар яратилиш жараённида ижтимоий алоқалар — муносабатлар юзага келади ҳамда бу муносабат иштирокчиларининг бир-бирларига нисбатан содир этадиган ҳатти-харакатлари муайян қоидалар доирасида бўлиши, ижтимоий тартибга солиниши лозим. Мехнат муносабатлари қоидалари ахлокий, урф-одат, жамоат ташкилотларининг корпоратив нормалари билан тартибга солинади. Аммо меҳнат жараёнидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг энг таъсиран, энг самарали шакли – меҳнатга оид хукуқ нормалари билан тартибга солинишидир. Хукуқ нормалари таъсирида меҳнатга оид ижтимоий муносабатлар меҳнатга оид хукукий муносабатларга айланади.

Мехнат соҳасидаги хукукий муносабатларнинг хукукий бўлмаган (маънавий-ахлокий, урф-одат қоидаларига асосланувчи) муносабатлардан фарқли томони шундан иборатки, меҳнат хукукий муносабатлари давлатнинг қонунчилик, мажбурий қоидалар ўрнатиши, давлат мажбурловини кўллаш фаолияти билан боғлиқ бўлади. Меҳнатга оид хукукий муносабатларда уч томонлама (ходим – иш берувчи – давлат) алоқалар мавжуд бўлади ва шу туфайли ходим билан иш берувчи ўртасидаги субъектив хукуқ ва мажбуриятлар ҳар бирининг давлат билан хукукий алоқаларига таянади. Бундай алоқаларнинг мавжудлиги меҳнат хукукий муносабат иштирокчиларига ўзаро муайян ҳаракатларни бажариш хукуқинигина бериб қолмасдан, балки маълум ҳулқ-атвор қоидаларига амал қилиш, ўз хукуқ ва мажбуриятларини давлатнинг куч ишлатиш – мажбурлаш қудратига таянган ҳолда амалга ошириш кафолатини беради.

Мехнат соҳасидаги хукукий муносабатлар ижтимоий муносабатларга меҳнат қонун хужжатлари билан таъсир кўрсатиши натижаси эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, бу муносабат иштирокчиси ҳар доим давлат эканлиги, унинг эрки-иродаси мунтазам мавжуд бўлиб туриши англанмоғи лозим. Шу билан бирга меҳнатга оид

хуқуқий муносабатларнинг юзага келиши ва мавжуд бўлиши унинг томонлари бўлган ходим ва иш берувчининг эрки-ҳоҳиши билан белгиланади.

Мехнатга оид ижтимоий муносабатларнинг хуқуқ нормалари билан тартибга солиниши меҳнат хуқуқий муносабат тизимини юзага келтиради. Ҳозирги пайтда меҳнатга оид хуқуқий муносабатлар тизимиға куйидагилар киради:

- 1) меҳнат қилиш билан боғлиқ хуқуқий муносабатлар;
- 2) иш берувчи ва касаба уюшмаси ўртасидаги ташкилий-бошқарув муносабатлари;
- 3) ишга жойлаштиришга оид хуқуқий муносабатлар;
- 4) касбий тайёрлаш ва малака ошириш билан боғлиқ хуқуқий муносабатлар;
- 5) меҳнат муҳофазаси ва меҳнат қонунларига риоя қилишни назорат қилиш соҳасидаги хуқуқий муносабатлар;
- 6) меҳнат низоларни ҳал этишга оид хуқуқий муносабатлар.

Юкорида барча хуқуқий муносабатлар тирик меҳнатни кўллаш (фуқаролик хуқуқидаги буюмлашган, меҳнат натижаларидан иборат бўлган меҳнатдан фарқ қилиб) билан боғлиқлиги туфайли ягона табиатдаги хуқуқий муносабатлар тизимини ташкил этади.

Мехнатга оид хуқуқий муносабатлар орасида меҳнат муносабатлари етакчи ва бириктирувчи аҳамиятга эга бўлади. Мехнат қилишга қартилган хуқуқий муносабатлар туфайлигина бошқа меҳнатга оид муносабатлар юзага келиши мумкин. Мехнат хуқуқий муносабатлар бўлмаса, уни ташкилий-бошқарув билан, ишга жойлаштириш билан, малака ошириш, касбга ўргатиш билан боғлиқ хуқуқий муносабатларнинг бўлиши мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, меҳнат хуқуқий муносабатлар юз бермаса, меҳнатга оид барча бошқа муносабатлар ўз мазмуни ва аҳамиятини йўқотади.

Мехнат хуқуқий муносабат билан боғлиқ бўлган барча бошқа хуқуқий муносабатларни уч гурухга бўлиш мумкин:

- 1) меҳнат хуқуқий муносабат юз бериши олдидан вужудга келувчи хуқуқий муносабатлар (ишга жойлаштириш, касб ўргатиш, сайлов ёки танловда қатнашиш ва бошқалар);
- 2) меҳнат хуқуқий муносабатлар билан бирга юз берувчи ва ёнмаён амалга ошувчи хуқуқий муносабатлар (мехнатни муҳофаза қилиш, меҳнат қонунлари устидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатлар);
- 3) меҳнат хуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи (мехнат шартномасини бекор бўлиши натижасида ходимларни моддий таъминлаш,

ишга қайта тиклашга қаратилган мөхнат низоларини кўриб чиқиши билан боғлиқ бўлган муносабатлар).

Мөхнатни қўллаш соҳасига оид барча хуқукий муносабатларнинг умумий хусусияти – моддий ва маънавий бойликлар бунёд этиш жараёнидаги ижтимоий муносабатларнинг юридик ифодаланиш шакли эканлигига ҳамда давлат ва мөхнат муносабатлари томонлари эрки-иродаси ифодаланишида, мөхнат хукуки нормалари ҳамда томонлари рўёбга чиқишида ўз аксими топади.

Ижтимоий мөхнат муносабатларини давлат йўли билан, норматив-хукукий актлар воситасида тартибга солиниши мөхнат бозорини шакллантирилиши, ривожлантирилиши, мөхнат муносабатларига бозор коидаларини кенгроқ жорий этиш, мөхнатни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларида чуқур иқтисодий, хукукий ислоҳотларни амалга ошириш имконини беради, бу ислоҳотларга ташкилий ва изчиллик тусини беради.

Ислоҳотлар жараённинг натижаси сифатида мөхнатни давлат йўли билан тартибга солиш фаолиятини тобора такомиллаштирилиб борилаётганлиги эътиборга сазовордордир. Маълумки, мамлакатимиз миқёсида мөхнатни бошқариш ва бу соҳадаги давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишида маҳсус ваколатта эга бўлган давлат бошқарув органларининг аҳамияти юксакдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 13 февралдаги ПФ-7810-сонли «Ўзбекистон Республикаси Мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 февралдаги 75-сонли «Мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан Мөхнат вазирлиги ва аҳолини ижтимоий таъминлаш вазирлиги тутатилиб, улар негизида Ўзбекистон Республикасининг Мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 апрелдаги 162-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисида Низом» тасдиқланди<sup>25</sup>.

Ушбу Низомнинг 2-бандига кўра: «Ўзбекистон Республикаси Мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги мөхнат, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий таъминоти соҳасида давлат бошқарувининг марказий органи хисобланади. Унинг ўз ваколатлари доирасида қабул қиласидаги қарорлари вазирликлар, идоралар, жойлардаги ҳокимият ва бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва муассасалар, шунингдек фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий хисобланади».

---

<sup>25</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2001 йил, №7, 36-модда.

Вазирлик тўғрисидаги Низомнинг 8-бандида унинг асосий вазифалари сифатида куйидагилар белгилаб қўйилган:

Халқнинг моддий фаровонлиги барқарор ўсишини таъминлашга қаратилган ягона ижтимоий сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш шароитида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш;

Демографик ривожланиш прогнозларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, меҳнат бозорини шакллантиришга доир фаол сиёсат юритиш ва меҳнатга яроқли аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш, меҳнат ресурслари баланслари асосида иш ўринлари барпо этиш ва кадрлар тайёрлашнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш;

Меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва нормаллаштиришнинг шартлари, ташкил этиш тизимларини такомиллаштириш юзасидан бозор шароитларига мувофиқ чоратадбирларни ишлаб чиқиш кабилар ва бошқалар.

Ушбу вазифалар билан боғлиқ равишда унга муайян функциялар ҳам юклатилган. Низомнинг 9.3-бандига мувофиқ вазирликнинг асосий функцияларидан бири бўлиб меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнатни ташкил этиш, унинг шарт-шароитлари ва муҳофаза қилишини такомиллаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори билан вазирликнинг ташкилий тузилмаси тасдиқланган.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида меҳнатни бошқариш фаолияти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг туман (шаҳар)лардаги бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Вилоятларда ва Тошкент шаҳрида меҳнат ва ижтимоий муҳофаза масалалари билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва унинг тизимиға кирувчи органлар шуғулланадилар.

Туман (шаҳар)ларда вазирлик тасаррufида бўлган меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари, ижтимоий таъминот бўлимлари фаолият олиб борадилар. Уларнинг фаолиятлари ваколатли орган томонидан тасдиқланган Низомларга мувофиқ тартибга солинади.

2-\$. Ходим ва иш берувчи ўртасидаги бевосита меҳнат хуқукий муносабатлар

Меҳнат хуқукий муносабатлар меҳнатга оид хуқукий муносабатлар орасида асосий ўрин тутиши юқорида айтиб ўтилди.

Мехнат хуқукий муносабат – ижтимоий-мехнат муносабатларининг юридик ифодаси бўлиб, меҳнат бозорида ходим (муайян касб, малака, лавозимга оид ишни ички меҳнат тартибига амал қилган ҳолда бажарувчи томон) ҳамда иш берувчи (ходимни иш билан таъминловчи, меҳнат шароитларини яратиб берувчи, ходим меҳнатига ҳақ тўловчи томон) ўртасида юзага келувчи ижтимоий хуқукий муносабатлардан иборат.

Мехнат қонунларида назарда тутиб қўйилган субъектив хуқуқлар ва унга мос келувчи субъектив мажбуриятлар меҳнат хуқукий муносабат томонлари ўртасидаги муносабатларни хуқукий тартибга солиш имконини беради.

Мехнат хуқукий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан бўлиб кўйидагилар саналади:

а) фуқарони муайян корхона меҳнат жамоаси таркибига қўшиб олиниша ва шу туфайли унинг муайян корхона ходими мақомини олишилиги;

б) ходим муайян касб, малака, лавозимга оид ишни бажариши – бу муносабат обьекти эканлиги;

в) томонлар хатти-ҳаракати ички меҳнат тартиби қоидалари билан тартибга солинишлиги, бу хусусиятлар меҳнат хуқукий муносабатларни бошқа хуқуқ соҳасига оид муносабатлардан (фуқаролик) фарқлаш имконини беради.

Мехнат хуқукий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан бўлиб уларнинг:

а) шахсий характердалиги;

б) улар ҳақ тўлашга асосланганлиги;

в) давомли эканлигига кўзга ташланади.

Мехнат хуқукий муносабатларнинг шахсий эканлиги, энг аввало, меҳнатга оид хуқуқлардан фойдаланиш бевосита ходим – якка шахс эркига боғлиқлиги, мажбуриятларни қабул килишлик ҳам фақат ходимнингина хоҳишига боғлиқлигига, шунингдек, ишга қабул килиш, ҳар бир ходимни бошқаси билан алмаштириш, фақат иш берувчи хоҳиши билан ҳал этилишида кўзга ташланади. Мехнат муносабатларида жамоа субъектлар (мехнат жамоаси, касаба уюшмаси қўмитаси) қатнашишлиги меҳнат муносабатлари шахсий хусусиятини инкор этмайди ва ҳар доим меҳнат муносабати икки томонламалигича қолаверади.

Мехнат хуқукий муносабатларнинг ҳақ тўлашга асосланганлиги хусусияти унинг тарафлари хуқуқ ва мажбуриятлари меҳнат ҳақи тўлашга каратилган бўлиб, бу норма меҳнат хуқукий муносабатларнинг муҳим таркибий элементи хисобланади, бу ҳақда меҳнат шартномаси тузиш пайтида келишиб олинади. Иқтисодий томондан олганда меҳнат хуқукий муносабатларнинг ҳақ тўлаш асосига қурилганлиги,

иш ҳақи тўланиши, унинг миқдори ёлланма ходимни мулқдор, иш берувчи томонидан эксплуатация қилиниш даражасини акс эттиради.

Мехнат ҳуқукий муносабатларнинг давомийлиги, муайян иш ҳажмининг бажариб бўлиниши билан барҳам топмаслигидир. Ходим маълум ҳажмдаги ишни бажариши учун эмас, балки муайян вазифа, касб, лавозимга оид меҳнат функцияларини узоқ вақт давомида бажариш мақсадида ишга киради, қабул қилинади. Ходимнинг ишда бўлмаслиги, малака ошириш учун таътилга кетганлиги у билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари барҳам топишини англатмайди ва меҳнат муносабатлари давом этаверади.

## **Меҳнат ҳуқукий муносабатларнинг мазмуни**

Меҳнат ҳуқукий муносабатлар меҳнат қонунлари ва меҳнат муносабатлари каби икки социал воқеликнинг маҳсули саналади. Меҳнат ҳуқукий муносабатларининг ўрнатилиши бир томондан ходимнинг, иккинчи томондан иш берувчининг меҳнат жараёнидаги амалий фаолиятларини тартибга солишдан иборатdir. Бу амалий фаолият меҳнат шартномасини тузиш, меҳнат шароитларини таъминлаш ва ҳоказолардан иборат бўлиб, меҳнат муносабатлари мазмунининг моддий томонини ташкил этади.

Меҳнат муносабатлари иштироқчиларининг ҳуқук ва мажбуриятлари, субъектив ҳуқукий ҳолат меҳнат муносабатларининг иродавий мазмунидан иборатdir.

Ходимнинг ҳукуқлари ва мажбуриятлари, иш берувчининг ҳуқук ҳамда мажбуриятлари меҳнат ҳуқукий муносабатлар мазмунининг энг муҳим таркибий қисми, зарур элементидир.

### **3-§. Бошқа турдаги меҳнатта оид муносабатлар**

Меҳнат ҳуқукий муносабатлар билан боғлик равишида юз берадиган меҳнатта оид ҳуқукий муносабатларнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

#### **1. Меҳнатта оид ташкилий бошқарув муносабатлари**

Мехнат ҳуқуки билан тартибга солинадиган муносабатлардан бири – корхона меҳнат жамоаси, касаба уюшмалари қўмиталари, иш берувчи вакиллик органлари иштирок этадиган ташкилий-бошқарув муносабатлари меҳнат ҳуқуқида муҳим ўрин тутади. Бундай ташкилий-бошқарув муносабатлари касаба уюшмалари билан давлат органлари ўртасидаги алоқаларни ҳам ўз ичига олади. Бу алоқалар турли даражадаги касаба уюшмалари органлари билан турли давлат органлари орасидаги алоқаларни қамраб олади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иш берувчилар ва касаба уюшмалари, иш берувчилар ҳамда корхона меҳнат жамоаси меҳнат шароитларини белгилаш ва ўзгартиришга оид бошқарув муносабатлари муҳим ўрин тутади. Бу ҳуқукий муносабатлар меҳнат ҳуқуки нормаларининг ижтимоий муносабатларини тартибга солишидаги самарадорлининг оширишга қаратилгандир.

Корхона иш берувчиси – меҳнат жамоаси, корхона иш берувчиси – касаба уюшмаси тарзидаги турли субъектли муносабатлар шаклидаги ташкилий-бошқарув муносабатлари ёки бевосита ишлаб чиқариш демократиясини ифодалайди. Шу билан бирга бошқарув муносабатларида корхона иш берувчиси устувор мавқега эга бўлади.

Ташкилий бошқарув муносабатларда корхона иш берувчиси зиммасига муайян мажбуриятлар юклатилади. Бундай муносабатларда меҳнат жамоаси ва касаба уюшмалари қўмиталарининг иштирок этиш шакллари турлича бўлиб, қонун хужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ташкилий бошқарув муносабатлари одатда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш, локал хужжатлар қабул қилиш юзасидан қарорлар қабул қилиш, меҳнат қонунларини кўллаш зарурати туфайли юзага келади. Бундай қарорларни қабул қилиш ташаббуси одатда иш берувчидан, баъзан эса касаба уюшмаси қўмитасидан ҳам чиқиши мумкин.

Ташкилий бошқарув соҳасидаги ҳуқукий муносабатларни барҳам топишига олиб келадиган юридик фактлар жумласига ушбу масалага оид аввал амал қилиб келган акт (қарор)ни бескор қилиниши ёки бошқа ана шундай қарор қабул қилиниши кабилар киради.

## **2. Ишга жойлаштиришга оид ҳуқукий муносабатлар**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида назарда тутилган фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқига эга эканликлари фуқаро ҳуқукий статусининг муҳим элементларидан бири бўлиб, бу ҳуқукни амалга оширилиши умумий ҳамда маҳсус юридик кафолатлар воситаси-

да таъминланади. Аҳолини ишга жойлаштириш давлат тузилмалари орқали амалга ошириладиган иш билан таъминлаш фаолияти ана шундай юридик кафолатлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда ишга жойлаштириш фаолияти билан шугулланувчи давлат органлари сифатида Ўзбекистон Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг вилоятлар, туман (шаҳар)лардаги мажхабий меҳнат бўлимлари фаолият юритадилар. Ушбу муносабат мазмуни ҳуқуқ ва мажбуриятларнигина эмас, меҳнат органи томонидан фуқарони иш билан таъминлашга қаратилган аниқ ҳаракатлар қилинишини, иш топиб бериш имкони бўлмагандан эса уни ўқитиш – янги касбга ўргатиш, моддий жихатдан кўллаб-кувватлашни ҳам ўз ичига олади.

Ишга жойлаштиришга оид бўлган ҳуқуқий муносабатлар фуқаро ўзига иш излай бошлиши муносабати билан юзага келади ва ўзаро боғлиқ, аммо нисбатан мустақил бўлган куйидаги ҳуқуқий муносабатларни камраб олади:

- а) ишга жойлаштириш органи билан иш сўраб мурожаат қилган фуқаро ўртасидаги муносабатлар;
- б) ишга жойлаштириш органлари билан иш кучига муҳтоҷ бўлган корхона – ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар;
- в) ишга юборилган фуқаро билан корхона – ташкилот ўртасидаги муносабатлар.

Фуқаро билан ишга жойлаштириш органлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлиши ягона юридик фактга – фуқаронинг иш сўраб мурожаат қилишига асосланади. Ишга жойлаштириш органи мурожаат қилган фуқарони рўйхатга олиши, мақбул келадиган ишни топишида амалий ёрдам кўрсатиши лозим бўлади. Ҳозирги пайтда ишга жойлаштириш органлари билан корхона, ташкилотлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар етарли даражада тартибга солинган бўлиб, унинг асосий мақсади қўнимизликни камайтириш, меҳнат ресурсларидан тўла ва оқилона фойдаланишга кўмаклашишдан иборат.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишга жойлаштириш органлари иш берувчиларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий ваколатларга эга бўлмаган ҳолда одатда, воситачилик вазифасини бажарадилар. Фуқарони ишга юбориш ҳақида ишга жойлаштириш акти икки томонлама ҳуқуқий хусусиятга эга бўлиб, биринчидан тавсиявий характерга эга бўлса, иккинчидан мажбурий кучга эга бўлади.

Ишга юборилган фуқаро билан корхона, ташкилот ўртасида ишга қабул қилиш юзасидан пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатлар ишга жойлаштиришга оид меҳнат ҳуқуқий муносабатларнинг якупловчи босқичи ҳисобланади. Фуқаронинг ишга қабул қилиниши ёки юборилган корхонада ишлашдан бош

тортиши билан ишга жойлаштиришга оид муносабатнинг барҳам топишига сабаб бўлади.

### **3. Ишлаб чиқаришнинг бевосита ўзида кадрларни тайёрлашга оид хуқуқий муносабатлар**

Корхонани ривожлантириш, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш зарурати туфайли корхона мулкдори, иш берувчиси ходимларининг касбий тайёргарлигига мунтазам равишда эътибор бериши лозим бўлади. Ходимларни касбий тайёрлаш жараёнида шогирдлик, малака ошириш, таълимга раҳбарликни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган уч турдаги хуқуқий муносабатлар юз беради.

Шогирдликка оид муносабатлар фукаро ва иш берувчи ўргасида тузиладиган шартнома асосида юз бериб, унга кўра иш берувчи фукаронинг янги касбни эгаллаши учун якка, бригада ёки маҳсус курсларда таълим олишини ташкил этади, таълим тамом бўлгач эса тегишли касб бўйича иш билан таъминлайди. Фукаро эса ўзи учун янги касбни эгаллаш, таълим муддати тамом бўлгач эса ушбу корхонада ишлаш мажбуриятини олади. Шогирдлик шартномаси ўз меҳнат фаолиятини эндигини бошлаган шахслар билан ҳам, меҳнат фаолияти билан шуғулланиб келган шахслар билан ҳам тузилиши мумкин.

Шогирдлик шартномаси билан меҳнат шартномаси ўргасида ўхшаш томонлар кўп бўлиб, ҳар иккиси ҳам корхона меҳнат жамоаси доирасида, ички меҳнат тартибига амал қилган ҳолда юз беради. Бирок, шогирдлик муносабати таълим олиш, касб ўрганиш билан боғлиқ бўлса, меҳнат шартномаси аниқ меҳнат вазифаларини бажариш, иктиносидий натижага эришиш зарурлиги билан боғлиқ бўлади. Одатда, шогирдлик муносабати меҳнат муносабатлари вужудга келишидан олдин юз беради.

Кадрларни тайёрлаш малака ошириш орқали ҳам амалга оширилиши, шу билан боғлиқ меҳнат хуқуқий муносабатлар юз бериши мумкин. Малака оширишга оид хуқуқий муносабатлар билан шогирдлик муносабатлари ўргасида ўхшашлик билан бир қаторда фарқлар ҳам мавжуд. Малака ошириш муносабатлари амал қилиб турган меҳнат шартномаси доирасида амалга оширилади.

Шогирдларга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ муносабатлар малакали ходим билан иш берувчи ўргасида тузилади ва унга кўра малакали ходим шогирдларни касбга ўргатиш мажбуриятини олади, шу билан боғлиқ кўшимча хуқуқларга эга бўлади.

### **4. Меҳнат муҳофазаси ва меҳнат қонунларига амал қилиниши устидан назорат қилиниши билан боғлиқ хуқуқий муносабатлар**

Мехнат муҳофазаси устидан самарали назоратни таъминлаш ҳар бир давлат олдида турган муҳим вазифалардан саналади. Мехнат муҳофазаси устидан назорат қилишга оид муносабатларнинг субъекти бўлиб, назорат органи сифатида маҳсус ваколатга эга бўлган давлат органлари, касаба уюшмалари, мажбуриятга эга бўлган томон сифатида эса корхона, муассаса, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари саналади. Назорат фаолияти ҳар доим кафолатлаш функциясини бажариб, ходимларни хавфсиз ва соглом меҳнат шароитларида нормал ишлаширини таъминлашга қаратилади.

Назорат олиб бориш фаолияти давомли фаолият бўлиб, корхона лойихалаштирилаётган пайтдан бошланиб, то корхона ишлаб чиқариш фаолиятини бутунлай тўхтатмагунича давом этади. Назоратга оид ҳуқуқий муносабат ўз мазмунига кўра ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси билан бир қаторда томонларнинг меҳнат шароитини яхшилаш бўйича амалга оширадиган харакатларни камраб олади. Бундай ҳуқуқ ва мажбуриятлар Меҳнат Кодексида, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги Қонунларда, бошқа қонун хужжатларида белгилаб қўйилган.

Корхона ва ташкилотлarda меҳнат муҳофазаси устидан назорат қилиш билан бир қаторда меҳнат қонунларига риоя этилиши устидан назорат қилиш фаолияти ҳам амалга оширилади. Ушбу ҳуқуқий муносабат прокуратура, бошқа маҳсус назорат органлари, касаба уюшмалари томонидан олиб бориладиган қонунчиликни назорат қилип ишлари оқибатида вужудга келади.

Мазкур назорат фаолиятининг мақсади меҳнат қонунларининг бузилишига йўл қўймаслик, қонунбузарлик содир этилганда эса айборларни топиш – жазолаш орқали ходимлар ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашдан иборат. Бундай назорат обьекти бўлиб корхона ва ташкилотлар, уларнинг таркибий бўлаклари, корхоналар мансабдор шахсларининг кундалик фаолиятлари ҳисобланади.

Корхона, ташкилот иш берувчилари назорат қилувчи органлар фаолиятига ҳалақит бермасликлари лозим. Назорат якунлари бўйича тегишли хужжатлар (далолатнома, маълумотнома) тузилади.

## **5. Меҳнат низоларини ҳал этиш юзасидан ҳуқуқий муносабатлар**

Меҳнат муносабатлари жараёнида ходим ва иш берувчи ўртасида юз берадиган ихтилофларни ҳал этиш билан боғлиқ тарзда меҳнат низолари ҳамда уларни кўриб, ҳал қилишга оид ҳуқуқий муносабатлар юзага келади. Бу муносабатлар меҳнат муносабатларидан ҳосил бўлиб, меҳнат

муносабатлари давомида юзага келади. Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 259-моддасига кўра якка меҳнат низоси, бу – иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив хужжатлар, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликлардир.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 260-моддасида айтилишича, якка меҳнат низолари:

- меҳнат низолари комиссиялари;
- туман (шаҳар) судлари;

– қонунда маҳсус кўрсатилган ҳолларда бўйсуниш тартибида юкори турувчи органлар тамонидан;

– меҳнат шартларини белгилаш, ўзгартиришга оид жамоага доир меҳнат низолари маҳсус тузиладиган органлар тамонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Хуқукий муносабатни вужудга келишига сабаб бўладиган юридик факт бўлиб, якка меҳнат низолари бўйича манфаатдор ходимнинг, жамоага доир меҳнат низолари бўйича эса тегишли томонни (иш берувчи ёки ходимлар вакиллик органи) низони кўриб чиқишни сўраб қилган мурожаати ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан зарур процессуал ҳаракатлар бошланишига сабаб бўлади.

Мазмунига кўра бундай хуқукий муносабатлар якка ёки жамоага доир меҳнат низоларини кўрилиши билан фарқланади. Меҳнат низоларини кўриш билан боғлиқ процессуал муносабатлар давомли муносабатлардан бўлиб, низони кўриб ҳал этган орган чиқарган қарор (ҳал қилув қарори, ажрим) қонуний кучга кириши бу муносабатларни барҳам топишига олиб келувчи юридик факт бўлиб ҳисобланади.

#### **4-§. Меҳнат хуқукий муносабатларнинг келиб чиқиши, ўзгариши ва бекор бўлиши**

Меҳнат хуқукий муносабатлар бошлангич нуқтасига ва ўз интиҳосига эга. Ҳатто бу муносабатлар ўз ривожланиши жараёнида ўзгартирилиши хам мумкин. Меҳнат муносабатлари юз бериши, ўзгариши ёки барҳам топиши билан боғлиқ бўлган юридик фактлар қонунчилик нормалари билан назарда тутилган.

Меҳнатга оид хуқукий муносабатларнинг юзага келиши қоида тарикасида меҳнат шартномаси (контракти) тузилиши, унда икки томоннинг хоҳиш-иродаси, ходимнинг ишга кириш истаги, иш берувчининг эса ишга қабул қилишга рози эканлиги билан боғлиқ бўлади.

Иш жойларининг квоталаниши, брон килиниши, танлов, сайлов ўтказилиши муносабати билан юзага келадиган меҳнат хуқукий муносабатлари мураккаб таркибли юридик фактларга асосланади. Меҳнат хуқукий муносабатларни ву-

жудга келиш асослари икки хил аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан ходимни меҳнат жамоасига қўшилиш тартибини белгиласа, иккинчидан меҳнат функциялари, касб ва лавозим учун тўланадиган иш ҳақи турини аниқлашга қаратилган бўлади.

Меҳнат шартларининг ўзгаришига ҳам шартномавийликка асосланган юридик фактлар асос бўлади. Амалдаги қонунчиликка кўра ходимни бошқа ишга ўтказиш ходим ва иш берувчининг ўзаро розилиги билангина амалга оширилиши мумкин (бир томонлама тарзда амалга оширилишига қонунга кўра йўл қўйиладиган маҳсус ҳоллардан ташқари).

Мавжуд меҳнат қонунчилиги меҳнат шартномасини бекор қилишликни шартнома асосида ҳам, тарафлардан бирининг талаби билан ҳам юз беришини кўзда тутади.

#### **Билимингизни текшириб қўринг**

1. Меҳнат ҳуқукий муносабатлар деганда нималарни тушунасиз?
2. Меҳнат ҳуқукий муносабатлар юз бериши асослари ҳақида нималарни биласиз?
3. Меҳнат ҳуқукий муносабатларнинг турлари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Меҳнат ҳуқукий муносабат мазмуни деганда нимани тушунасиз?

## **В боб. ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ВА ЖАМОА КЕЛИШУВЛАРИ**

### **1-§. Жамоа шартномаси ва жамоа келишувлари тушунчаси, уларнинг меҳнат хуқуқий муносабатларни тартибга солинишидаги ўрни**

Янги иқтисодий муносабатлар қарор топаётган ва тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда корхоналардаги ходимлар ва иш берувчилар манфаатларини мувофиқлашнинг, зарур ишлаб чиқариш шароитлари яратилишини таъминлашнинг ташкилий-хуқуқий воситаларидан бири жамоа шартномаси ва жамоа келишувидир. Жамоа шартномаси ва жамоа келишуви ходимларнинг ҳам, иш берувчиларнинг ҳам фаолликларини оширишга ёрдам беради. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 29-моддасида таъкидланганидек, жамоа шартномаси ва жамоа келишуви корхоналарда, муайян қасб ходимлари, тармоқ, худуд ходимларининг меҳнатга оид ижтимоий-иқтисодий, қасбга оид муносабатларни тартибга солувчи, меҳнат шартлари ва ижтимоий кафолатлар белгилашга қаратилган мөъёрий хужжат ҳисобланади.

Жамоа шартномалари ва келишувлари ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади.

Жамоа шартномаси – корхона, унинг филиали, ваколатхонаси ходимлари билан иш берувчи ўртасида тузиладиган ва социал-меҳнат муносабатларини тартибга солишга хизмат қилувчи хуқуқий актдир. Ўзбекистонда меҳнат бозорининг вужудга келиши ва меҳнат соҳасида янги ижтимоий алоқаларни пайдо бўлиши муносабати билан жамоа шартномаси моҳияти ва мазмуни ўзгариб бормоқда. Ҳозирги пайтда жамоа шартномалари ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги социал-шерикчилик муносабатларининг, бевосита меҳнат муносабатларининг тартибга солининг асосий шаклларидан бирига айланмоқда.

Бугунги кундаги жамоа шартномаси конкрет корхона ва ташкилотларда Меҳнат Кодекси вазифасини бажарувчи локал норматив хужжат тусини олиб бораёттир. Унинг воситасида айрим олинган бир корхона-ташкилотда унинг мулкчилик шаклидан қатъи назар меҳнат шароитларининг автоном тизимиға эришиш таъминланмоқда.

Бозор муносабатлари шароитида жамоа шартномаларининг хуқуқий моҳияти бир хил бўлмасдан, икки томонлама тамойилга асосланади. Биринчидан, корхона мулкдори, тадбиркорнинг корхонани бошқаришдаги автономлиги, иккинчидан эса меҳнат, социал-иқтисодий ва қасбий масалаларининг ҳал этилишида қасаба уюшмалари фаол иштирок этиши тамойиллари амал қиласи.

Жамоа шартномаси ўз мақсадлари тарқаладиган шахслар доираси, норматив-юридик кучига кўра одатдаги фуқаролик-хуқуқий шартномалардан тубдан фарқ қиласди.

Социал-шерикчилик муносабатларини корхона, ташкилот дара-жасида тартибга солувчи локал норматив-хуқуқий хужжат сифатида жамоа шартномаси икки томон: ёлланма ходимлар ва иш берувчилар манфаатини ўзида ифодалайди. Шу сабабли бундай ҳамкорлик шакли бипартизм номини олди.

Социал шерикчиликнинг бошқа шакллари минтақа, тармоқ дара-жасида – минтақавий жамоа келишувлари, умумдавлат миқёсида – бош жамоа келишувлари кўринишида амалга оширилиши мумкин. Бундан социал ҳамкорлик кўпчилик ҳолларда нафақат икки томон (ходим ва иш берувчи) манфаатларини балки унда учинчи томон сифатида қатнашу-вчи давлат манфаатларини ифодалайди.

Жамоа шартномаси меҳнат хуқуқининг муҳим институтларидан би-ри сифатида қонунлар, конун хужжатлари, тармоқ локал норматив-хуқуқий хужжатларини кенг камраб олади. Булар каторига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси (29-56-моддалар), Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги конун ва бошқа қонунлар; Ўзбе-кистон Касаба ўюшмалари Федерацияси Кенгашнинг 2000 йил 10 январ-даги 35-05/11-сонли «2000 йил учун жамоа шартномаларини тузиш бўйи-ча тавсиялар», кўплаб тармоқ ва минтақа келишувлари, касаба ўюшмалари фаолияти ва бошқаларни киритиш мумкин.

Корхоналарда жамоа шартномалари тузилиши қўйидаги тамойил-ларга таянади:

- а) қонунларга амал қилиш шартлиги;
- б) тарафлар вакилларининг ваколатлилиги;
- в) тарафларнинг teng хуқуқлилиги;
- г) жамоа шартномаси таркибига кирувчи масалалар танланишининг ва муҳокама этилишининг эркинлиги;
- д) мажбуриятларни зиммага олинишининг ихтиёрийлиги;
- е) олинган мажбуриятлар бажарилишининг таъминланиши;
- ж) жамоа шартномаси шартларини бажарилиши устидан назорат олиб борилиши ва жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Жамоа шартномаси шартлари ва унда кўзда тутилган норматив-хуқуқий қоидалар тегишли корхона иш берувчиси ҳамда ходимлари учун мажбурий кучга эга. Аммо ундаги қоидалар ходимлар аҳволини конунда белгиланганидан ёмонлашувини кўзда тутадиган бўлса, унинг қоидалари ўз-ўзидан хуқуқий хисобланмайди.

Жамоа шартномалари тузишнинг бугунги кунги foяси қонунлар до-ирасидан ташқарида, конунчиликка ва давлат манфаатларига зиён етказма-

ган холда меҳнат муносабатларини тартибга солишида социал-шерикчиликни кучайтиришга қаратилгандир.

## 2-§. Жамоа шартномаси тарафлари ва шартноманинг тузилиш тартиби

Жамоа шартномаси тарафлари сифатида бир томондан – ўз вакиллик органи (касаба уюшмаси кўумитаси) орқали корхона меҳнат жамоаси аъзолари бўлган ходимлар, иккинчи томондан эса ўз раҳбар орқали корхона иш берувчиси қатнашади. Жамоа шартномаси тарафи сифатида айrim олинган ходим эмас, балки корхона ёки таркибий бўлим (цех, бўлим ва х.к.) меҳнат жамоаси яхлит холда қатнашади. Ходимлар ёки меҳнат жамоаси жамоа шартномаси қабул қилинишда бевосита қатнашмайди ва бу вазифа касаба уюшмаси кўумитаси томонидан бажарилади.

Амалдаги меҳнат қонунчилиги нормаларига кўра жамоа шартномаси ишлаб чиқиши ва қабул қилишнинг мажбурий қоидалари (процедураси) назарда тутилган. Музокоралар олиб бориш жамоа шартномаси ишлаб чиқишидаги дастлабки босқич саналади ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 31-моддасига кўра: «Ҳар қайси тараф жамоа шартномаси, келишувини тузиш ва ўзгартириш юзасидан музокоралар олиб бориш ташаббуси билан чиқиши хукуқига эга».

Бунинг учун манфаатдор томон иккинчи томонга ёзма хабар юборади. Тегишли ёзма хабар олганидан кейин етти кун ичидаги тақлифни олган тараф музокораларга кириши лозим. Ходимлар номидан иш берувчи вакили саналувчи шахслар томонидан музокоралар олиб боришига йўл кўйилмайди. Музокоралар олиб бориш жараёнида томонлар ўртасида тортишув юз берадиган бўлса, бу холда тегишли баённома тузилади ва З кун ичидаги келиштириш комиссияси тузилади. Комиссия қарама-қаршиликларни бартараф эта олмаса, ундай холда низони ҳал этиш учун томонлар ўзаро келишиб белгилайдиган органга мурожаат қилинади.

Музокоралар олиб боришида бевосита иштирок этувчи шахслар учун кўшимча кафолатлар белгиланган бўлиб, уларнинг ўртача иш хақлари сақланган холда вазифаларини бажаришдан озод қилиб кўйилади. Бўла-жак жамоа шартномаси қоидалари ҳақида аниқ музокоралар олиб боришилик учун томонлар тенглик асосида зарур ваколатларга эга бўлган комиссия тузади. Комиссия мустақил равища иш олиб боради ва иш берувчи унинг самарали ишлаши учун зарур шароитни яратиб беришга мажбур саналади. Жамоа шартномаси тузишга доир музокораларни олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 32-моддасида белгиланган. Конунда музокоралар чогида юз берган келишмовчи-

ликларни ҳал этиш, ягона хulosага келиш имкони бўлмаганида муаммони ҳал этиш тартиблари белгилаб қўйилган.

### **3-§. Жамоа шартномасининг мазмуни ва таркибий тузилиши**

Жамоа шартномасининг мазмуни деганда социал-мехнат муносабатларини тартибга солиш мақсадини кўзловчи ва тарафлар келишиб белгилайдиган шартлар (коидалар) йигиндиси назарда тутилади. Таркибий жиҳатдан бу шартлар уч турга:

а) норматив; б) мажбурий; в) ахборотга оид шартларга бўлиниши мумкин.

Норматив шартлар – жамоа шартномаси томонлари ўзаро келишиб белгилайдиган ва мазкур корхона ходимлари учун мажбурий кучга эга бўлган локал норматив хукукий коидалар ҳисобланади. Жамоа шартномасининг норматив коидалари хукукий масалаларнинг уч гурухини ҳал қилишга қаратилган бўлиб, улар: 1) қонун хужжатларида бу масалани ҳал қилишнинг жамоа шартномаси тузиши тартиби назарда тутилган бўлса; 2) қонунда нуқсонлар (пробела) мавжуд бўлса ва уларни жамоа шартномаси воситасида ҳал қилиш қонунларга зид келмас; 3) қонун хужжатларининг айрим коидаларини аниқлаштириш зарур бўлса ва уни жамоа шартномаси орқали амалга ошириш имкони бўлса.

Мехнат Кодекси ва бошқа меҳнат қонунлари жамоа шартномаси норматив коидалари билан қонунчилик ўртасидаги нисбатни белгилаган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 4-моддасида айтилишича: «Ходимлар учун меҳнат хукукларининг ва кафолатларининг энг паст даражаси қонунлари билан белгилаб қўйилади.

Қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат хукуклари ва кафолатлари бошқа норматив хужжатларда, шу жумладан шартнома йўсенидаги хужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шарномалари, бошқа локал хужжатлар), шунингдек ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин». Бу коидалар қўшимча меҳнат таътили бериш, пенсияга устамалар қўшиб бериш, йўлтранспорт харажатларини қоплаб бериш, овқат пулини тўлаш, бошқа қўшимча тўлов ва компенсациялардан иборат бўлиши мумкин.

Корхонада мавжуд бўлган зарарли ва оғир ишлар, касблар рўйхати, моддий жавобгар шахслар доираси, меҳнат интизомини кўп тарзда бузиш тушунчаси ва бошқа кўплаб масалалар жамоа шартномасида назарда тутилиши мумкин.

Жамоа шартномасининг **мажбурий шартлари** тарафларнинг у ёки бу масалага оид аниқ мажбуриятларини, бу мажбуриятларни кўп марта тақрор-тақрор ижро этилишини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 37-моддасига кўра: «Жамоа шартномасига иш берувчи ва ходимларнинг қуйидаги масалалар бўйича ўзаро мажбуриятлари киритилиши мумкин:

- меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар;
- нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибига солиш механизми;
- ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиб олиш шартлари;
- иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат таътилларининг муддати;
- ходимларнинг, шу жумладан аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экология жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш;
- корхонани ва идорага қарашли турар жойни хусусийлаштиришда ходимларнинг манфаатига риоя қилиш;
- ишни таълим билан қўшиб олиб борувчи ходимлар учун имтиёзлар;
- ихтиёрий ва мажбурий тарздаги тиббий ҳамда ижтимоий сугурта;
- жамоа шартномасининг бажарилишини текшириб бориш, тарафларнинг жавобгарлиги, ижтимоий шерикчилик, касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига фаолият кўрсатиш учун тешишли шароит яратиб бериш».

Жамоа шартномасига бошқа шартлар, шу жумладан ходимлар ахволини конунларда белгиланадиган яхшилашга, қўшимча имтиёзлар беришга қаратилган шартлар киритилиши мумкин.

Жамоа шартномасининг **ахборотга оид** шартлари Меҳнат Кодексидан, бошқа конун хужжатларидан олинган нормалардан иборат бўлиб, уларнинг ҳажми кўпайиб кетиши мумкин эмас.

#### **4-§. Жамоа келишуви томонлари, тузилиш тартиби ва мазмуни**

Жамоа келишувлари – бу ходимлар вакиллик органлари ва иш берувчиilar вакиллик органлари иштироқида тузиладиган, социал-меҳнат муносабатларини мамлакат, тармоқ ёки минтақа доирасида тартибига солишга қаратилган хукукий-норматив актдан иборат. Жамоа келишуви ҳам жамоа шартномаси сингари социал-шерикликнинг хукукий шакли бўлсада, аммо унинг қўлланилиш соҳаси ва хусусияти ўзгачадир.

Меҳнат Кодексининг 47-моддасида айтилганидек, жамоа келишуви қўлланиш доирасига кўра бош, тармоқ ва ҳудудий (минтақавий) келишувлардан иборат бўлиши мумкин.

Жамоа келишуви тузишдан кўзланадиган асосий мақсад – мамлакат, тармоқ, минтақа миқёсида социал-меҳнат муносабатларини тартибиба

солища умумий тамойилларни белгилашдан иборат. Жамоа келишуви тузилишида икки ёки уч томон (марказий ёки маҳаллий давлат органи) иштирок этади.

Бош келишув Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (ходимларнинг бошқа вакиллик органи) ва иш берувчиларнинг республика мөкёсидаги бирлашмалари ўргасида, тарафларнинг таклифига кўра эса Ўзбекистон Республикаси хукумати билан ҳам тузилади. Бош келишув ижтимоий-иктисодий масалалар хусусида келишиб сиёsat олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб беради.

Тармоқ келишувлари тегишли касаба уюшмалари (бошқа ходимлар вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўргасида, тарафлар таклифи билан Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан тузилади. Тармоқни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, меҳнат шартномалари ва унга ҳақ тўлашни, тармоқ ходимларининг (касбдошлар гурухларининг) ижтимоий кафолатларини белгилаб беради.

Минтақавий келишувлар тегишли касаба уюшмалари (бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўргасида, тарафларнинг таклифи билан эса маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳам тузилади. Унда ҳудуднинг хусусиятлари билан боғлиқ ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал қилиш йўллари белгиланди.

Жамоа келишувлари юзасидан музокаралар бошлаш, унинг лойиҳасини ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш тартиблари жамоа шартномалари тузиш тартибларига ўхшаёт. Тарафлар тамонидан имзоланган жамоа келишуви ва унинг иловалари етти кун муддатида келишув иштирокчиларига, шунингдек билдириш рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли органларига юборилади.

Жамоа келишувлари тамонлар келишуви билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Жамоа келишуви тарафлар имзолагач кучга киради ва томонлар белгилаган муддат давомида амал қиласди. Жамоа келишувининг муддати уч йилдан кўп бўлмаслиги керак.

5-§. Жамоа шартномалари ва жамоа келишувининг бажарилишини таъминлаш ҳамда улар амал қилиши устидан назорат фаолияти

Жамоа шартномаси ва жамоа келишувлари бажарилиши лозим. Жамоа шартномаси ва жамоа келишувини бажариш деганда уларнинг мазмунини ташкил этувчи вазифалар, шартларни амалга оширилиши тушунилади. Юридик нуқтаи назардан жамоа шартномаси ва келишувларни бажарилиши ходимлар ва иш берувчилар ўргасида ижтимоий-шерикчилик кайфиятлари қарор топиши учун хуқукий муҳитни яратиш, социал келишмовчиликларни бартараф қилиш, ишловчилар учун қулай инфратузилмалар яратилишини таъминлаш, ходимлар хуқуqlари ва конуний манфаатларини самарали тарзда химоя қилишга қаратилади.

Жамоа шартномаси томонлар вакиллари имзолаган пайтдан кучга киради ва унда кўрсатилган муддат давомида амал қиласди. Унинг энг қўп муддати қонунларда белгилаб қўйилган эмас. Корхона қайта ташкил этилганида қайта ташкил этиш даврида жамоа шартномаси ўз кучини сақлаб колади ва кейинчалик қайта тузилиши мумкин.

Корхона мол-мулкининг эгаси ўзгарганда жамоа шартномаси ўз кучини олти ой давомида сақлаб қолади. Жамоа шартномаси ва жамоа келишувларининг бажарилиши тарафлар вакиллари, меҳнат жамоаси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлигининг тегишли органлари томонидан текшириб борилади.

Жамоа шартномаси ва жамоа келишувини имзолаган шахслар ҳар йили ёки шартноманинг ўзида кўрсатилган муддатларда ундаги мажбуриятларнинг бажарилиши хақида меҳнат жамоасига (умумий мажлис ёки меҳнат жамоалари конференциясига) ҳисобот бериб туради. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 34-моддасига мувофиқ жамоа шартномалари ва жамоа келишувлари тўғрисидаги қонунларни бузишда айбдор бўлган шахслар тегишли ҳукуқий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

#### **Билимингизни текшириб қўринг**

1. Жамоа шартномаси ва жамоа келишувлари тушунчасини айтиб беринг.
2. Ходимлар ва иш берувчилар ижтимоий шерикчилигини амалга оширишда жамоа шартномаси ва жамоа келишувларининг аҳамияти қандай?
3. Жамоа шартномаси қабул қилиниши тартиби қандай?
4. Жамоа шартномаси мазмуни деганда нимани тушунасиз?
5. Жамоа келишувлари, уларнинг турлари, қабул қилиниши ва аҳамияти хақида сўзлаб беринг.
6. Жамоа шартномаси ва жамоа келишувлари юзасидан тарафлар жавобгарлиги қандай?
7. Жамоа шартномаси ва жамоа келишувига амал қилиниши устидан назорат олиб бориш усуслари хақида нималарни биласиз?



## МАХСУС КИСМ

---

### VI боб. АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1-§. Аҳолини иш билан таъминлаш тушунчаси  
ва фуқароларнинг ишга жойлашиш ҳуқуклари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида айтилганидек: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибида ишсизликдан химояланиш ҳуқуқига эгадир». Шунингдек, «Инсон ҳуқуклари Умужаҳон Декларацияси»да ҳам меҳнат қилиш ҳуқуқи инсоннинг энг муҳим табиий ҳуқукларидан эканлиги тан олинган. Ушбу Декларациянинг 23-моддасида таъкидланганидек: «Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни ўз эрки билан танлаб олиш, меҳнатнинг адолатли ва қулай шароитлари бўлиши ва ишсизликдан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир»<sup>26</sup>.

Шўролар даврида меҳнат қилиш ҳуқуқи фуқаролар учун меҳнат қилиш мажбуриятига айлантирилган эди. Натижада у эркин ҳаётий эҳтиёждан қўра малол келадиган бурч сифатида тасаввур этилар, унинг унумдорлиги ва самарадорлиги ҳам шунга мутаносиб аҳволда эди.

Иқтисодиётни маъмурӣ-буйруқбозлиқ йўли билан идора қилиш даврида аҳолининг тўла иш билан бандлиги, ҳар бир шахснинг ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлиши зарурлиги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, меҳнат қилмасликнинг ўзи ҳуқукбузарлик саналган, яъни мажбурий меҳнат жорий этилган эди ва бу хол инсон ҳуқуқларининг қўпол тарзда бузилиши кўринишларидан бири эди. Ўша пайтда иқтисодиётда ҳукмрон бўлган давлат секторига тааллукли корхоналарда, асосан шаҳарларда иш кучига бўлган талаб, ишчи кучига таклиф хисобга олинмаган ҳолда иш жойлари сунъий равишда барпо этилар, бунинг натижасида гайритабиий вазият юзага келарди. Жумладан, шаҳарда малакали ишчи кучи мунтазам етишмагани ҳолда қишлоқларда меҳнатта яроқли аҳолининг асосий қисми жамланган бўлиб, иш билан таъминлаш соҳасида ўткир муаммоларни юзага келтирас, меҳнат ресурсларидан ноокилона ва исрофгарчилик билан фойдаланишга, меҳнат унумдорлигининг жуда паст бўлишига олиб келар эди.

---

<sup>26</sup> Қаранг: Инсон ҳуқуклари тўғрисида Халкаро Билл. Т., «Адолат», 1992.

Мустакилликнинг кўлга киритилиши, бозор иқтисодиётiga ўтилиши билан меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, иш кучининг ҳам ўз қийматига эга, сотиладиган ва сотиб олинадиган бойликка айланиб бориши билан боғлиқ бўлган меҳнат бозорини шакллантиришни долзарб вазифа қилиб куйди.

Мамлакатимизда кенг камровли хусусийлаштириш жараёнининг амалга оширилиши натижасида мулкчилик, ишлаб чиқариш соҳасида давлат якка ҳокимлигига тўла барҳам берилиб, кўп укладли иқтисодий тизим вужудга келтирилди. 2000 йил 1 октябргача бўлган маълумотларга кўра меҳнатга яроқли ахолининг 75,8% ҳалқ хўжалигининг нодавлат секторида банд эканлигини айтиб ўтиш кифоя<sup>27</sup>. Бунинг натижасида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва ахолининг бандлиги масалаларида янги ривожланиш тенденциялари, янги қонуниятлар юзага кела бошлади.

Бозор муносабатлари меҳнатнинг оқибатлари, ишчи кучининг сифатига нисбатан каттиқ талаблар қўйиши сабабли меҳнат қилиш ҳуқуки ҳамда унинг рўёбга чиқарилиши борасидаги қонунчилик ҳужжатларини тубдан қайта қўриб чиқиш, бу соҳада чуқур ислоҳотларни амалга ошириш энг долзарб вазифага айланиб колди. Зероки, социализм шароитида қон-қонимизга сингиб кетган бокимандалик, масъулиятсизлик тўйгулиридан тезроқ ҳалос бўлишга имкон берувчи, шу билан бирга меҳнат бозорида ракобатга бардош бера олиши қийин бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ахоли қатламларини ижтимоий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни таъминлай оладиган ҳуқуқий базанинг вужудга келтирилиши зарур эди. Ушбу вазифани Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган «Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни<sup>1</sup> ва Меҳнат Кодекси бажарди.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси ишчи кучининг мулк эканлигини қайд этди ва Кодекснинг 57-моддасида қўрсастилганидек, «Унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шугулланиш ҳар кимнинг мутлақ ҳуқуқидир. Ихтиёрий равищда иш билан банд бўлмаслик жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди.

Ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқукига эгадир».

Меҳнат қилиш ҳуқуqlари фуқаролар томонидан амалга оширилиши пайтида ҳар қандай шаклдаги камситиш, ноқонуний имтиёзлар бериш,

<sup>27</sup> Қаранг: «Банковские ведомости». 2000, № 48.

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги қонуни, Т., «Адолат», 1998, 19-сон.

фукаро учун нокулай бўлган шартларда меҳнат қилишга мажбур этиш катъян ман этилади.

Меҳнат Кодексининг 58-моддасида айтилганидек, меҳнат қилиш хуқуқларининг амалга оширилиши давлат:

– иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидағи ишни таъминлаш эркинлигини;

– ишга қабул қилишни қонунга хилоф равища рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равища бекор қилишдан ҳимояланиши;

– мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;

– ҳар кимнинг қасбга ва ишга эга бўлишида, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланishi шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ олишида, хизмат поғонасидан юкорилаб борища тенг имкониятлар яратишни;

– янги қасбга (мутахассисликка) бепул ўқитиш, маҳаллий меҳнат органларида ёки бу органларнинг йўлланмаси билан бошқа ўкув юртларида стипендия тўлаб малака оширишни;

– бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда моддий харажатлар учун қонун хужжатларига мувофиқ компенсация тўлашини;

– ҳақ тўланадиган жамоат ишларида катнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди. Қонун хужжатларида бошқа турдаги кафолатлар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Меҳнатга яроқли аҳоли сонининг тез суръатлар билан ўсиб бориши кузатилаётган Ўзбекистон Республикаси учун қишлоқда ҳамда ҳалқ хўжалигининг айрим тармокларида ортиқча иш кучининг мавжудлиги меҳнат бозорининг вужудга келиши ва тўлақонли фаолият кўрсатишида муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши, мулкнинг босқичма-босқич давлат тасарруфидан чиқарилиши, иқтисодиётнинг нодавлат сектори, айниқса хусусий ва кичик тадбиркорликнинг давлат йўли билан қўллаб-қувватланиши, юридик шахс ташкил этмаган холда жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган якка тадбиркорликка кенг йўл очилиши, қишлоқ жойларида аҳолига қўшимча ер майдонларининг берилиши туфайли ортиқча иш кучи билан боғлиқ муаммони юмшатиши, одамларни самарали меҳнатга жалб этиш имкони яратилди. Республикада ишсизлик қўтпайишининг олдини олиш мақсадида меҳнат бозорини тартибга солиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда аҳоли бандлиги биржалари фаолият кўрсатиб турганини айтиб ўтиш ўринлидир. Натижада расмий маълумотларга кўра 2000 йил охирига келиб қайд этилган ишсизлар сони 43100 кишини ёки

иктисодий фаол аҳолининг 0,5%ни ташкил этган<sup>28</sup>. Бу кўрсаткич ахволни аниқ акс эттирмаслиги ва яширин ишсизлик бир мунча юкори бўлиши мумкинлигини, аммо ҳар қалай бу кўрсаткичлар аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида пухта ўйланган давлат сиёсати самара бераётганилигини кўрсатади<sup>2</sup>.

Мехнат қилиш хукукини амалга оширишга қаратилган ва Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 58-моддасида назарда тутилган кафолатлар турли шакл ва усусларда амалга оширилади. Хусусан, аҳолини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 апрелдаги 162-сонли карори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисида»ги Низомнинг 9.1-бандида айтилишича вазирликнинг функциялари каторига республика ҳудудларида меҳнат ресурслари миқдори ва таркибини ўрганиш, уларни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш, аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларни, ишдан бўшатилган ходимларни ва аҳолини бошқа тоифаларини ишга жойлаштириш, шунингдек бўш иш ўринлари бўйича аҳборотларни шакллантириш ва таҳлил этиш, ёшларни, иш билан машғул бўлмаган аҳолини касб-кор устуңликлари ва меҳнат йўналишларини аниқлаш учун социологик тадқиқотлар ўтказишни ташкил киласи, иш ўринлари ташкил қилиш дастурларини ишлаб чиқади ва амалга ошириш кабилар киритилган<sup>29</sup>.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг асосий мақсади – меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга, бу соҳада амал қила бошлигаран рақобат шароитида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг муҳофаза этилишларини таъминлашдан иборат.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий қоидалари жумласига:

- аҳолини иш билан таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги;
- меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш хукукини амалга оширишида барча одамларнинг жинси, ирқи, динга муносабати, ёши, сиёсий эътиқоди, миллати, билими, ижтимоий ва оиласвий аҳволидан қатъи назар тенг имкониятларни таъминлаш;

<sup>28</sup> Қаранг: Макроиндикаторы. Итоги 9 месяцев 2000 года. «Банковские ведомости», 2000 г., № 48.

<sup>29</sup> Қаранг: С. Ганиева. Проблемы занятости населения в Узбекистане, «Банковские ведомости», 1997 й. 51-сон. Ю. Галимов. Экономика слова женского рода, «Частная собственность» ҳафтаномаси, 1999 й., 10-сон.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2001 йил, № 7.

- фуқароларнинг меҳнат ташаббусини кўллаб-куватлаш, меҳнатқашларга иш билан банд бўлиш, меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришида мунособ шароитларни таъминлайдиган серунум ва ижодий меҳнат қилиш қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда уни рағбатлантириш;
- меҳнатнинг ихтиёрийлиги;
- иш билан таъминлашда ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан муҳофаза қилишини таъминлаш;
- барқарор иш қидириб алоҳида қийинчиликка дуч келаётган одамларни иш билан таъминлашда ёрдам берувчи маҳсус чоратадбирларни амалга ошириш;
- иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирларни иқтисодий ва ижтимоий сиёsatнинг бошқа йўналишлари билан, шу жумладан, ижтимоий таъминот, давлат даромадларини ошириш ва тақсимлаш, пулнинг қадрсизланиши олдини олиш билан мувофиқлаштириш;
- аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда касаба уюшмалари, тадбиркорликни кўллаб-куватлаш структуralари, давлат бошқарув органлари билан ҳамкорлик қилиш;
- иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этиш пайтида мамлакат ичида ва давлатлараро ҳамкорлик қилиш кабилар киритилган.

Бандлик ва аҳолини иш билан таъминлаш масалаларини аниқ тартибга солиш, унинг муайян иқтисодий, хукуқий, ташкилий шарт-шароитлар яратилиши билан боғлиқ жиҳатлари кундалик конун хужжатлари билан, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Конун билан тартибга солинади.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Конуннинг 1-бўлими, «Умумий коидалар» қисмида бандликка оид муносабатлардаги асосий тушунчаларга, ушбу муносабатда қатнашувчи субъектларга расмий таъриф берилади. Ушбу Конуннинг 2-моддасига кўра: «Иш билан таъминлаш ёки бандлик деганда, фуқароларнинг конун-хужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш хақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолияти» тушунилади. Бунда фуқароларга ўзларининг унумли ва самарали меҳнат қилиш қобилиятини эркин, мустақил тасарруф қилиш хукуки берилганлиги, улар конун-хужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланишда мутлақ хукуқларга эгадирлар.

Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони кўллаш таҳди迪 билан иш бажаришга мажбур қилиш қонунда бевосита кўрсатиб қўйилган ҳоллардан ташқари қатъиян тақиқланади.

Куйидагилар иш билан таъминланган ҳисобланади:

- а) ёлланиб ишлаётган (тўлиқсиз, вақтингчалик ишларда ишлаётган) фуқаролар;
- б) бетоблиги, меҳнат таътили, касбга ўқиши, ишлаб чиқариш тўхта-тиб кўйилганилиги сабабли иш жойи сақлангани ҳолда иш жойида бўлмаган ходимлар;
- в) якка тадбиркорлар, дехкон-фермер хўжалиги аъзолари, уларнинг ишда қатнашаётган оила аъзолари;
- г) ҳарбий хизматчилар;
- д) талаба ва ўкувчилик;
- е) жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролар.

Шунингдек, фуқаролик-хукуқий шартномалар асосида ишлаётгандар, муайян лавозимга сайланиш ёки тайинланиш асосида меҳнат қилувчи фуқаролар ҳам иш билан банд ахоли саналади.

Фуқароларнинг бандлик соҳасидаги хукуқий статусида иш жойи ва турини эркин танлаш хукуки етакчи ўрин тутади. «Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Конуннинг 10-моддасига мувофик: «Ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат килиш ёки меҳнат органларининг бепул воситатачилиги орқали иш жойини эркин танлаш хукуқига эга». Ҳар икки ҳолда ҳам бу хукуқ эркин, ихтиёрий тарзда меҳнат шартномаси тузиш йўли билан рўёбга чиқарилади.

Конунчилигимиз илк бора фуқароларнинг чет элларда касбий фаолият билан шуғуланиш хукуқларини расман этироф этди. Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Конуннинг 13-моддасида айтилишича: «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси худудидан ташкарида меҳнат фаолияти билан шуғуланиш, мустақил иш кидириш ва ишга жойлашиш хукуқига эга».

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакат ташкарисидаги ҳамда чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолияти қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади<sup>30</sup>.

Фуқароларнинг, шу жумладан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнат бозорида иш билан таъминланиши соҳасидаги хукуқлари кафолатларидан бири «Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги» Конуннинг 14-моддасида кўрсатилганидек: «Меҳнат бўлимларининг ҳамда улар мансабдор

<sup>30</sup> Қаранг: Халкаро Меҳнат Ташқилотининг «Миграция масалаларида суиистъемоллар, мигрант меҳнаткашларга иш сўраб мурожаат килиш ва имкониятларни тенг ҳажмда яратиш тўғрисида»ги 1975 йилда қабул килинган 143-конвенцияси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йил 19 октябрдаги 408-сонли қарор билан тасдиқланган «Хорижий ишчи кучларни жалб килиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги» Низом. Ўзбекистон хукумати карорлари тўплами, 1995, 10-сон, 41-модда.

шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан бўйсуниш бўйича юкори органга ёки мансабдор шахсга ёхуд бевосита судга шикоят қилиши мумкин»лигидан иборатдир.

Фукаро меҳнат бўлимлари томонидан ишга юборилган корхона у билан меҳнат шартномаси тузишдан бош тортган ҳолларда меҳнат органига ёки бевосита судга мурожаат қилиши мумкинлиги ҳам ана шундай кафолатлардан биридир.

2-§. Ходимларни корхоналардан бўшатилиши ва унинг хукукий тартибга солиниши

Фан ва техника тараққиёти, илмий ютуқларни ишлаб чиқарилишга жорий этилиши, янги техника ва технологияларни қўлланилиши туфайли, шунингдек ишлаб чиқаришни ташкил этиши ва бошқаришни такомиллаштириш натижасида, меҳнат бозорида юз берадиган ўзгаришлар оқибатида корхоналарда ходимлар штатларини қисқартириш, сонини қисқартириш зарурати юзага келади. Корхона ишлаб чиқариши жамиятдаги иктисадий нобаркарорлик, товарлар ва хизматлар бозоридаги ноқулай конъюктура натижасида ҳам иш берувчи ишлаб чиқаришни қисқартиришга, ходимлар сонини камайтиришга мажбур бўлиши мумкин.

Шунга кўра ходимларни бўшатиш деганда, юкоридаги сабабларга кўра корхонада «ортиқча» бўлиб қолган ходимларни ишдан озод қилиш (бўшатиш) тушунилади. Бироқ, бундай ҳолларда меҳнат қонунчилиги иш берувчи зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклаб, ишдан бўшатилиши кутилаётган ходимларга қўшимча кафолатлар беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 25-моддасида айтилишича:

«Меҳнат шартномаси:

- ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли;
- технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятини, ўзгаришга олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тутатилганлиги сабабли;
- ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишга нолойиқлиги сабабли;
- шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланиши сабабли бекор қилинган ҳолларда иш қидириш давомида икки ойдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида ходимларнинг ўртacha ойлик иш ҳаки сақланиб қолади, бунда ходимга тўланган бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси ҳам қўшиб ҳисобга олинади».

Агар ишдан бўшатиб олинаётган ходим меҳнат шартномаси бекор килинган кундан эътиборан ўн кун ичидаги маҳаллий меҳнат органига иш сўраб мурожаат қилган ва рўйхатга олинган бўлса, маҳаллий меҳнат органи берган маълумотномага кўра учинчи ой учун ҳам олдинги иш жойидан ўртacha иш ҳақи олиш хукуқига эга.

Корхона тугатилганида (шу жумладан, банкрот бўлган деб эътироф этилиши туфайли тугатилиши) ишдан бўшатиб олинаётган ходимларга ушбу тугатилаётган корхонанинг хукукий ворислари томонидан, хукукий ворислари бўлмагани тақдирда эса, маҳаллий меҳнат органи томонидан юқоридаги кафолатлар берилиши керак бўлади.

Юкорида санаб ўтилган ҳолларда (корхона ёпилишидан ташкари) иш берувчи бўшатиб олинаётган ходимни ушбу корхонада бошқа ишга ўтказиш (бошқа касб, лавозимга), уни янги касбга ўргатиши мумкин. Ишдан бўшатиб олинган ходимларга ишдан бўшатилган куни ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Давлат органларида амалга оширилган штатлар кискартирилиши туфайли ишдан бўшатилаётган давлат хизматчиларига тегишли мансабларига тенг бошқа лавозим бошқа давлат органларида берилади. Бунинг иложи бўлмаганида эса, улар мансаб маошлари сақланиб қолган ҳолда янги касбга ўргатилади.

Айрим тоифадаги ходимларни (ҳомиладор ва уч ёшгача боласи бор аёллар, 18 ёшга тўлмаган шахслар ходимлар вакиллик органларига сайланган шахслар, депутатлар ва бошқалар) ишдан бўшатиб олиш пайтида кўшимча кафолатлар белгиланган бўлим, улар ҳақида тегишли бобда батафсил сўз юритилади.

3-§. Ишсизлик тушунчаси ва ишсиз шахсларга бериладиган хукукий кафолатлар

Фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилишда ишсиз шахс тушунчасини, аниқ ифодалаш катта аҳамиятга эга. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида ишсиз шахсга қўйидагича таъриф берилади: «16 ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш хукуқини олишгача бўлган ёшдаги (умумий қоидага кўра эркаклар – 60 ёшгача, аёллар – 55 ёшгача қонунда маҳсус қўрсатилган ҳолларда эса булардан ҳам кичик ёшда), ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидиравчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр, меҳнатга қобилиятли шахслар ишсиз деб эътироф этилади».

Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш уларнинг иш топишда кўмак беришини сўраб ариза берган ва рўйхатга олинган кундан бошлаб, ўн биринчи кундан ке-чикирмасдан амалга оширилади.

Кўйидагилар ишсиз сифатида рўйхатга олиниши мумкин эмас:

- а) 16 ёшга тўлмаганлар;
- б) аризаси рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичидаги ўзига таклиф қилинган мақбул келадиган ишдан икки марта бош тортганда;
- в) аризаси рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 кун ичидаги узрсиз тарзда маҳаллий меҳнат органига келмаганида;

г) содир қилган жинояти учун озодликдан маҳрум этилганида.

Мурожаат қилган фуқаро ўзи доимий яшайдиган туман (шаҳар) меҳнат органида қўйидаги кетма-кетлиқда рўйхатга олиниадилар:

- 1) ишсиз фуқаро мурожаат қилган куни дастлабки рўйхатга олиш;
- 2) фуқарони унга маъқул келадиган иш қидириш мақсадида рўйхатга олиш;
- 3) шахсни ишсиз сифатида рўйхатга олиш;
- 4) ишсиз шахсни қайта рўйхатга олиш<sup>31</sup>.

Таклиф этилган мақбул келадиган ишдан икки марта бош тортган, узрсиз сабабларга кўра ўн кун ичидаги меҳнат органига келмаган шахслар иш қидириувчи сифатидаги рўйхатдан чиқариб юборилади ва улар факат ўттиз кун ўтгандан кейингина иш қидириувчи сифатида қайта рўйхатга олиниши мумкин.

Мақбул келадиган иш таърифи «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Конуннинг 4-моддасида баён этилган. Унда айтилишича: «Биринчи марта иш қидираётган, касби (мутахассислиги) бўлмаган шахслар учун дастлабки касб тайёргарлигини талаб қилмайдиган иш, бундай ишни топиб бериш имконияти бўлмаган тақдирида эса, уларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини хисобга олган ҳолда ҳақ тўланадиган бошқа иш, шу жумладан вақтинчалик иш мақбул келадиган иш деб хисобланади.

Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун уларнинг касб тайёргарлигига мос бўлган, ёшини, соглигини, меҳнат стажини ва аввалги мутахассислиги бўйича тажрибасини, янги иш жойининг транспортда қатнаш жиҳатдан кулагилигини инобатга олувчи иш мақбул келадиган иш деб хисобланади».

Кўйидагилар мақбул келадиган иш деб хисоблананиши мумкин эмас:

- а) таклиф этилаётган иш фуқаронинг турар жойини ўзгартириши билан боғлиқ бўлса;

<sup>31</sup> Каране: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 13 октябрдаги 831-тартиб раками билан давлат рўйхатига олинган «Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом.

- б) таклиф этилган иш яшаш жойидан анча узоқ бўлса ва транспортда катнаш нокулай бўлса;
- в) таклиф этилаётган иш бўйича тўланадиган иш ҳақи шу мутахасислик ва малака учун белгиланган тартибда аниқланган энг кам иш ҳақидан кам бўлса;
- г) ишни рад этиш узрли сабаблар билан асосланган бўлса.

#### **4-§. Ишсизлик нафақаси ва ишсиз шахсларга бериладиган ижтимоий ёрдамлар**

Фуқаронинг маҳаллий меҳнат органлари томонидан ишсиз деб эътироф этилиши натижасида унда пайдо бўладиган энг асосий хукуқ, бу ишсизлик нафақаси олиш хукуки, бошка моддий ёрдам олиш кафолатларидан иборатdir. Ишсиз шахсга тайинланадиган ишсизлик нафақаси унинг ва оила аъзоларининг моддий аҳволи асосларини ташкил этади.

Ишсизлик нафақасининг миқдори турли омилларга боғлиқ бўлиб, аввал меҳнат килган ва иш жойидан (иш ҳақи, меҳнат даромадидан) маҳрум бўлиб қолган шахсларга нафақа тайинлашда аввалги уларнинг иш жойларида олган йиллик ўртача иш ҳақлари, аввал ишламаган, биринчи марта иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинган шахсларга эса белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи асос қилиб олинади.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасига кўра белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган шахсларга улар иш сўраб мурожаат қилган биринчи кундан бошлаб аввал меҳнат қилган, ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлиб қолган шахсларга ёки узоқ вақт (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин ўз меҳнат фаолиятини қайта бошлаётган шахсларга ўн икки ойлик давр давомида 26 календар ҳафта давомида ишсизлик нафақаси тўланади.

Илгари ишламаган ва биринчи бор иш қидираётган шахсларга эса ўн икки ой давомида кўпи билан ўн уч ҳафта мобайнида ишсизлик нафақаси тўланади. 35 ёшга тўлмаган ва қарамоғида уч ва ундан кам меҳнатга яроқсиз шахс бўлган эркакларга улар ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашсаларгина ишсизлик нафақаси берилади. Яъни бундай шахсларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашишдан бош тортишлари нафақа тайинланмаслиги учун асос бўлиши мумкин.

Ишсизлик нафақаси олаётган шахс иш қидириш билан шугулланиши ва ҳар икки ҳафтада бир марта маҳаллий меҳнат органига келиб, рўйхатдан ўтиб туриши лозим.

Ишдан ва иш ҳаки (мехнат даромади)дан маҳрум бўлган шахслар олдинги иш жойидаги ўртacha ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида (аммо энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги ва таркиб топган ўртacha ойлик иш ҳаки миқдорида кўп бўлмаслиги лозим) ишсизлик нафақасини олиш хуқуқига эга бўладилар.

Илгари ишламаган, биринчи марта иш қидираётган шахсларга маҳаллий меҳнат органи томонидан касбга тайёрлаш ёки ишга жойлашиши имконияти берилмагани тақдирда, уларга энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида ишсизлик нафақаси берилади.

Ишсиз шахс касбий тайёргарликдан ёки қайта тайёргарликдан ўтаетган пайтда аввал ишлаган ва иш ҳакига эга бўлган шахсларга қарамоғида вояга етмаган болалари ва бошқа кишилари бўлса, аввалги иш жойида олган ўртacha ойлик иш ҳақининг 75 фоизи, қарамоғида вояга етмаган шахслар ва бошқа шахслар бўлмаса, ўртacha ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида (аммо энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида кам эмас ва таркиб топган ўртacha ойлик иш ҳақидан кўп бўлмаган ҳажмда) стипендия оладилар.

Аввал ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган, узоқ танаффусдан кейин (бир йилдан кейин) ишсиз деб эътироф этилиб, касбий тайёргарлик, малака ошириш ва қайта тайёргарликдан ўтаетган шахсларга таълим даврида энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорида стипендия оладилар<sup>32</sup>.

Ҳарбий хизматчилар, Ички ишлар, Миллий хавфсизлик, чегара хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимлари ишдан бўшатилганиклари туфайли иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинниб, ишсиз мақомига эга бўлганларида аввал ишлаган фукаролар билан бир қаторда ишсизлик нафақаси билан таъминланадилар.

Ишсиз деб эътироф этилган шахслар ишлаб чиқаришдан ажратилган ҳолда касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака оширишини тутгатгандаридан кейин иш билан таъмин этилмасалар, энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда нафақа билан таъминланадилар.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ишсизлик нафақасини тўлаш вақтинча тўхтатиб кўйилиши ёки бекор қилиниши мумкин. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасига кўра ана шундай ҳолатлар каторига куйидагилар киради:

- 1) ишсиз шахс ишга жойлашганида;

<sup>32</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 1997 йил 13 майдаги 235-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишдан бўшатилган ходимлар ва иш билан таъминланмаган аҳолини касбга тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом. 1998 йил 23 июлда 310-сонли қарор билан ўзгартиришлар киритилган.

- 2) ишсиз шахс таклиф этилган мақбул келадиган ишни узрли саббасиз икки марта рад қиса;
- 3) ишсиз шахс пенсия олиш ҳукуқыга эга бўлса;
- 4) 35 ёшга тўлмаган ва қарамогида уч ҳамда ундан кам вояга етмаган фарзандлари бўлган эркак киши жамоа ишларида ишлашдан бош тортса;
- 5) ишсиз шахс озодликдан маҳрум этиш ёки қамоқ жазосига ҳукм этилса;
- 6) ишсиз шахс маҳаллий меҳнат органини хабардор қилмай вақтинча ишга жойлашса;
- 7) ишсизлик нафақаси алдов йўли билан тайинланган бўлса;
- 8) ишсиз шахс вафот этса.

Ишсиз шахснинг касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш учун, ўқишига юборилиши, даволаш-профилактика муассасасига юборилиши, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилиши, белгиланган муддатларда рўйхатдан ўтишилик учун маҳаллий меҳнат органига келмаслиги туфайли ишсизлик нафақаси тўлаш тўхтатиб турилади.

«Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасига кўра ишсиз шахсларга ишсизлик нафақаси тайинлаш, уларни касбга ўқитиш, малакасини ошириш даврида стипендия тўлашдан ташқари қўшимча моддий кафолатлар ҳам бериш назарда тутилган. Улар қаторига:

- ишсиз шахсга қарамоғидагиларни ҳисобга олиб моддий ёрдам бериш – ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имкониятини яратиб бериш;
- ишлаш учун ихтиёрий равишида бошқа ерга кўчиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш.

Ишсизлик нафақаси тўлаш муддати тамом бўлганидан сўнг нафақа олишга ҳақли бўлмаган шахсга иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ёки маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратиладиган маблаглардан моддий ёрдам кўрсатилади<sup>33</sup>.

Корхоналарда амалга ошириладиган ташкилий-бошқарув тадбирлари натижасида ишдан озод килинган ходимларга бериладиган қўшимча имтиёзлардан бири – муддатидан икки йил аввал ёшга доир пенсия тайинланиши мумкинлиги қонуларда назарда тутилганлигидир.

«Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси, «Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига

<sup>33</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 23 ноябрда 548-тартиб раками билан давлат рўйхатига олинган «Ишсиз фуқароларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблагларидан ажратиладиган моддий ёрдам кўрсатиш тартиби, микдори ва шартлари тўғрисида»ги Низом.

кўра корхона тугатилиши, ходимлар сони ёки штатлари қисқартирилиши туфайли корхоналардан ишдан бўшатилган 58 ёшга тўлган эркаклар, 53 ёшга кирган аёллар, башарти ушбу асосга кўра ишдан бўшатилгандан кейин ўн кун муддат ичидаги маҳаллий меҳнат органларига иш сўраб мурожаат қилган ва иш кидирувчи сифатида рўйхатга олинган бўлса, аммо маҳаллий меҳнат органлари бу шахсни иш билан таъминлай олмаса ҳамда фуқаро ишсиз мақомига эга бўлса, у холда маҳаллий меҳнат органларининг бу ҳақда берган маълумотномаси асосида муддатидан икки йил аввал, эркаклар 58 ёшга етган бўлса, аёллар 53 ёшга етган бўлса уларга ёшга доир пенсия тайинланиши мумкин.

Бундай шахсларга муддатидан аввал ёшга доир пенсия тайинлаш шартлари ва тартиби маҳсус меъёрий хужжатлар билан тартибга солинади<sup>34</sup>.

### **5-§. Ахолини иш билан таъминлашга оид тадбирларда иш берувчилар, касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари иштироки**

Ахолини иш билан таъминлаш фаолиятида иш берувчилар бевосита иштирок этадилар ва унинг энг асосий йўналиши – янги корхоналар ташкил этилиши – мавжудларини замонавий техника-технологиялар билан жихозлангани холда реконструкция килиниши, кенгайтирилиши бўлиб, унинг натижасида кўшимча иш жойлари вужудга келтирилади ҳамда шу йўл билан ахолининг иш билан бандлик даражаси ортишига амалий хисса кўшилади. Мамлакатимизда тадбиркорликни кўллаб-куvvатлаш варагбатлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг асосий максадларидан бири ҳам иш берувчилар сонини кўпайтириш йўли билан кўшимча иш жойлари барпо этилишига қаратилган.

Иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси (контракти) шартларини оғишмай бажаришининг ўзи меҳнат муносабатлари барқарорлигини таъминловчи, ходимлар кўнимсизлигининг олдини олувчи ва шу орқали ахолини иш билан таъминланишига кўмаклашувчи муҳим омиллардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси «Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддасида ахолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иш берувчилар иштирокининг асосий йўналишлари, шакллари ва вазифалари белгилаб берилган.

Мазкур моддага кўра:

---

<sup>34</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 7 январда 588-тартиб раками билан давлат рўйхатига олинган «Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганди ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома.

- меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи шартнома ва келишувлар шартларини бажариш;
- ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун шароит яратиш;
- иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига молиявий ажратмалар ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда миқдорини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари белгилайдиган иш жойларига ушбу Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилган фуқароларни ишга жойлаштириш<sup>35</sup>.

Бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бор-йўклиги тўғрисидаги маълумотларни хар ойда, мўлжалланётган ишдан озод қилишлар тўғрисида хар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатиб ахборотларни олдиндан (икки ой аввал) маҳаллий меҳнат органларига тақдим қилиш<sup>36</sup> кабилар орқали кўмаклашадилар.

Бўш иш жойлари, мўлжалланётган ходимларни ишдан бўшатиб олиш ҳақида ўз вақтида ахборотлар тақдим этмаганлиги, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган шахслар учун иш жойларини яратмаганлик, бўш иш жойлари ҳақидаги ахборотларни яширганлик ёки нотўғри ахборот берганлик учун, шунингдек иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига маблағлар ажратмаганлиги учун корхонага нисбатан молиявий санкциялар кўллаш, корхона мансабдор шахсларни эса тегишли хукукий (маъмурий, жиноий) жавобгарликларга тортиш назарда тутилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахсларнинг иш жойларини қисқартириш ёки тугатиш пайтида иш берувчи зиммасига бир қатор кўшимча мажбуриятлар юқлатилган. Меҳнат қонунчилиги аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида маҳаллий меҳнат бўлимлари билан яқиндан ҳамкорлик қиласидан иш берувчилар учун бир қатор имтиёзларни белгилаш йўли билан уларни рағбатлантирувчи чораларни назарда тутган. Жумладан, қуидаги енгилликлар берилиши кўзда тутилган:

---

<sup>35</sup> Қаранг: «Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларини энг кам миқдорини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низом ва Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги конун хужжатларини бузганлик учун жарималар солиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1998 йил 1 декабрдаги 504-сон қарори.

<sup>36</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 102-моддаси Т., «Адолат», 1999. Шунингдек қаранг, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 22 декабрда 858-тартиб раками билан давлат рўйхатига олинган «Меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар)нинг мавжудлиги тўғрисида маълумотларни ва бўшатилиши мўлжалланётган ходимлар ҳақида ахборот тақдим қилиш тартиби тўғрисида Низом».

1) ишловчилари умумий сонининг камидаги 50% ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва меҳнат фронти фаҳрийлари, камидаги 75%ни ўрта мактаблар ва хунар-техника билим юртлари ўкувчилари ташкил этадиган юридик шахслар даромад (фойда) солигидан (Ўзбекистон Солиқ Кодексининг 31-моддаси) ишловчиларнинг умумий сони 50%дан ортиғи ногиронлар бўлган корхоналар кўшилган қиймат солиги тўлашдан, мол-мулк солигидан ва бошқа бир катор солиқлардан озод қилинадилар.

Ишловчиларнинг умумий сони уч фоиздан кўпрогини ногиронлар ташкил этадиган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиги суммаси қуийдаги тарзда, белгиланган нормадан ортиқча ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига даромад (фойда) солиги 1%га камайтирилади. (Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 32-моддаси)<sup>37</sup>;

2) иш берувчилар маҳаллий меҳнат органларидан меҳнат бозорининг аҳволи ҳақида бепул аҳборотлар олишлари мумкин;

3) маҳаллий меҳнат органлари ишдан озод қилинган ходимлар учун кўшимча иш жойлари яратиш учун белгиланган нормадан ортиқча сарфланган маблағларнинг ишга жойлаштиришга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан, маҳаллий бюджет ҳисобидан коплаб берилиши мумкин<sup>38</sup>.

4) иш берувчи меҳнат органларининг, бу органлар мансабдор шахсларни файриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан белгиланган тартибида шикоят қилишга ҳақли.

Иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этилишида иш берувчилар билан бир каторда қасаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ҳам фаол иштирок этадилар. Ушбу фаолиятда улар иштироки шакллари Ўзбекистон Республикасининг «Қасаба уюшмалари, уларнинг хукуклари ва фаолиятининг қафолатлари тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги ва бошқа бир катор қонун хужжатларида назарда тутилган.

Жумладан, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида айтилишича: «Қасаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари қуийдаги хукукларга эга:

– аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

<sup>37</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, Т., «Адолат», 1999, 30-37-бетлар.

<sup>38</sup> Қаранг: «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, Т., 1998, 19-сон, 211-бет.

– маҳаллий давлат ҳокимият органларига иш берувчиларга аҳолини иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий кафолатларига доир масалалар юзасидан ўзаро маслаҳатлар ўтказиш ҳақида таклифлар киритиш».

Булардан ташқари, касаба уюшмалари бандлик ва ишга жойлаштириш масалалари юзасидан конунлар қабул қилиниши таклифи билан чиқишига ҳақли саналади.

Корхоналардаги касаба уюшмалари қўмиталари корхона миқёсида амалга ошириладиган ва ишдан озод қилиш, иш жойларини қискартириш, қўшимча иш жойлари барпо этиши хамда бандлик муаммоларига дахлдор барча тадбирларда бевосита ва фаол иштирик этади, қарорлар қабул қилинишида ходимлар манфаатларини хисобга олган ҳолда ўз таъсирини ўтказади.

#### 6-§. Фуқароларни ишга жойлаштириш. Ишга жойлаштириши органлари ва уларнинг ҳукукий мақоми

Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш бандлик хизмати органлари ва иш берувчилар фаолиятидан ташқари умуман ушбу масалаларда юритилаётган давлат сиёсати билан ҳам қўллаб-кувватланади ва бу сиёсатнинг мақсади – фуқароларга уларнинг меҳнат қилиш ҳукуқларини амалга оширилишида ёрдам бериши, ихтиёрий, самарали ва эркин иш билан бандликни таъминлашга қаратилгандир. Аҳоли бандлиги юзасидан юритилаётган давлат сиёсати меҳнат ресурсларини ривожлантириш, барча фуқароларга тенг меҳнат қилиш имкониятини яратиш, ижодий, унумли меҳнат қилишларига кўмаклашишдан иборат.

Бандлик соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишида алоҳида ёрдамга муҳтоҷ аҳоли табакалари: 18 ёшга тўлмаганлар, ёш болали аёллар, ногиронлар, жазони ўташ жойларидан озод этилган фуқароларни қўллаб-кувватловчи маҳсус қоидалари жорий этилади. Бандлик соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири оммавий ва узоқ давом этадиган ишсизликнинг олдини олишдан иборат. Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Конуни 5-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, унда айтилишича, аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати кўйидаги принципларга асосланган:

– меҳнат қилиш ва иш билан таъминлаш ҳукукини амалга оширишда барча фуқароларга жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши мулкий аҳволи ва мансаб мавқеидан, динга муносабати, эътиқодидан, жамоа бирлашмаларига мансублигидан, шунингдек ходимларнинг ишchanлик жиҳатларига ҳамда улар меҳнатининг натижалаган

рига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан қатъи назар тенг имкониятларни таъминлаш;

– кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини кўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш, уларда меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда, муносиб шароитларни таъминлайдиган унумли ва ижодий меҳнат кобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

– меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги;

– иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва ахолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш;

– ижтимоий ҳимояга ўта муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаётган ва янги иш жойларини яратажётган иш берувчиларни рағбатлантириш;

– иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирларни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш;

– аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда давлат органлари, касаба уюшмалари, ходимларнинг вакиллик органлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги;

– аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда давлатлараро ҳамкорлик.

Ахолини иш билан таъминлаш давлат сиёсатини амалга оширилишида барча даражадаги давлат органлари: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидан тортиб, то энг куйи давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларигача бўлган бўғинлари иштирок этади. Уларнинг ушбу соҳадаги ваколатлари доираси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамлаб кўйилган.

Жумладан, ушбу Қонуннинг 15-моддасига кўра,

Давлат бошқарув органлари:

Меҳнат бозорини барпо этиш ва ривожлантиришни таъминловчи тузилмавий, молиявий, кредит, инвестиция ва солиқ сиёсатини амалга оширишга доир тадбирларни ишлаб чиқади;

Иқтисодиёт тузилишини таҳлилий танқид этади, меҳнат бозори ҳолати ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ахволнинг истиқболини белгилайди, бу соҳада давлат статистика хисоби ва хисоботини юритади;

Аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Фуқароларнинг иш билан таъминланиш соҳасидаги хуқуqlари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан тегишли равишда кафолатлашиши, шунингдек ҳимоя килинишини таъминлайди;

Кўшимча иш жойлари яратилишига, меҳнат шароитлари яхшилашишига кўмаклашади;

Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади. Бандлик соҳасидаги давлат сиёсатининг бевосита амалга оширилиши билан шуғулланувчи давлат бошқарув органи – Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бўлиб, «Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига кўра:

Ахолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш ҳамда фуқароларга тегишли кафолатларни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг маҳаллий органлари томонидан амалга оширилади<sup>39</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

Мехнат бозорини таҳлил этади ва истиқболини белгилайди ҳамда ахолини иш билан таъминлаш даражасининг ошириш чоратадбирларини ишлаб чиқади;

Ахолини иш билан таъминлаш масалалари юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда маҳаллий меҳнат органларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ма-благларидан ишсиз шахсларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш янги иш жойларини яратиш, иш билан банд бўлмаган ахолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш учун фойдаланишнинг йўналишларини белгилайди;

«Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлайди;

Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий меҳнат бўлимлари:

Фуқароларга макбул келадиган ишни танлашда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа иш берувчиларга эса зарур ходимларни танлашда ёрдам беради;

Мехнат бўлимларига мурожаат қилган фуқаролар ва иш берувчиларга иш топиш ва ишчи кучи билан таъминланиш имкониятлари тўғрисида, ходимларга нисбатан қўйилаётган талаблар ҳакида ва иш билан таъминланиш имкониятлари тўғрисида, ходимларга нисбатан талаблар ҳакида ва иш билан таъминлашга тааллуқли бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар беради;

---

<sup>39</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 6 апрелдаги 162-сонли «Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳакидаги карори.

Ишламаётган фуқароларни касбга ўргатиш, қайта ўргатиш ва мала-касини ошириш тўғрисида ўқув юртлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан шартномалар тузади;

Ишсиз шахсларни рўйхатга олишни таъминлайди ва уларга ёрдам кўрстатади, шу жумладан нафақалар тайинлаш ва тўлашни амалга оширади;

Мехнат бозорининг холатига ва мазкур бозорни ривожлантириш ис-тиқболларига баҳо беради, унинг мониторингини ташкил этади ва ўтка-зади ҳамда тегишли ахборот тарқалишини таъминлайди;

Бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) ҳамда иш қидириб мурожаат этаётган ва ишга жойлашишга муҳтож фуқаролар ҳисобини юритади;

Ахолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаш чиқиши ва амалга оширишда қатнашади;

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда мўлжалланаётган тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилиши натижасида ходимлар ишдан озод этилиши мумкин бўлган бошқа тадбирлар тўғрисида, шунингдек бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бор-йўқлиги, меҳнат ҳусусияти ва шаро-итлари тўғрисида ахборотлар олади;

Давлат ва нодавлат таълим муассасаларидан уларнинг йўналиши ва ихтисослашуви, битирувчиларнинг касб-малака таркиби ва сони тўғри-сида ахборотлар олади;

Мехнат органларига мурожаат қилган фуқароларни касб тайёргар-лиги ва малака даражасига мувофиқ корхоналар, муассасалар ва ташки-лотларга уларда бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бўлган тақдирда ишга жойлаштириш учун юборади;

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар учун ижтимоий химояга муҳтож шахсларни ишга қабул қилишга мўлжалланган энг кам микдор-даги иш жойларини белгилаш тўғрисида тақлифлар ишлаб чиқади ва уларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муҳокамасига кири-тади, шунингдек мазкур фуқароларни ишга жойлаштириш учун корхо-налар, муассасалар ва ташкилотларга юборади;

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишончномаси асоси-да улар номидан фуқароларни ишга жойлаштириш тўғрисида уларни олдиндан (зарурат бўлганида) касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, мала-касини ошириш, йўлкира, кундалик харажатлар ҳақини тўлаш шарти билан шартномалар тузади, шунингдек янги яшаш ва иш жойига кўчиб бориш чогида тегишли корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ма-блағлари ҳисобига ёрдам пули беради;

Ишсиз фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига белгиланган тартибида уларнинг ўз хохишига кўра жўнатади;

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг маблағларини белгиланган тартибда тасарруф этади;

Фуқароларга ишсизлик нафақасини белгилаган тартибда тайинлайди;

Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Мехнат органлари томонидан аҳолига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, бошқа иш берувчиларга кўрсатилаётган хизматлар, шу жумладан меҳнат бозори ҳолати тўғрисида ахборот бериш бепул амалга оширилади.

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида маҳаллий давлат ҳокимият органлари қўйидаги ваколатларни амалга оширади:

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш;

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг умумий принциплари амалга оширилишини таъминловчи норматив хужжатлар қабул қилиш;

Аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан худудий тармок дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ушбу Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилган фуқароларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш ёки айрим турдаги ишларни (касларни) эҳтиёт тарикасида сақлаб туриш;

Меҳнат бозоридаги ахвол барқарорлашувига кўмаклашувчи, шу жумладан меҳнат шартномалари оммавий равища бекор қилиниши тўғрисида уларни олдиндан (зарурат бўлган такдирда) касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, йўлкира, кундалик харажатлар хақини тўлаш шарти билан шартномалар тузади, шунингдек янги яшаш ва иш жойига кўчиб бориш чоғида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан ёрдам пули беради;

Ишсиз фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига белгиланган тартибда уларнинг ўз хоҳишига кўра жўнатади;

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг маблағларини белгиланган тартибда тасарруф этади;

Фуқароларга ишсизлик нафақасини белгиланган тартибда тайинлайди;

Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади;

Меҳнат органлари томонидан аҳолига корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, бошқа иш берувчиларга кўрсатилаётган хизматлар, шу жумладан меҳнат бозори ҳолати тўғрисида ахборот бериш бепул амалга оширилади.

Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари бандлик хизмати органлари таклифи билан аҳолини вақтингча бандлигини таъминлаш мақсадида ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этишлари мумкин.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасида айтилишича:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари меҳнат органларининг таклифига кўра ва уларнинг иштирокида аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида ўз мулкидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ҳамда шартномалар асосида бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг амалга оширилишини ташкил этадилар.

Меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган фуқаролар билан ҳақ тўланадаиган жамоат ишларida қатнашиш учун кейинчалик икки ойгача муддатга узайтириш ҳукуки билан муддатли меҳнат шартномалари тузилади.

Жамоат ишларини бажариш чогида фуқароларга бажараётган ишига қараб, бироқ 15%га оширилган ишсизлик нафақасидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш, ана шу ишлар муддатини умумий меҳнат стажига кўшиш, пенсия таъминоти ва вактингча ишга лаёқатсизлик юзасидан нафақалар олиш ҳукуки кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъқамасининг 1999 йил 19 июлдаги 353-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикасида ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш ҳақида»ги Низом тасдиқланган бўлиб, фуқароларни бундай ишлардик иштирок этиши тартиблари, улар меҳнатига ҳақ тўлаш масалалари ва бошқа иқтисодий ҳамда ҳукукий масалалар ушбу Низомда белгилаб кўйилган.

Бандлик ва ишга жойлаштириш жараёнида фуқаронинг иш сўраб мурожаат қилиши юридик факт асосида фуқаро билан ишга жойлаштириш органлари ўртасида ҳукукий муносабат юзага келади. Ушбу ҳукукий муносабатларнинг мазмуни нафақат иш сўраб мурожаат қилган фуқарога берилган ҳукуклар ва мажбуриятлар билан, балки ишга жойлаштириш органлари томонидан иш ахтариш, ишга юбориши юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган хатти-ҳаракатларни ҳам қамраб олади. Ишга жойлаштириш органлари мурожаат килган фуқарога иш топиб бера олмаса, у ҳолда фуқаро бу органлардан ишсиз шахс сифатида рўйхатга олишларини, касб ўрганиш ёки малакасини ошириш учун ўқишига юборилишини, ишсизлик нафақаси тўланишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Иш сўраб мурожаат қилган фуқаро ишга жойлаштириш органидан ўзини аниқ бир корхонага, аниқ кўрсатилган вазифа ёки лавозимга ишга

жойлаб қўйишни талаб қилишга ҳақли эмас. Чунки ишга жойлаштириш органлари зиммасига бундай вазифа юклатилган эмас. Ишга жойлаштириш муддат билан чекланмаган бўлиб, бу муносабат одатда, фуқаро ишга жойлаштирилгунинг қадар давом этади.

Меҳнатнинг эркинлиги тамойилига кўра ишга жойлаштириш муносабати иш сўраб мурожаат килган фуқаро хоҳиши билан истаган пайтда бекор қилиниши, яъни у ишга жойлаштириш органининг иш топиб беришга оид хизматидан хоҳлаган пайтда воз кечиши мумкин.

Хозирги пайтда ишга жойлаштириш органлари билан кадрларга эҳтиёжманд корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар анча батафсил тартибга солинган бўлиб, бунда кадрлар қўнимизлигини камайтириш, фуқаронинг иш ахтариб бекор юришини қисқартириш ва шу йўл билан меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш мақсадлари назарда тутилади.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасида айтилганидек, иш берувчилар «бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойда, мўлжалланаётган ишдан озод қилишлар тўғрисида ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда ахборотларни олдиндан (камида икки ой олдин) маҳаллий меҳнат организига тақдим этиш» мажбуриятiga эгадирлар.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги карамоғидаги бандлик хизмати воситачилик фаолиятини олиб боради ва шу сабабли, маъмурий-хуқуқий ваколатларга эга эмас. Бироқ, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга кўра улар ўз ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотларга ижтимоий ҳимояга муҳтож табақалар (ёшлар, аёллар, ногиронлар ва х.к.)дан бўлган фуқаролар учун қўшимча иш жойлари ажратиш (квоталаш) юзасидан мажбурий кўрсатмалар бериши, бу кўрсатмалар бажарилмаганида эса тегишли молиявий жазо чораларини кўллаши мумкин.

Юкорида таъкидланганидек, ижтимоий заиф катламлардан бўлган фуқароларни ишга жойлаштириша (ёшлар, хомиладор ва ёш болали аёллар, ногиронлар, жазо муддатини ўтаб озодликка чиқарилган фуқаролар, хизматдан бўшатилган ҳарбий хизматчиликлар ва бошқалар) кўпгина имтиёзлар назарда тутилган ва уларни ишга жойлаштириш бир катор ўзига хос хусусиятларга эга.

Мамлакатимизда иқтисодий фаол аҳоли сонининг тез суръатлар билан, ҳар йили ўртacha 280000 кишига ортиб бораётганлиги туфайли бандлик ва иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини мунтазам такомиллаштириш, қўшимча иш жойлари барпо этишга қаратилган тадбирларни амалга ошира бориш ҳаётий заруратга айлангандир.

Аҳолини иш билан таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири – юртимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг иқтисодий, ташки-

лий, хукукий базасини мустаҳкамлашдан иборат. Шуни айтиш кифояки, мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-кувватланиши, кичик ва хусусий бизнес учун кенг хукукий имкониятлар яратилиши натижасида кейинги бир неча йил давомида 700 мингдан кўпроқ киши иш билан ҳамда турмуш кечириш манбаи билан қўшимча равиша таъминландилар<sup>40</sup>.

### **БИЛИМИНГИЗНИ ТЕКШИРИБ ҚЎРИНГ**

1. Ўзбекистонда меҳнат бозори ва уни хукукий тартибига солиниши ҳакида нималарни биласиз?
2. Фуқароларнинг меҳнат қилиш хукуклари ва унинг амалда таъминланиши қандай?
3. Корхоналардан оммавий тарзда бўшатиб олинаётган шахсларга қандай қўшимча кафолатлар берилган?
4. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Конуни ҳакида гапириб беринг.
5. Ишсиз шахс деганда кимлар тушунилади?
6. Ишсиз шахсларни ҳисобга олиш ва ишсиз деб эътироф этиш тартиби қандай?
7. Ишсизлик нафакаси, унинг таъминланиши, микдори қандай?
8. Қайси ҳолларда ишсизлик нафакасини тўлаш тўхтатиб турилади ва бекор килинади?
9. Ҳак тўланадиган жамоат ишлари нима ва унга жалб этиш тартиби қандай?
10. Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга жалб этишга йўл қўйиладими?
11. Ишсиз шахсларни янги қасбга ўқитиш тартиби, шакллари ва бундай шахсларга бериладиган моддий кафолатлар нималардан иборат?
12. Ишга жойлаштириш органлари деганда қайси органлар назарда тутиласди?
13. Аҳолини иш билан таъминлаш давлат органлари, иш берувчилар ва жамоат орғанларининг иштироки ҳакида сўзлаб беринг.

## **VII боб. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТУШУНЧАСИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҚИЛИШ ХУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ЎРНИ**

### **1-§. Меҳнат шартномаси тушунчаси ва аҳамияти**

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолияти кенг тарқалиб, ахоли даромад манбаларининг ноанъанавий шакллари юзага келаётган бўлсада, фуқароларнинг корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишлашлари орқали миллий даромад яратилишида қатнашаётганлари, иш ҳаки сифатида даромад олиш йўли билан эса ушбу миллий даромаддан ўз улушларини

<sup>40</sup> Қаранг: «Бизнес вестник Востока» ҳафтномаси, 2000 йил, № 47 (461).

олаётганлари жамият иқтисодий ҳәтида салмоқли ўринга эга бўлиб бормоқда. Ана шундай шароитда фуқароларнинг меҳнат қилиш хуқуқларини рўёбга чиқаришнинг хуқуқий механизмини чукур англаб етиш, бу механизмнинг самарали ишлашини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Чунки меҳнат ресурсларидан оқилона фойдалана олиш, фуқароларнинг меҳнат хуқуқларини амалда таъминлаш ва етарли ҳимоя қилиш ушбу омилга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Республикамизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ва амалга оширилаётган чукур ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар, энг аввало, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя масалалари борасида халқаро стандартларни тобора кенг жорий этилаётганлиги<sup>41</sup>, миллий конунчилигимизни ушбу халқаро хуқуқий андозаларга янада кенгроқ мувофиқлаштириб борилаётганлиги туфайли меҳнатга оид хуқуқий муносабатларда бозор муносабати қоидаларига хос бўлган умуминсоний, умум демократик жиҳатлар мунтазам равишда кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси билан фуқароларга берилган меҳнат қилиш хуқуқларини амалга ошириш, ёлланма меҳнат қилиш хуқуқининг асосий ташкилий хуқуқий шакли – фуқаро билан иш берувчи ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 72-моддасида келтирилган расмий тарифга кўра: «Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонуллар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида хақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир».

Бироқ, ушбу расмий тариф меҳнат шартномасига хос барча жиҳатларни қамраб ололмайди. Чунки меҳнат хуқуки назарияси меҳнат шартномасига фуқаролар меҳнат қилиш хуқуқларини рўёбга чиқарилиш шакли, меҳнат муносабатлари юзага келиши ва амалга ошиши асоси ҳамда меҳнат хуқуки фани институтларидан бири сифатидагина эмас, балки ходим билан иш берувчи ўртасида юз берган юридик факт, ушбу фактни ўзида қайд этувчи ёзма ҳужжат ҳамда меҳнат муносабати тарафларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашнинг юридик воситаси сифатида ҳам қарайди.

<sup>41</sup> Жумладан, 1991-1998 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси инсон хуқуqlariga оид асосий халқаро конвенцияларга, Халқаро Меҳнат Ташқилотининг бир катор конвенцияларига (№47, 52, 103, 122 ва бошқалар) кўшилганлигини эълон килди. Қаралсин: Ўзбекистоннинг янги қонулари, 1-23-сонлар. Т., «Адолат», 1991-2000.

Мехнат шартномаси тузилиши воситасида ходим ва иш берувчи-нинг ўзаро муносабатлари индивидуаллаштирилади ҳамда хуқукий тартибга солинади. Фақат меҳнат шартномаси тузилиши йўли билангина фуқаро ходим мақомини олади, меҳнат жамоасига қўшилади, корхона локал меъёрий хужжатлари, ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнат конунлари тўла ҳажмда унга татбиқ этила бошланади.

Мехнат конунлари ишга қабул қилишни хуқукий жиҳатдан тартибгасолар экан, иш тури, жойи ва касб-корини танлаш эркинлиги, меҳнат хуқуқларининг амалга оширилишида барча фуқароларнинг ўзаро тенг эканликлари, ижтимоий ҳимоя талаб аҳоли табақаларини давлат қўллаб-куватлашининг амалга оширилиши каби қоидаларига асосланади.

Мехнат хуқуқларини амалга ошириш, ишчи кучини меҳнат бозорида сотиш – сотиб олиш, меҳнат ресурсларини иқтисодиёт тармоқлари бўйлаб тақсимлаш механизми вазифасини меҳнат шартномаси бажаради. Ходимлар ва иш берувчилар хуқуқ ҳамда манфаатларини тўла ҳимоя килишлик учун меҳнат қонунчилиги меҳнат шартномасига қўйиладиган асосий талабларни, унинг тузилиши, ўзгартирилиши ва бекор қилиниши тартибларини белгилаб беради, меҳнат шартномаси тузиш билан боғлиқ кафолатларни назарда тутади. Мехнат шартномаси тузиш воситасида ходим ва иш берувчи ўртасидаги муносабат предмети, доираси, шартнома томонларининг бир-бирларига нисбатан ҳақ-хуқуқлари аниқлаб олинади. Меҳнат шартномаси келгусида ходим ва иш берувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни давом эттириш ва янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қиласди.

## **2-§. Мехнат шартномасининг фуқаролик хуқукий шартномалардан фарқ қилувчи жиҳатлари**

Мехнат шартномаси ҳам унинг тарафларида бир-бирларига нисбатан ўзаро хуқуқлар ва мажбуриятларни юзага келтиришга қаратилган келишув эканлиги билан ҳар қандай шартномалар билан умумий хусусиятга эгадир. Айниқса, тартибга солиш предмети меҳнат эканлиги билан иш бажариш (хизмат кўрсатиш)га оид фуқаролик хуқукий шартномалар (пудрат, топширик, муаллифлик, илмий-тадқиқот ишларини бажариш ва бошқалар) билан ўхшаш жиҳатларга эга.

Бироқ, меҳнат шартномаларининг ўзига хос бўлган хусусиятлари ва бир қатор жиҳатлари борки, улар меҳнат шартномасини фуқаролик хуқукий шартномаларидан аниқ фарқлаш имконини беради.

Мехнат хукуки фанида кўпчилик томонидан эътироф этилган ана шундай фарқловчи жиҳатлар қаторига қўйидагилар киритилиши мумкин:

1. Мехнат шартномасига кўра ходим корхонада муайян касб, ихтисос ва малакага оид ишни бажариши, иш берувчи эса ана шундай иш билан таъминлаши лозим. Мехнат шартномаси мажбурияти предмети ишнинг натижаси ёки кўрсатиладиган муайян хизмат тури эмас, балки тирик меҳнатни ўзи саналади. Ҳар бир ходим меҳнат жамоаси таркибида бўлгани ҳолда бажарадиган ишнинг хусусияти ишлаб чиқариш вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда тегишли касб, ихтисос доирасида ўзгариб туриши мумкин.

2. Ходим ўз касби, ихтисоси, лавозимига оид ишни корхона ички меҳнат тартибига амал қилган ҳолда бажариши лозим бўлади. Ички меҳнат тартиби деганда ходимларни бир маромда ишлашларини, хавфсиз ва унумли меҳнат жараённида тегишли меҳнат меъёрлари бажарилишини таъминловчи меҳнат режими назарда тутилади. Бундай меҳнат режими меҳнат қонунлари, қонун хужжатлари, корхоналардаги локал меъёрий хужжатлар билан тартибга солинади.

3. Меҳнат жараённида ходим иш берувчи фармойишларини бажариши, меҳнат операцияларини унинг кўрсатмаларига амал қилган ҳолда бажариши лозим. Яъни ходим ва иш берувчи ўртасида ўзаро бўйсуниш муносабати мавжуд бўлади. Меҳнат шартномаси бўйича меҳнат қилинганида меҳнат жараёнининг ўзи, унинг шарт-шароитлари тартибга солинади.

4. Меҳнат Кодексига кўра (154-модда) иш берувчи ходимга ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар жамоа келишуви ёки шартномасида кўрсатиб қўйилганидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлаши керак. Иш ҳақи тўлашга оид шартлар ҳатто ходим рози бўлган тақдирда ҳам қонунларда белгилаб қўйилган энг кам миқдордан кам бўлишига, унинг ахволини ёмонлашувига олиб келиши мумкин эмас.

Мехнат шартномасига кўра тўланадиган ҳақ бажарилган меҳнатнинг миқдори ва сифатига мутаносиб бўлиши талаб этилади ҳамда бу кўрсаткич иш ҳақи тизимлари (ишнинг давомийлиги, муракаблиги, ходимнинг малакаси, нормаларнинг бажарилиши ва бошқа омиллар хисобга олинган ҳолда) воситасида аникланади. Ходим асосий иш ҳақидан ташқари корхона иш якунларига кўра белгиланган қўшимча иш ҳақларини ҳам олади (мукофот пуллари, устама ҳақлар ва бошқалар).

Шахсга ходим сифатида имтиёз ва енгилликлар берилиши қонунчиликка кўра шахсни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ (фармойиш)

чикарилиши, меҳнат дафтарчаси юритилганлиги, ишлаётганлиги хақида маълумотнома берилганлиги кабилар билан боғлик бўлади.

Хўжалик фаолияти амалиётида «меҳнат келишувлари (битимлари)» учраб туради ва уларнинг хуқуқий табиати турличадир. Бунда агар меҳнат битимларига кўра ходим буйруқ асосида ишга қабул қилинган, корхона меҳнат жамоаси таркибига киритилган бўлса, бундай битим меҳнат шартномаси деб ҳисобланishi, бир марталик ишни бажариши учун тузилган бўлса шахсий пудрат (фуқаролик хуқуқий) шартнома муносабати деб баҳоланмоғи зарур бўлади.

### **3-§. Меҳнат шартномаси ва унинг томонлари**

Меҳнат шартномаси ҳам ҳар қандай бошқа шартномалар сингари муайян томонлар ўртасида тузиладиган келишувдан иборат. Унинг томонлари бўлиб ходим ва иш берувчи қатнашади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1997 йил 6 сентябрдаги 6/1-сонли «Акциядорлик жамиятларида меҳнат муносабатларини тартибга солишини такомиллаштириш тўғрисидаги тавсиялари»да<sup>42</sup> айтилишича, ходим деганда меҳнат фаолияти меҳнат шартномаси асосида амалга ошириладиган, муайян ёшга етган жисмоний шахс тушунилмоғи лозим.

Аммо меҳнат шартномаси тарафи сифатида иштирок этиши мумкин бўлган жисмоний шахс муайян ёшга етган бўлишидан ташқари (16 ёшга, айrim ҳолларда 15 ёшга ва ҳатто 14 ёшга, қонунда маҳсус кўрсатиб кўйилган ҳолларда 18 ёшга етган бўлиши) яна бир қатор талабларга ҳам жавоб бериши лозим бўлади. Бу талаблар фуқаро саломатлигининг ахволи, унинг касб, малака, маълумоти, фуқаролиги ва бошқа бир қатор омилларга боғлик бўлади.

Масалан, фуқаро 1 ёки 2-гурух ногирони эканлиги ёки саломатлиги ахволи бўйича талабга жавоб бермаслиги (тиббий кўрикдан ўтказилиб ишга қабул қилиш мумкинлиги белгиланган ҳолларда) уни бир қатор касб ва вазифаларда ишлашлигини, яъни меҳнат шартномаси тарафи бўлишлигини истисно этади.

Муайян касб ва лавозимда ишлаши учун фуқародан маҳсус билимга эга бўлишлик талаб этилиши мумкин (масалан, тиббиёт мутахассиси, юрист, транспорт воситалари ҳайдовчиси ва ҳоказо) ва ана шундай билимга эгаликни тасдиқловчи хужжат (диплом, гувохнома)ни йўқлиги

<sup>42</sup> Каранг: «Налоговые и таможенные вести» хафтномаси, 1997 йил, 42-сон.

хам бундай ҳолларда фуқаро мөхнат шартномасининг тарафи бўла ол-маслигини англатади.

Фуқаронинг суд айблов ҳукмига мувофиқ содир этилган ғаразли жинояти учун муайян касб ва лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги ҳукмда кўрсатилган муддат тамом бўлмагунга қадар шахсни мазкур касб ва лавозимлар бўйича мөхнат шартномаси томони бўлиб иштирок этишлигини истисно этади.

Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси худудидаги мөхнат фаолияти тартиблари маҳсус қонун хужжатлари билан белгилаб кўйилган бўлиб, ушбу тартиб-қоидаларга амал қилинмаганида улар мөхнат шартномаси тарафи бўлиб қатнашишлари мумкин эмас<sup>43</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Мөхнат вазирлигининг юқорида эслатилган «Акциядорлик жамиятларида мөхнат муносабатларини тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисидаги тавсиялари»га кўра иш берувчи деганда мөхнат функцияларини бажариш учун жисмоний шахсларни ишга ёллаш ваколати берилган корхона, муассаса, ташкилотлар, шунингдек мустақил балансга эга бўлган таркибий тузилма раҳбарлари тушунилади.

Иш берувчи сифатида мулкчилик шакли, хўжалик юритиш усулидан қатъи назар барча юридик шахслар, тегишли ҳолларда уларнинг бўлинмалари (шу жумладан, чет эл корхоналари, қўшма корхоналар)<sup>44</sup> қатнашадилар.

Жисмоний шахслар ўзларининг уй-рўзгор, майший эҳтиёжлари йўлида (оилавий тиббий ҳамшира, бола тарбияловчиси, боғбон, автоулов хайдовчisi, ошпаз ва бошқалар) ёлланма мөхнатдан фойдаланишлари, иш берувчи сифатида мөхнат шартномаси тузишлари мумкин. Бундай ҳолда иш берётган фуқаро ўзининг ходимига мөхнат қонунчилигига назарда тутилган энг минимал даражадаги мөхнат шароитларини яратиб бериши, ҳуқуқлардан фойдаланишини таъминлаши лозим бўлади.

Айрим фуқаро иш берувчи сифатида қатнашган ҳолда бошқа фуқарони ишга ёллаш юзасидан тузилган мөхнат шартномаси белгилан-

<sup>43</sup> Карапе: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикасининг «Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига шархлар, Т., 2000, 154-179-бетлар.

<sup>44</sup> Чет эл корхоналари ва чет эл инвестицияси иштирокидаги қўшма корхоналар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ҳукукий экспертиздан ўтказилиб, давлат рўйхатига олингандаридан сўнг хўжалик фаолияти олиб боришлари, иш берувчи сифатида қатнашишлари мумкин. Шу хақдаги Низом 1997 йил 2 июлдаги 336-сонли қарор билан тасдиқланган.

ган тартибда давлатнинг ваколатли органларида рўёхатга олиниши, иш берувчи фукаро ўз ходими учун бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тегишли суғурта тўловларини тўлаб туриши зарур бўлади<sup>45</sup>.

Давлат корхона, муассаса ва ташкилотларининг иш берувчи сифатида меҳнат бозорида ҳамда меҳнат муносабатида қатнашишларининг ўзига хос жиҳатлари вазирликлар, идораларнинг актларида, давлат хизматчиликларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат муносабатларини давом эттиришнинг хусусиятлари эса ушбу масалага оид маҳсус қонун хужжатларида (масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги ва бошқа Қонунлар) белгилаб кўйилиши мумкин.

Тижоратчи бўлмаган юридик шахсларнинг (турли нодавлат жамғармалари, жамоат ва диний бирлашмалар ва ҳоказолар) иш берувчи сифатида меҳнат муносабатларида иштирок этишининг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат – нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги<sup>46</sup> ва бошқа Қонунларда, ушбу қонунлар асосида ишлаб чиқилган қонун хужжатларида, уларнинг ўз устав (низом)ларида белгилаб кўйилиши мумкин.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча иш берувчи юридик ва жисмоний шахслар Мехнат Кодекси ва бошқа меҳнат қонун хужжатлари талабларига қатъий риоя қилишлари шарт ҳисобланади.

#### **4-§. Меҳнат шартномасининг шакли, мазмуни ва амал қилиш муддатлари**

Меҳнат шартномаси унда иштирок этаётган тарафларнинг, биринчи навбатда ходимнинг манфаатларини реал ва самарали тарзда таъминлаш мақсадида фақат ёзма равища тузилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 74-моддасида айтилишича: «Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади».

**Меҳнат шартномасининг шакли** Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий шартномани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқа-масининг 1997 йил 11 мартағи «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив хужжатларни тасдиқлаш тўғриси-

<sup>45</sup> М. Гасанов, Е. Соколов. Ўзбекистонда меҳнат шартномаси (контракти). Биринчи, иккинчи китоб, Т., 1996, 17-бет.

<sup>46</sup> Ўзбекистоннинг янги қонунлари, Т., «Адолат», 21-сон, 146-бет.

да»ги Қарорининг 1-илю-васида «Ёзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан тавсиялар» баён этилган бўлиб<sup>47</sup>, унда ёзма шаклдаги меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш пайтида амал қилиниши талаб этиладиган зарурий кўрсаткичлар белгилаб қўйилган.

Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган икки нусхада, одатда давлат тилида, зарур ҳолларда эса ҳодим тушунадиган бошқа тилда хам тузилади ва томонлар имзолаганларидан сўнг кучга киради, уларнинг ҳар бирiga сақлаш учун берилади. Меҳнат шартномаси ишга қабул қилиш ваколатига эга бўлган раҳбар томонидан имзоланиб, унинг имзоси корхона мухри билан тасдиқланади. Шартномада томонларнинг манзиллари, бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Қонун меҳнат шартномаси, албатта, ёзма равишида тузилиши шарт эканлигини белгилар экан, Меҳнат Кодекси амалга киритилгандан кейин (1996 йил 1 апрелдан бошлаб) юзага келган меҳнат муносабатларига бу қоидалар тадбиқ этилишини, ундан аввал юзага келган меҳнат шартнома муносабатлари тарафлардан бири талаб қилгани тақдирдагина ёзма равишида тузилган меҳнат шартномаси шаклида қайта расмийлаштирилиши лозимлигини назарда тутади.

Меҳнат шартномаси (контракт)нинг юкорида эслатилган ҳукумат қарори асосида тасдиқланган намунавий шаклига (қарорнинг 2-сонли иловаси) мувофиқ ҳар бир ҳалқ хўжалиги тармоғида ёки корхона ва ташкилотларнинг ўзида шартнома (контракт) шакли ишлаб чиқилиши, ҳар бир ҳодим билан ўрнатилаётган меҳнат муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари (ўзига хос ҳукуқлар ва мажбуриятлар доираси) эътиборга олинган ҳолда қўлланиши мумкин.

Келгуси даврларда меҳнат шартномасига ўзгариш ва қўшимчалар унинг томонлари ўзаро келишувига мувофиқ тарзда ёзма шартномага киритилади ва томонлар имзоси билан тасдиқланади.

**Меҳнат шартномаси мазмуни деганда** унга кўра томонлар қўлга киритаётган ҳукуқлар, ўз зиммаларига олаётган мажбуриятлар мажмуи тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида (73-модда) хамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарори билан тасдиқланган «Ёзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан тавсиялар»да кўрсатилганидек меҳнат шартномаси (контракт) зарур шартлар ва қўшимча шартларни ўз ичига олади.

Куйидагилар меҳнат шартномаси (контракт)нинг зарур шартлари хисобланади:

<sup>47</sup> М. Гасанов, Е. Соколов. Ўзбекистонда меҳнат шартномаси (контракти). Биринчи, иккинчи китоб. Т., 1996, 299-бет.

1) **иш жойи** – ходим ишга қабул қилинаётган корхона, муассаса, ташкилот (унинг таркибий бўлинмаси)нинг номи;

2) **мехнат функцияси** – мазмуни лавозим йўриқномалари, малака мажбуриятлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган муайян мутахассислик, малака ёхуд лавозим бўйича иш (раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларнинг ҳамда бошқаларнинг ягона тариф-малака маълумотномаси, малака маълумотномаларига мувофиқ);

3) **иш бошланадиган кун** – қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради, агар ишнинг бошланиши санаси қайд этилмаган бўлса, ходим шартнома имзоланган кундан кейинги иш кунидан (сменадан) кечикмай ишга тушиши шарт;

4) **мехнатга ҳақ тўлаш миқдори ва бошқа шартлар.** Мехнатга ҳақ тўлаш миқдори томонларнинг келишувига кўра белгиланади ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши ва энг кўп миқдор билан чегараланиши мумкин эмас.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим меҳнат шартномалари (контракт)ни тузища зарур шартлар рўйхати кенгайтирилиши мумкин. Масалан, муддатли меҳнат шартномаси (контракт) тузища ишнинг бошланиши санасигина эмас, балки унинг тамом бўлиш санаси ҳам қайд этилади. Ходимни муайян ишни бажариш даврига ишга қабул қилишда ходим амалга ошириши учун қабул қилинаётган аниқ иш кўрсатилади. Ўриндошлар билан меҳнат шартномаси (контракт) тузища қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган энг кўп муддат доирасида кундалик ишнинг аниқ муддати белгиланади. Томонларнинг келишувига кўра меҳнат шартномаси (контракт)да кўшимча шартлар назарда тутилиши мумкин. Улар томонларнинг мажбуриятларини аниқлаш, уларни тўлдириш, ходимга кўшимча имтиёз ва афзалликлар берилишини назарда тутиши мумкин.

Кўшимча шартларга куйидагилар киритилиши мумкин:

ходимга меҳнат шароитлари белгиланган ҳолда ЯТММ (ягона тариф-малака маълумотномаси) ва ММ (mansab маълумотномаси)да назарда тутилган қўшимча меҳнат мажбуриятлари юклаш;

бир неча касбда ишлаш тартиби ва шартлари кўрсатилган ҳолда меҳнат шартномаси (контракт)нинг мустақил шарти сифатида бир неча касб (лавозим)да ишлаш;

агар ходим синов муддати билан ишга қабул қилинаётган бўлса, синовнинг аниқ муддати (қачондан қачонгача), ходимнинг юқори малакаси, агар бу амалдаги қонун ҳужжатларида, жамоа шартномасида (барча даражадаги битимларда) ёки корхона, ташкилот, муассасада амал

килувчи бошқа норматив хужжатларда назарда тутилган ҳолларда муреккаброқ ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш (тариф ставкалари, лавозим маошлари, қўшимча ҳақлар, устамалар, мукофотлар ва бошқа хилдаги тақдирлашлар)нинг юқорироқ микдорларини якка тартибда белгилаш;

ходим учун белгиланган иш вақти режими (тўлиқсиз иш куни, тўлиқсиз иш ҳафтаси, қисқартирилган иш вақти, соатбай иш, иш куни-нинг бошланиши ва тамом бўлиши ва бошқалар); қўшимча (ҳақи тўла-надиган ва ҳақи тўланмайдиган) дам олиш кунлари, таътиллар бериш;

ижтимоий-маиший тусдаги шароитлар (болалар боғчасида ўрин, са-наторий-курортда даволанишга йўлланма таъминланиши, транспорт хизмати, марказлаштирилган тартибда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, уй-жой бериш ва бошқалар);

муддатли меҳнат шартномаси конун хужжатларида назарда тутилган ҳоллари муддатидан олдин бекор қилинганда неустойка тўлаш.

Ходимларнинг алохидатоифалари учун шартноманинг қўшимча шартлари: пул ёки моддий бойликларга хизмат қўрсатувчи шахслар учун тўлиқ моддий жавобгарлик шарти; корхона раҳбарлари учун меҳнат шартномасини тўхтатишнинг қонунчиликда назарда тутилган қўшимча асослари ва ҳ.к. шартлар. Ходим аҳволини қонунлардагидан ёмонлаштирадиган ҳолатлар меҳнат шартномасига киритилиши мумкин эмас.

**Меҳнат шартномаси (контракт)нинг муддати** қоидага кўра чекланмайди ва тарафлар уни бекор қилиш истагини билдирамагунлари-га қадар амал қиласеради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 75-моддасига мувофиқ меҳнат шартномалари:

номуайян муддатга;

беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга;

муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб хисобланади. Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек муайян ишни бажариш вақтига мўлжалланиб қайта тузилиши мумкин эмас.

Амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ иш берувчилар ташаббусига кўра муддатли меҳнат шартномаси тузишлик чекланган бўлиб, объектив ҳолатлар тақозо этганда ва ишнинг хусусиятига кўра номуайян муддатга меҳнат шартномаси тузиш мумкин бўлмаган ҳоллардагина муддатли меҳнат шартномаси тузилишига йўл кўйилади (Меҳнат Кодексининг 76-моддаси).

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленуми ўзининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларни қўлланиши ҳақида»ги қарорининг 5-бандида айтилишича:

судлар шуни назарда тутишлари лозимки, муддатли меҳнат шартномаси фақат МКнинг 76-моддасида белгиланган ҳолатлар бўлганлиги сабабли номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда тузилиши мумкин.

Ходим билан муддатли меҳнат шартномасини тузишга қўйидаги ҳолатлар мавжудлигига йўл кўйилиши мумкин:

бажариладиган ишнинг тафсилотига кўра бажариш учун ходим олинган ишни маълум бир муддат ўтгандан кейин объектив сабабларга кўра давом эттиришнинг имкони бўлмаслиги олдиндан маълум бўлганда, яъни у муддатли характерга эга бўлса;

бажариш учун ходим олинган ишни бажариш шартлари. Бунда иш доимий характерга эга бўлсада, уни бажарышнинг шартлари ходим билан номуайян муддатга меҳнат шартномаси тузишга тўқинлик қиласи (қонунларга мувофиқ ходимнинг иш жойи ва бошқалар сақланадиган, меҳнат ва ижтимоий таътилларда бўлган вақтига бошқа ходимни ишга қабул қилиш);

ходимнинг манфаатлари, яъни у ёки бу ҳолатларга кўра муддатли меҳнат шартномаси тузилиши ходимнинг манфаатларига асосланган бўлганда.

Назарда тутиш керакки, МКнинг 76-моддасида келтирилган ходим билан муддатли меҳнат шартномасини тузиш тўғрисидаги рўйхат қатъий чегараланган. Агар ходим билан тузилган муддатли меҳнат шартномаси МКнинг 76-моддаси талабларини хисобга олмаган ҳолда тузилган бўлса, бундай ҳолда шартноманинг муддати ҳақидаги шартлари ҳақиқий эмас деб топилади, ходим эса ишга номуайян муддатга биринчи иш кунидан бошлаб қабул қилинган хисобланади<sup>48</sup>.

Муддатли меҳнат шартномаси муддатининг тамом бўлиши шартнома тарафларига белгиланган тартибда меҳнат муносабатларини бекор қилиш хукукини беради. Муддатли меҳнат шартномаси муддатининг тамом бўлиши билан бир хафта давомида томонлардан ҳеч бири уни бекор қилиш ташаббусини илгари сурмаса, бундай шартнома ўз-ўзидан номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасига айланади. Муддатли меҳнат шартномаси муддатидан аввал томонлардан бирининг айби билан бекор қилингудек бўлса, меҳнат шартномаси (контракт)да назарда тутилгани

---

<sup>48</sup> Карап: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами, 2-жилд, Т., «Шарқ» НМК, 1998, 60-бет.

холда айбдор томондан иккинчи тараф фойдасига неустойка ундирилиши мумкин.

### **Билимингизни текшириб қўринг**

1. Мехнат шартномаси нима?
2. Мехнат қилиш хукукини амалга оширишда меҳнат шартномасининг аҳамияти кандай?
3. Мехнат шартномаси билан фуқаролик хукукий шартномалар ўргасидаги асосий фарқларни айтиб беринг.
4. Мехнат шартномаси томонлари кимлар?
5. Мехнат шартномаси кандай шаклда тузилади?
6. Мехнат шартномасининг асосий шартлари нималардан иборат?
7. Мехнат шартномасининг кўшимча шартлари хақида сўзлаб беринг.
8. Мехнат шартномасининг муддати бўйича қандай турлари мавжуд?

## **VIII боб. МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ ТУЗИШ ВА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

### **1-§. Ишга қабул қилишининг умумий тартиби**

Ишга қабул қилишининг умумий тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида ва унинг асосида қабул қилинган қонун ҳужжатларида белгилаб кўйилган бўлиб, мулкчиликнинг барча шаклидаги, турли усулда хўжалик фаолияти юритувчи барча корхона ва ташкилотлар учун бир хил талабларни илгари суради. Бу тартиблар Меҳнат Кодексининг 77-87-моддаларида, ички меҳнат тартибининг Намунавий қоидаларида<sup>49</sup> ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган.

Ишга қабул қилиш юзасидан қатъий тартибларнинг белгиланишидан мақсад – фуқароларнинг меҳнат қилиш хукуқларини амалга оширилиши учун кулагай хукукий шароит яратиш, меҳнат хукуқларини амалга ошириши борасида асоссиз чеклашлар ва камситишларга йўл қўймаслиқдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 6-моддасида айтилишича:

Барча фуқаролар меҳнат хукуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек

<sup>49</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 14 июняда 746-тартиб раками билан рўйхатга олинган «Мулкчилик шакли, идоравий бўйсуниши, хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот, муассасалар учун ички меҳнат тартибининг Намунавий қоидалар»нинг 2-бўлими.

ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижалари га алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.

Меҳнат соҳасида меҳнатнинг муйян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг кўпроқ ижтимоий химоясига муҳтој бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўгрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди. Меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўгрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Ишга қабул қилишни асоссиз рад этишга йўл қўйилмайди. Меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган айрим тоифаларга мансуб бўлган фуқароларни (ҳомиладор ва уч ёшга етмаган боласи бўлган аёлларни) ишга қабул қилишлик рад этилган тақдирда унинг сабаби кўрсатилгани ҳолда ёзма жавоб бериш лозим. Меҳнат шартномаси унинг тарафлари барча асосий шартлар тўгрисида келишиб олган ва уни белгиланган тартибда расмийлаштирганларидан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади. Унинг шакли Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан тасдиқланган намунавий шартномага мувофиқ ишлаб чиқилади. Бундай намунавий шартнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли қарори билан тасдиқланган<sup>50</sup>. Шунингдек, ушбу қарор билан «Ёзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан тавсиялар» хам тасдиқланган бўлиб<sup>51</sup>, унда айтилишича, бу тавсияларга, ёзма меҳнат шартномаси намунасига амал қилиш мулкчиликнинг барча шаклдаги корхоналар учун мажбурий саналади.

Ишга қабул қилиш пайтида иш берувчи ишга кираётган шахсдан конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатларни талаб қилиши лозим.

Меҳнат Кодексининг 80-моддасида айтилишича: «Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс қўйидаги ҳужжатларни:

паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, ўн олти ёшга тўлмаган шахслар эса, тугилганлик ҳақидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотномани;

<sup>50</sup> М. Гасанов, Е. Соколов. Ўзбекистонда меҳнат шартномаси (контракти). Т., 1996, 303-бет.

<sup>51</sup> Ўша жойда, 209-бет.

мехнат дафтарчасини, биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно. Ўриндошлиқ асосида ишга кираётган шахслар мехнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани;

харбий хизматга мажбурлар ёки чакирилувчилар тегишлича ҳарбий гувоҳномани ёки ҳарбий ҳисобда турғанлиги ҳақида гувоҳномани;

конун ҳужжатларига мувофиқ маҳсус маълумотга ёки маҳсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётган олий ёки ўрта маҳсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд мазкур ишни бажариш хукуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Ишга қабул қилиш вактида ишга кираётган шахсадан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш таъкиқланади».

Мехнат Кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишга қабул қилишни амалга оширишдан аввал ишга киравчнинг саломатлигига кўра топширилаётган ишга мувофиқлигини аниқлаш максадида олдиндан тиббий кўрикдан ўтказилиши талаб этилиши мумкин, жумладан, Мехнат Кодекснинг 214-моддасида айтилишича: «Иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вакти-вакти билан қўйидаги ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:

ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;

олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;

ногиронлар;

мехнат шароити нокулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлик ишларда банд бўлганлар;

озик-овқат саноатида, савдо ва бевосита ахолига хизмат кўрсатиш билан боғлик бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Мехнат шароити нокулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вакти-вакти билан тиббий кўрикдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади».

Ишга киравчи шахсни тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортиши ёки тиббий кўрик натижаларига кўра унинг топширилаётган вазифага но-мувофиқ эканлиги у билан меҳнат шартномаси тузилиши рад этилиши учун конуний асос бўлиб ҳисобланади.

Ишга қабул қилиш пайтида ишга киравчининг муайян вазифа ва лавозимларда ишлаш хукуқидан суд хукмига биноан маҳрум этилганлиги

маълум бўлиб қолганда бу ҳол унинг мазкур вазифа (лавозим)га ишга қабул қилинишига тўсқинлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1998 йил 17 декабрда 565-рақам билан қайд этилган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари»га кўра қасддан гаразли жиноятлар содири этган шахслар пул ёки бошқа моддий бойликлар билан боғлиқ вазифаларга қабул қилинишлари мумкин эмас. Аммо амалиётда уни текширишнинг механизмлари яхши ишлаб чиқилган эмас ва бу ҳол муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Меҳнат Кодексининг 79-моддасига кўра: «Ўзаро яқин қариндош ёки қуда-андага бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бирни иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади.

Бу коидадан истиснолар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланиши мумкин».

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли қарорининг 3-иловасида «Давлат акционерлик корхоналарининг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 79-моддасида назарда тутилган қариндош-уругларнинг, агар уларнинг хизматлари улардан бирининг бошқасига бевосита бўйсуниши ёки назорати остида бўлиши билан боғлиқ бўлса, бирга хизмат қилишларини чеклаш қоидаларидан истисно этилиши мумкин бўлган ходимлари рўйхати» тасдиқланган бўлиб, унга кўра:

1. Хориждаги дипломатик хизмат ходимлари.
2. Давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари, шунингдек, қишлоқ жойлардаги қишлоқ хўжалиги бўйича илмий-тадқиқот муассасаларида ишловчи қишлоқ хўжалиги мутахассислари.
3. Темир йўл транспортининг линия корхоналари ходимлари, шунингдек «Ўзбекистон темир йўллари» давлат хиссадорлик компаниясининг йўл, курилиш-монтаж ва кўпраксозлик поездлари, механизацияшган колонналари ва бошқа ҳаракатланувчи тузилмаларининг ходимлари, бу корхона ва ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари.
4. Алокадан фойдаланиш корхоналари ва ташкилотлари ходимлари.
5. Соғлиқни сақлаш даволаш-профилактика ва санитария-профилактика муассасаларининг шифокорлари.
6. Барча ўкув ва тарбия муассасаларидаги педагог ходимлар, ўқитувчилар, библиографлар ва кутубхоначилар.

7. Театрлар, бадиий жамоалар ва студияларнинг артистлари, рассомлари ва мусиқачилари.
8. Илмий муассаса ходимлари, шунингдек, сейсмик станциялар ходимлари.
9. Гидрометеорология бош бошқармаси тармоқ ташкилотларининг ходимлари.
10. Дала геология экспедициялари, партиялари, отрядлари ва участкалар ходимлари.
11. Қишлоқ жойларда ишлайдиган ўрмон ва сув хўжалиги мутахассислари, халқ таълими ходимлари, тиббиёт ходимлари, маданий-маърифий муассасалар ходимлари.
12. Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларидан фойдаланишини амалга оширувчи йўл ташкилотларининг ходимлари, бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари.
13. Курилиш-монтаж ва кўприксозлик поездлари, механизациялашган колонналар ва бошқа маҳсус қурилиш тузилмаларининг ходимлари, бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари.
14. Дарё флоти кемаларининг сузувчи таркиби ходимлари ва дарё транспортидан фойдаланиш корхоналари ва ташкилотлари ходимлари, бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари.
15. Магистрал трубопроводлар қурилиши ҳамда нефт ва газ конларини тартибга келтиришни амалга оширувчи қурилиш, қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган бошқарма ва участкаларнинг ходимлари, бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари.
16. Ҳавза ва кўллардаги балиқчилик хўжаликлари, балиқчилик заvodлари, балиқларга увулдириқ сочиш ва уларни ўстириш хўжаликлари ва балиқларни озиқлантирадиган жойларнинг ходимлари (бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари) шулар қаторига киритилган.

Юқорида қайд этилган ва бошқа тартибларга хилоф равиша ишга қабул қилинган шахслар ўз розиликлари билан бошқа ишга ўтказиладилар, агар бунинг иложи бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси 106-моддаси, 4-бандига кўра ишдан бўшатилади.

## **2-§. Ишга қабул қилишда дастлабки синовни қўллаш**

Мехнат шартнома муносабатлари унинг иштирокчиларининг эркин ва тенг эканликларига асосланади. Шунга кўра улар ўзаро муносабатла-

рини бир-бирларини яқындан ўрганиш, синаб кўриш, маъқул келганда давом эттириш асосига қурилишлари мумкин. Мехнат Кодексининг 84-моддасида айтилишича: «Мехнат шартномаси қуйидаги мақсадда дастлабки синов шарти билан тузилиши мумкин:

ходимнинг топширилалётган ишга лаёқатлигини текшириб кўриш;  
ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши.

Дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади. Ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар корхона учун белгиланган квота ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек, олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди». Дастлабки синов муддати уч ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Вактинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга қўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига кири-тилмайди, яъни масалан, дастлабки синов шарти билан ишга қабул қилинган ходим синов даврида айтайлик 10 кун давомида вактинча меҳнатга яроқсиз бўлгани сабабли ишга чиқа олмаса, синов даври унинг учун 10 кунга узайтирилади. Айтайлик, синов муддати 15 марта тамом бўлиши лозим бўлса, юкоридаги ҳол туфайли у 25 мартача чўзилади.

Дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади. Дастлабки синов даври меҳнат стажига киритилади. Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси коникарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган огоҳлантириш муддатини қисқартиришга факат шартнома тарафларининг келишуви билан йўл қўйилади. Агар дастлабки синов муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қиласа, шартноманинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишликка умумий асосларда йўл қўйилади, яъни синов муддати важ қилиб кўрсастилиб, ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди.

Дастлабки синовнинг қонунда белгиланганидан энг кўп муддатидан узокроқ синов муддати белгиланиши мумкин эмас ва уч ойдан ортиқ муддатга белгиланган синов муддати хеч қандай юридик кучга эга эмас.

Синов муддати тамом бўлмасидан аввал ҳам меҳнат шартномасининг томонлари келишуви билан умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.

Синов натижалари нотўғри, нохолис баҳолангандан ҳолда ишдан бўшатиш амалга оширилганидан ходим суд томонидан ишга қайта тикланади. Дастребаки синов меҳнат шартномасининг қўшимча, томонлар келишувига кўра белгиланадиган шарти сифатида ишга қабул қилиш вактидагина белгиланиши мумкин бўлиб, ишлаб турган ходимга уни бошқа ишга ўтказиш пайтида дастребаки синов қўллашликка, шу асосда уни ишдан бўшатишликка йўл қўйилмайди.

### **3-§. Ишга қабул қилишни расмийлаштириш. Меҳнат дафтарчаси ва унинг юридик аҳамияти**

Ишга қабул қилишнинг тўғри расмийлаштирилиши ходим ва иш берувчи манфаатларини самарали химоя қилинишига, келгусида турли низолар юзага келишининг олдини олишликка хизмат қиласди. Ишга қабул қилиш ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилиш ваколати берилган иш берувчи мансабдор шахс (корхона раҳбари, унинг ўринбосари) буйруги билан расмийлаштирилади.

Ишга қабул қилиш хақидаги буйруқда унинг чиқарилган жойи, вақти, ишга қабул қилинаётган ходимнинг тўлиқ исми, шарифи, фамилияси, у қачондан бошлаб, қайси вазифага ва қанча иш ҳақи тўлаш шарти билан қабул қилинаётганлиги каби муҳим ҳолатлар назарда тутилмоғи лозим. Буйруқ матни танишиб чиқиш учун ходимга тақдим этилади ва ундан танишиб чиққанлиги тўғрисида тилҳат олинади.

Корхона раҳбарини ишга қабул қилиш корхона мулкдорининг хукуки бўлиб, бу хукуқ унинг бевосита ўзи ёки у ваколат берган орган томонидан амалга оширилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги хайъати томонидан 1997 йил 6 сентябрдаги 611-карор билан тасдиқланган «Акциядорлик жамиятларида меҳнат муносабатларини тартибга солишини такомиллаштириш юзасидан Тавсиялар»нинг 3.2-бандига мувофиқ жамият ижроия органининг раҳбари таъсис мажлиси (конференцияси) томонидан ўз вазифасига сайланади<sup>1</sup>.

Ижроия органи раҳбари билан акциядорлик жамияти мулкдори (акциядорлар умумий мажлиси) ўртасида меҳнат шартномаси тузилади. Раҳбар билан тузилган меҳнат шартномасини имзолаш хукуки одатда умумий мажлис номидан ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлган кузатув кенгаши раисига берилган.

---

<sup>1</sup> Каранг: Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, Давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон.

Матбуотда нодавлат мулкчилик шаклига асосланувчи корхоналарнинг (шу жумладан, акциядорлик жамоаларининг ҳам) раҳбар ўринбосарлари ва бош бухгалтерлари (катта бухгалтерларни)ни ҳам маҳсус шартнома (контракт) асосида мулқдор томонидан бевосита ишга қабул қилиш лозимлигиғояси муҳокама этилмоқда<sup>2</sup>.

Ишга қабул қилиш хукуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъий назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузиленади.

Ғайриконуний равишда меҳнат шартномаси тузишдан бош тортишга ва ишга қабул қилишни ғайриконуний рад этилишига йўл кўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 78-моддасига мувофиқ: ишга қабул қилишни ғайриконуний рад этиш деб куйидагилар хисобланади:

ушбу Кодекс 6-моддаси биринчи қисмининг талабларини бузиш;

иш берувчи томонидан таклиф қилинган шахсларни ишга қабул қиласлик;

иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган шахсларни (белгиланган квота хисобидан ишга юборилган ногиронлар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни; ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган болалари бўлган аёлларни – тегишлича уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини важ қилиб) ишга қабул қиласлик;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда ходимнинг талаби билан иш берувчи уч кун муддат ичида ишга қабул қилишни рад этишининг сабабини асослаб, ёзма жавоб бериши шарт; бу жавоб ишга қабул қилиш хукуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзолangan бўлиши лозим. Ишга кирувчининг бундай асослантирилган жавобни бериш ҳақидаги талабини кондиришни рад этиш ходимнинг ишга қабул қилиш ғайриконуний равишда рад этилганлиги устидан шикоят қилишга тўсиқ бўлмайди.

Ишга қабул қилишни ғайриконуний рад этиш айбдор раҳбар шахсни қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 49, 50-моддалари; Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 148-моддаси, 2-қисм).

---

<sup>2</sup> Т. Рустамов. «Прекратить трудовой договор с руководителем предприятия нелегко. В чем же причина?». «Налоговое и таможенные вести». 2001, № 9-10.

Ходимнинг меҳнат фаолияти унинг меҳнат дафтарчасида акс эттириб борилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 81-моддасида айтилишича, «Меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий хужжатdir».

Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт. Иш берувчи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини ёзиши шарт. Ходимнинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасини ўриндошлик асосида ишлаган ва вақтгина бошқа ишга ўтказилган даврлар хақидаги ёзувлар киритилади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

Мулкчилик шаклидан, фаолияти шаклидан қатъи назар барча корхона муассасаса ва ташкилотларда меҳнат дафтарчасини юритиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан 1999 йил 7 январда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацииси Кенгаши билан келишилган холда тасдикланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 29 январда 402-тартиб рақами билан рўйхатга олинган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномада белгилаб кўйилган.

Ишлаб турган ходимларнинг меҳнат дафтарчалари иш берувчидаги сақланади ва ишга оид маълумотлар қайд этиб борилади. Хусусий тадбиркорлик ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан шугуулланувчи юридик шахс бўлмаган фуқароларга ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликда ишловчиларга меҳнат дафтарчаларини бериц, меҳнат стажини белгилаш пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилади ва юритилади. Уларнинг меҳнат дафтарчалари пенсия жамғармасида (улар кўчуб кетгунларига, пенсияга чиққунларига қадар) сақланади ва расмийлаштириб борилади.

Меҳнат дафтарчасини тўлдириш ходим тўғрисидаги маълумотларни ёзиш, иш тўғрисидаги маълумотларни ёзиш, меҳнат шартномаси бекор қилинишига оид маълумотларни қайд этиш ва уни бериш тартиблари, меҳнат дафтарчасига қўшимча вараклар юритиш коидалари меҳнат дафтарчаларини юритишга оид йўриқномага мувофиқ олиб борилади.

Меҳнат дафтарчаси йўқотиб кўйилганда, яроқсиз ҳолга келганда (йиртилганда, ёниб кетиши ва ҳоказо) унинг дубликати белгиланган тартибда ҳамда муддатда ходимнинг охирги иш жойида берилиши лозим. Янги меҳнат дафтарчаси (ёки дубликати) берилганда иш берувчи ходимдан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн фоизи миқдорида ҳақ олади. Меҳнат дафтарча-

ларининг бланкалари белгиланган тартибда ҳисобга олиб борилиши, эҳтиёт қилиб сақланиши ва тўғри расмийлаштирилиши лозим<sup>52</sup>.

#### **4-§. Айрим турдаги меҳнат шартномалари тузишнинг ўзига хос жиҳатлари**

Айрим вазифаларда ишлаш учун муайян тоифаларга мансуб бўлган ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномалари, шунингдек меҳнат шартномаларининг бошқа баъзи турлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятларни билиш ва тўғри хисобга олиш, уларга таалуқли бўлган қонунчилик талабларининг эътиборга олиниши меҳнат муносабатлари борасида қонунийликни таъминлашга, ходимлар хукуқ ва манфаатларини самарали тарзда химоя қилишга хизмат қиласди.

Ана шундай ўзига хос хусусиятларга эга бўлган меҳнат шартномалари қаторига ўриндошлар, уйда ишловчилар, танлов ёки сайлов асосида ўз вазифасига тайинланадиган шахслар, муқобил хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, уй хизматчилари билан тузиладиган шартномаларни киритиш мумкин.

#### **1. Ўриндошлиқ бўйича меҳнат шартномаси**

Ўриндошлиқ ходимнинг асосий иш вақтидан бўш бўлган вақтида алоҳида меҳнат шартномасига кўра меҳнат фаолияти бўлиб, у Меҳнат Кодекси билан ҳамда 1989 йил 9 марта тасдиқланган (1990 йил 15 августдаги ўзгартиришлар билан) «Ўриндошлиқ бўйича ишлаш шартлари тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади<sup>53</sup>. Ходимларга уларнинг асосий иш жараёнидан ташкари бир корхона, муассаса, ташкилотларда ўриндошлиқ бўйича ишлашга рухсат этилади. Ўриндошлиқ бўйича ишлаш учун асосий иш жойидаги маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитасининг розилиги талаб этилмайди, аммо солиқларни тўғри ушлаш мақсадида асосий иш жойидан маълумотнома талаб этилади.

Ўриндошлиқ бўйича ишга кираётган ходим паспортини, маҳсус билим, малака талаб этиладиган ишларга қабул қилинаётганда маълумоти ҳақидаги тегишли хужжат, қонунда маҳсус кўзда тутилган ҳолларда тиббий кўрикдан ўтганлиги ва топширилаётган ишга яроқлилиги ҳақидаги тиббий маълумотнома тақдим этгач, ёзма меҳнат шартномаси

<sup>52</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-тартиб раками билан давлат рўйхатига олинган «Меҳнат дафтарчаларини юритиши тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома, (унга 2001 йил 19 майда 402-2 тартиб раками билан ўзгартириш ва кўшимчалар киритилган.

<sup>53</sup> М. Гасанов, Е. Соколов. Ўзбекистонда меҳнат шартномаси (контракти), учинчи китоб. Т., 1996, 362-бет.

тузилади. Корхона, муассаса, ташкилотларнинг иш берувчилари ўз ходимларининг ўриндошлиқ бўйича ишлашларини чеклаб қўйишлари мумкин. Бунда ходим саломатлиги, ишлаб чиқаришнинг хавфсизлиги, ходимнинг 18 ёшга тўлмаганлиги, ҳомиладорлиги ва бошқалар эътиборга олининиши мумкин.

Ўриндошлиқ бўйича иш тўғрисидаги маълумотлар ходимнинг илтимосига кўра асосий иш жойидаги маъмурият томонидан унинг меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилади. Конунда маҳсус кўрсатиб қўйилган ҳоллардан ташқари, айни бир вақтда икки жойда раҳбарлик лавозимида ўриндошлиқ асосида ишлашга йўл қўйилмайди.

Ходимларнинг айрим тоифалари учун ўриндошлиқ бўйича ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб қўйилган (мактаб муаллимлари, тиббиёт ходимлари, концертмейстрлар, маданият ходимлари ва бошқалар). Ўриндошлиқ бўйича ишлаётган шахс ўрнига доимий ходимни ишга қабул қилиниши муносабати билан ўриндошлиқ вазифасидан бўшатиб юборилиши мумкин.

## **2. Уйда ишловчилар (касаначилар, надомниклар) билан тузиладиган меҳнат шартномаси**

Иш берувчи ўз хоҳиши билан уйда ишлашни хоҳловчи ходимлар билан ҳам меҳнат шартномаси тузиши мумкин. Бундай ҳолда ходим ўз асбоб-ускуналари ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдалангани ҳолда ўз уйда иш бажаради. Иш берувчи ходимни ўз вақтида хом ашё ва бошқа зарур воситалар билан таъминлайди, тайёрланган маҳсулотларни қабул қиласди, хисобини юритади ва белгиланган иш ҳаки тўлайди<sup>54</sup>.

Ўзбекистон шароитида халқ хунармандчилиги буюмларини тайёрлаш юзасидан уйда иш бажариш бирмунча кенг тарқалган. Уйда иш бажариш пайтида бошқа ишлаб чиқариш фаолиятлари ҳам амалга оширилиши мумкин. Уйда ишловчилар билан ҳам умумий асосларда меҳнат шартномаси тузилади, ишга қабул қилиш расмийлаштирилади ва меҳнат дафтарчаси юритилади. Улар ҳам корхонанинг бевосита ўзида меҳнат қилувчи ходимлар билан тенг асосларда меҳнат ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Уйда иш бажариш юзасидан шартнома тузилганда ҳомиладор ва ёш боласи бўлган аёллар, ногиронлар, пенсионерлар, қарамогида парваришига муҳтоҷ бемор оила аъзолари бўлган ходимлар, ўкув юртлари-

<sup>54</sup> Қаранг: «Ўзбекистон Республикасида уйда ишловчилар меҳнатини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги томонидан 1998 йил 28 августда 487-тартиб раками билан давлат рўйхатидан ўtkazilgan.

нинг кундузги бўлимларида таълим олувчилар ва бошқалар афзалликдан фойдаланадилар. Уйда иш бажариш юзасидан меҳнат шартномалари зарур уй-жой майший шароитларига эга бўлган, санитария ва ёнғин хавфсизлиги талабларига эга шароитлар мавжуд бўлганида тузилиши мумкин. Бунда уйда иш бажарилиши қўшнилар осойишталигига, соғлигига ва хавфсизлигига путур етказмайдиган ҳолда бўлиши лозим.

### **3. Танлов ёки сайлов асосида ўз вазифасига тайинланган шахслар билан тузиладиган меҳнат шартномаси**

Иш берувчи қонун хужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда унда белгиланган қасб ва лавозимларга танлов асосида ишга қабул қилиши лозим. Ҳозирги пайтда илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ходимлари ҳамда олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари таркибидан бўлганлар<sup>55</sup> билан танлов асосида меҳнат шартномаси тузиши назарда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрдаги 305-сонли буйруғи билан тасдиқланган (4-илова) «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни ишга қабул қилиш тартиби хақидаги Низом», «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси асосида педагог ходимлар (профессор-ўқитувчилар)ни конкурс асосида ишга қабул қилишни белгилайди.

Ушбу Низомда айтилишича, конкурснинг мақсади Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ замонавий талабларга жавоб берувчи, кадрлар тайёрлаш жараёни учун лаёқатли, юкори малакали, чукур қасбий билимга эга, илмий ютукларга эришган, илмий-ижодий салоҳиятли, юкори идрок ва ахлоқли шахсларни саралаб олишдир. Олий таълим муассасаларида кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи ва ассистент лавозимлари конкурс асосида 5 йил муддатга эгалланади ва муддат тугагач, қайта конкурс ўтказилади.

Кафедра мудири, профессор лавозимларини эгаллаш учун ўтказиладиган конкурсада, одатда профессор илмий унвони ёки фан доктори илмий даражасига эга бўлган шахслар, қолган лавозимларни эгаллаш учун ўтказиладиган конкурсада эса доцент илмий унвонига ва фан номзоди илмий даражасига эга шахслар иштирок эта оладилар. Истисно тарикасида илмий унвон ва илмий даражага эга бўлмаган, аммо беш йилдан ортиқ илмий-педагог иш тажрибасига эга, олий, ўрта маҳсус, қасбхунар таълим муассасалари ёхуд умумтаълим мактаблари учун якка му-

<sup>55</sup> Каранг: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича мебёрий хужжатлар, 1-кисм, Т., 1998, 99-бет.

аллиф сифатида дарслик ёки ўкув қўлланмаси ёзган, юқори илмий-назарий даражада маърузалар ўқий оладиган олий таълим муассасалари ўқитувчилари ҳам профессор ёки доцент лавозимини эгаллаш учун конкурсда қатнашишга рухсат берилади.

Олий таълим муассасаси жорий семестрда 5 йиллик сайлов муддатлари тугаётган лавозимларга ва бўш лавозимларга конкурс эълон қиласди ҳамда бу ҳақда оммавий ахборот воситаси (республика газетаси, олий таълим муассасасининг кўп нусхали газетаси ёки бошқа жойда) эълон қиласди. Конкурсда иштирок этиш истагини билдирган шахслар ёзма ариза ва зарур ҳужжатларни институт ректори номига тақдим этади. Профессор ва кафедра мудири лавозимларига олий ўкув юртининг, бошқа педагогик лавозимларга эса факультетнинг илмий кенгаши томонидан сайланадилар.

Конкурсни ўтказиш тартиби унинг натижаларини баҳолаш масалалари юқорида кўрсатилган Низомда батафсил белгилаб қўйилган. Конкурсдан муваффакиятли ўтган ва лавозимига сайланган шахслар билан ушбу асосга кўра меҳнат шартномаси имзоланиди ҳамда 5 йил муддатга вазифасига тайинланганлиги ҳақида олий ўкув юрти ректорининг буйруғи чиқарилади.

Иш берувчи салоҳиятли ва юқори малакали ходимларни танлай олиш мақсадида корхона локал ҳужжатларида олдиндан белгилаб қўйилган тартибда ва шартларда лавозим (вазифа)ларни эгаллаш учун конкурс эълон қилишга, бу ҳақда даврий матбуотда эълон қилишга ҳақли. Бундай ҳолда лавозим (вазифа)ни эгаллашга дъяворгар фуқарони ишга қабул қилишдан бош тортиси меҳнат шартномаси тузишини файриконуний рад этиш деб хисобланмаслиги лозим<sup>56</sup>.

Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ айрим лавозимларни эгаллаш белгиланган тартибда ўтказиладиган сайлов натижаларига кўра амалга оширилади. Давлат ҳокимияти, бошқарув ва маҳаллий органларнинг айрим мансабдор шахслари, жамоат бирлашмалари органларининг раҳбарлари, акциядорлик жамияти ижроия органи раҳбарлари ўз лавозимларини белгиланган тартибда ўтказиладиган сайловлар асосида эгаллайдилар. Бундай лавозимларга сайловлар ўтказиш, сайлов натижалари якунлаш ва қарор қилиши тегишли сайлов комиссиялари, сайлов натижаларини баҳолашга ваколатли бўлган бошқа органлар зиммасига юклатилган. Ушбу орган томонидан лавозимни эгаллашга дъяворарни ўтказилган сайловда ғолиб деб топилиши, бу ҳақда тегишли ҳужжатни расмийлаштириши, мазкур шахс билан ёзма шаклда меҳнат шартномаси

<sup>56</sup> Қаранг: М. Гасанов, Е. Соколов. Ўзбекистонда меҳнат шартномаси (контракти), биринчи ва иккинчи китоблар, Т., 1996, 63-бет.

тузилишига ҳамда уни лавозимга тайинлаш тўғрисида ваколатли органнинг буйруги чикарилишига асос бўлади<sup>57</sup>.

#### **4. Муқобил ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар билан тузиладиган меҳнат шартномаси**

Ўзбекистон Республикаси «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунига<sup>58</sup> мувофиқ муайян тоифаларга мансуб бўлган фуқаролар муддатли ҳарбий хизмат ўрнига муқобил хизматни ўташлари, шу асосда корхона, муассаса ва ташкилотларда юқори малака талаб этилмайдиган ишларда ва малакасига мос келувчи бошқа ишларда ишлашлари лозим бўлади. Бундай шахсларни муқобил хизматни ўташ тартиблари юқорида эслатилган Қонун, Ўзбекистон ҳукуматининг 1993 йил 7 июндаги 275-сонли қарори билан тасдиқланган «Муқобил хизматни ташкил этиш ва ўташ тартиби тўғрисидаги Низом» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 1994 йил 20 сентябрдаги 194-сонли буйруги билан тасдиқланган йўрикнома билан тартибга солинади.

Муқобил хизматни ўтаётган шахсларга нисбатан меҳнат қонунчилиги талаблари юқорида қайд этилган қонун ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган истиснолардан ташқари татбиқ этилади. Улар билан ҳарбий органлар йўлланмаси асосида ёзма шаклдаги меҳнат шартномаси тузилади.

Юқорида баён қилингандаридан ташқари яна ҳомиладор ва ёш боласи бўлган аёллар, 18 ёшга тўлмаган шахслар, ногиронлар билан банд қилинган бўш иш жойларига ишга қабул қилиш юзасидан тузиладиган меҳнат шартномалари ҳам бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Корхоналардаги товар-моддий бойликлари, пул ва бошқа қимматликлар билан боғлиқ бўлган моддий жавобгарлик ишларига қабул қилинаётган шахслар билан меҳнат шартномаси тузишнинг бир қатор ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

Шунингдек, хусусий фуқаролар билан уларнинг оиласи тузиладиган меҳнат шартномалари, уларнинг мазмуни, қайд этилиши ва ходим ҳукуқларини қўшимча равишда кафолатлаш воситалари билан таъминланганлигига кўра ажralиб туради. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сонли қарорига кўра хорижий фуқаролар билан меҳнат шартномаси тузиш ва уларни

---

<sup>57</sup> Карапе: Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳукуқлари ва фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси.

<sup>58</sup> Ўзбекистоннинг янги қонунлари, Т., «Адолат», 1993, 6-сон. 21-бет.

ишга қабул қилишнинг ўзига хос шартлари хамда тартиблари белгилаб кўйилган.

### **БИЛИМИНГЗИНИ ТЕКШИРИБ КЎРИНГ**

1. Ишга қабул қилиш тартиби қандай?
2. Ишга қабул қилишдан қонуний ва гайриконуний бош тортиш нима?
3. Ишга қабул қилишда дастлабки синов кўллаш хусусида гапириб беринг.
4. Кимларга нисбатан дастлабки синов қўлланилишига йўл қўйилмайди?
5. Синов натижалари қандай баҳоланади?
6. Мехнат дафтарчаси аҳамиятини сўзлаб беринг.
7. Ишга қабул қилишни расмийлаштириш қандай амалга оширилади?
8. Ишга қабул қилишдан аввал кимлар тиббий кўриқдан ўтказилишилари лозим?
9. Ўриндошлик бўйича ишловчи шахслар билан меҳнат шартномаси тузиш борасида сўзлаб беринг.
10. Конкурс ва сайтов асосида ишга қабул қилиш тартиби қандай?

## **IX боб. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ**

Меҳнат муносабатларида ходимга юкландиган меҳнат вазифаларининг доимийлиги тамоили амал қиласди. Унга кўра меҳнат шартномаси тузиш пайтида келишиб олинган меҳнат вазифалари барқарор бўлиб, уларнинг бир томонлами ўзгартирилишига йўл қўйилмайди. Бироқ, юз бериб турадиган объектив ва субъектив ҳодисалар, ўзгаришлар туфайли меҳнат шартнома шартларини ўзгартириш зарурати юзага келади. Шу муносабат билан меҳнат қонунлари меҳнат шартномасини ўзгартириш асослари ва шартларини назарда тутади. Меҳнат шартномаси мазмунининг ўзгартирилишига меҳнат шартномасининг ўзгариши сабаб бўлади.

Меҳнат Кодексининг 88-моддасига кўра меҳнат шартлари деганда меҳнат жараёнидаги ишлаб чиқариши ва ижтимоий омилларнинг жами тушунилади. Ижтимоий сабабларга боғлиқ омиллар деганда ижтимоий ҳаётдан, инсон фаoliyatiiga хос ижтимоий муносабатлардан келиб чиқувчи шарт-шароитлар тушунилади. Меҳнатга ҳақ тўлаши миқдори, иши вақти, дам олиш вақти, имтиёзлар берилиши ва бошқалар ана шундай ижтимоий омиллар каторига киради.

Ишлаб чиқариши омиллари деганда эса ишлаб чиқариш жараёнидаги техник, технологик, санитария ва гигиена, ишлаб чиқариши маҳаллий шарт-шароитлар назарда тутилади. Ижтимоий омиллар билан белгиланувчи меҳнат шартлари конунлар, бошқа меъёрий хужжатлар, жамоа шартномаси ва келишувлари, меҳнат шартномаси томонларининг ўзаро келишувлари билан белгиланади.

Ишлаб чиқаришнинг техник, ишлаб чиқариш омилларига оид шартлар конунлар билан, техник мезонлар, хавфсизликка оид конунлар, жамоа шартномаси ва келишувлари билан белгиланади. Мехнат шартлари қандай тартибда белгиланган бўлса, шу тартибда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Яъни қонунлар воситасида белгиланган меҳнат шартлари фақат қонун чиқариш йўли билан, жамоа шартномалари билан белгиланган меҳнат шартлари эса жамоа шартномасини қабул қилган меҳнат жамоаси қарорига кўра ўзгартирилиши мумкин. Меҳнат шартларининг шартнома тарафларидан бирининг ташабуси билан ўзгартирилишига фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл кўйилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 89-моддасига кўра қуийдаги ҳоллар юз берганда меҳнат шартларини иш берувчи томонидан бир томонлама тарзда ўзгартирилишига йўл кўйилиши мумкин:

а) корхонадаги технологик жараёнларда ўзгартирилиши юз берган, янги технологиялар жорий этилган ҳолларда;

б) ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, корхона таркибий тузилишида, бошқарув схемаларида юз берган ўзгаришлар туфайли;

в) ишлар (хизматлар) ҳажми қисқариши юз берганда. Башарти бундай ўзгариш ишлар (хизматлар) хусусиятини ўзгаришига, ходимлари сонининг қисқаришига олиб келса.

Юкоридаги сабаблар юзага келган тақдирда иш берувчи ходимни камидаги икки ой олдин ёзма равишда огохлантириб, тилхат олиши шарт. Ходим янги, ўзгарган меҳнат шартларида ишлашини давом эттириши истамаса, у ҳолда иш берувчи бундай ходимни камидаги бир ойлик ўртача иш ҳақи миқдорида ишдан бўшаш нафақаси берган ҳолда ишдан бўшатишга ҳақли бўлади. Иш берувчинг бундай харакатидан норози бўлган ходим белгиланган тартибда меҳнат низоси ҳал этилишини сўраб судга мурожаат қилишга ҳақли.

Кўпчилик ходимлар гуруҳи учун меҳнат шароитлари нокулай тарзда ўзгарган тақдирда, иш берувчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда маҳаллий меҳнат органига ёзма маълумот бериши лозим<sup>59</sup>.

Меҳнат қонунлари ва бошқа меъёрий хужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимлар ҳам иш берувчидан меҳнат шартларини ўзгартириши талаб қилишга ҳақли. Ходимнинг ушбу масала хусусида иш берувчига тақдим этган аризаси у берилган кундан эътиборан уч кун ичидаги кўриб чиқилиши, илтимос рад этилган тақдирда эса, рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма жавоб берилиши лозим. Ходим меҳнат шартларининг ўзгартирилиши ҳақидаги талаб рад этилгани хусусидаги иш берувчи қарори устидан судга шикоят қилиши мумкин.

Меҳнат шартномаси шартларини ўзгартириш асосларидан энг муҳими уни бошқа касб, малака, ихтисосларидаги ишга, меҳнат шартномаси бошқа шартларини (иш жойининг бошқа ахоли пунктида бўлиши, иш ҳақи тўлаш тизимининг

<sup>59</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 22 декабря 858-тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар)нинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ва бўшатиш мўлжаланаётган ходимлар ҳақидаги ахборотларни тақдим қилиш тўғрисида»ги Низом.

ўзгариши ва бошқалар) жиддий тарзда ўзгариш билан боғлиқ тарзда меҳнат ва-зифаларини юклатилиши англанади. Бошқа ишга ўтказишилкка белгиланган асослар мавжуд бўлганида ва белгиланган тартибга риоя қилинган ҳолда қоида тариқасида ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Агар корхонада иш ҳажми, ходимлар штати қисқариши, ходим малакаси етарли бўлмаганилиги ёки саломатлиги ёмонлашгани туфайли эгаллаб турган вазифасига но-лойик бўлиб қолиши, шу ишни илгари бажариб келган ходимнинг ишга тикланиши каби объектив ҳолатлар туфайли ходим иш берувчи томонидан таклиф этилган бошқа доимий ишга ўтиб ишлашдан бош тортса, у ҳолда иш берувчи бундай ходимни умумий асосларда ишдан бўшатишга ҳакли (МК 100-моддасининг 2-кисми, 1, 2-бандлари, 106-моддасининг 2, 4-бандлари).

Меҳнат шартномаси шартнома тарафлари келишувига кўра истаган пайтда ўзгарилиши мумкин, бирок бунда ходим манфаатларига зид ҳаракат содир этилиши мумкин эмас ва унинг розилигисиз меҳнат шартлари ёмонлаштирилган томонга ўзгарилишига йўл қўйилмайди. Ходимнинг узрли сабаблар билан вактинча ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси иш берувчи томонидан кўриб чиқилиши ва имкон борича қондирилиши лозим.

Меҳнат Кодексининг 85-моддасига кўра ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан ходимнинг унинг розилигисиз вактинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади. Аммо бунда ходим саломатлигига зарар етказувчи ишга ўтказилиши мумкин эмас. Иш берувчи ташабусига кўра бошқа ишга ўтказишга асос бўладиган ишлаб чиқариш зарурияти тугилганда ходимни бошқа ишга ўтказиш муддати, тартиби, бу пайтда ходим ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган тарзда ҳақ тўлаш шартлари жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан ходимлар вакиллик органи келишуви билан белгиланади.

Бошқа доимий ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмий-лаштирилади ва бундай буйруқ чиқарилишига ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлади. Ходимнинг бошқа доимий ишга ўтказиш тўғрисида чиқарилган буйруқ билан ходим таништирилади ва бу ҳақда ундан ёзма тилҳат олинади. Ходимни доимий бошқа ишга ўтказилгани ҳақида унинг меҳнат дафтарчасига ҳам ёзиб қўйилади.

Ходимни вактинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида бошқа ишга ўтказиш муддати кўрсатилган ҳолда буйруқ чиқарилади. Бундай буйруқка ходимнинг аризаси, ҳомиладорлик ёки ёш боласи борлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома, саломатлиги ахволига кўра бошқа ишга ўтказилаётганда эса ушбу ҳолатни тасдиқловчи тиббий хулоса илова қилинади. Вактинча бошқа ишга ўтказиш муддати тамом бўлгач, ходим аввалги ишга қайта тикланиши шарт. Иш жойи аниқ кўрсатиб қўйилмаган ходимни бошқа иш жойига ўтказиш бошқа ишга ўтказиш деб хисобланмайди ва бундай ҳолда ходимдан розилик олиш талаб этилмайди.

**Айрим тоифадаги ходимларни иш берувчи ташабbusi билан вактинча бошқа ишга ўтказиш пайтида қўшимча кафолатлар назарда тутилади. Жумладан, ҳомиладор, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, ногиронлар, 18 ёшга тўлмаган шахслар уларнинг саломатлигига тўғри**

**келмайдиган ишларга, оғир ва зарарли ишларга кўчириш йўл қўйилмайди.**

**Мехнат шартларини ўзгартириш пайтида ходимлар вакиллик органи билан иш берувчи ёки унинг вакиллик органлари ўртасида юзага келувчи ихтилофлар жамоа меҳнат низоларини ҳал этиш учун белгиланган тартибида кўриб ҳал этилади. Ходим билан иш берувчи ўртасида меҳнат шартларини ўзгартириш, бошқа ишга кўчириш масалаларида вужудга келдиган низолар якка меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартибида меҳнат низолари комиссияси, суд томонидан тегишли ҳолларда эса бошқа органлар томонидан кўриб ҳал этилади.**

#### Билимингизни текшириб кўринг

1. Мехнат шартлари нима ва улар қандай белгиланади?
2. Мехнатнингижтимоий ишлаб чиқаришга оид шартлари ҳакида гапириб беринг.
3. Мехнат шартларини иш берувчи ташаббуси билан ўзгартириш асослари ва тартиби қандай?
4. Мехнат шартлари иш берувчи билан ўзгартирилганда ходимларга қандай кафолатлар бериш кўзда тутилган?
5. Мехнат шартлари ходим ташаббуси билан ҳам бекор қилиниши мумкиними?
6. Бошқа ишга ўтказиш деганда нимани тушунасиз?
7. Иш берувчи ташаббусига кўра вактинча бошқа ишга ўтказишга қайси ҳолларда ва қандай тартибида йўл қўйилади?
8. Ишлаб чиқариш зарурати нима?
9. Ходим ташаббусига кўра бошқа ишга ўтказиш мумкиними?
10. Бошқа ишга ўтказишнинг, бошқа жойга ўтказишдан қандай фарки бор?
11. Гайриқонуний бошқа ишга ўтказсанлик учун қандай хуқукий жавобгарлик назарда тутилган?

#### **Х боб. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

1-§. Мехнат шартномасини бекор қилиш тушунчаси  
ва унинг асослари таснифи

Мехнат қонунлари меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги, касб тури ва иш жойини танлашнинг эркинлиги тамойилига асослангани ҳолда меҳнат

муносабатларини бекор қилиш мумкинлигини ҳам назарда тутади. Мехнат шартномасининг бекор бўлиши муайян юридик шарт-шароитлар юз бериши туфайли ходим билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат хукукий алоқаларига барҳам берилишидан иборат.

Мехнат муносабатларида ходимлар манфаатларини устивор равишда ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигининг бозор муносабатлари шароитидаги асосий хусусиятларидан саналади. Ана шунга мувофиқ равишда ходимлар истаган пайтларида, муддатли ёки муддатсизлигидан қатъи назар ҳар қандай меҳнат шартномасини хеч бир тўсқинликсиз бекор қилиш имкониятига эга бўлгани ҳолда иш берувчилар томонидан меҳнат шартномаси қонунда маҳсус назарда тутилган асослар мавжуд бўлганида ва белгилаб кўйилган тартибларга қатъий риоя этилгани ҳолдагина бекор қилиниши мумкин.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 1963 йилги тавсиялари ва «Тадбиркор ташабbusи билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида»ги 1982 йил 22 июндаги Конвенцияда меҳнат шартномасини бекор қилинишига доир халқаро хукукий таомиллар белгилаб кўйилган<sup>60</sup>.

Меҳнат қонунчилигидаги меҳнат шартномаси тарафлари бўлган ходим ва иш берувчининг хоҳишига боғлиқ бўлмаган тарзда, шартнома тарафи саналмайдиган шахслар талаби ёки аралашуви билан меҳнат шартнома муносабатларининг тўхталишига асослар назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 97-моддасида меҳнат шартномасини бекор қилишнинг кўйидаги асослари назарда тутилган:

1. Тарафларнинг келишувига кўра. Ушбу асосга биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин;
2. Тарафлардан бирининг ташабbusи билан;
3. Муддатнинг тугаши билан;
4. Тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;
5. Меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра;
6. Сайлов ёки танловдан ўтмаганлиги ёхуд сайлов ёки танловда иштирок этишни истамаганлиги туфайли.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ҳам, муайян муддатга тузилган шартномаси ҳам исталган пайтда тарафлар келишувига кўра бекор қилиниши мумкин. Факат суд ҳукми билан белгиланган ахлок тузатиши иши тарзидаги жиноий жазони ўтаётган, муқобил ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар иш берувчи ва ходим келишуви асосида ишдан бўшатилишига йўл кўйилмайди. Чунки улар билан меҳнат муносабатининг

<sup>60</sup> Қаранг: «Конвенции и рекомендации МОТ», том I и II, Международное Бюро Труда, Женева, 1991, стр. 1983.

ўрнатилишига ҳам, бекор қилинишига ҳам ваколатли давлат органларининг тегишли хужжатларигина асос бўлиши мумкин.

Корхона мулкдорининг алмашуви (корхонанинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, сотиб юборилиши), қайта ташкил этилиши, кўшиб юборилиши, ажралиб чиқиши, бир идора бўйсунишидан бошқа идора бўйсунишига ўтказилиши каби ҳолатлар меҳнат шартномасини бекор бўлишига олиб келмайди ва у ходим хоҳиши билан давом эттирилиши мумкин. Мулкдорнинг алмасиши белгиланган тартибда корхона раҳбарини, унинг ўринbosарларини, бош бухгалтерни ишдан бўшатилишига олиб келиши мумкин (МК 100-моддасининг 6-банди).

Айрим давлат ва жамият вазифаларига файлов ёки танлов асосида тайинлаш (давлат ҳокимиияти, бошқарув органлари, фуқороларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат органлари ва бошқалар) конунларда назарда тутилган. Ушбу вазифаларда ишлаётган ходимларнинг файлов ёки танлов натижалари билан белгиланган ваколат муддати тамом бўлиши янги файлов ёки танлов ўтказилишини таказо киласди. Ходим навбатдаги файлов ёки танловда зарур микдордаги овозни ололмай қолиши ёхуд унинг файловда (танловда) иштирок этишни истамаслиги Меҳнат Кодексининг 97-моддаси 6-бандига мувофиқ ишдан бўшатилишига сабаб бўлиши мумкин.

Меҳнат шартномасида қонунда йўл қўйиладиган шартларгина меҳнат шартномасини бекор қилиш асоси сифатида назарда тутилиши мумкин. Қонунга зид келадиган шартларни меҳнат шартномасини бекор қилиш асоси сифатида шартномага киритилиши ҳақиқий ҳисобланмайди. Меҳнат шартномаси ходим ташаббуси билан исталган пайтда, асос кўрсатилмасдан бекор қилиниши мумкин, бунда меҳнат шартномасининг муддати ёки номуайян муддатга тузилганлигининг аҳамияти йўқ.

## 2-§. Меҳнат шартномасининг ходим ташаббуси билан бекор қилиниши

Ходим меҳнат шартномасини бекор қилиш учун иш берувчини икки ҳафта олдин ёзма ариза тақдим этиш орқали хабардор қилиши, икки ҳафта ўтгач, ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса шу муддат ўтгач ходимни ишдан бўшатиш, у билан ҳисоб-китоб қилиши ва меҳнат дафтарчасини расмийлаштириб бериши шарт. Ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилиши ҳақидаги аризаси унинг ҳуқуқий эркини, хоҳиш-истагини ифода этмоғи зарур ва иш берувчининг қистовида берилган ариза кейинчалик суд йўли билан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12 сонли “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши хақида”ги қарорининг 15-бандида кўрсатилганидек:

Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббусига кўра икки ҳафталик огоҳлантириш муддати тугагунга қадар ҳам иш берувчи билан ходимнинг келишувига кўра бекор қилиниши мумкин. Конунда белгиланган ёки тарафлар келишувига кўра қисқартирилган огоҳлантириш муддати ўтмасдан ходимнинг розилигисиз меҳнат муносабатларини бекор қилиш ушбу меҳнат шартномасини тутатишни гайриқонуний деб топишга ва ходимни аввалги ишига тиклаш хақидаги талабини қаноатлантиришга асос бўлади. Ходимни огоҳлантириш муддати ўтмасдан ўзбошимчалик билан иш ташлаш у томонидан меҳнат мажбуриятларини бузиш деб баҳоланади.

Аризани бериш санаси уни иш берувчига (корхона бошлиғига, унинг муовинига, қабулхона котибиға, кадрлар бўлимига, девонхонага ва б.) топширган кун ҳисобланади, огоҳлантириш муддати эса кейинги кундан бошланади. Огоҳлантириш муддатига календар бўйича барча кунлар киради. Огоҳлантириш муддатининг тугаши дам олиш куни ёки байрам (иш куни бўлмаган кунга) кунига тўғри келса, охирги иш куни ва шартноманинг бекор бўлиш куни бўлиб дам олишдан ёки байрамдан сўнгги биринчи кун ҳисобланади.

Конунда белгиланган ёки тарафлар келишувига кўра қисқартирилган огоҳлантириш муддати тугагач, ходим ишни тўхтатишига ҳақли, иш берувчи эса ходимга меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномаси бекор қилингани хақидаги буйруқдан нусха бериб, у билан ҳисоб-китоб қилишга мажбур, иш берувчи томонидан кечиктиришга, шунингдек, бошланган ишни тутатмагани, қарзи йўқлиги варақасини имзоламагани, ходимни моддий қийматларни топширгмагани муносабати билан ҳам кечиктиришга йўл қўйилмайди.

Конунда белгиланган ёки ходим ва иш берувчи келишувига кўра қисқартирилган огоҳлантириш муддати давомида ходим меҳнат шартномаси тутатилганлиги хақида буйруқ чиқарилганига қадар аризасини қайтариб олишга ҳақли. Ходимнинг ўрнига бошқа таклиф этилганлиги унга аризасини қайтариб олишини рад қилишга асос бўлмайди, чунки иш берувчи фақат аввалги ходим ўртасидаги меҳнат шартномасини бекор қилгандан кейингина бу иш (лавозим)га бошқа ходимни таклиф қилишга ҳақли.

Огоҳлантириш муддати ўтган бўлсада, меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этётган бўлса, ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризаси ўз кучини йўқотади ва бу аризага кўра меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди. Ходим томонидан

мехнат шартномасини бекор қилиш ҳақида берилган ариза тегишли ҳолатлар мавжуд бўлган ҳолда иш берувчини огоҳлантириш муддати ўтмасдан белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда умумий асосларда меҳнат шартномасини бекор қилиш хукуқидан маҳрум қилмайди.

Агар ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризада у томонидан ишни давом эттиришнинг имконияти йўқлиги асослантирилган (ўкув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб кўйиладиган лавозимга сайланиши ва ҳ.к.) бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак. МК 90-моддасининг 5-қисмида ишни давом эттира олмаслик ҳолатларининг тахминий рўйхати кўрсатилганлиги муносабати билан, суд низони кўришда бошқа ҳолатлар (тиббий хулосага кўра соғлигининг аҳволи муайян ишни бажаришга тўсқинлик қилиши, биринчи гурӯх ногирони бўлган оила аъзосига қарашлилиги ва б.)ни эътиборга олиши мумкин<sup>61</sup>.

Ходим ишдан бўшаш тўғрисидаги ўз аризасини иш берувчидан у ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқаргунига қадар истаган пайтда қайтариб олишга ёки уни бекор қилувчи бошқа ариза беришга ҳақли. Бундай ҳолда ходим ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилинишига йўл кўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 104-моддасида айтилишича:

Муддатли меҳнат шартномасида уни муддатидан олдин бекор қилганлик учун тарафларнинг неустойка тўлаши ҳақидаги ўзаро мажбуриятлари назарда тутилиши мумкин, бунга кўра агар меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлмаган асослар бўйича (100-модда иккинчи қисмининг 1, 2, 5 ва 6-бандлари) иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган бўлса, иш берувчи ходимга неустойка тўлайди, агар меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг ташаббуси билан (99-модда), шунингдек ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари билан (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари) боғлиқ асослар бўйича бекор қилинган бўлса, ходим иш берувчига неустойка тўлайди. Агар меҳнат шартномасида неустойканинг миқдори белгилаб кўйилмаган бўлса, тарафлар уни тўлашдан озод этилади.

Неустойканинг миқдори иш берувчи томонидан ходимнинг манфаатларини кўзлаб қилинган ҳаражатларга, ходим ишлаган давр ва бошқа ҳолатларга боғлиқ тарзда тафовут қилиш мумкин. Ходим тўлайдиган неустойка миқдори иш берувчи тўлайдиган неустойка миқдоридан ошиб кетиши мумкин эмас.

<sup>61</sup> *Қаранг*: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами. 1991-1998 й., икки жилдли, II жилд, Т., 1999, 66-69-бетлар.

Агар меҳнат шартномаси Кодекснинг 99-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ходим ташаббуси билан бекор қилинган бўлса, у неустойка тўлашдан озод этилади. Тарафлардан бири неустойка тўлашдан бош тортса, уни ундириш суд тартибида амалга оширилади.

Дастлабки синов шарти билан тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг хоҳиши билан синов муддати тамом бўлганга қадар иш берувчи уч кун аввал ёзма равишда огоҳлантирилгани ҳолда бекор қилиниши мумкин. Меҳнат шартномасини ходим ташабbusига кўра бекор қилишга оид юқорида баён этилган қоидалар сайлаб кўйиладиган лавозимларда ҳамда конкурс асосида эгаллаб турилган лавозимларда ишлаётган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларига ҳам тўла ҳажмда татбиқ этилади.

### **3-§. Меҳнат шартномасининг иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиниши**

Меҳнат конунчилиги Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Тадбиркор ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида»ги Конвенцияси<sup>62</sup> қоидаларига асосланган ҳолда меҳнат муносабатларида, шу жумладан бу муносабатларни бекор қилиш пайтида ходимлар хукукларини иш берувчининг хукукларидан устивор эканлиги тамоийлига таяниб, иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш, иш берувчи томонидан ходимларни ишдан бўшатиш масалаларида қатъий чеклашларни жорий этади. Бундай чеклашлар, энг аввало, иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари рўйхати қатъий белгилаб кўйилганлиги, иккинчидан, иш берувчи ўз ташаббуси билан ходимни ишдан бўшатишдан аввал муайян тартиб-коидаларга риоя қилиши, ходимларнинг айрим тоифалари учун ушбу масалада қонун билан белгилаб кўйилган кўшимча кафолатларни бериш лозим. Қонун кўрсатилмаган асос билан, белгилаб кўйилган тартибларга амал қиласдан ёки тегишли кафолатларни таъминламасдан иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиниши гайриконуний хатти-харакат деб топилиши, унга нисбатан хукукий санкциялар кўлланишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисмида номуайян ёки муддатли меҳнат шартномасини иш берувчи ташабbусига кўра бекор қилиш асослари санаб кўрсатилган бўлиб, бу асослар қаторига куйидагилар киради:

<sup>62</sup> Қаранг: «Конвенции и рекомендации МОТ», икки жилдли, Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бюроси, Женева, 1991 йил.

1) технологиядаги, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарғанлиги ёхуд корхонанинг тутатилғанлиги;

2) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолайик бўлиб колиши;

3) ходим томонидан ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равища бузганик. Аввал меҳнат вазифаларини бузганилиги учун ходимнинг интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа нормаив ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнинда ходим томонидан такроран интизомга хилоф ножёя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равища бузиш ҳисобланади;

4) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равища бузганилиги.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равища бузишлар рўйхати:

ички меҳнат тартиб-коидаларида;

корхона мулқдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномасида;

айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставлар билан белгиланади.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши қўпол тусга эга эканлиги ёки эга эмаслиги хар бир муайян ҳолатда содир қилинган ножёя ҳаракатнинг оғир-енгиллиги ҳамда бундай бузиш туфайли келиб чиқсан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар эътиборга олинган ҳолда ҳал этилади;

5) ўриндошлик тарзида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши, шунингдек меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги;

6) мулқдорнинг алмашиши сабабли корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтери билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги.

Ходим вақтингча меҳнатга қобилиятсизлиги даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътилда бўлган даврда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тутатилган ҳоллар бундан мустаснодир. Ўзбекистон Республикаси Олий судиplenумининг юқорида эслатилган 1998 йил 17 апрелдги 12-сонли

карорида: судларнинг эътибори иш берувчи меҳнат шартномасини бекор килиш нияти ҳақида ходимнинг огоҳлантирилганлиги (хабар қилингани), Меҳнат Кодексининг 102-моддасида белгиланган огоҳлантиришнинг муддатлари ва тартибига риоя этилган-этилмагани масаласини аниқлашга қаратилган.

Бунда иш берувчи меҳнат шартномасини бекор килиш нияти ҳақида ходимни ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши шарт:

– ходимлар сони (штати), иш хусусиятларининг ўзгариши ёхуд корхонанинг тугатилганлиги (Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисм, 1-банди), шунингдек, корхона эгасининг ўзгариши муносабати билан (Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисми, 6-банди) корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтери билан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан камида икки ой олдин:

– ходимнинг бажараётган ишига нолойиқлиги оқибатида (МК 100-моддасининг 2-қисми, 2-банди) меҳнат шартномасини бекор килишда камида икки ҳафта олдин. Агар ходимни бажараётган ишига нолойиқлигига унинг соғлиги сабаб бўлиб, тиббий хулосага кўра бу мазкур ишни бажаришга тўскинилик қилса, меҳнат шартномаси ходим огоҳлантирилмасдан бекор қилинади, лекин огоҳлантириш эвазига унга, албатта, икки ҳафталик пул компенсацияси тўланади.

Ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида фақат меҳнат муносабатларини бекор қилиш хукуқига эга мансабдор шахсгина огоҳлантирилиши мумкинлигидан келиб чиқиб, судлар огоҳлантириш тегишли мансабдор шахс томонидан имзоланганини аниқлаши керак. Огоҳлантиришда ходимнинг имзоси бўлмаган тақдирда ҳам иш берувчи ходимнинг белгиланган муддатда огоҳлантириш билан танишитирилгани, лекин ходим имзо кўйишдан бош тортгани ҳақида ишонарли далиллар келтирса, суд ходимни ўз вақтида меҳнат шартномасининг бекор қилиниши бўйича огоҳлантирилган деб топиш мумкин.

Иш берувчи огоҳлантириш муддати давомида ходимга ҳафтада ўртacha иш ҳақини сақлаган ҳолда бир кундан кам бўлмаган кўшимча бўш кун бериб, унга бошқа иш топишга имкон туғдиришга мажбур. Агар корхона жамоа шартномасида иш берувчининг ходимга огоҳлантириш муддати давомида ҳафтасига кўшимча бир кундан ортиқ вақт иш топиш учун беришга мажбурилиги кўрсатилса, ходимнинг шунчак кун бериш ҳақидаги жамоа шартномасида кўрсатилган талаби қаноатлантирилмоғи зарур.

МК 102-моддасининг 6-қисми корхонанинг тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномасининг бекор этилишидан ташқари ҳолларда ходимнинг факат меҳнатга қобилиятсизлик вақти, шунингдек, давлат ёки жамоат мажбуриятларини бажаришга кетган муддатлари ходимни

огоҳлантириш муддатига кирмаслигини кўзда тутгани сабабли ходимнинг ишда бўлмаган бошқа барча муддатлар (иш ҳақи тўланадиган ва иш ҳақи сақланмайдиган таътилларда бўлиши, отгулда юриши ва х.к.) меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича огоҳлантириш муддатига киради.

МК 100-моддаси 2-кисмининг 1,2-бандларига биноан, ходим билан иш берувчининг келишувига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимни огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ қеладиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин. Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида огоҳлантириш ўрнига ходимга пул компенсациясини тўлағанлик меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимга бериладиган бошқа хил тўловларни (фойдаланмаган таътил учун компенсация тўлаш, дам олиш нафақаси, МКнинг 67-моддасига биноан ишга жойлашиш муддати ўртача иш ҳақи сақлаш ва б.) беришдан иш берувчининг озод қиласлигига судларнинг эътибори қаратилади<sup>63</sup>.

Меҳнат шартномаси ходим меҳнат интизомини бузганлиги муносабати билан МКнинг 100-моддаси, 2-қисм 3 (меҳнат интизомини мунтазам бузиш) ва 4 (меҳнат интизомини кўпол тарзда бузиш) бандлари билан иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинишидан камида уч кун аввал ходимни ёзма равища огоҳлантирилиши ёки муддат учун компенсация пули тўланиши лозим. Ходимни оғзаки равища огоҳлантирган холда ишдан бўшатиш ҳам қонунга хилоф ҳисобланмайди.

Меҳнат шартномасини иш берувчи ташабbusи билан МКнинг 100-моддаси 2-қисм, 3-4-бандлари билан бекор қилиш ходимга кўлланиладиган интизомий жазо чораси бўлганлиги туфайли бундай асосларга кўра меҳнат шартномаси иш берувчи ташабbуси билан МКнинг 182-моддасида кўзда тутилган муддатлар ўтmasдан бекор қилиниши мумкин (ножёя хатти-ҳаракат содир этганлигидан бошлаб 6 ой, маълум бўлган пайтдан бошлаб 1 ой ичиди).

Жамoa келишуви ёки жамoa шартномасида касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, иш берувчининг ташабbусига кўра бу органнинг розилигисиз МКнинг 101-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинишига йўл кўйилмайди.

Низони тўгри ҳал этиш учун суд жамoa келишуви ёки жамoa шартномаси тузилган ёки тузилмаганлигини ва шартномада ходимни ишдан бўшатиш учун касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган ёки ту-

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми карорлари тўплами. 1991-1998 й., икки жилдли, II жилд. Т., 1999, 70-бет.

тилмаганлигини аниқлаши лозим. Бу ўринда жамоа шартномаси жамоа келишувига нисбатан ходимнинг аҳволи ёмонлашиши мумкин эмаслигини назарда тутиш керак. Агар тармоқ ёки худудий жамоа келишувларида иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун касаба уюшмалари кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розилик жамоа шартномасида кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар олиниши шартдир.

Агар ходимларнинг корхонадаги манфаатларини касаба уюшмаси кўмитаси эмас, балки бошқа вакиллик органи ҳимоя қилаётган бўлса, бу органларнинг сайланиш тартиби, уларнинг ваколатлари муддати ва миқдор таркибини меҳнат жамоасининг йиғилиши (конференцияси) белгилайди (МК 24-моддаси 1-қисм).

Ходим билан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига кўра касаба уюшмаси ёки бошқа вакиллик органининг розилигисиз бекор қилингани аниқланса, суд меҳнат шартномасини бекор қилинганини ноконуний деб топади ва ходимни ишга тиклаш ҳақидаги талабини қаноатлантиради.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилиш пайтида касаба уюшмаси (ходимларнинг бошқа вакиллик органи), маҳаллий меҳнат органи, ҳокимият органидан олдиндан олинган розилик 1 ой давомида кучга эга бўлиб, бу муддат ўтгач, иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин эмас. Аммо, бундай ҳол бошқа турдаги муддатлар ўтиб кетмаган бўлса иш берувчи ана шундай розилик берилишини сўраб тегишли органга тақроран мурожаат қилиш хукуқидан маҳрум этмайди.

МКнинг 103-моддаси ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши сабабли меҳнат шартномасини бекор қилинишида ишда қолдириш учун имтиёзли хукуқ берувчи ҳолатларни мустаҳкамлашдан ташкари, бу ҳолатларни ҳисобга олиш лозим бўлган бирин кетинликни ўрнатишга ҳам судларнинг эътибори қаратилган. Биринчи навбатда, ишда қолдириш учун имтиёзли хукуқга малакали ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимлар эгадирлар. Иккинчи навбатда, агар ходимларнинг малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлса, МКнинг 103-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳолатлар ҳисобга олиниши лозим. Бунда ушбу ҳолатларни МКнинг 103-моддасида қай тартибда кўрсатилишининг аҳамиятий йўқ. Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда иккинчи навбатда ҳисобга олинадиган, кўп сонли ҳолатлар бўйича афзалликка эга бўлган ходим ишда қолдирилиши керак.

Учинчи навбатда, агар ходимларнинг малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлса-ю, бир-бирларига нисбатан МКнинг 103-моддаси 2-қисмида белгиланган ишда қолдиришда афзаллик хукукига эга бўлмаса, ишда қолдириш учун имтиёзли хукуқ тўғрисидаги масаласини ҳал этишда жамоа шартномасида кўрсатилган ҳолатлар ҳисобга олинади.

Ходим билан меҳнат муносабатларининг ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши сабабли бекор қилиниши ишда қолдириш учун имтиёзли хукуқ тўғрисидаги МКнинг 103-моддаси талабларига хилоф равища амалга оширилганлиги аниқланса, суд меҳнат шартномасини бундай асослар билан бекор қилинишини гайриқонуний деб топиб, ходимнинг аввалги ишига тиклаш ҳақидаги талабини қаноатлантиради.

Ходимлар сони (штати) ёки иш хусусияти ўзгарганда иш берувчи бир турдаги касб ва лавозимлар доирасида ходимларни қайта жойлаштириш (қайта гурухлаш) хукукига эга бўлиб, лавозими штат жадвалидан чиқарилган юқорироқ малакали ходимни унинг розилиги билан бошқа бир турдаги лавозимга ўtkазиш ва бу лавозимни эгаллаб турган кам малакали ходим билан эса меҳнат шартномасини шу асосда бекор қилишга ҳақли эканлигини судлар назарда тутишлари лозим. Агар иш берувчи бу хукуқдан фойдаланмаган бўлса, суд бундай қайта жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги хусусида масалани мухокама этишга ҳақли эмас.

Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси МКнинг 100-моддаси, 2-қисм, 2-бандига мувофиқ бекор қилиниши пайтида:

- ходим бажараётган иши (эгаллаб турган лавозими)га нолойик бўлиши, малакаси етарли бўлмаганлиги ва ходимнинг соғлиги ҳолатига кўра бўлиши мумкин;

- агар ходим у билан тузилган меҳнат шартномасига кўра, айнан бажариши шарт бўлган ишни уddyalай олмаётган бўлсагина, нолойиқлиги бўйича у билан бўлган меҳнат муносабатларининг бекор қилинишига йўл кўйилади. Агар ходим унинг розилигисиз ишлаб чиқариш зарурати билан ёки иш тўхтаб қолганда иш берувчининг ташаббусига кўра вақтинча ўтказилган ишни уddyalай олмаётган бўлса, у билан бўлган меҳнат шартномасини ишига нолойиқлиги бўйича бекор қилинишига йўл кўйилмайди, чунки ходим ўтказиладиган иш ўрни меҳнат шартномасида кўрсатилмаган;

- ходимнинг нолойиқлиги ходимнинг бажариши шарт бўлган, топширилган ишни уddyalай олмаётганлигини гувоҳлантирувчи аниқ фактлар (текширув актлари, бевосита раҳбарлик қилувчининг билдириш хати, ҳисоботлар, аттестация хужжатлари ва ишнинг паст сифатлигини, яроқсиз маҳсулот чиқараётганини, иш ҳажмини ҳамда ишлаб чиқариш

нормасини бажармаётганилигини ва ҳоказоларни тасдиқловчи бошқа хужжатлар) билан, соғлиги ҳолатига кўра, нолойиқлиги булардан ташқари тиббий хulosса билан тасдиқланиши лозим;

– агар ходим унга топширилган ишни удаласа, тиббий хulosага кўра соғлигининг ёмонлашуви, шунингдек, ногиронлик белгиланиши, меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси, 2-қисмининг 2-банди бўйича бекор қилиши учун етарли сабаб бўлиб ҳисобланмайди.

Ходим бажариши лозим бўлган ишни удалашдан қатъи назар агар тиббий хulosага кўра ушбу ишни бажариши тўғри келмаса ёки меҳнат жамоаси аъзолари ёхуд улар хизмат киладиган фуқаролар учун хавф туғдирсагина, меҳнат шартномасининг соғлиги ҳолатига кўра бекор қилинишига йўл кўйилади.

Аттестация комиссиясининг хulosаси ходимнинг малакаси етарли эмаслигини тасдиқловчи далиллардан бири бўлиб, у иш юзасидан барча далиллар йигинидиси асосида суд томонидан баҳоланади. Бунда судлар аттестацияни ўtkазиш бўйича ўрнатилган тартибга риоя этилганини текширмоқлари керак.

Меҳнат шартномаси иш берувчи ташаббуси билан МКнинг 100-моддаси, 2-қисми, 3 ва 4-бандларига кўра бекор қилиниши пайтида кўйидагилар назарда тутилмоғи керак:

Интезомий жазолар ходимни унга юклатилган меҳнат мажбuriятларини ножӯя хатти-ҳаракати туфайли бажармаслиги ёки тегишли тарзида бажармаслиги (ички тартиб қоидалари, мансаб йўриқномалари, низомлар, иш берувчининг конуний бўйруклари, техник қоидаларни бузиш ва х.к.) сабабли қўлланиши мумкин.

Бошқа ишга ғайриқонуний тарзда ўтказилган ходимнинг ишни бажаришдан, янги меҳнат шартларида ишни давом этиришдан бош тортиши, меҳнат тўғрисидаги қонун ва бошқа норматив хужжатларга кўра, фақат ходимнинг розилиги билан ҳал қилинадиган (иш берувчининг ходимни меҳнат таътилидан чақириб олиши ёки таътилни бошқа муддатга ўтказиши, иш вақтидан ташқари ишларни бажариши, ҳомиладор аёллар ёки ўн тўрт ёшга тўлмаган фарзандлари (ўн олти ёшгача бўлган ногирон фарзандлари) бўлган аёллар тунда, дам олиш кунлари ишлаши, хизмат сафарига юборилиши, ногиронни тунда, дам олиш кунлари ва бошқа вақтларда ишлаш ҳақидаги иш берувчининг талабини бажаришдан бош тортиш ва бошқа ҳолатлар меҳнат мажбуриятларини бузиш ҳисобланмайди ва интезомий жазо қўллаш учун асос бўлмайди.

Ўз меҳнат вазифаларини бузганлиги учун меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимларни ишга тиклаш ҳақидаги ишлар бўйича қонуний ва асосли ҳал килув қарорлари чиқариш максадида кўйидагилар:

- меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлган меҳнат вазифаларини бузганилиги айнан нимадан иборатлиги ва у МКнинг 100-моддаси, 2-кисми, 3 ва 4-бандлари бўйича меҳнат шартномаларини бекор қилиш учун асос бўла олиши мумкин ёки мумкин эмаслиги;
- меҳнат шартномасини бекор қилишда содир қилинган ножӯя хатти-ҳаракатнинг оғирлиги, уни содир қилиш ҳолатлари, ходимнинг аввалиги иши ва хулқ-атвори иш берувчи томонидан ҳисобга олинган олинмаганлиги;
- иш берувчи томонидан интизомий жазолар бериш белгиланган муддатлар ва тартибларга риоя қилинган қилинмаганлигини аниқланиши зарур.

Суд ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланишини, жумладан, МКнинг 100-моддаси, 2-кисми, 3 ёки 4-бандлари бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиниши нафақат иш берувчи томонидан интизомий жазо чораси қўллаш муддати ва тартибларига риоя қилинмаган ҳолларда, балки ножӯя хатти-ҳаракат ҳақиқатдан ҳам содир этилган, аммо меҳнат шартномасини бекор қилиш содир этилган ножӯя хатти-ҳаракатнинг оғирлик даражаси, хатти-ҳаракат содир этилган ҳолатлар, ходимнинг олдинги хулқ-атвори ва уни ишга бўлган муносабати ҳисобга олинмаган ҳолда (МКнинг 184-моддаси 2-кисми) бекор қилинган деган ҳолосага келган тақдирда ҳам файриқонуний деб топишга ҳақли.

Судлар ҳар бир ножӯя хатти-ҳаракатлар учун факат бир интизомий жазо қўлланиши мумкинлигини ҳисобга олишлари зарур. Ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланиши унинг ўша хатти-ҳаракати учун иш берувчига етказилган зарап учун моддий жавобгарликка тортилишига ҳамда айбордога нисбатан меҳнат конунлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган интизомий жазо ҳисобланмайдиган таъсир чораларини (мукофотдан маҳрум этиш, йил иш якунига кўра бериладиган қўшимча рағбатлантириш тўловларидан маҳрум этиш ёки микдорини камайтириш ва б.) қўллаш имкониятини истисно қилмайди.

Интизомий чоралар ишга қабул қилиш ҳукуки берилган шахслар (органлар, МКнинг 182-маддаси) томонидан қўллаш ҳукуки берилганини инобатта олиб, низо ни тўғри ҳал этиш учун ходимга нисбатан жазо чораси ваколатли шахс (орган) томонидан қўлланганлигини аниқлаш лозимдир.

Ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланишидан олдин ундан ёзма равища тушунтириш хати талаб қилиб олиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши содир қилган ножӯя хатти-ҳаракати учун унга нисбатан жазо қўлланишига тўсиқ бўла олмайди. Бунда судлар иш берувчи томонидан талаб қилинишига қарамай, ходим тушунтириш хати беришдан бош тортиш ҳолати ҳақиқатан ҳам бўлган-бўлмаганлигини аниқлашлари керак.

Ходимга нисбатан қўлланиладиган интизомий жазоларнинг, жумладан, МКнинг 100-моддаси, 2-қисми, 3 ёки 4-бандларига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинишининг қонунийлиги масаласини мухокама қилишда судлар иш берувчи томонидан интизомий жазо қўллаш учун белгиланган муддатларга амал қилинганини аниқлайдилар.

Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқланганидан кейин, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоги билан бир ой ичидаги қўлланилади. Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижаси бўйича эса, содир этилган кундан бошлаб иккى йил ўтгандан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб жазо қўллаш белгиланган бир ойлик муддатни ҳисоблашда қўйидагиларни назарда тутиш лозим:

– ножўя хатти-ҳаракат хақида корхона раҳбарига, унинг ўринbosariiga ёки таркибий бўлим раҳбарига ёхуд ходим бўйсунадиган бошқа раҳбарга у интизомий жазо бериш ҳуқуқига эга бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар маълум бўлган кун – бир ой муддат ҳисобланининг бошланиш куни бўлиб ҳисобланади.

МКнинг 100-моддаси, 2-қисмининг 4-бандига кўра, ходим ўз вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги учун меҳнат шартномасининг бекор қилинишига фақатгина бу ножўя хатти-ҳаракатлар:

– корхона раҳбарига нисбатан корхона мулқдори (ваколатли органи) билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномасида;

– интизом ҳақидаги низом ва уставлар тадбиқ этилувчи айrim тоифадаги ходимларга нисбатан – интизом ҳақидаги тегишли низом ва уставларда;

– бошқа барча ходимларга нисбатан корхонанинг ички меҳнат тартиб қоидаларида аниқ кўрсатиб ўтилган ҳолдагина йўл қўйилишига эътиборни қаратиш лозим.

МКнинг 100-моддаси, 2-қисми, 4-бандига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинишининг қонунийлиги ҳақидаги низоларни кўришда:

– корхонанинг ички меҳнат тартиб қоидалари қонунда белгиланган тартибида (МКнинг 174-моддаси) тасдиқланган-тасдиқланмаганлигини;

– корхона мулқдори (ваколатли органи) корхона раҳбари билан ёзма меҳнат шартномаси тузган-тузмаганлигини;

– мазкур ходимга нисбатан интизом ҳақидаги низом ёки устав талаблари тадбиқ этилиш-етилмаслигини аниқлаши керак.

Агар корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари бўлмаса ёки бу қоидаларни қонунда белгиланган тасдиқлаш тартиби (МКнинг 174-

моддаси) бузилган бўлса ёхуд ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келишга мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузиш деб ҳисобланishi мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар рўйхати ички меҳнат тартиби қоидаларида аниқ санаб ўтилмаган бўлса, МКнинг 100-моддаси, 2-қисми, 4-бандига кўра ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Судларнинг эътибори корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларида ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузгани учун барча ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлувчи хатти-ҳаракатлар (узрсиз сабабларга кўра ишга чиқмаслик – прогул; иш куни мобайнида бекорчилик қилиш, алкогол, наркотик ёки токсинли моддадан фойдалангани учун маст ҳолда иш жойида бўлиш ва ишга келиш; иш берувчининг мулкини ўғирлаш ва б.) билан бир қаторда фақатгина баъзи тоифадаги ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлувчи бир марта содир этилган ножӯя хатти-ҳаракатлар ҳам (тижорат сирини ошкор қилиниши; бевосита пул ва товар қимматликлари билан муомала қилувчи ходим томонидан бу қимматликларнинг сақланиши таъминланмагани, уларнинг сақланишига хавф туғдирилгани ёки бу қимматликлар бўйича муомала қилиш қоидаларининг бузилиши, тарбиявий ишларни бажариши лозим бўлган шахс томонидан ахлоқан ножӯя хатти-ҳаракат содир этилиши ва б.) кўрсатилган бўлиши мумкинлигига қаратилиди.

Бинобарин, МКнинг 100-моддаси, 2-қисми, 4-бандига кўра тижорат сирини ошкор қилиш муносабати билан меҳнат шартномаси факат тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар мансаб вазифасига асосан ишониб топширилган ходим билан ва фақатгина ушбу маълумотларнинг ошкор бўлишида айнан шу ходимнинг ҳақиқатда айбдорлигини тасдиқловчи ишонарли далиллар мавжуд бўлса бекор этилиши мумкин.

Пул ва товар қимматликлари сақланишини таъминламаганлик, уларнинг сақланишига хавф туғдирувчи ҳолатни юзага келтирган ёки бу қимматликлар бўйича муомала қилиш қоидаларини бузганлик учун меҳнат шартномаси ушбу асосларда фақат пул ва товар қимматликлари бўйича бевосита муомала қилувчи-қабул қилувчи, сақловчи, ташувчи, тарқатувчи ва бошқалар) ходимлар билангина бекор қилиниши мумкин.

Агар корхонанинг ички меҳнат тартиб-қоидаларидағи ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган ножӯя хатти-ҳаракатлар рўйхатида прогул учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин деб кўрсатилган бўлса, МКнинг 100-моддаси, 2-қисми, 4-бандига кўра бу хатти-ҳаракат учун меҳнат шартномасининг бекор қилинишига кўрсатилган қоидаларда ходимнинг

иш жойида узрсиз сабабларга кўра қанча вақт бўлмаганлиги (тўла иш куни, уч соатдан ортиқ ва шу каби) прогул деб топилиши белгилаб қўйилган тақдирда йўл қўйилади.

Ходимнинг иш вақтида корхона худудидан ёки унга берилган вазифани бажариши лозим бўлган обьект худудидан ташқарида бўлиши иш жойида бўлмаслик деб тушунилади. Шунга кўра, ишда ҳар қандай бўлмаслик эмас, балки фақатгина узрсиз сабаблар билан иш жойида бўлмаслик прогул деб ҳисобланиши мумкинлигини инобатга олиб, судлар ходимнинг иш жойида бўлмаганлигининг ҳақиқий сабабларини аниқлашлари лозим. Ишда узрли сабабларга кўра бўлмаган деб топса, МКнинг 100-моддаси, 2-кисми, 4-бандига кўра меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ғайриқонуний деб топилади ва ходимнинг ишга тиклаш ҳақидаги талабини қаноатлантирилади.

МКнинг 100-моддаси, 2-кисми, 4-банди бўйича ходим иш жойида ички меҳнат тартиби қоидаларида белгиланган муддатда иш вақтида узрсиз сабабларга кўра бўлмаган ҳолларда хам прогулга йўл қўйганлиги сабабли меҳнат шартномасининг бекор қилинишига олиб келади.

Бундай ҳолларга:

- иш берувчининг рухсатисиз ўзбошимчалик билан таътилга кетиши ёхуд ўзбошимчалик билан дам олиш кунлари (отгул)дан фойдаланиш;
- иш берувчини огоҳлантирмасдан ишни ташлаб кетиши, ёки огоҳлантириш муддати тамом бўлмасдан ишни ташлаб кетилар киради.

Корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларида ишга алкоголдан, наркотик ёхуд токсинли моддалардан фойдалангани туфайли маст ҳолда келиши ёки иш жойида шу ҳолатда бўлгани учун МКнинг 100-моддаси, 2-кисми, 4-бандига асосан меҳнат шартномасини бекор қилиш назарда тутилган тақдирда, бу асос кўрсатилган ҳолатда фақат корхона худудида пайдо бўлган ходимга нисбатан эмас, балки ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши лозим бўлган бошқа жойларда қайд этилган ҳолатда юрган ходимга нисбатан хам кўлланилиши мумкин. Бунда ходим ишдан четлатилган ёки четлатилмаганлигининг аҳамиятга эга эмас.

Алкогол, наркотик ёхуд токсинлик моддалар истеъмол қилиш оқибатида юзага келувчи сархушлик ҳолати тиббий хulosага кўра, шунингдек, суд томонидан хукуқий баҳоланиш лозим бўлган бошқа турдаги исбот-далиллар билан тасдиқланиши мумкин. Ўриндошлик асосида ишлайдиганлар билан меҳнат шартномаси барча ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилинадиган умумий асослардан ташқари МКнинг 100-моддаси, 2-кисми, 5-бандига биноан хам бекор қилиниши мумкин.

Ўриндошлиқ асосида ишлайдиган ҳодим билан МКнинг 100-моддаси, 2-кисми, 5-бандига кўра бошқа ўриндош бўлмаган ҳодимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан бекор қилинишига фақат ўриндош ишида ишлаш учун қабул қилинаётган ҳодим учун бу иш аосий иш бўлган холдагина йўл қўйилишини судлар назарда тутишлари керак.

Ўриндош билан меҳнат шартномаси юқорида кўрсатилган асосга кўра бекор қилингач, унинг ўрнига бошқа ўриндош ишга қабул қилинган ҳолда ёхуд бу ҳодимнинг эгаллаб келган лавозими (бажараётган иши) бўш қолиб кетса (вакант), МКнинг 100-моддаси, 2-кисми, 5-бандига биноан меҳнат муносабатларининг бекор қилиниши ғайриконуний деб топилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси 100-моддаси, 2-кисми, 6-бандига кўра корхона мулкдори алмашиниши сабабли корхона раҳбари, унинг ўринбосари ва бош бухгалтери билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчи ташабbusи билан бекор қилиниши мумкин. Бунда янги мулкдор корхона раҳбарияти ишни самарали ташкил этишни уддалай олмаяпти деб хисобласа, ундай ҳолда қонунда назарда тутилган кафолатларни (100-модда, 2-кисми, 1-бандига кўра ишдан бўшатиш пайтидаги қўшимча кафолатлар) берган ҳолда ишдан бўшатиш мумкин.

#### 4-§. Меҳнат шартномасининг тарафлар хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра бекор қилиниши

Меҳнат шартномаси тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган асослар билан ҳам, яъни шартнома томонларида уни бекор қилиш истаги бўлмагани ҳолда ваколатли давлат органи аралашуви ёки бошқа объектив хусусиятга эга бўлган ҳолатлар туфайли бекор қилиниши мумкин. Амалдаги меҳнат қонунчилиги бундай ҳолларда ҳам ҳодимларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг айрим тоифаларига қўшимча кафолатлар беришга каратилган ҳукукий чора-тадбирларни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси МКнинг 106-моддасида меҳнат шартномаси куйидаги ҳолларда тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли бекор қилиниши мумкинлигини назарда тутади:

- 1) ҳодим ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилган тақдирда;
- 2) шу ишни илгари бажариб келган ҳодим ишга тикланган тақдирда;
- 3) ҳодимни жазога маҳкум этган суднинг ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, башарти бунинг натижасида ҳодим ўз ишини давом эттириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, шунингдек ҳодим суд-

нинг қарорига мувофиқ ихтисослаштирилган даволаш-прафилактика мусассасасига йўлланган тақдирда;

4) ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан, агар йўл қўйилган бузилишни бартараф этиш имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса;

5) ходимнинг вафоти муносабати билан;

6) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги 1992 йил 3 июлдаги Қонунларига мувофиқ<sup>64</sup> муддатли ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ ёшига етган фуқаролар белгиланган тартибда ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириллади.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддаси, 2-бандида айтилишича: «Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар чақирилувчиларни чақириқ участкаларига ўз вақтида келишларини таъминлашлари шарт». Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ходим чақириқ қоғозида кўрсатилган кунгача ишдан бўшатилиши, у билан хисоб-китоб қилиниши ҳамда унга ўртacha ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган микдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши лозим бўлади.

Меҳнат Кодексининг 106-моддаси 2-бандига кўра шу ишни илгари бажариб келган ходимни ишга тикланиши туфайли унинг ўрнига олинган ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишликни назарда тутади.

Ғайриқонуний равища ишдан бўшатилган ходимни суд ҳал қилув қарорига кўра ўз вазифасига тикланиши, асоссиз жиной жавобгарликка тортилган фуқарони оқланиши каби ҳолларни юз бериши уларнинг ўрнига ишга олинган шахслар билан ушбу асосга кўра меҳнат шартномасининг бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Аммо бундай ҳолларда иш берувчи ходимни ишдан бўшатишдан аввал унинг ёши, саломатлиги ахволини эътиборга олиб ва малакасига мос келувчи бошқа иш таклиф қилиши, бундай иш топилмагани ҳолда ёхуд ходим бошқа ишга ўтиб ишлашини рад этгани тақдирдагина уни ушбу асос билан ишдан бўшатилиши мумкин ва унга белгиланган микдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади (МКнинг 109-моддаси).

МКнинг 106-моддаси 3-бандига биноан ходим содир этган жинояти учун суднинг хукмига кўра аввалги ишини давом эттириш имконини бермайдиган жазога маҳкум этилган бўлса (озодликдан маҳрум этиш, иш жойидан бошқа ерда ахлоқ тузатиш ишларини ўташ, муайян хукуқлардан маҳрум этиш ва ҳоказо), бундай ҳол уни ушбу асос билан ишдан бўшатилишига сабаб бўлиши мумкин. Бунда суд хукмининг қонуний кучга кирганлиги ҳақидаги хабар иш берувчи ходимни ишдан

<sup>64</sup> Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари, Т., «Адолат», 1993, № 6, 184-227-бетлар.

бўшатишлиқ учун асос бўлиб хизмат қиласи. Дастлабки тергов кетаётган пайтда ёки суд мажлиси давом этаётганида ушбу асос билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, суднинг айлов хукми билан ходимга тайинланган фаолиятига тўсқинлик қиласа (масалан, жарима солиниши) ходим ушбу асос билан ишдан бўшатилишига йўл қўйилмайди.

Меҳнат Кодексининг 106-моддаси, 4-бандига кўра ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан, агар йўл қўйилган қоида бузарликни бартараф этишнинг имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса, меҳнат шартномаси бекор килиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судиplenумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарорининг 43-бандига ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилиши саналувчи ҳолатларнинг қуидаги тахминий рўйхати кўзда тутилган:

- суд хукмига кўра маълум мансабни эгаллаш ёки маълум фаолият билан шуғулланиш ҳукуқидан маҳрум қилинганларни суд томонидан тайинланган вақт давомида ишга қабул қилиш;
- бир давлат корхонасида ўзаро якин қариндош ёки куда-анда бўлган шахсларни, башарти, улардан бири иккинчисига бевосита бўйси-ниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бундай хизматчиларни ишга қабул қилиш (МКнинг 79-моддаси). Қариндошларнинг биргаликда хизмат қилишларини тақиқлаш хақидаги қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли иловада белгиланган (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари, 1997 йил, 3-сон, 11-модда);
- қонунлар томонидан вояга етмаганлар ва аёлларни жалб қилиш тақиқланган ишларга қабул қилиш.

Меҳнат муносабатлари қайд этилган асосларга кўра бекор килиниши билан боғлиқ низоларни кўраётib судлар ишга қабул қилишда қандай аниқ бузилишга йўл қўйилгани ва бу меҳнат шартномасини бекор этишга асос бўла олиши мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқламоғи зарур. Меҳнат шартномасини МКнинг 106-моддаси 4-банди бўйича бекор этилишига йўл қўйилиши мумкинлигини ёдда тутмок зарур бўлади.

Меҳнат шартномаси МКнинг 106-моддаси 6-бандига кўра бекор қилинишига, тегишли қонун ҳужжати меҳнат муносабатлари МКнинг 106-моддаси 1-5-бандларида санаб ўтилмаган меҳнат қатнашчилари ихтиёрига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар бўйича бекор қилиниши мумкинлигини кўзда тутилган. Бундай ҳолатларга, хусусан, ўн саккиз ёшга

тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириши уларнинг соғлигига зиён қиласидиган ёки уларга бошқача тарзда заар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномаси ота-онаси, васийлар (хомийлар) ва ваколатли органлар (меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар) талабларига кўра бекор қилиниши (МКнинг 247-модда), мукобил хизмат ўтаётганлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш мүкобил хизмат органлари талабига кўра бекор қилиниши киради.

### **5-§. Меҳнат шартномаси бекор қилинишини расмийлаштириш ва ходим билан хисоб-китоб**

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби ва уни расмийлаштириш қоидалари Ўзбекистон Республикаси МКда белгилаб қўйилган бўлиб, унга амал қилиш иш берувчининг асосий бурчларидан саналади, ишдан бўшатилаётган ходимлар ҳуқуклари ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя этилишини таъминлайди. Меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади. Охирги иш куни меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб хисобланади.

Буйруқда меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари ушбу Кодекснинг 87, 89, 97, 100, 105, 106-моддалари таърифига ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутувчи бошқа норматив ҳужжатлар таърифига тўла мувофиқ ҳолда ёзилиб, Кодекснинг ёхуд бошқа норматив ҳужжатларнинг тегишли моддалари (бандлари) кўрсатилиб қўйилади.

Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан унинг касаллиги, ногиронлиги, ёшга доир пенсияга чиқиши, олий ёки ўрта маҳсус ўқув юрти ёхуд аспирантурага қабул қилиниши ва қонун ҳужжатларига кўра муайян имтиёзлар ва афзалликлар бериладиган бошқа сабаблар туфайли бекор қилинганда, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқда шу сабаблар кўрсатилиади. Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқ нусхасини бериши шарт.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган қўйидаги ҳолларда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади:

иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинганида (ходим ўзининг меҳнат вазифаларини бажармаганлиги сабабли шартноманинг бекор қилиниши бундан мустасно);

тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, ушбу Кодекснинг 106-моддаси 1 ва 2-бандларида назарда тутилган ҳолатларга биноан. Мехнат шартномаси ушбу Кодекснинг 106-моддаси 4-бандига биноан бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади, ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар ходимнинг айби билан бузилган (суднинг муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳукуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ҳукмини яшириш, сохта ҳужжатлар тақдим этиш ва ҳоказо) ҳоллар бундан мустасно.

Ходим янги меҳнат шартлари асосида ишни давом эттиришни рад этганлиги сабабли (89-модданинг тўртинчи қисми).

Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Мехнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда ходимга тегишли иш ҳақи, унинг миқдори ҳусусида низо бўлмаса:

1) меҳнат шартномаси бекор қилинган кунга кадар ишлаётган ходимга – меҳнат шартномаси бекор қилинган куни;

2) меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ишламаётган ходимга – у ҳисоб-китоб қилишни талаб этган куни тўланиши керак.

Мехнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинганда унга тегишли иш ҳақи, унинг миқдори ҳусусида низо бўлмаса:

1) қонун бўйича ёки шартномага мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида иш берувчини огоҳлантириши шарт бўлган ходимга – ишдан кетган куннинг эртасидан кечиктирмасдан тўланиши лозим;

2) меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида иш берувчини огоҳлантириш шарт бўлмаган ходимга – ишдан кетган куннинг эртасидан кечиктирмасдан тўланиши лозим.

Мехнат шартномаси бекор қилинганда ходимга тегишли ҳақнинг миқдори юзасидан низо чиққан тақдирда, ходимга шак-шубҳасиз тегадиган суммани иш берувчи ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт.

**6-§. Ғайриқонуний равищда ишдан бўшатилган ёки бошқа ишга ўтказилган ходимлар ҳукуқларининг ҳимоя қилиниши.**

**Ишдан четлатиш**

Мехнат қонунчилиги меҳнат шартномасини иш берувчи томонидан ўзбошимчалик билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиш ҳолларидан ходимлар хукукларини ҳимоялашнинг, уларни бузилган маддий ва маънавий манфаатларини тиклашнинг ҳалқаро андозаларга мос келувчи самарали воситаларини назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 111-модда-сида айтилганидек:

Мехнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинган ёки гайриқонуний равишда ходим бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозим.

Низони қўриш вақтида иш берувчига меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки ходимни бошқа ишга ўтказишининг асослилгини исботлаб бериш масъулияти юқлатилади. Агар жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилиш масаласи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб олиш назарда тутилган бўлса, бундай ҳолда суд касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилиги олингандигини ҳам аниклайди.

Мехнат шартномасини гайриқонуний равишда бекор қилиш ёки ўзгартириш деганда икки ҳолат: а) қонунни очик-оидин бузган ҳолда бекор қилиш; б) ишдан бўшатиш (бошқа ишга ўтказиш) юзасидан белгиланган тартиб кўпол бузилгани ҳолда ана шундай хатти-харакатга иш берувчи томонидан йўл қўйилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарорининг 51-бандига кўра қонунни очик-оидин бузган ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилиш деганда ҳолатлар назарда тутилади:

- қонунда кўрсатилмаган асослар бўйича;
- иш берувчи ташабbusига кўра касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларни бошқа вакиллик органи розилигисиз, агарда бундай розилик олиш лозимлиги жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида кўзда тутилган бўлса;
- иш берувчи ташабbusига кўра ўн саккизга тўлмаган шахслар билан, ишлаб чиқаришдан ажралмай таълим олаётган шахслар билан, ходимларнинг вакиллик органига сайланганлар ҳамда сайланиш муддати тугаганидан сўнг икки йил мобайнида маҳаллий меҳнат органини олдиндан розилигини олмаган ҳолда ишдан бўшатилганларида;
- МКнинг 237-моддаси 1-қисмида кўрсатилган, яъни иш берувчига аёллар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўймайдиган ҳолатлар маълум бўлганда ишдан бўшатиш;
- иш берувчининг ташабbusи бўйича, корхонанинг тўлиқ тугатилиши ҳолларидан ташқари, ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ёки унинг таътилда бўлган вақти давомида ишдан бўшатиш;

- МКнинг 84-моддаси 3-қисмида кўрсатилган ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки синов муддати белгиланмаса-да, ходимлар-нинг коникарсиз синов натижасига қўра;
  - МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-банди бўйича, корхонада ички меҳнат коидалари тасдиқланмаган бўлганда, шунингдек, ходим коидаларда белгиланмаган меҳнат мажбуриятларини бир марта қўпол бузганлиги учун;
  - ходимнинг ташаббуси бўйича уни меҳнат шартномасини бекор қилиш хақида ёзган аризаси бўлмаганда шу асос билан ишдан бўшатиш;
  - номуайян муддатга ишга қабул қилинган ходим билан меҳнат шартномасининг муддати ўтганлиги муносабати билан шартноманинг бекор қилиниши;
  - иш берувчи томонидан қонунийлик шартлари ёки меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича белгиланган тартибни қўпол равища бузилган бошқа ҳолларда кабилар.
- Ходимни бошқа ишга ўтказиша қонун очик-оидин бузилган ҳолда амалга оширилган деб топилади, агар у:
- ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш муносабати билан ходимнинг розилигисиз, агар жамоа шартномасида, у тузилмаган тақдирда иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда бундай бошқа ишга ўтказишларнинг амал қилиш муддатлари, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурияти ҳолатлари белгиланмаган бўлса;
  - ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш муносабати билан ходимнинг розилигисиз, бошқа ишга ўтказиш агар бундай ўтказишларнинг амал қилиш муддати жамоа шартномасида белгиланган муддатлардан, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишув бўйича белгиланган муддатдан ортиқ бўлса;
  - жамоа шартномасига киритилмаган ҳолларда ишлаб чиқариш зарурияти муносабати билан ходимнинг розилигисиз бошқа ишга ўтказиш, агар у иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишув бўйича ишлаб чиқариш зарурияти ҳоллари қаторига киритилган бўлмаса;
  - иш берувчи томонидан бошқа ишга ўтказиш юзасидан белгиланган тартибларни қўпол равища бузган бошқа ҳолларда амалга оширилган бўлса.

Ишга тикланганда иш берувчи зиммасига ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади.

Зарарни қоплаш:

мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш шартлигидан (275-модда); меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ёки ходим бошқа ишга ўтказилганлиги устидан шикоят қилиш билан боғлик қўшимча харажатларнинг ўрнини қоплашдан (мутахассислардан маслаҳат олиш, иш юритиш учун харажатлар ва бошқалардан);

маънавий зарар учун компенсация тўлашдан иборатдир. Маънавий зарарнинг қопланиши лозим бўлган миқдори иш берувчининг хатти-ҳаракатига берилган баҳони ҳисобга олиб, суд томонидан белгиланади, лекин бу ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ходимнинг илтимосига кўра суд ишга тиклаш ўрнига унинг фойдасига уч ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда қўшимчада тарзда ҳақ тўлаш мажбуриятини юклashi мумкин. Меҳнат шартномасини гайриқонуйй равишда бекор қилишда ёки ходимни гайриқонуйй равишда бошқа ишга ўтказишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ходимга иш ҳақи тўланиши муносабати билан иш берувчига етказилган зарар учун ушбу Кодекснинг 274-моддасида назарда тутилган тартибда моддий жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги карорнинг 13-бандида айтилишича:

Маънавий зарарнинг миқдорини белгилашда судлар жабрланувчнинг унга етказилган маънавий зарарнинг оғирлигига берган субъектив баҳоси, шунингдек даъвогарга етказилган маънавий ва жисмоний азобларнинг даражасини кўрсатувчи объектив маълумотларни, тажовуз қилинган объектнинг ҳаёт учун муҳимлиги, фойдаси (ҳаёти, соғлиги, қадр-киммати, шахсий эркинлиги, уй-жойининг дахлсизлиги, катта қимматлика эга бўлган мулклари ва бошқалар), хукукбузарликнинг оғирлиги ва оқибати (яқин қариндошларнинг ўлдирилиши, ногиронликка олиб келган тан жароҳати етказилиши, озодликдан маҳрум қилиш, ишдан ёки турар жойдан ва бошқалардан маҳрум қилиш), уялтирадиган нотўғри маълумотларнинг характеристири ва уларнинг қанчалик даражада (доирада) тарқатилганлиги, жабрланувчининг яшаш шароитлари, шахсий хусусиятлари (хизмати, оиласи, майши, моддий томонлари, соғлигининг ҳолати, ёши ва бошқалар), зарар етказувчининг ва жабрланувчининг айби даражалари, зарар етказувчи шахснинг моддий аҳволи ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни ҳисобга олишлари лозим.

Бундан келиб чиқиб, маънавий зарарни қоплаш миқдорини етказилган мулкий ва бошқа моддий зарарни ундириш даво талабининг қопланиш ҳажмига караб белгилаш мумкин эмас. Зарарни қоплаш миқдорини белги-

лашда адолатлилик ва оқилоналиқ талаблари инобатга олиниши лозим (ФКнинг 1022-моддаси)<sup>65</sup>.

Ходим билан меҳнат шартномаси қонунга хилоф асосларда бекор қилинган ёки бу юзасидан ўрнатилган тартиб бузилишига йўл қўйилган бўлиб, аммо корхона тугатилиши оқибатида ходимни ишга тиклаш имконияти бўлмаган ҳолатда, суд меҳнат шартномасини бекор қилинишини нотўғри деб топиб, тугатиш комиссияси ёки корхонани тугатиш ҳақида қарор қилган органга, зарур ҳолларда эса ҳуқукни қабул қилувчига мажбуран бўш юрган вақт (прогул) учун унга бир йилдан кўп бўлмаган муддатга иш ҳақи тўлаш мажбуриятини юклайди. Шу билан бирга суд ходим билан меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси, 2-кисми 1-банди бўйича корхонанинг тугатилиши туфайли бекор қилинган деб топилади. Бундай ходим меҳнат шартномаси корхонанинг тугатилиши (МКнинг 67-моддаси) муносабати билан бериладиган қўшимча моддий ёрдам бериш кафолатидан фойдаланади.

Ходимни ишдан четлатиш, яъни конунда назарда тутилган асослар юз бергандан ходимни меҳнат вазифаларини бажаришдан четлатиб қўйишиш иш берувчи томонидан ёки ваколатли давлат органлари қарорлари асосида амалга оширилиши мумкин.

Жумладан, МКнинг 113-моддасида айтилишича:

Ходимни ишдан четлаштиришга, конунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари йўл қўйилмайди.

Алкоголли ичимлиқдан, гиёхвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастилик ҳолатида ишга келган ходим шу куни (сменада) ишга қўйилмайди.

Ходим мажбурий тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижаси бўйича тиббий комиссия тавсияларини бажармаган тақдирда, иш берувчи уни ишга қўйимасликка ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодексининг 255-моддасига кўра: «Башарти айланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қиласи ёки жиноий фаолиятини давом эттиради деб хисоблашга етарли асослар бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд уни лавозимдан четлаштириш ҳақида қарор ёки ажрим чиқаришга ҳақли»<sup>66</sup>.

<sup>65</sup> «Қонун номи билан», Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2000 йил, 2-3-сон, 27-бет.

<sup>66</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодекси, Т., «Адолат», 1999.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Конуни 27-моддаси 3-бандида айтилишича, санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахс:

қайси идорага қарашли бўлишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларнинг раҳбарларидан ва алоҳида шахслардан;

санитария нормаларини, қоидаларини, эпидемияга қарши тартиботни мунтазам суръатда бажармаётган ва ишлаб чиқаришнинг ҳамда бажарилаётган ишларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, юқумли, паразитлар касалликларни тарқатиш хавфини туғдирадиган шахсларни ишдан четлаштиришни талаб қилишга ҳақли<sup>67</sup>.

Ходимларни ишдан четлатишнинг бошқа асослари ҳам қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлиши мумкин. Ходимни ишдан четлатилишига асос бўлган ҳолат бартараф этилиши билан у ўз вазифасини бажаришга киришади ва унга иш ҳақи тўлаш давом этади.

Ходим иш берувчининг айби билан гайриқонуний равиша ишдан четлаштирилган ҳолларда ходимга иш берувчи томонидан етказилган барча моддий ва маънавий зарар меҳнат қонунчилигида белгиланган тартиб ҳамда миқдорларда қоплаб берилади.

Ходим суриштирув, тергов, прокуратура ёхуд суд органи томонидан, санитария назорати ёки бошқа давлат органи томонидан гайриқонуний тарзда ишдан четлаштирилиши туфайли унга етказилган моддий ва маънавий зарар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли орган ҳисобидан тўла ҳажмда қоплаб берилади<sup>68</sup>.

### **Билимингизни текшириб кўринг**

1. Мехнат шартномасини бекор қилиш деганда нимани тушунасиз?
2. Мехнат шартномаси бекор бўлишининг қандай умумий асослари қонунда назарда тутилган?
3. Ходим томонидан мехнат шартномасини бекор қилиш тартибини айтиб беринг.
4. Муддатли мехнат шартномаси ходим томонидан муддатидан аввал бекор қилинishi мумкиними?
5. Муддатли мехнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинса, ходим қайси ҳолларда иш берувчига неустойка тўлаши лозим?

<sup>67</sup> Каранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари, Т., «Адолат», 6-сон, 118-бет.

<sup>68</sup> Каракал: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2002 йил 12 январ 1095-сон билан рўйхатга олинган «Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари гайриқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарар учун давлат бюджетидан пул тўловларини амалга оширилиши тўғрисидаги йўрикнома».

6. Мөхнат шартномаси иш берувчи ташаббуси билан қандай асослар мавжуд бўлганида бекор қилиниши мумкин?
7. Иш берувчи томонидан мөхнат шартномасини бекор қилиниш тартибини сўзлаб беринг.
8. Мөхнат шартномаси бекор бўлганида ишдан бўшатилган ходимга мөхнат дафтари часи ва хисоб-китоблар қандай муддатларда берилади?
9. Гайриконуний равишда ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш нима ва бундай хатти-харакатлар учун қандай хукукий жавобгарлик мавжуд?
10. Ишдан четлатиш нима ва унга қандай ҳолларда йўл кўйилади?

## I боб. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

### 1-§. Иш вақти, унинг турлари ва давомийлиги

Иш вақти мөхнат шартномасининг муҳим шартларидан бириди. Чунки иш вақтининг оқилюна меъёрларини белгилаш ходимлар учун ҳам, иш берувчи учун ҳам, давлат-жамият учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Иш вақтининг физиологик ва ижтимоий чегараларини тўғри белгилаш ва уларга амал қилиш ходимлар жисмоний ҳамда руҳий саломатликларини муҳофаза қилиш, уларнинг тез қариб қолишилари, касалликларга чалиниб, мөхнат қобилиятларининг пасайишига йўл қўймаслик, айни пайтда иш берувчи учун ҳам зарур хўжалик якунларига эришиш имконини беради.

Халқаро Мөхнат Ташкилоти ва бошқа инсонпарвар халқаро ташкилотлар ходимларни ишлаб чиқаришда зўрикиши туфайли касалликларга чалинишларининг олдини олиш, белгиланганидан кўпроқ вақт давомида ишлапшларига йўл қўймасликка қаратилган тадбирларни белгилайди<sup>69</sup>.

<sup>69</sup> Жумладан, БМТнинг 1966 йил 19 декабрдаги «Иктисодий, ижтимоий ва маданий хукуклар тўғрисида»ги халқаро Пактида (7-8-моддалар) ҳамда Халқаро Мөхнат Ташкилотининг 1935 йилги 47-сонли «Иш вақтини хафтасига 40 соаттагача кисқартириш тўғрисида»ги Конвенцияси ва 116-сонли тавсияларида иш вақти чегараларига андозалар белгилаб кўйилган.

Иш вақтини хуқуқий тартибга солищдан кўзланган асосий мақсад физиологик меъёрлардан ортиқча вақт давомида ишлаш туфайли саломатликка зиён етишига йўл кўймаслик, ходимларга дам олишлари, маънавий камол топишлари, болалар тарбияси, оиласвий машғулотлар билан банд бўлишлари учун реал имкониятни ка-фолатлашдан иборатдир.

МКнинг 114-моддасига кўра: «Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти деб хисобланади».

Фуқаролар меҳнат қиласиган соҳалар хилма-хил бўлиб, улар нафақат иш-хоналарда, ўз томорқасида ҳам, тадбиркор сифатида ҳам меҳнат қилишлари мумкин. Аммо уларнинг корхона, муассаса, ташкилотларда ёлланиб ишлашга асосланган иш вақтигина меҳнат қонунлари билан тартибга солинади.

Ходимнинг меҳнат муносабатига киришганлиги унинг корхонадаги ички меҳнат тартибига, меҳнат интизомига, корхона тартибига риоя этиш лозимлигини тақозо этади. Шу сабабли меҳнат ҳуқуқида иш вақти деганда ходим ички меҳнат тартиби қоидаларига кўра меҳнат бурчларини бажарадиган вақт тушунилади. Ходим иш вақти давомида корхонада бўлган ҳолда айрим ҳолларда эса корхонадан бошқа жойда бўлсада, иш берувчининг топшириқларини, давлат-жамият вазифаларини бажариши назарда тутилади.

Иш вақти узунлиги меҳнатнинг энг муҳим шартларидан бири хисобланади. Шунга кўра иш вақтининг энг кўп миқдори ходим ва иш берувчи манбаатларини ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан белгилаб қўйилади. Иш вақти нормаларининг белгиланиши ходим меҳнатини миқдор ва сифат жиҳатидан ўлчаш воситаси ҳамда шунга кўра иш хақи тўлаш меъёри, корхона меҳнат натижаларини аниқлашга ёрдам берувчи кўрсаткич вазифаларини бажаради.

Меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари иш вақтининг кунлик, хафталик ва йиллик нормаларини белгилайди. Иш куни деганда ходим сутка давомида ишлаши лозим бўлган вақт тушунилади. Иш куни узунлиги одатда хафталик иш вақти нормасига асосан ва иш берувчининг, улар вакилларининг ўзаро келишувларини ифодаловчи жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиб-қоидалари меҳнат шартномасига кўра белгиланади. Қонун хужжатларида бевосита иш куни узунлиги белгиланадиган ҳоллар ҳам мавжуд<sup>70</sup>.

---

<sup>70</sup> *Масалан, қаранг:* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 11 марта тидаги 133-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги карорига кўра согликни саклаш ва ижтимоий таъминот муассасаларининг муайян тоифадаги шифокорлари учун беш ярим соатлик иш куни белгилаб қўйилган (мазкур қарорнинг 4-иловаси, 1-бўлими).

Иш хафтаси деганда ходим ҳафта давомида ишлаши лозим бўлган вақтга айтилади ва умумий қоидага кўра ҳафталик иш соати кирқ соатдан кўп бўлиши мумкин эмас. Беш кунлик ва олти кунлик иш ҳафтаси мавжуд. Беш кунлик иш ҳафтаси иш кунининг узунлиги саккиз соатдан, олти кунлик иш ҳафтасида эса етти соатдан, олтинчи куни эса беш соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Иш сменаси, деганда иш берувчи томонидан ходимлар вакиллик органи билан келишилган ҳолда ички меҳнат тартиби қоидалари ёки сменалар алмашуви графигида белгилаб қўйиладиган сутка давомидаги иш вақтига айтилади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари алоҳида тусга эга бўлган ва зарарли ишлаб чиқариш шароитида ишлаётган ходимлар учун, ёши, саломатлиги ҳолати ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб, қисқартирилган иш вақти нормасини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси МКнинг 116-моддасига кўра иш вақтининг қисқартирилган муддати кўйидагилар учун белгиланади:

- 1) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар;
- 2) I ва II гурӯх ногиронлари бўлган ходимлар;
- 3) ноқулай меҳнат шароитлардаги ишларда банд бўлган ходимлар;
- 4) алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар;
- 5) бюджетдан таъминот олувчи муассаса ва ташкилотларда ишловчи ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган фарзандлари бўлган аёлларга – ҳафтасига 35 соатдан ортиқ бўлмаган иш вақти белгиланади.

МКнинг 242-моддасига мувофиқ ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар (таътил даврида ишлаётган 14-16 ёшгача бўлган ўкувчилар)га йигирма тўрт соатдан ошмайдиган килиб белгиланади.

МКнинг 220-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги Конунининг 30-моддасига кўра<sup>71</sup> I ва II гурӯх ногиронларига меҳнатга ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақти ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

Ноқулай меҳнат шароити мавжуд бўлган ишларда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати меҳнат жараёнида соғлигига физиковий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимлар учун белгиланади.

Корхоналарда бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати тармоқ (тариф) келишувларида агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба ўюшмаси кўмитаси ёки

<sup>71</sup> Каранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари, Т, «Адолат», 1993, 5-сон.

ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан келишиб олинганидан кейин белгиланади.

Мехнат шароити ўта заарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг муддати чегараси Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқамасининг 1997 йил 11 марта қабул килинган 133-сонли «Ўзбекистон Республикасининг МКнинг талабларини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган меъёрий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 8-илювасида ана шундай ўта заарли ва ўта оғир ишлардаги энг кўп иш вақти нормаси белгилаб берилган<sup>72</sup>. Масалан:

- симоб ишлаб чиқариш корхоналарида кунлик иш вақти беш соатдан;
- суд тиббий экспертизаси бюроси эксперталари, ўрта малакали тиббий ходимлар учун беш соатдан;
- электрон ҳисоблаш машиналари (компьютерлар, видеоаппаратлар) хизматчилари учун тўрт соатдан ошмаслиги лозим ва ҳ.к.

Алоҳида тусга эга бўлган ишлар юкори даражадаги ҳис-ҳаяжон, аклий зўриқиши, асаб танглиги билан боғлик ишлар бўлиб, бундай ишларда банд бўлган ходимлар учун хукумат қарорига кўра қискартирилган иш вақти нормаси белгиланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқамасининг юкорида тилга олинган қарорининг 4-илювасида ана шундай ишлар рўйхати ва уларда банд бўлган ходимлар учун қискартирилган иш вақти нормаси берилган<sup>73</sup>.

Мазкур рўйхатга Соғлиқни саклаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари, телевидение ва радио эшилтириш ходимлари киритилган бўлиб, улар учун айрим ҳолларда иш кунининг энг узоқ муддати (масалан, шифокорлар учун беш ярим соат), бошқа ҳолларда бир йиллик иш вақти нормаси (масалан, хунар-техника билим юртлари ўқитувчилари учун йилига 640 соат), бошқа ҳолларда эса ҳафталик иш вақтининг энг кўп муддати (масалан, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари учун ҳафтасига 36 соат) тарзида қискартирилган иш вақти белгиланган.

Қискартирилган иш вақти меҳнат қонунларида бевосита белгилаб кўйилган бошқа айрим ҳолларда ҳам (масалан, ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таълим олувчи ходимлар учун) назарда тутгилиши мумкин. Нормал ёки қискартирилган иш вақти ходим ва иш берувчи ке-

<sup>72</sup> М. Гасанов, Е. Соколов. Ўзбекистонда меҳнат шартномаси (контракти), учинчи китоб, Т., 1996, 308-бет.

<sup>73</sup> Ўша манба, 8-илюва, 315-бет.

лишувига кўра ёки улардан бирининг талаби билан ҳам узайтирилиши мумкин эмас. МКнинг 119-моддасига кўра ходим билан иш берувчи-нинг ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки иш хафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Мехнат Кодексининг 229-моддасига кўра аёллар ва оилавий вазифаларни бажарувчи бошқа шахсларга (ҳомиладор ёки 14 ёшга етмаган болали аёллар ва бошқалар) қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолларда иш берувчи ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш куни ёки иш хафтаси белгилашга мажбур. Тўлиқсиз иш вақтида ишлаётган ходимларнинг меҳнат хуқуклари шу муносабат билан чекланиши мумкин эмас, аммо уларга ишлаган вақтларига ёки бажарган ишларига мутаносиб равишда иш ҳақи тўланади.

Мехнат тўғрисидаги қонун хужжатларида қисмларга бўлинадиган, жамлаб хисобланадиган ва бошқа иш вақти турлари назарда тутилган ҳамда бундай иш вақти режимлари иш берувчи ва ходимларнинг ўзаро келишувлари билан белгиланиши мумкин. Корхоналарда иш вақти режими (муайян календар давр давомида иш ва дам олиш вақтларининг тақсимланиши) ички меҳнат тартиби қоидлари ва бошқа локал ҳужжатлар билан белгиланади. Корхоналардаги кун тартиби ва сменалар алмашуви графиги иш вақти режимини характерловчи асосий қоидалардандир.

Ходимни сурункасига икки сменада ишлатиш тақиқ-ланади. Қонун ҳужжатларида дам олиш кунлари, байрам кунлари ва тунги вақтларда ишга жалб этиш юзасидан муайян чеклашлар белгилаб қўйилган (МКнинг 228, 245, 220-моддалари). 18 ёшга тўлмаган ходимларни дам олиш кунида ишга жалб этиш тақиқланади.

Иш вақтидан ташқари иш вақти деганда ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари вақтдаги иш тушунилади. Иш вақтидан ташқари ишлаш ходимнинг розилиги билан қўлланилиши мумкин. Бироқ, кўйидаги ходимларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб этишга йўл қўйилмайди:

- а) иш сменаси муддати 12 соатдан иборат ходимлар;
- б) ўта заарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар;
- в) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар.

Ногиронлар, ҳомиладор, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор аёллар (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар) факат ўзларининг розилиги билан ва тиббий тавсиялар мавжуд бўлган ҳолдагина иш вақтидан ташқари ишлашга (шуningдек, байрам ва дам олиш кунлари, тунги ишларга) жалб этилишлари мумкин.

Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кунда тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва заарли ишларда бир кунда икки соатдан), ийлига эса 120 соатдан ортиқ бўл-

маслиги лозим. Иш вактидан ташқари иш муддати аниқ ҳисобга олиб борилиши шарт ва бу талабнинг бажарилмаслиги меҳнат қонунчилигини қўпол тарзда бузиш ҳисобланади.

## **2-§. Дам олиш вақти, унинг турлари ва аҳамияти**

Дам олиш ҳуқуқи фуқароларнинг энг муҳим иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларидан бўлиб, унга доир қоидалар халқаро-хуқуқий ҳужжатлар билан белгилаб кўйилган. Жумладан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 47-сонли «Иш хафтасини 40 соатгача қисқартириш тўғрисида»ги, 52-сонли «Йиллик ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисида»ги Конвенцияларида, энг умумий ва принципиал қоидалар эса БМТнинг 1966 йил 19 декабрдаги «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактида назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳукукнинг, суверен аъзоси сифатида ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг аксари қисмини тан олди. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларининг дам олиш ҳуқуқларини энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлардан бири сифатида эълон қиласди ва ўз қонунларида бу ҳукукни реал таъминлашга оид бўлган чора-тадбирларни белгилайди.

Дам олиш ҳукуки ва бу ҳукукни амалда таъминланиши айрим шахс, оила, давлат ва жамият равнақи, унинг барқамоллиги учун, тараққий топиши учун хизмат қиласди. Шу сабабли меҳнатга оид қонун ҳужжатларида ходимлар дам олиш ҳуқуқларига катта аҳамият берилади, дам олиш вақтини бериш, ундан самарали фойдаланишга кўмаклашиш мажбуриятини иш берувчи зиммасига юклайди.

МКнинг 126-моддасига кўра дам олиш вақти деганда ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан ҳоли бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақт тушунилади. Ходимнинг дам олишга оид субъектив ҳукуки иш берувчининг конунда белгиланган вақтда ходимни ишдан озод қилиш мажбуриятига мос келади.

Дам олиш вақтининг қўйидаги турлари мавжуд:

- а) иш куни (смена) давомидаги танаффуслар;
- б) кундалик дам олиш вақти;
- в) дам олиш кунлари;
- г) байрам кунлар;
- д) йиллик меҳнат таътиллари.

Меҳнат Кодексининг 127-моддасига кўра, ходимга иш куни (смена) давомида дам олиш ва овқатланиш учун танаффус берилиши керак, бу танаффус иш вақтига кирмайди. Бундай танаффус микдори, берилиш вақти ва унинг аниқ муддати корхона ички меҳнат тартиби қоидаларида,

смена графикларида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишу-вга биноан белгилаб қўйилади. Ишнинг хусусиятига кўра бундай танаффус бериб бўлмайдиган ишларда иш берувчи ходимга овқатланиб олишини таъминлаши лозим. Бундай ишларнинг рўйхати, овқатланиш тартиби ва жойи, ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилади.

Кундалик дам олиш вақти (иши кунлари орасидаги дам олиш вақти)нинг муддати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас. Дам олиш куни (яъни, иш хафталари, иш сменалари ўртасидаги дам олиш вақти) беш кунлик иш хафтасида икки кун, олти кунлик иш хафтасида бир кун микдорида берилади. Ходимларнинг дам олиш кунлари ишга жалб этишга коида тарикасида йўл кўйилмайди. Алоҳида ҳолларда қонунларда белгиланган чеклашлар хисобга олинган ҳолда дам олиш кунлари ишга жалб этишга йўл кўйилиши мумкин.

Байрам кунлари умумий дам олиш кунлари хисобланади<sup>74</sup> ва бу куни алоҳида ҳоллардан ташқари ишга жалб этиш мумкин эмас. Кўйидаги кунлар байрам (ишламайдиган) кунлардир:

- 1 январ – Янги йил;
- 8 март – Хотин-қизлар куни;
- 21 март – Наврӯз байрами;
- 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни;
- 1 сентябр – Мустакиллик куни;
- 1 октябр – Мураббийлар куни;
- 8 декабр – Конституция куни;
- Рўза ҳайит – (Ийд ал-Фитр) диний байрамининг биринчи куни;
- Курбон ҳайит – (Ийд ал-Адха) диний байрамининг биринчи куни.

### **3-§. Йиллик меҳнат таътили**

Меҳнат таътили барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик бўйича ишлаётган ходимларга дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар иили берилади. Йиллик меҳнат таътилининг энг кам муддати ўн беш иш кунидан иборат. Меҳнат тўғрисидаги конун хужжатларида узайтирилган ва қўшимча меҳнат таътили беришни назарда тутиди. Меҳнат Кодексининг 135-моддасига кўра куйидагиларга соғлиги ҳолати ва ёшини хисобга олиб, йиллик узайтирилган асосий таътил берилади:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга – ўттиз календар кун;
- ишлаётган I ва II гурӯҳ ногиронларига – ўттиз календар кун.

---

<sup>74</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари тўғрисидаги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 9-сон, 368-модда.

Айрим тоифадаги ходимларга меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари ҳамда бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ узайтирилган таътиллар белгиланади (масалан, ўқитувчилар, шифокорлар ва х. к.лар).

Меҳнат Кодексининг 136-моддасида қўйидаги холларда йиллик қўшимча таътиллар берилиши назарда тутилган:

- меҳнат шароити нокулай ва алоҳида тусга эга бўлган ишларда банд бўлган ходимларга;
- оғир ва нокулай табиий иқлим шароитларида иш бажараётган ходимларга;
- Меҳнат тўғрисидаги конунларда ва бошқа месъёрий ҳужжатларда, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Таътилларнинг муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан календар бўйича иш кунлари билан ҳисоблаб чиқарилади. Байрам кунлари таътилни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди. Йиллик таътилнинг умумий муддатини ҳисоблаб чиқаришда қўшимча таътиллар йиллик асосий таътилларга (шу жумладан узайтирилган таътилларга ҳам) кўшиб жамланади. Барча холларда қонун ҳужжатлари билан белгиланган таътилларни жамлашда уларнинг умумий муддати кирк саккиз иш кунидан ошиб кетмаслиги керак. Меҳнат таътилини олиш хуқуқини берувчи меҳнат стажининг турлари Меҳнат Кодексининг 142-моддасида кўрсатилган бўлиб, улар қаторига ҳақиқатда ишланган вақтдан ташқари яна бир қатор вақтлар ҳам киритилган.

Йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун ходим камида олти ой ишлаганидан кейин берилиши мумкин. Айрим тоифадаги ходимлар (ҳомиладор ва туғиши таътилига чиқаётган аёллар, I ва II гурух ногиронлари, ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар ва бошқалар)га олти ой ўтмасдан олдин меҳнат таътили берилиши мумкин<sup>75</sup>. Кейинги иш йиллари учун таътил иш берувчининг ходимлар вакиллик органи билан келишиб тузган таътилларни бериш графикига мувофиқ равишда берилади. Бундай графикни тайёрлаш пайтида ёш болали аёллар, I ва II гурух ногиронлари, уруш қатнашчилари, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ва бошқа айрим шахслар ёз ойларида ёки улар хоҳлаган пайтда таътилга чиқиши хуқуқига эга эканликлари ҳисобга олинмоғи лозим.

Меҳнат таътили ҳар йили берилиши лозим. Агар ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра ходимга жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаса, у ҳолда ходимнинг розилиги билан таътилнинг 12 иш кунидан ортиқ кисми кей-

<sup>75</sup> Қаранг: Халкаро Меҳнат Ташкилотининг 1936 йилги 52-сонли «Ҳак тўланадиган йиллик меҳнат таътиллари тўғрисида»ги Конвенциясиya ва ушбу Конвенцияни ратификациялаш ҳакида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 84-1-сонли карори.

инги иш йилига кўчирилиши мумкин. Шу йил ундан, албатта, фойдаланилиши лозим. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга йиллик таътилни, шунингдек меҳнат шароити нокулай ва алоҳида тусга эга бўлган ишлар учун бериладиган йиллик кўшимча таътилларни бермаслик тақиқланади.

Ходим вактингча меҳнатга яроқсиз бўлиб қолгани, давлат ёки жамоат ишларига жалб этилгани туфайли меҳнат таътилидан фойдалана олмаган холларда бу таътил узайтирилиши мумкин. Ходим таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар ҳақида иш берувчини хабардор қилиши шарт. Ходимнинг хоҳишига кўра таътил қисмларга бўлинishi мумкин, лекин бунда таътилнинг бир қисми ўн икки иш кунидан кам бўлмаслиги лозим. Ходимни таътилдан чакириб олишга фақат унинг розилиги билан йўл кўйилади. Шу муносабат билан фойдаланилмай қолган қисми кейинги иш йилининг таътилига кўшиб кўйилади ва натурал ҳолда берилиши лозим. Меҳнат таътилининг пулли компенсацияси билан алмаштиришга камида ўн беш кундан иборат меҳнат таътили натурал ҳолда берилиши шарти билан йўл кўйилиши мумкин.

Ишдан бўшаётган ходимга фойдаланилмаган барча асосий ва кўшимча таътиллар учун пулли компенсациялар тўланади. Жамоа шартномасида ёки ходим билан иш берувчининг ўзаро келишувида ходим ишдан бўшаётганида асосий ва кўшимча таътиллар натура ҳолида берилиб, кейин ишдан бўшатиш белгиланиши мумкин. Бунда таътилнинг тамом бўлган куни меҳнат шартномаси бекор бўлган кун хисобланади.

#### 4-§. Ижтимоий таътиллар ва уларни бериш асослари

Ижтимоий таътил деганда ходимга оилавий ва бошқа мақсадли сабабларга кўра бериладиган таътиллар тушунилади.

Меҳнат Кодексининг 149-моддасида ижтимоий таътилларнинг куйидаги турлари назарда тутилади:

- ҳомиладорлик ва туғиши таътиллари;
- болаларни парваришлаш таътиллари;
- ўқиши билан боғлиқ таътиллар;
- ижодий таътиллар.

Меҳнат Кодексининг 223-моддасига кўра аёлларга туққунга кадар 70 календар кун ва бола туғилгач 56 календар кун (эгизаклар туғилса ёки қийин кечган туғишида – 70 кун) микдорида таътил берилади. Бу таътилларнинг берилиши шартлари ва тартиби «Давлат ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомда

белгиланган<sup>76</sup>. Ижтимоий таътилнинг бу тури тегишли тиббий муассасалар томонидан берилган вақтинча меҳнатга яроқсизлик варақаси асосида берилади ва бу даврда ходимга ўртача ойлик иш ҳаки миқдорида нафака тўланади.

Янги туғилган болаларни бевосита туғуруқхонадан фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга бола фарзандликка олинган (vasiylik белгиланган) кундан бошлаб бола туғилган кундан эътиборан эллик олти календар кун (икки ёки ундан ортиқ бола асраб олинган (vasiylik белгиланган) тақдирда эса етмиш календар кун) ўтгунга қадар бўлган даврда давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафака тўлаш шарти билан таътил берилади ва уларнинг хоҳишига кўра бола уч ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун қўшимча таътиллар берилади.

Ҳомиладорлик ва туғиши таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафака тўланади.

Аёлга, унинг хоҳишига мувоғик, болани парваришлаш учун иш ҳаки сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади. Болани парваришлаш учун бериладиган таътилдан боланинг отаси, бувиси, буваси ёки болани амалда парваришлаётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин. Аёл ёки бошқа шахслар ўз хоҳишиларига кўра, болани парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлашлари мумкин. Бунда уларнинг нафака олиш хукуклари сақланиб колади (ушбу модданинг биринчи қисми).

Болани парваришлаш таътили даврида иш жойи (лавозими) сақланади. Болани парваришлаш таътили меҳнат стажига, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига қўшилади. Болани парваришлаш таътилларининг вақти, башарти жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, кейинги ҳак тўланадиган йиллик таътил олиш хукукини берадиган иш стажига қўшилмайди.

Болани парваришлаш даври учун таътил боланинг онаси ёки бола парвариши билан амалда банд бўлган шахс томонидан (боланинг онаси ишлаётганлиги ёки ўқиётганлигини тақиқловчи ҳужжат билан бирга) берилган аризага кўра иш берувчининг буйргуғига кўра берилади. Бола парвариши билан машғул бўлган шахс ўзи истаган пайтда бундай таътилни тўхтатиши ва ишга тушиши мумкин. Бундай ҳолда унинг ўр-

<sup>76</sup> Қаране: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 9 апрелда 430-тартиб раками билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафакалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 36-44-бандлари.

нида ишлаётган ходим билан тузилган меҳнат шартномаси муддати туғаши сабабли бекор қилинади. Бола парвариши таътилидан қайтган ходимнинг иш бошлаган куни унинг ўрнига ишга олинган ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган кун бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг ишни таълим билан бирга кўшиб олиб бораётган шахслар учун имтиёзларга оид қисмида уларга кўшимча ўқув таътиллари берилиши назарда тутилган.

Жумладан:

Ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда умумтаълим мактабларида ўқиётган ходимларга асосий иш жойларида ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда XI (XII) синфда битириув имтиҳонлари топшириш даврида йигрма иш кунидан кам бўлмаган, IX синфда эса саккиз иш кунидан кам бўлмаган таътил берилади.

Мазкур мактабларининг V, VI, VII, VIII, X ва XI синфларида ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таълим олаётган ўқувчилар учун қонун хужжатларида синфдан синфга ўтиш имтиҳонларини топшириш вақтида ушбу Кодекснинг 251-моддасига мувофиқ бериладиган кунларнинг умумий миқдорини қисқартириш (саккиз-ўн икки кунга) ҳисобига уларнинг асосий иш жойида ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда тўрт кундан олти кунгача ишдан озод қилиш белгилаб кўйилиши мумкин.

Хунар-техника билим юртларида таълим олишнинг кечки шаклида ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таълим олаётган ходимлар ёдиёхийёада тайёрланиш ва уларни топшириш учун асосий иш жойидан ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йил мобайнида камида ўттиз иш кунига ишдан озод қилинадилар.

Кириш имтиҳонлари топширишга рухсат этилган ходимларга олий ўқув юртларига кириш учун 15 календар кун, ўрта маҳсус ўқув юртларига кириш учун эса, камида ўн календар кун давомида иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади, ўқув юртлари жойлашган ерга бориш ва қайтиб келиш вақти бу ҳисобга кирмайди.

Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таълим олаётган ходимлар диплом иши лойиҳасини бажариш ёки битириув имтиҳонлари топширишдан олдинги ўн ўқув ойи давомида машғулотларга тайёргарлик кўриш учун олти кунлик иш ҳафтаси бўлганда ҳафтада бир кун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиладилар. Иш ҳафтаси беш кунлик бўлса, ишдан озод этиладиган кунлар миқдори иш сменасиинг муддатига қараб ўзгаради, ишдан озод этилган соатлар эса сақланиб қолади.

Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида таълим олаётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессияларида қатнашиш даврида қуйидаги тар-

тибда: биринчи ва иккинчи курсда таълимнинг кечки шаклида олий ўкув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида йигирма календар кун, ўрта маҳсус ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида ўн календар кун, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида сиртдан таълим олаётганларга эса, ҳар йили камида ўттиз календар кун; учинчи ва ундан кейинги курсда таълимнинг кечки шаклида олий ўкув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида ўттиз календар кун, ўрта маҳсус ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида йигирма календар кун, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида сиртдан таълим олаётганларга эса, ҳар йили камида қирқ календар кун; олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида битирув имтиҳонларини топшириш даврида камида ўттиз календар кун; диплом иши лойиҳасини тайёрлаш ва ёқлаш даврида олий ўкув юрти талабаларига тўрт ой, ўрта маҳсус ўкув юрти талабаларига эса икки ой муддат билан ўртacha ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда кўшимча таътиллар берилади.

Олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларининг охирги курсларида ўқиётган ходимларга диплом иши лойиҳасига материаллар тўплаш учун ўттиз календар кун муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Мазкур таътил даврида талабалар ва ўкувчиларга умумий асосларда стипендия тайинланади.

Ишлаб чиқариш ёки педагогик фаoliятни илмий иш билан муваффакиятли равишда бирга кўшиб олиб бораётган шахсларга номзодлик ёки докторлик диссертацияларини якунлаш, шунингдек дарсликлар ва ўкув-услубий қўлланмалар ёзиш учун асосий иш жойида ўртacha ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда ижодий таътиллар берилади.

Ижодий таътилларни бериш тартиби ва уларнинг муддатлари қонун хужжатлари билан белгиланади.

Мехнат Кодексининг 150-моддасига кўра:

ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади.

кўйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда мукаррар тартибда таътил берилади:

1941-1945 йилги уруш иштирокчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга – ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;

ишилаётган I ва II гурӯҳ ногиронларига – ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;

икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга (234-модда);

ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга – хар йили ўн тўрт календар кунга қадар (232-модда);

мехнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив хужжатларга, шунингдек мехнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Иш ҳақи тўланмаган ҳолдаги таътил беришнинг қўшимча асослари ва бу соҳадаги қўшимча имтиёзлар (мехнат таътили олиш хукуқини берадиган иш стажи таркибига кириш ва бошқалар) корхонанинг локал норматив хужжатларида белгилаб қўйилиши мумкин.

### **Билимингизни текшириб қўринг**

1. Иш вақти нима ва уни хукукий тартибга солишининг зарурати нимада?
2. Иш вақтининг нормал муддати қанча?
3. Иш вақтининг қандай турлари бор?
4. Қисқартирилган иш вақти нима ва кимлар учун қисқартирилган иш вақти белгиланган?
5. Тўлиқсиз иш вақти нима?
6. Иш вақтидан ташқари иш нима ва унга қандай ҳолларда йўл қўйилиши мумкин?
7. Дам олиш вақти нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
8. Йиллик мехнат таътилини деганда нима тушунилади?
9. Йиллик мехнат таътилиниң энг кам ва энг кўп муддати қанча?
10. Қўшимча ва узайтирилган таътиллар қайси ҳолларда берилади?
11. Мехнат таътилини бериш тартибини айтиб беринг.
12. Мехнат таътилидан чақириб олиш, таътилини иккинчи йилга кўчириш ёки пулли компенсациялар билан алмаштиришга йўл қўйиладими?

### **13. Қандай иш даврлари (стажлари) мехнат таътилини олиш хукуқини бермайди?**

14. Мехнат таътили даври учун иш ҳақи тўлашда ўртача иш ҳақини хисоблаш қандай амалга оширилади?

## **XII боб. ИШ ҲАҚИ ТЎЛАШ**

### **1-§. Иш ҳақи тушунчаси ва умумий таърифи**

Иш ҳақи ахолининг асосий даромад манбаларидан бири бўлиб қолаётган ҳозирги шароитда мехнатта ҳақ тўлашни хукукий тартибга солишини такомиллаштириш, унинг мехнат унумдорлиги, маҳсулот сифатини, ходим моддий аҳволини яхшилашдаги аҳамиятини ошира бориш муҳим аҳамиятга эга. Иш ҳақи ходим мехнатига ҳақ тўлаш шаклидир. Иктиносидий тоифа сифатида иш ҳақи миллий даромаднинг ходимларга берилиши керак бўлган, қайд этилган қисмидан иборат. Ишлаб чиқариши корхоналарида олинган соф даромад, давлат муассасаларида эса давлат бюджети хисобидан ажратилган маблағлар иш ҳақининг манбаи хисобланади.

Хукукий нуқтаи назардан иш ҳақи меҳнат шартномаси томонларнинг ўзаро хукуклари ва мажбуриятларини ифодалайди. Иш ҳақи ходим бажарган ишнинг миқдори ва сифатига, ишнинг якуний натижасига кўра белгиланади ва унинг энг кўп миқдори чекланмаган. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари хукукларини ҳимоя қилиш мақсадида иш ҳақининг энг кам миқдори белгилаб кўйилади ва бу миқдор нарх-навонинг ошиб боришига мутаносиб равишда индексацияланиб, ошириб борилади<sup>77</sup>.

Бозор муносабагларига ўтиш даврида иш ҳақи ёлланма меҳнаткашларга ҳеч бир камситишлирсиз, белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда тўланадиган ҳақдан изборат. Иш ҳақи тўлашнинг халқаро-хукукий, умумдемократик ва умуминсоний принциплари БМТнинг «Иқтисодий, ижтимоий ва маъданий хукуклар тўғрисида»ги Пактида (7-модда), Халқаро Меҳнат Ташиқилотининг 95-сонли «Меҳнатга ҳақ тўлашликни муҳофазалаш ҳақида»ги, 100-сонли «Эркак ва аёлларга тенг меҳнат учун тенг иш ҳақи тўлаш тўғрисида»ги (1951 й.) Конвенциялари, бир қатор тавсиялари билан белгилаб кўйилган.

Иш ҳақи таркиби асосий ва қўшимча қисмлардан ташкил топади. Таъриф разряди ёки мансаб маоши иш ҳақининг асосий қисмини, ишнинг натижалари бўйича тўланадиган мукофотлар ва бошқа устама тўловлар эса қўшимча қисми-ни ташкил этади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик чегарасидан пастга тушмаган ҳолда иш ҳақи миқдорини белгилашни қонун ходим ва иш берувчиларнинг бевосита ўзларига ҳавола этиб кўйган бўлиб, иш ҳақи тўлаш шартларини белгилаш, усуулларини аниқлаш, ишбай ёки вақтбай иш ҳақи тўлаш шаклини танлаш ходимлар вакиллик органлари билан иш берувчиларнинг ўзаро келишувига кўра, жамоа шартномали-ри, жамоа келишувларида белгилаб кўйиш йўли билан аниқланади.

Жумладан, Меҳнат Кодексининг 153-моддасида айтилишича:

«Меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўтасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун хужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди».

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлари, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидағи тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул килинадиган бошқа локал хужжатларда белгиланади.

Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек давлат корхоналарининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг энг кам даражаси қонун хуж-

<sup>77</sup> Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 29 июндаги «2001 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафакалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 30 июн.

жатлари билан белгиланади. Табиий иқлим ва турмуш шароитлари нокулай бўлган жойларда меҳнат ҳақига район коэффициентлари ва устамалар белгиланади. Район коэффициентлари ва устамалар жорий қилинадиган жойларнинг рўйхати, шунингдек уларни қўлланиш тартиби ва микдори Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан белгиланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашда ҳозирги пайтда амалда бўлган ягона таъриф жадвалининг аҳамияти катта бўлиб, унинг воситасида бир хил микдорда ва сифатга эга бўлган меҳнат учун бир хил ҳақ тўлаш, иш ҳақи соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, ижтимоий адолатни таъминлашга эришилади. Халқ ҳўялигининг турли тармоқларида меҳнатга ҳақ тўлашдаги асосланмаган тегсизликларнинг олдини олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 июндаги «Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг микдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонида ҳамда ушбу Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 июндаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона таъриф жадвалини янада такомиллаштириш ҳақида»ги 247-сонли карори билан халқ ҳўялигининг барча тармоқларида «0» дан «22»гacha таъриф разрядлари (23 та) жорий этилган бўлиб, барча касблар, ишлар, лавозимлар ушбу разрядлар шкаласига мувофик тарификация килинади. Бунда хеч қандай малака талаб қиласайдиган энг оддий иш «0» разряд билан тарификация қилинган бўлиб, унда иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақига teng бўлади. Талаб этиладиган малака ортиб боргани ва бажариладиган иш мураккаблашиб борган сари разрядлар ва унга тўланадиган ҳақ микдори ҳам ортиб боради. Бундай ортиб бориши «0» разрядга нисбатан амалга ошади.

Куйидаги жадвалда иш ҳақининг таъриф разрядига мутаносиб равишда ортиб бориши кўрсатилган:

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона таъриф жадвали					
Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан разрядлар	Таъриф коэффициентлари	Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан разрядлар	Таъриф коэффициентлари	Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан разрядлар	Таъриф коэффициентлари
0	1,000	10	3,854	20	7,046
1	1,780	11	4,121	21	7,361
2	1,958	12	4,395	22	6,735
3	2,155	13	4,673		
4	2,369	14	4,955		
5	2,596	15	5,242		
6	2,832	16	5,532		
7	3,080	17	5,827		
8	3,334	18	5,125		
9	3,592	19	6,428		

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг шартлари қандай тартибда ўрнатилган бўлса (давлат йўли биланми, жамоа шартномаси ёки келишуви орқалими ёки

бошқа усули), ана шундай тартибда ўзгарилиши мумкин. Мехнатга ҳақ тўлашнинг якка шартлари ходим учун нокулай томонга ўзгарилишига фақат унинг розилиги билангина йўл қўйилиши мумкин.

Технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар юз бериши туфайли меҳнатга ҳақ тўлашнинг аввалги шартларини сақлаб колиш мумкин бўлмагандан ҳамда конунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда ходимнинг розилигисиз ҳам меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари иш берувчи томонидан ўзгарилиши мумкин.

Бундай ҳолда иш берувчи бу ҳақда ходимни камида икки ой аввал ёзма равишда огохлантириши зарур ва бу ҳол меҳнат шартларини ўзгариши деб баҳоланиши мумкин. Ходим бундай шароитда ишлашдан бош тортиши, тегишили ҳолларда у билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 89-моддасига кўра бекор қилиниши мумкин.

## **2-§. Иш ҳақи тизими ва турлари**

Иш ҳақи меҳнат маҳсулини ходим ва иш берувчи ўртасида тақсимлашни таъминловчи хукукий механизм сифатида сарфлаган меҳнат миқдорини хисобга олиш, кўп меҳнат сарфланган ходимга кўпроқ ҳақ тўлаш йўли билан уни янада маҳсулроқ ишлашга ундашга қаратилган мақсадни бажаради, иккинчидан малакаси ва маҳсус билими юқори ходимнинг меҳнатига малакасиз ёки малакаси паст ходимнинг меҳнатига нисбатан улар бир хил вакт сарфланган бўлсаларда юқори миқдорда ҳақ тўлашни назарда тутиш орқали меҳнатнинг нафақат миқдори, балки сифати ҳам муҳим аҳамиятта эга эканлигини қайд этади.

Меҳнатни миқдор ва сифат жиҳатидан баҳолаш, шу асосда унга ҳақ тўлаш мезонларини белгилаш иш ҳақи тизимлари ёрдамида амалга оширилади. Иш ҳақи тўлаш тизимлари деганда меҳнат месъёри билан меҳнат ҳақи миқдорини белгилаш усулига айтилади. Иш ҳақи тўлаш тизими ўз ичига ишбай ва вақтбай иш ҳақи шаклларини олади. Иш ҳақининг вақтбай ёки ишбай тизимлари меҳнатни ташкил этиш усули, ишлаб чиқариш дарајаси ва бошқа омилларга боғлиқ. Иш ҳақи тизимларини танлаш ходимлар вакиллик органи ва иш берувчи томонидан ўзаро келишилган ҳолда жамоа шартномасида белгилаб қўйилади. Шунингдек ишбай ёки вақтбай ходимларни мукофотлаш шартлари ва тартибларини назарда тутувчи Низом ва қоидалар ҳам ходимлар вакиллик органи ҳамда иш берувчи томонидан биргаликда ишлаб чиқилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг алоҳида шакли бригада (жамоа) меҳнатига ҳақ тўлаш хисобланади. Меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг жамоа шакли ҳар бир ходим томонидан сарфланган меҳнатни алоҳида ҳолда ўлчаш мумкин бўлмаган жойларда кўлланилади ва унга бажариладиган ишнинг натижаларига кўра бутун жамоага (бригадага)

яхлит ҳолда иш ҳақи ҳисобланади. **Бригада (жамоа)** эса ўз аъзоларининг ушбу натижага қўшган ҳиссасини индивидуаллаштириб аниқлаш йўли билан ҳар бир ходимнинг иш ҳақи миқдорини белгилайди. Ана шу мақсадда ҳар бир ходимнинг **мехнатга иштироки коэффициенти (МИК)** кўлланилади.

Ҳар бир ходимнинг меҳнати билан иштироки коэффициентини аниқловчи Низом ёки бошқа меъёрий хужжатлар белгилangan тартибда ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади.

**Мехнатни нормалаш** сарфланган меҳнатни ўлчаш ва унга яраша ҳақ тўлаш имконини беради. Мехнатнинг қўйидаги нормалари кўзда тутилиши мумкин:

- а) вакт нормаси;
- б) ишлаб чиқариш нормаси;
- в) хизмат кўрсатиш нормаси;
- г) ходимлар сони нормаси.

Мехнат нормалари вакиллик органи ва иш берувчи томонидан биргалиқда ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади.

**Одатдаги шароитлардан четга** чиқилганда меҳнатга ҳақ тўлаш маҳсус тартибда амалга оширилади. Жумладан, Меҳнат Кодексининг 157, 158, 159, 160-моддаларида ана шундай одатдан ташқари шароитлар кўзда тутилган. Иш вақтидан ташқари вақтдаги ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунидаги ишлар учун камида икки баробар ҳақ тўлаши, башарти ана шу вақтларда ишлагани учун ходимга бошқа дам олиш берилган бўлса, у ҳолда бир баробар ҳақ тўланиши назарда тутилган.

Тунги вақтларда (соат 22.00 дан 6.00 гача бўлган вақт) ишланган ҳар бир соат учун бир ярим баробардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш белгилangan. Жамоа шартномаларида тунги вақтларда ишлаганлик учун бошқа имтиёзлар берилиши, кечки сменада ишловчилар меҳнатига ҳам оширилган тарзда иш ҳақи тўланиши назарда тутилиши мумкин.

Яроқсиз маҳсулот ходимнинг айбисиз тайёрланганида унга ўртacha иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланмайди. Ходимлар иш берувчининг айби билан бекор туриб қолганида уларга ўртacha иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади. Ходимнинг айби билан бекор туриш меҳнат интизомини бузиш деб баҳоланади ва иш ҳақи тўланмайди. Бир неча касбда (лавозимда) ва ўриндошлик асосида ишловчилар ходимларга ўзаро келишув шартларига кўра иш ҳақи тўланади.

Акциядорлик жамиятлари шаклида хўжалик фаолияти юритаётган корхоналарнинг ходимларига, шу жумладан жамият ижроия-бошқарув органи раҳбарияти таркибига кирувчи ходимларга иш ҳақи тўлашнинг хусусиятлари, иш ҳақи тизими, шакллари, устама ва қўшимча тўловлар

тўлаш асосларини белгилаш тартиблариға тааллукли ўзига хос хусусиятлар Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги томонидан 1997 йил 6 сентябрдаги 611-сонли «Акциядорлик жамиятларида меҳнат муносабатларини тартибга солишни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар»да баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 2000 йил 10 январдаги «2000 йил учун жамоа шартномаларини тузиш бўйича тавсиялар»да айтилишича, корхонада иш ҳаки тизимларини белгилаш, ишбай ва вақтбай иш ҳаки тўланадиган иш турларини, у ерларда ишбай ёки вақтбай иш ҳаки шаклларидан қай бирини (тўғри ишбай, эгри ишбай, мукофотли ишбай; оддий вақтбай ёки мукофотли вақтбай ва ҳоказолар) танлаш; зарарли ва оғир шароитларда ишловчи ходимлар учун устамалар тўлаш шартлари, миқдорлари, кечки ва тунги вақтларда ишлаганлик учун устамалар ҳак миқдорлари ҳамда иш ҳаки тўлаш, уни муайян холатлар туфайли сақлаб туриш шартномасида акс эттирилиши лозим.

### **3-§. Иш ҳаки тўлаш тартиби. Иш ҳақидан ушлаб қолиш қоидалари**

Амалдаги меҳнат қонунчилиги меҳнат муносабатларида ходимлар ҳукуқларини муҳофазалаш, иш ҳакини тўлашда бош-бошдокликка йўл қўймаслик мақсадида муайян давр давомидаги иши учун ходимга бериладиган иш ҳакини тўланишига оид бўлган, мулкчилик шакли ва ҳўжалик фаолияти туридан қатъи назар барча корхона, муассаса ҳамда ташкилотлар учун умумий тартиб-қоидаларни белгилайди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа лоқал норматив ҳужжатда белигиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимларнинг айрим тоифалари учун алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати иш ҳаки тўлашнинг бошқа муддатларини белгилаб қўйиши мумкин<sup>78</sup>. Ҳақ тўланадиган кун дам олиш куни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади.

Жамоа шартномасида иш берувчи айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун мулкий жавобгарлик кўзда тутилиши мумкин. Бундай жавобгарлик инфляциянинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши ҳисобга олинган ҳолда иш ҳаки тўланиши кечикирилганлиги туфайли ходимлар кўрган заарларни коплашга қаратиласди. Бундай мулкий жавобгарликнинг аник даражаси

<sup>78</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 161-моддаси.

ходимлар вакиллик органи ва иш берувчининг ўзаро келишуви билан жамоа шартномасида кўрсатиб қўйилади.

Иш ҳақи одатда пул ҳолида тўланади. Аммо уни муайян қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлаш мумкин. Бироқ, ҳозирги пайтда алкоголли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ва хукумат қарори билан белгиланган товарлар билан иш ҳақи тўлашга йўл қўйилмайди<sup>79</sup>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 19 мартағаги «Ўз вақтида иш ҳақи тўлашни таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидағи» қарори билан натурал ҳолда иш ҳақи тўлашлик таъкиқланди<sup>80</sup>.

Вафот этган ходимнинг олинмастан қолган иш ҳақи ва унга берилиши лозим бўлган бошқа тўловлар унинг оила аъзолари таркибидан бўлган ҳамда бирга яшаб келган шахсларга, қарамогида бўлиб келган меҳнатта яроқсиз шахсларга берилади. Иш ҳакини тўлаш ходим ишлаттган жойда (объектда) амалга оширилади ва уларни иш ҳақи олиш учун бошқа ердаги корхонанинг идорасига боришга мажбур қилиш мумкин эмас.

Иш ҳақи алока муассасалари орқали пул кўчириши (перевод қилиш) йўли билан тўланганида почта орқали жўннатишига оид барча харажатлар иш берувчи хисобидан қопланиши лозим. Ходимнинг ойлик иш ҳақидан одатда унинг ёзма розилигисиз ушлаб қолишиликка йўл қўйилмайди. Аммо конун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда унинг муайян пул мажбуриятлари унинг розилигисиз ҳам унга тўланиши лозим бўлган сумма хисобидан ушлаб қолиш йўли билан ижро этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 164-моддасига муовифик ходимнинг розилигидан қатъи назар қуийдагилар унинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:

Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш;

Суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;

Иш ҳақи хисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун, хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойда ишлашга ўтганлиги муносабати билин берилган бўлиб, сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш учун ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун. Бундай ҳолларда иш берувчи авансни қайтариш ёки қарзни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёки ҳақ тўлаш нотўғри хисобланган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш беришга ҳақлидир. Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса ёки ходим хўжалик эҳтиёжлари учун, хизмат сафари ёхуд бошқа жойдаги ишга

<sup>79</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 153-моддаси иккинчи қисмига қўшимча киритиш ҳакидаги 2001 йил 30 августдаги Конун. Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари. 2001, № 18, 150-модда.

<sup>80</sup> Қаранг: «Халқ сўзи», 2002 йил 20 март.

ўтиши муносабати билан берилган аванснинг ушлаб қолинишини ёки микдорини нотўгри деб хисобласа, у ҳолда карз суд тартибида ундирилади;

Ўз ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган ва иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, таътилнинг ишланмаган даврга тегишли кунлари учун. Ана шу кунлар учун меҳнат шартномаси ушбу Кодекс 89-модасининг тўртинчи кисми, 100-моддаси, иккинчи кисмининг 1 ва 2-бандларида, 106-моддасининг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган асосларга кўра, шунингдек ўқишига кирганлиги ёки пенсияга чиққанлиги муносабати билан бекор қилинганда ҳақ ушлаб қолинмайди;

Ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун, агар етказилган зарарнинг микдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқча бўлмаса;

Ушбу Кодекснинг 181-моддаси, биринчи кисмининг 2-бандида назарда тутилган жарималарни ундириш учун.

Иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий микдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим. Ходимдан ушлаб қолиниши керак бўлган сумма унга тўланиши лозим бўлган меҳнат ҳақининг 50 фоизидан ортиқ бўлган ҳолларда иш берувчи ортиқча суммани ундириб олиш юзасидан судга мурожаат қилиши лозим. Иш ҳақидан ушлаб қолиши асоси ёки ушлаб қолинган сумма микдоридан норози бўлган ходим ушлаб қолишнинг қонунийлиги юзасидан умумий асосларда судда даъво қўзгалиши мумкин.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳўжалик фаолияти юритаётган чет эл корхоналари ҳамда чет эл сармояси иштирок этган бошқа корхоналарда ходимларга иш ҳақи тўлашга оид қонунчиликни бузилаётганлиги, бажарилган иш ҳажмини сунъий равишда пасайтириб акс эттириш йўли билан тежаб қолинган маблаглар ҳисобига ходимларга иш ҳақи тўлаш амалга оширилаётганлиги, бу нарса биринчидан, иш ҳақи тўлаш борасида адолатсизликни юзага келишига, иккинчидан корхонанинг ҳақиқий даромадлари тўлиқ акс эттирилмаслиги туфайли солиқ қонунчилиги талаблари қўпол бузилаётганлиги қайд этилди. Ушбу нормал бўлмаган ҳолни бартараф этишлик учун зарур чоралар кўрилди<sup>81</sup>.

#### **Билимингизни текшириб кўринг**

1. Иш ҳақи тўлаш тамойиллари ҳақида нималарни биласиз?

**2. Иш ҳақи турлари ва тизимларини сўзлаб беринг.**

<sup>81</sup> Каранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 августдаги 326-сони «Хорижий сармоялар қатнашган корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибига солиш чоралари тўғрисида»ги карори ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2000 йил 29 сентябрда 975-рақам билан рўйхатга олинган шу ҳақдаги Низом.

3. Иш ҳақи тўлашда локал нормаларнинг аҳамияти қандай?
4. Ягона тариф разрядлари тизими нима?
5. Иш ҳақи тўлаш тартиблари, иш ҳақидан ушлаб қолиш қоидалари қандай?

## XIII боб. КАФОЛАТЛИ ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ

### 1-§. Кафолатли тўловлар тушунчаси, турлари ва уларнинг аҳамияти

Мехнат қонунчилиги турли-туман шароитлар юз бериши муносабати билан ходимлар бевосита хизмат вазифаларини бажармаган ёки тўлиқ бажармаган ҳолларида, агар бу ҳолатлар унинг айбига боғлиқ бўлмасдан турли объектив сабаблар туфайли вужудга келган бўлса, уларнинг моддий манфаатларини қўрикланишига кафолат беради. Ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра меҳнат бурчини бажара олмаган, шу туфайли ишлаб пул топиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолган ходимларнинг иш ҳақлари сақланиши ва тўланиши тъминланади. Бундай кафолатли тўловлар ходим ва унинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга каратилгандир.

Кафолатли тўловлар конунда маҳсус назарда тутилган ҳолларда тўланади ва кўпчилик ҳолларда ходимни иш вақти давомида давлат, жамият вазифаларини бажаришликка, корхона иш берувчиси манфаатларига мос келувчи, меҳнат вазифаси жумласига кирмайдиган ишларни бажаришликка жалб этилиши билин боғлиқ бўлади.

Кафолатли тўловлар иш ҳақидан фарқ қилиб, бажарилган ишнинг миқдори ва сифатига кўра эмас, балки қонунда кўзда тутилган сабабларга кўра тўланади. Кафолатли тўловларнинг ижтимоий вазифаси ходим ўзининг хукуқларини амалга ошириши, мажбуриятларини бажариши туфайли ишламаган вақтларда улар турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймаслиқдан иборат.

Кафолатли тўловлар фуқаро ўзининг фуқаролик бурчини, ижтимоий-сиёсий хукуқлари ва мажбуриятларини бажаришлари туфайли белгиланган конституциявий кафолатлардан хисоб-ланиб, улар барча корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан сўзсиз тъминланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 165-модда-сида айтилишича:

Ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтида (сайлов хукуқини амалга ошириш, депутатлик вазифаларини бажариш, тиббий-мехнат экспертиза комиссияси ишида иштирок этиш, ҳарбий бурчни бажариш, суриштирув органи, терговчи, эксперт, мутахассис, таржимон, холис тарзида чакирилганда, худди шунингдек суд мажлисларида ҳалқ маслаҳатчиси, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари-нинг вакили сифатида иштирок этганда, шунингдек қонунда назарда тутилган

бошқа ҳолларда) иш берувчи уни иш жойини (лавозимини) сақлаган ҳолда ишдан озод килиши керак. Ана шу вазифаларни бажариш вақтида ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади.

Ушбу кафолатли тўловлар тўланиш шартлари, миқдорлари давлат ёки жамоат вазифаларининг ушбу аниқ турига оид бўлган қонунлар ва қонун хужжатларида аниқ мустаҳкамланган (Олий ва маҳаллий сайлов органларига сайловлар ўтказишни тартибга солувчи, депутатлик мақомини белгиловчи, одил судловни амалга оширилишига оид бўлган, харбий хизмат тўғрисидаги ва бошқа қонунлар).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли қарори билан «Ходимларни давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари, шунингдек, уларнинг жамият манфаатларига доир ҳаракатларни амалга оширишлари билан боғлиқ кафолатли тўловларни бериш тартиби»<sup>82</sup> тасдиқланган бўлиб, унда айтилишича:

Мазкур тартиб меҳнатта доир хукукий муносабатларни тартибга солади, давлат ёки жамоат вазифаларини бажарувчи, шунингдек, жамият манфаатларига доир ҳаракатларни амалга оширувчи ходимларга кафолатли тўловларни пул билан таъминлаш манбаларини ва уларнинг беришини белгилайди.

Ходимлар томонидан давлат ёки жамоат манфаатларига доир бажариладиган вазифалар:

сайлов хукуқини амалга ошириш;  
депутатлик вазифаларини бажариш;  
тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ишида иштирок этиш;  
ҳарбий бурчни бажариш;

суриштирув органларига, терговчи, прокурор хузурига, судга гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, холислар тариқасида (чакириқ бўйича) бориши;

халқ маслаҳатчилари, жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари вакиллари сифатида суд мажлисларида, шунингдек, қонун билан назарда тутилган бошқа ҳолларда иштирок этиши.

2. Ходимлар томонидан жамият манфаатлари йўлида килинадиган ҳаракатлар:  
авариялар, табиий оғатларнинг оқибатларини тутатиш;  
инсон ҳаётини сақлаб қолиш;  
куйиш учун қон топшириш ва бошқа ҳоллар.
3. Давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш вақтида (қонун билан белгиланган ёки тегишли органнинг чакириқ қоғозида, хабарномасида кўрсатилган вақтда) иш берувчи ходимнинг иш жойи (лавозими)ни сақлаган ҳолда уни ишдан озод килиши шарт.

<sup>82</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами, 1997 йил, № 3, 70-модда.

4. Ходимнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажариши, шунингдек, унинг жамият манфаатларига доир қилаётган харакатлари вақтида ушбу вазифаларни бажариш учун қонун билан белгиланган вақтдаги ёки тегишли орган томонидан берилган маълумотномада кўрсатиб ўтилган муддатдаги лимитга мувофиқ ўртача иш ҳаки сақлаб қолинади.

5. Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш, шунингдек, жамият манфаатларига доир харакатлар қилиш вақтидаги уларнинг ўртача иш ҳакини сақлаб қолиш билан боғлиқ харажатлар:

бюджет ҳисобидан – бюджетдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар томонидан;

хўжалик ҳисоби асосида – ҳисобот давридаги амалда ҳисобланган кафолатли тўловлар микдорида солик тўловлари суммасини камайтириш билан молиявий фаолиятни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар томонидан қопланади.

6. Давлат бошқаруви органлари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмалари бошқарув аппарати, шунингдек, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, молиявий таъминлаш манбаларидан қатъи назар, ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ кафолатли тўловларни ташкилотларнинг иш ҳаки фонди ҳисобидан амалга оширадилар.

Ходим иш берувчи ва меҳнат жамоалари манфаатларига доир вазифаларни бажариш вақтида уларга бериладиган кафолатлар, шу жумладан кафолатли тўловлар Мехнат Кодексининг 165-моддасида кўзда тутилган. Унга кўра:

Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишларида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш ва бошқа ҳолларда) мақсадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек, ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар микдори жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади, лекин бу тўлов микдори ўртача иш ҳакидан кам бўлмаслиги керак.

Мажбурий тиббий кўрикдан ўтиши шарт бўлган ходимларга уларнинг ишга яроқлилигини аниқлаш мақсадида стационар тиббий муассасаларда текширувдан ўтадиган даври учун ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган кафолатлар берилади. Ходим жамият манфаатларига доир харакатлар қилганида бериладиган кафолатлар Мехнат Кодексининг 167-моддасида кўзда тутилган:

Ходим жамият манфаатларига доир харакатлар қилганда (авариялар, табиий оғатларнинг оқибатларини тутатиш, инсон ҳаётини сақлаб қолиш ва бошқа ҳолларда) ана шу давр учун унинг ўртача иш ҳаки сақланади.

Тиббий текширувдан ўтадиган куни ва қуиши учун қон топширадиган куни ходимларга соглиқни сақлаш муассасаларига боришлариға иш берувчи монеликсиз рухсат бериши шарт. Донорлик құлувчы ходимларға ҳар сафар қуиши учун қон топширган қуннинг, албатта, эртасига дам олиш учун бир кун берилади. Ходимнинг хохишига кўра бу кун таътилга кўшиб берилади. Текширувдан ўтадиган ва қуиши учун қон топширадиган куни ишдан озод этилган давр учун, шунингдек, дам олиш кунлари ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади.

Ходимларга кафолатли тўловларни бериш пайтида ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, унга кўра:

Таътиллар вақтига ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи биринчи йил ишловчиларга ҳисоблаб чиқариши кунидаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиқсан ҳолда уларни ўн иккидан бирга (олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бирга; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бирга ва ҳоказолар), ўрта маҳсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчилари учун ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган суммани ўндан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосида ишлаб топилган кўшимча иш ҳақи, мукофотлар, кўшимча тўловлар, иш ҳақига кўшимча ҳақлар ва ижтимоий сугурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар киради.

Йил охирида ортиқча бажарилган соатлар учун ўрта маҳсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчиларига кўшимча ҳақ ушбу соатлар бажарилаётган вақтда амалда бўлган ставкалар бўйича тўланади.

Ходимларнинг саломатлигига меҳнатда майиб бўлиши, касбларни саломатлигига чалиниши ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлик ҳолда соглигининг бошқача тарзда шикастланиши иш берувчи томонидан копланиши учун суммалар ҳисоб-китоби Вазирлар Махкамасининг қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Меҳнатга яроқсизлик, ҳомиладорлик ва туғиши варажалари бўйича тўловлар (нафақалар ҳисоблаш) ҳисоб-китоби Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади<sup>83</sup>.

Бошқа барча ҳолларда ўртача ойлик иш ҳақи кейинги икки календар ойидаги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади.

<sup>83</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 9 апрелда 430-тартиб раками билан давлат рўйхатига олинган шу ҳақдаги Низом.

Ходим меҳнат таътилида бўлганда, давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш. Икки ойгача бўлган муддатда иш қидириш (меҳнат бўйича маҳаллий орган томонидан берилган маълумотномага мувофиқ уч ой), шунингдек, касаллик даврида таъриф ставкалари, лавозим маошлари микдорлари ошган ҳолларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларидаги корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг ишлаган кунларига тўғри келган иш кунларининг амалдаги сони учун тўловлар қайта ҳисобланади.

## **2-§. Компенсация тўловлари, уларнинг турлари ва аҳамияти**

Ходимнинг ўз хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ равишда қилган харажатлари иш берувчи томонидан тўлиқ қоплаб борилиши назарда тутилган. Бундай тўловлардан кўзланган мақсад ходимнинг иш берувчи манфаатлари йўлида ўз ёнидан қилган моддий ва пул харажатларини унга кайтариб қоплаб бериш, шу йўл билан хизмат вазифаларини лозим даражада бажарилганлиги туфайли унинг мулкий жабр кўришига йўл қўймаслиқдан иборат.

Меҳнат конунчилиги ходимнинг хизмат бурчларини бажариши билан боғлиқ равишда қилган ва иш берувчи томонидан қопланиши лозим бўлган харажатлар доирасини:

Хизмат сафарига бориш билан боғлиқ харажатлар;

Бошқа жойга кўчиш билан боғлиқ харажатлар;

Ходимга тегишили бўлган мол-мулкдан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар, ходим амалда қилган бошқа харажатлар иш берувчи билан келишиб белгиланади.

Хизмат сафарига юборилган ходимга:

а) йўл харажатлари;

б) тураржой ижараси харажатлари;

в) яшаш харажатлари;

г) иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа харажатлар қоплаб берилади.

Меҳнат Кодексининг 172-моддасида айтилишича, бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда куйидаги харажатлар компенсация қилиниши белгиланган:

кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;

янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;

ходим томонидан иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа харажатлар.

Кўчиш билан боғлиқ равишда ходимга ва унинг билан бирга кўчиб кетаётган оила аъзосига бериладиган компенсация тўловларининг турлари, энг кам микдорлари ва бундай харажатларни компенсация қилиш шартлари маҳсус меъёрий хужжатлар билан белгилаб қўйилади, Аммо, хар бир корхона, ташкилот бундай ха-

ражатларни белгиланганидан кўпроқ миқдорда қоплаш тўғрисида ходимлар вакиллик органи билан келишган ҳолда қарор қабул қилиши, ушбу масалаларни корхонанинг локал мезъерий хужжатларида (жамоа келишуви, жамоа шартномаси, маҳсус низом ва бошқалар) белгилаб қўйиши мумкин.

Иш берувчи томонидан компенсация килиниши лозим бўлган, ходим томонидан қилинадиган харажатларнинг бир тури ходимга тегишли бўлган молмулк, асбоб-анжом ва бошқа буюмлардан корхона манфаатлари йўлида фойдаланилганлик харажатларини қоплаб берилиши лозимлигидир. Ходимга тегишли транспорт воситасидан, бинодан, маҳсус асбоблардан фойдаланиш харажатларини, ходимга берилмаган маҳсус кийим, маҳсус пойафзал кийматини (башарти, ходимнинг ўзи сотиб олган бўлса) тўланиши ва бошқалар ҳам ана шундай компенсация тўловлари каторига киради.

### **3-§. Хизмат сафари**

Хизмат сафари деганда – ходим томонидан хизмат вазифаларини иш берувчининг фармойишига мувофиқ корхона жойлашган аҳоли пунктидан бошқа аҳоли пунктида бажарилиши тушунилади. Хизмат сафари мамлакат ичкарисидаги муайян аҳоли пунктига (у ердаги корхона, муассаса, ташкилотларга) бўлиши ёхуд хорижий мамлакатга (у ердаги фирма, компания, муассаса, ташкилотга) бўлиши мумкин.

Мамлакат худуди доирасида хизмат сафарига юбориш тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарининг бу ҳақда чиқарган буйруги (фармойиш) асосида амалга оширилади. Унда хизмат сафарига юборилаётган шахслар), сафарнинг муддати ва мақсади кўрсатиб қўйилади. Хизмат сафарига бориш ҳақидаги иш берувчининг буйруги (фармойиш) ходим учун мажбурий бўлиб, унга бўйсунмаслик хизмат вазифаларини узрли сабабсиз бажармаслик деб баҳоланади.

Аммо ходимларнинг муайян тоифалари (18 ёшга тўлмаган шахслар, ҳомиладор ва 3 ёшгача боласи бўлган аёллар, I-II гурух ногиронлари ва бошқалар) хизмат сафарига юборилмайди.

Хизмат сафарига юборилган ходимнинг иш жойи ва ўртача иш ҳақи бутун хизмат сафари давомида сақланиб турилади, у сафарга борган корхона ходимлари сон таркибига киритилмайди, бироқ ўша ердаги корхона иш вақти режимида риоя қилгани ҳолда ишлайди ҳамда дам олиш вақтидан фойдаланади. Хизмат сафарига борган ходимга белгиланган нормалар доирасида йўлтранспорт харажатлари, иш бажариш учун шинам тураржой бепул бериб қўйилмаган бўлса, тураржой ижараси харажатлари, суткалик пул тўланади.

Иш берувчининг розилиги билан хизмат сафари пайтидаги иш билан боғлиқ бошқа харажатлар (телефон, факс алоқа хизмати ва бошқалар) ҳам қоплаб берилиши мумкин. Ходим хизмат сафари гувоҳномаси берилган ҳолда хизмат сафа-

рига юборилади ва у борган аҳоли пунктларида сафарга етиб келганилиги ва хизмат сафарини тамомлаб қайтаётгани ҳақида гувоҳномага белги қўйдиради.

Хизмат сафаридан қайтган ходим узоги билан уч кун ичida хизмат сафари юзасидан ёзма ҳисобот топшириши лозим. Бунда хизмат сафарига кетиш пайтида олинган аванс пулининг сарфланмасдан қолган қисми корхона кассасига қайтариб топширилиши лозим. Хизмат сафарининг энг кўп муддати, сафар муддатини узайтириш асослари ва тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин чет эллар билан иқтисодий, маданий, илмий-техникавий, тижорат алоқалар бениҳоят дараҷада кўпайди. Хорижий фирма ва компаниялар, илмий, маданий ва бошқа муассасалари билан алоқаларни давлат томонидан рағбатлантирилаётганилиги туфайли чет элларга хизмат сафарига бориш ҳам кескин ортди. Ана шундай шароитда хорижий мамлакатларга хизмат сафарига юбориш масалаларини маҳсус тарзда хукукий тартибга солиш долзарб масалалардан бирига айланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 июндангага 932-тартиб рақами билан «Вазирлик, идора, корхона ва ташкилотлар ходимларини Ўзбекистон худудидан ташқарига хизмат сафарига юбориш пайтида хизмат сафари харажатлари учун маблаг бериш тартиби»ни давлат рўйхатидан ўтказди<sup>84</sup>.

Мазкур тартиб ходимларни хорижга хизмат сафарига юбориши расмий-лаштириш, юборилаётган хорижий мамлакатнинг ёки бошқа давлатнинг қаттиқ валютасида хизмат сафари харажатларини қоплаш тартиби, нормаларини белгилаб қўйди.

Ушбу тартибга кўра хорижий хизмат сафарига юборилган ходимга қуйидаги хизмат билан боғлиқ харажатлар қопланиши кўзда тутилган:

- а) суткалик харажатлар;
- б) тураржой харажатлари;
- в) транспорт харажатлари;
- г) мулозамат харажатлари;
- д) кўзда тутилмаган харажатлар;
- е) қопланиши лозим бўлган бошқа харажатлар.

Хорижий мамлакатга қилинган хизмат сафари тамом бўлгач, ходим уч кун ичida сафар натижалари юзасидан ёзма ҳисобот тақдим этиши лозим.

#### **Билимингизни текшириб қўринг**

---

<sup>84</sup> Карапе: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 июнда 932-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. «Налоговые и таможенные вести», 2000 год, №24.

1. Кафолатли тўловлар деганда нималарни тушунасиз ва уларнинг аҳамияти нима?
2. Давлат ва жамоат вазифаларини бажаргандаги кафолатли тўловлар ҳакида сўзлаб беринг.
3. Жамият манфаатлари йўлида килинган ҳаракатлар пайтида кафолатли тўловлар тўлаш тартиби қандай?
4. Иш берувчи ва меҳнат жамоалари манфаатлари йўлида ҳаракат килганда кафолатли тўловлар тўлаш қандай амалга оширилади?
5. Кафолатли тўловлар бериш пайтида ўртача иш ҳаки қандай тартибда хисоблаб чикилади?
6. Компенсация тўловлари деганда нималар тушунилади ва унинг қандай турлари мавжуд?
7. Хизмат сафари деганда нима тушунилади?
8. Хизмат сафарига юбориш тартиби қандай?
9. Хизмат сафари пайтида қандай компенсация тўловлари бериш кўзда тутилган?
10. Хорижий мамлакатларга хизмат сафарига юбориш қандай ҳусусиятларга эга?
11. Хизмат сафарига юборилган ходимга қандай кафолатлар кўзда тутилган?

## XIV боб. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

### 1-§. Меҳнат интизоми тушунчаси, аҳамияти ва уни мустаҳкамлашнинг ҳуқукий воситалари

Ижтимоий меҳнат унинг иштирокчилари орасида мустаҳкам ўзаро алоқа, ягона мақсад ва вазифа бўлиши, ягона мақсадга эришишликни таъмин этадиган ягона тартиб-қоидалар бўлишлигини тақозо этади. Бир неча ўнлаб, ҳатто юзлаб ва минглаб одам ишлайдиган корхоналарда ҳар ким ўз билганича ҳаракат қилиши ва умумий тартибга бўйсунмаслиги мутлақо мумкин эмас, чунки уларнинг мақсади, ҳаракат-интилиши ягона йўналишга солинмас экан, умумий натижага эришиб бўлмайди. Шу сабабли мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона ташкилот ва муассасаларда ходим манфатларини иш берувчи манфаатлари билан, улар манфаатларини давлат-жамият манфаатлари билан самарали қўшиш – уйғунлаштириш имконини берувчи меҳнат интизомига оид қоидалар амал қиласи.

Меҳнат кодексининг 72-моддасида ходим муайян малака, мутахассислик, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартиби қоидаларига, меҳнат тўғрисидаги қонунларга, тарафлар келишуви билан белгиланган шартларга асосан бажариши лозимлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, ушбу модда мазмунидан иш берувчи ҳам ходимга самарали ишлаши учун зарур шароит яратиш, унинг меҳнатига ҳақ тўлаши лозимлиги тўғрисидаги хulosса чиқади. Шу тариқа

мехнат интизоми икки ёқлама хусусиятга эга ва ходим мажбуриятлари билан бир вақтда иш берувчининг ҳам ишни тўғри ташкил этиш, зарур шароитлар яратиш соҳасида содир этиши лозим бўлган аниқ хулқ-атвор қоидаларини назарда тутади, яъни меҳнат интизоми, энг аввало, меҳнат шартномаси ҳар икки томоннинг ўзаро ҳукуқ ва мажбуриятларини англатувчи ҳукуқий тушунчадан иборат. Меҳнат интизоми – бу, ходим ва иш берувчи хулқ-атвори қоидалари йифиндисидан иборат деб талқин этилиши ҳам мумкин.

Меҳнат қонунлари ва бошқа мөъёрий ҳужжатларда иш берувчининг асосий ҳукуқ-бурчлари, ходим амал қилиши лозим бўладиган тартиб-коидалар, унга бериладиган ҳукуқлар белгиланади. Тараворларнинг ўзаро ҳукуқ ва мажбуриятлари, меҳнат интизоми мазмун-моҳиятни ташкил этувчи бу ҳукуқ ва бурчлар корхонанинг локал норматив ҳужжатларида янада кенгайтирилиши мумкин ҳамда бу ҳол давлат қонунчилик актлари билан белгиланган минимал кафолатларни кенгайтиришидан иборат бўлади.

Меҳнат қонунчилигига меҳнат интизоми, технология интизоми, хизмат интизоми, молия интизоми ва бошқалар ҳакида сўз юритилади. Буларнинг барчаси меҳнат интизомини ташкил этади ва тор маънода унинг айрим турлари шаклларини акс эттиради. Масалан, ишлаб чиқариш интизоми деганда корхона иш фаолиятини ташкил этиш, ишлаб чиқариши тўғри йўлга кўйиш юзасидан талаблар тушунилса, молия интизоми деганда корхона раҳбарлари, ҳисоб-китоб ва молиявий ишлар учун жавобгар мутасадди шахслар томонидан молиявий фаолият коидаларига қатъий амал қилиш лозимлиги тушунилади.

Меҳнат интизоми деганда корхона фаолиятида қатнашиш пайтидаги тартиб коидалар йифиндиси, бу коидаларга ходим ва иш берувчининг амал қилиши лозимлигини эмас, балки уларнинг ушбу коидалар рамка-сидаги хатти-харакатлари, хулқ-атворлари ҳам тушунилади.

Меҳнат интизоми ҳакида тартиб коидалар қуидагиларда мустаҳкамланган:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида (6-боб);
2. Хўжалик фаолиятига оид Қонунларда (масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукукларининг

кафолатлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар);

3. Хўжалик фаолияти тармоқларига оид бўлган норматив хукуқий хужжатларда (масалан, темир йўл транспорт соҳасида қўлланадиган интизом Уставлари ва бошқалар);

4. Иқтисодиётнинг айrim тармоқларини бошқаришга багишиланган Ўзбекистон Республикаси хукумати актларида (масалан, давлат-акциядорлик жамиятларининг айrim турларига оид Низомлар ва х.к.);

5. Корхоналарнинг ички меҳнат тартиби қоидалари, мансаб йўриқномалари ва бошқа локал норматив хужжатларда;

6. Ишларни хавфсиз ва безарар олиб бориш қоидаларида;

7. Ходим билан иш берувчи ўзаро тузган меҳнат шартномаси (контракти)да;

8. Бошқа шакллардаги норматив хукуқий актларда.

Меҳнат интизомини таъминлаш пайтида иқтисодий, ташкилий-рухий, хукукий усуслардан кенг фойдаланилади. Меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг хукукий усуслари қонунда кўзда тутилган воситалар қўлланиши орқали ходим ва иш берувчи хулқ-авторини белгиланган қоидалар рамкасида ушлаб турилишига қаратилган.

Меҳнат хукуқи фани ва қонунчилик амалиётида меҳнат интизомини таъминлаш ва мустаҳкамлашнинг қуйидаги икки усулидан фойдаланилади:

1) Ишонтириш. Меҳнат шартномаси томонларини иқтисодий, маънавий жиҳатдан манфаатдор қилиш, меҳнат интизомига оғишмасдан амал қилиш улар учун жуда ҳам фойдали эканлигига ишонтиришга қаратилган ташкилий-хукукий тадбирлар йиғиндинсини ўз ичига олади.

2) Мажбурлаш. Меҳнат интизомига шу талаблар бузилганида хукукий мажбуров чоралари, интизомий ва моддий жазоларнинг қўлланишини тақозо этади. Бу нарса ходимга нисбатан олганда турли интизомий жазоларни қўлланилишида, иш берувчига нисбатан олганда эса унга турли молиявий жазоларни қўлланилишида, корхонанинг банкрот бўлишида намоён бўлиши мумкин.

## **2-§. Корхоналарнинг ички меҳнат тартиби қоидалари**

Корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидалари деганда корхона ичida ўрнатилган тартиб-қоидалар назарда тутилади ва бу қоидаларга қатъий риоя қилиш корхонада ишлаётган барча ходимлар учун мажбурий саналади. Ички меҳнат тартиби қоидалари ходим билан корхона маъмурияти (бошқарувчилари), ходимларнинг ўзаро муносабатларини, ишларни

бажарилиш режимларини ва бошқа ҳолатларни ўз ичига олади. Ички меҳнат тартиби қоидалари ходим ва иш берувчи мажбуриятлари, иш ва дам олиш вақти режими, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиши тартибларини ўзида мустаҳкамловчи локал норматив-хуқуқий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Корхоналарда ички меҳнат тартибини хуқуқий тартибга солиш корхона меҳнат жамоаси умумий мажлиси (конференцияси)да тасдиқлана-диган ички меҳнат тартиби қоидалари билан амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 14 июнда 746-тартиб раками билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Идоравий бўйсуниши, мулкчилик шакли ва хўжалик фаолияти йўналишидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун ички тартибнинг намунавий қоидалари мавжуд<sup>1</sup> бўлиб, ҳар бир корхона ўзининг ички меҳнат тартиб қоидаларини ушбу намунавий қоидалар таблабарига асосланган ҳолда ишлаб чиқиши ва жорий этиши лозим бўлади.

Намунавий ички меҳнат тартиби қоидаларида ходим ва иш берувчининг асосий мажбуриятлари санаб кўрсатилган.

Жумладан, ушбу намунавий қоидаларнинг 1.5-бандида айтилишича ходим:

- ўз функционал мажбуриятларини вижданан бажариши;
- меҳнат интизомига риоя этиши, иш берувчининг фармойишлари ва кўрсатмаларини ўз вақтида бажариши;
- меҳнат мухофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини сўzsиз бажариши;
- корхона мулкига тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;
- меҳнат жамоаси аъзолари, корхона мижозлари ва иш жараёнида мулокотда бўлишга тўғри келадиган бошқа шахслар билан хушмуомалалик билан муносабатда бўлиши лозим.

Ушбу намунавий қоидаларнинг 1.4-бандида иш берувчининг асосий мажбуриятлари кўрсатиб кўйилган бўлиб, унга кўра иш берувчи:

- ходимлар меҳнатини ташкил этиши;
- қонунчилик ва бошқа норматив актларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиши;
- корхонада жорий этилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига мувофиқ ходим томонидан бажарилган иш учун ўз вақтида ва тўлиқ иш ҳаки тўлаб бориши;

---

<sup>1</sup> Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, Давлат қўмиталари ва идораларининг норматив актлари ахбортономаси», Т., 1999 йил.

- меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини, меҳнатни муҳофаза қилиш шартларини таъминлаши;
- қонунчиликка, жамоа ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларнинг дам олиш хуқуқларини амалга оширишни, кафолатли ва компенсация тўловлари тўланишини таъминлаб бориши;
- меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ равишда ходимга етказилган зарар ўрнини қоплаб бориши;
- ходимлар вакиллик органлари хуқукларига риоя этиши, улар фоалиятига кўмаклашиши, меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан улар билан музокаралар олиб бориши;
- Меҳнат кодексига мувофиқ жамоа шартномаси тузиши керак бўлади.

Намунавий ички меҳнат тартиби қоидаларининг иккинчи бўлими меҳнат шартномаси (контракти)ни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартибларига бағишлиданади. Ҳар бир корхона ушбу намунавий қоидалар асосида ўз ички тартиб қоидаларини ишлаб чиқиши пайтида ўзининг ички хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ишга қабул қилиш, меҳнат шартларини ўзгартириш ва ходимларни ишдан бўшатишнинг ўзига хос, аммо қонун актларига зид келмайдиган қоидаларни жорий этиши мумкин. Жумладан, корхонада меҳнат интизомини қўйпол тарзда бузиш тушунчаси тарифи унда батафсил баён этилиши мумкин.

Намунавий қоидаларнинг 3-бўлими меҳнат интизомини таъминлаш ва жавобгарлик деб аталади. Унда ходимларни рағбатлантириш ва жазога тортиш қоидалари баён этилган.

Намунавий қоидаларнинг 4-бўлими иш вақти ва дам олиш вақти деб аталади. Унда иш вақти, унинг режими, дам олиш вақти, ундан фойдаланиш тартиблари баён этилган.

Намунавий қоидаларнинг 5-бўлими меҳнат шартномаси томонлари ўртасидаги ихтилофларни ҳал этилишига бағишиланган.

Халқ хўжалигининг айрим тармоқларида амал қилувчи Интизом уставларида юкоридаги намунавий ички тартиб қоидаларида белгиланган талаблар ривожлантирилади ҳамда тармоқнинг хусусиятлари, фоалиятнинг теварак-атрофдаги шахслар ҳаёти, соғлиги, мол-мулкига нисбатан қўшимча хавф-хатар тутдириши билан боғлиқ равишда меҳнат интизомини таъминлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча қоидалар белгиланади.

Масалан, темир йўл транспорти ходимларининг, алоқа ходимлари нинг ва бошқа тармоқлар ходимларининг Интизом уставларида ходимлар ва иш берувчиларнинг ўзига хос хуқуқлари ҳамда мажбуриятлари кўрсатиб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

си томонидан 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасида «Темир йўл транспорти ходимлари интизоми Ўзбекистон Республикаси ҳукумати тасдиқлайдиган темир йўл транспорти ходимлари интизоми тўғрисидаги низомга кўра тартибга солинади» деб кўрсатиб қўйилган. Ана шундай маҳсус қоидалар «Алоқа тўғрисида»ги, «Энергия таъминоти тўғрисида»ги ва бошқа Конунларда ҳам кўрсатиб қўйилган<sup>85</sup>.

Давлат хизматчиларининг мажбуриятлари ва асосий ҳукуқлари давлат органлари томонидан қабул қилинадиган меъёрий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилади. Аммо бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикасида «Давлат хизмати ва Давлат хизматчиси тўғрисида»ги Қонунни қабул қилинмаганлиги ушбу тоифадаги ходимлар ҳуқуқий макомини аниқ белгиламасдан қолаётганлигига сабаб бўлмоқда ва бунинг натижасида турли ноаникликлар ҳамда муаммолар юзага келмоқда.

### **3-§. Ходимларни ишдаги ютуқлари учун рағбатлантириш**

Ишонтириш – меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ходимларни унумли ва самарали ишлашга ундаш, меҳнатга ижодий муносабатда бўлишга ўргатишнинг энг оқилюна усулидан саналади.

Рағбатлантириш чораларини ўз вактида, ўринли ва тўғри қўллаш ходимларни меҳнат азоб-уқубат эмас, балки моддий ҳамда маънавий қониқиши ҳосил қилиш манбай эканлигига, ҳалол ва вижданан қилинган меҳнатдан роҳат топиш мумкинлигига, ўз аклий-ижодий имкониятлари туфайли меҳнат жараённида шахснинг жамиятдаги мавқеи, обрў-эътибори ортиши, мустаҳкамланишига ишонч ҳосил қилинишига ёрдам беради.

Ишдаги ютуқлар учун рағбатлантириш деганда унинг корхона олдидағи хизматларини оммавий тан олинниши тушунилади. Намунавий ички меҳнат тартиби қоидаларининг 3.2-бандида айтилишича, «Корхона ходимларига уларнинг ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажарилганликлари, меҳнатда эришган юксак ютуқлари, корхонада узоқ вакт ҳалол ишлаганлари ва бошқа ютуқларга эришганлари учун уларга қўйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин»:

- ташаккурнома;
- пул мукофотлари билан тақдирлаш;
- қимматбаҳо совгалар билан тақдирлаш.

Рағбатлантириш чораларининг ушбу рўйхати тахминий бўлиб, маҳсус актларда (Интизом уставлари ва бошқалар), корхоналарнинг локал меъёрий

<sup>85</sup> Карап: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 118-модда.

хужжатларида (жамоа шартномасида, ички меҳнат тартиби қоидаларида ва бошқаларда) рағбатлантиришнинг бошқача турлари ҳам (масалан, хизмат поғонасидан кўтарилиш, маҳсус унвонлар бериш ва бошқалар) назарда тутилиши мумкин.

Ходимларни рағбатлантириш корхона иш берувчиси томонидан караба уюшмаси кўмитаси билан биргаликда ёки келишилгани ҳолда кўлланилади. Бир неча рағбатлантириш чоралари, шу жумладан моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари билан биргаликда кўлланиши мумкин. Ходим интизомий жазога тортилган даврда унга нисбатан рағбатлантириш чораси кўлланилмайди, аммо кўлланилган жазо рағбатлантириш чораси сифатида муддатидан аввал ташланиши мумкин.

Ходимнинг рағбатлантирилганлиги ҳақида корхона бўйича бўйруқ чиқарилади, бу ҳақда меҳнат жамоасига эълон қилинади ва бу тўғрида ходимнинг меҳнат дафтарчасига ёзиб кўйилади. Ходимни рағбатлантириш муддатсиз бўлиб, вақт ўтиши билан ўз аҳамиятини йўқотмайди. Ходим алоҳида меҳнат муваффакиятлари, давлат ва жамият олдиаги улкан ютуқлари учун белгиланган тартибода давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрдаги «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонунида<sup>1</sup> фуқароларни давлат мукофотларига, орден ва медалларга тавсия этиш, тақдирлаш тартиблари, шартлари баён этилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонунига мувафиқ иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида фаолият юритиб, улкан ютуқларга эришган шахсларга фахрий унвонлар бериш тартиблари кўзда тутилган<sup>86</sup>. Бугунги кунга келиб ишлаб чиқариш, фан, адабиёт, санъат, давлат ва жамият фаолияти соҳаларида сермаҳсул хизматлари учун фуқароларга 50 тага яқин турли фахрий унвонлар берилиши, уларнинг фан, санъат олдиаги, давлат-жамият олдиаги улкан хизматлари тан олиниши, шарафланиши кўзда тутилгандир. Ходими давлат мукофотлари, фахрий унвонлар билан мукофотланганликлари тегишли тарзда давлат йўли билан расмийлаштирилишидан ташқари, бу ҳақда унинг меҳнат дафтарчасига ҳам ёзиб кўйилади.

#### 4-§. Ходимларнинг интизомий жавобгарлиги

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12 сон, 266-модда, 1996 йил, 9-сон, 120-модда.

<sup>86</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6 сон, 64-модда.

Мехнат интизомини мустаҳкамлашда зарур холларда мажбурлаш, ҳокимият кучидан фойдаланиш ҳам энг самарали усуллардан бўлиб ҳисобланиши мумкин. Мажбурлаш усули қўлланилганида фойдаланиладиган асосий хукукий восита бўлиб интизомий жавобгарликка тортиш саналади.

Интизомий жавобгарлик – бу, ўз айбли хулқ-атвори билан меҳнат интизомини бузайтган ходимни қоралаш, унга қонунда назарда тутилган интизомий жазо чораси қўлланилишидан иборат.

Интизомий жавобгарлик ўз хукукий асослари, уни қўлловчи орган, жазонинг мақсади, турлари, оқибатлари ва бошқа хусусиятлари билан маъмурӣ жавобгарлиқдан, жиноий жавобгарлиқдан тубдан фарқ қиласди. Масалан, интизомий жавобгарлик ходим ўз меҳнат вазифаларини бажармаслиги туфайли юз берса, маъмурӣ жавобгарлик барча фуқаролар учун мажбурий бўлган бошқарувга оид тартиб-қоидаларни бузганлик учун ваколатли давлат бошқарув органлари томонидан қўлланилади. Амалдаги меҳнат қонунчилиги иш берувчига ўз ходимини интизомий жазога тортиш хукуқини бериш билан бирга ходимларга ҳам асоссиз ва адолатсиз жазодан ўзларини ҳимоя кила олишлари учун бир қатор кафолатлар беради. Жумладан,

- интизомий жавобгарликка тортишнинг хукукий асослари қонунда белгилаб қўйилади;
- интизомий жазо қўллашга ҳақли мансабдор шахслар доираси қатъий белгиланганди;
- жазо қўллаш муддатлари белгиланганди;
- жазо қўллаш муайян тартибда амалга оширилади;
- жазо чораларининг турлари олдиндан белгилаб қўйиланди;
- жазони қўллаш ва олиб ташлаш тартиби мавжуд;
- жазо устидан шикоят килиш хукуки таъминланади.

Ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, вижданан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармоишларини ўз вақтида аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчнинг мол-мулкини авайлаб асрashi шарт.

Ходим меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал хужжатларда (жамоа шартномаларида йўрикномалар ва х.к.), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади. Интизомий ножӯя ҳаракат деб ходим томонидан айбли ва хукукка хилоф тарзда ўз меҳнат мажбурятларини бажармаслиги тушунилади. Интизомий ножӯя ҳаракат объектив ва субъектив белгилардан

иборат ножўя харакат таркибини ташкил этади. Ҳар қандай ходим ёки маҳсус ваколатга эга бўлган ходимлар меҳнат хуқуқида интизомий ножўя харакат ва интизомий жавобгарлик субъектлари бўлишлари мумкин.

Корхонада амал қилувчи ички тартиб қоидалари, ходимнинг бурчлари, хизмат вазифалари доирасига хилоф равишда килинган харакатлар интизомий ножўя хатти-харакат обьекти бўлиб хисобланади.

Меҳнат кодексининг 181-моддасида интизомий ножўя харакат содир этган ходимга нисбатан қўйидаги жазо чоралари кўлланилиши мумкинлиги назарда тутилган:

- 1) хайфсан;
- 2) ўртача ойлик иш ҳақининг 30% дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима, ички меҳнат тартиби қоидаларида 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш мумкинлиги кўзда тутилиши мумкин;
- 3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модданинг 2-кисми, 3 ва 4-бандлари).

Юкорида санаб кўрсатилганлардан ташқари бошқа интизомий жазо чораларини кўллаш тақиқланади.

Интизомий жазони кўллаш тартиби Меҳнат кодексининг 182-моддасида кўрсатилган. Унга кўра: «Интизомий жазолар ишга қабул қилиш хуқуқи берилган шахслар (органлар) томонидан кўлланилади.

Интизомий жазо кўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равиша тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножўя хатти-харакати учун жазо кўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Интизомий жазони кўллашда содир этилган ножўя хатти-харакатининг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-харакат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олиниди.

Ҳар бир ножўя хатти-харакат учун фақат бир интизомий жазо кўлланилиши мумкин.

Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-харакат аниқланганидан кейин, аммо бу хатти-харакат аниқланганидан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан узоги билан 1 ой ичida қўлланилади».

Ходимга қўлланилган интизомий жазо бир йил давомида амал қиласида ва шу муддат ичida ходим бошқа интизомий ножўя харакат содир этмаса, у жазога тортилмаган ҳисобланади.

Интизомий жазо иш берувчи ташаббусига кўра, жазога тортилган ходим илтимосига кўра, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосига кўра бир йил ўтмасдан ҳам муддатидан олдин олиб

ташланиши мумкин. Бу хақда корхона иш берувчисининг буйруғи чиқарилиши лозим.

Ўз навбатида иш берувчи ҳам корхонада меҳнат интизомини таъминлаши, меҳнатни самарали ташкил этиш учун муайян мажбуриятларни бажариши мумкин. Меҳнат кодексининг 177-моддасида иш берувчининг кўйидаги мажбуриятлари қайд этилган:

«Иш берувчи ходимлар меҳнатни ташкил қилиши, қонун ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши, ушбу Кодексга мувофиқ жамоа шартномаларини тузиши шарт.

Иш берувчи ходимдан унинг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга хилоф ёки ходим ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавф туғдирувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишини талаб этишга ҳақли эмас».

Булардан ташқари иш берувчи ходимни унга юкланаётган меҳнат вазифалари доираси билан танишириши шарт.

Интизомий ножӯя ҳаракат ва интизомий жавобгарлик Меҳнат кодексида, бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган бўлиб, меҳнат интизомини бузувчи ходимга нисбатан мажбураш чорасини назарда тутади. Кўлланилган интизомий жазо устидан жазога тортилган ходим якка меҳнат низоларини кўриб ҳал қилиш учун белгиланган тартибида ва муддатларда шикоят қилиши, прокурор томонидан эса протест келтириши мумкин.

Жазо нотўғри кўлланилган бўлса, ушбу масала юзасидан меҳнат низосини кўрган орган (меҳнат низолари комиссияси, суд, бўйсуниш тартибида юқори турадиган орган) уни бекор қиласи, тўғри кўлланилганлиги аниқланган тақдирда эса шикоят (протест)ни оқибатсиз колдиради.

Айрим тоифадаги ходимларни (масалан, ҳалқ депутатлари, ходимлар вакиллик органларида ишлаётган шахслар ва бошқаларни) интизомий жавобгарликка тортилишида қўшимча кафолатлар белгиланган бўлиб, уларга жазо маҳсус қоидаларга амал қилган холда кўлланилиши мумкин<sup>87</sup>.

<sup>87</sup> Масалан, «Ўзбекистон Республикасида депутатлар макоми тўғрисида»ги Конуннинг 28-моддасига кўра ҳалқ депутати тегишли кенгаш ёки унинг ижроия органи олдиндан берган розилигига кўра интизомий жазога тортилишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 114-модда.

Намунавий ички меҳнат тартиби қоидаларига кўра ходим ўз айбли харакатлари билан корхона мол-мулкига заарар етказган, иш берувчини кўшимча моддий харажатлар қилинишига сабаб бўлган бўлса, у ҳолда бундай ходим интизомий жазога тортилиши билан бирга моддий жавобгарликка ҳам тортилиб, ундан етказилган заарар ундириб олиниши мумкин. Корхонанинг локал меъёрий хужжатларида меҳнат интизомини бузган ходимларга кўшимча таъсир чоралари қўлланиши ҳам кўзда тутилиши мумкин (масалан, мукофотдан маҳрум қилиш, муайян имтиёзлар бермаслик ва бошқалар). Аммо, улар интизомий жазо бўлиб саналмайди.

### **Билимларингизни текшириб кўринг**

1. Корхоналардаги меҳнат интизоми нима ва меҳнат интизомини таъминлаш қандай аҳамиятга эга?
2. Меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг қандай ҳуқуқий турлари сизга маълум?
3. Ходимлар учун ички меҳнат тартиби қоидаларини белгилаш тартиби қандай?
4. Ходимларни шидаги ютуқлари учун рагбатлантиришининг тартиблари ҳамда шакллари қандай?
5. Интизомий ножӯя ҳаракат ва интизомий жавобгарлик дегандা нималар тушунилади?
6. Интизомий жазо чораларининг қандай турлари мавжуд?
7. Интизомий жазо қўллаш тартибини айтиб беринг.
8. Интизомий жазо қўллаш муддатлари қандай?
9. Интизомий жазо устидан жазо олган ходим қандай муддатда ва қайси тартибда шикоят қилиши мумкин?
10. Махсус интизомий жавобгарлик чоралари ва уни қўллаш ҳақида нималарни биласиз?

## **XV боб. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТОМОНЛАРИНИНГ ЎЗАРО МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

### **1-§. Мехнат шартномаси томонларининг моддий жавобгарлиги тушиунчаси**

Моддий жавобгарлик тушиунчаси ва асослари меҳнат шартномасининг мухим қисми бўлиб, томонларнинг бир-бирлари олдиаги жавобгарликлари хисобланади. Мехнат шартнома муносабати иштирокчилари бир-бирларининг мулкий манфаатларига қатъий риоя этишлари, мол-мулклардан тежамкорлик билан ва самарали фойдаланишлари, заарар этишининг олдини олишлари, бир-бирларининг

мулкий манфаатларига зиён етиш хавф-хатари пайдо бўлганида эса бу ҳақда иккинчи томонни дарҳол хабардор қилишлари лозимлиги меҳнат ҳуқуқининг тамойилларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 185-моддасида айтилганидек: «Меҳнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларни бажариши муносабати балан бошқа тарафга етказган зарарини Меҳнат кодекси ва меҳнат тўғрисидаги бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ қоплайди».

Меҳнат шартномаси ёки унга кўшимча равишда тузилган ёзма шаклдаги келишувда, шунингдек жамоа шартномасида меҳнат шартномаси тарафларининг жавобгарлиги аниқлаштириб қўйилиши мумкин. Унда шартнома бўйича иш берувчининг ходим олдидағи жавобгарлиги Меҳнат кодексида назарда тутилганидан кам, ходимнинг иш берувчи олдидағи жавобгарлиги эса назарда тутилганидан кўп бўлмаслиги керак.

Янги Меҳнат кодекси ходимларнинг моддий ҳуқуқларини химоя килиш, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилишлари туфайли юз берадиган турли воқеа-ходисаларнинг манфаатига жиддий заарар етказиши эҳтимолини камайтириш мақсадида ана шундай чегаралар – ходим жавобгарлигининг энг кўп доираси қонунлар билан белгилаб қўйилган.

Меҳнат кодексининг 186-моддасига кўра, «Меҳнат шартномасининг бир тарафи ўзининг ғайриконуний айби, хулқ-атвори (харакати ёки ҳаракатсизлиги) натижасида бошқа тарафга етказилган заарар учун, башарти Меҳнат кодексида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, моддий жавобгар бўлади». Ушбу қоидага биноан, «Меҳнат тўғрисида»ги Қонун ҳужжатларига кўра моддий жавобгарлик юз бериши учун куйидаги шартлар мавжуд бўлиши талаб этилади:

- айбли хулқ-атвор;
- ғайриконуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;
- амалда реал заарар (хақиқий тўғри заарар) етказилган бўлиши;
- айбли хулқ-атвор билан заарарли оқибат ўртасида сабабли боғланиш бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1990 йил 14 деқабрдаги 5-ПЛ-90-сон қарорининг 15-бандида<sup>1</sup> айтилишича, моддий заарар учун жавобгарлик муносабатларида айбли хулқ-атвори деганда, «ходим томонидан қонунда, ҳукумат қарорларида, ички меҳнат тартиби қоидаларида, иш берувчининг бўйруқ ва фармойишларида белгиланган хизмат мажбуриятларини қасддан ёки эҳтиётсизликдан бажармаслиги тушунилади».

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси, 1991 йил, 3-сон; 1993 йил, 1-сон; 1994 йил, 3-сон.

Меъёрида қилинган ишлаб чиқариш хўжалик таваккалчилиги натижасида келиб чиқсан зарар учун ходим моддий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Меъёрида қилинган ишлаб чиқариш хўжалик таваккалчилиги жумласига қўйидагилар киради:

1) ишлаб чиқаришда янги қурилма ва аслаҳаларнинг ўрнатилиши, янги технология жараёнида меҳнатнинг янги услублари жорий этилиши;

2) корхона фаолиятининг тугаши ёки ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолишига йўл қўймаслик мақсадида бир турдаги материаллар ўрнига бошқасидан фойдаланиш;

3) шартномада кўзда тутилганидан афзалроқ материаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

4) бир корхона олдиаги мажбуриятларни бажариш мақсадида ва корхона манфаатларини кўзлаб маҳсулот етказиб бериш, ишларни бажариш юзасидан шартномалар тузиш;

5) муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга объектни қуриб битказиш мақсадида иккинчи навбатдаги объектда қурилиш ишларини вақтинча тўхтатиб туриш;

6) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг янги шаклларини ўзлаштириш, янги агротехник услубларни тажриба сифатида жорий этиш, янги навдаги ургуни кўллаша кабилар.

Охиригина зарурат, зарурий мудофаа ҳолатларида, шунингдек иш берувчининг буйругини бажариш оқибатида етказилган зарар учун хам ходим моддий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмайди.

## 2-§. Ходимнинг иш берувчи олдиаги моддий жавобгарлиги

Ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарар деганда ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан ёки бошқача шароитларда айбли, гайриконуний хулқ-автори билан иш берувчи мулки ёки мулкий манфаатларига реал зарар етказилиши тушунилади. Меҳнат кодексининг 198-моддасида айтилишича, «ходим иш берувчига етказилган бевосита ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

Бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда иш берувчининг мавжуд мол-мулки (шу жумладан, иш берувчи учинчи шахслардан ижарага олган мол-мулки) амалда камайганлиги ёки ёмон ҳолатга келганлиги, шунингдек иш берувчининг ортиқча тўловлар қилиши тушунилади.

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни тўлаши натижасида келиб чиқсан зарар учун моддий жавобгар бўлади».

Ходимнинг айби билан иш берувчи учинчи шахсларга тўлаган иқтисодий санкция сифатидаги жарима, неустойка, пеня суммаларини, корхонага нисбатан ваколатли давлат органлари томонидан қўлланилган иқтисодий жазо чораси жарима суммалари ҳам<sup>1</sup> қонунда белгиланган доирада тўлаб бериши лозим.

Агар ходим томонидан иш берувчига зарар, уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар (табиий оғатлар, ишлаб чиқариш фалокатлари, учинчи шахсларнинг ғайриқонуний харакатлари ва ҳоказолар), нормал хўжалик таваккалчилиги оқибатида, охириги зарурат ёки зарурий мудофаа натижасида келиб чиқсан бўлса, бундай ҳолда ходимнинг моддий жавобгарлиги истисно этилади.

Ходимнинг иш берувчи олдидағи моддий жавобгарлигини истисно этувчи юқоридаги ҳолатлар тушунчаси ва таърифи Ўзбекистон Республикаси Олий суди плениумининг 1990 йил 14 декабрдаги (1992 йил 13 ноябрдаги, 1994 йил 7 январдаги қўшимча ва ўзгартиришлар билан) карорида белгилаб қўйилган, (Ишчи ва хизматчиларнинг корхона, муассаса ташкилотга етказилган зарар учун моддий жавобгарлигини белгиловчи қонунларни республика судлари томонидан қўлланилиши ҳақида»ги қарорининг 15-банди).

Мехнат кодексида (201-модда) ходим меҳнат бурчларини бажариш жараёнида иш берувчига етказилган зарар учун чекланган моддий жавобгарликка тортилиши, яъни у ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи микдоридан ошмайдиган хажмда моддий жавобгар бўлиши, эҳтиётсизлик натижасида етказилган зарар учун у қонунда маҳсус кўрсатиб ўтилган ҳоллардагина тўла моддий жавобгар қилиниши мумкинлиги айтилган.

Ходимнинг иш берувчи олдидағи чекланган моддий жавобгарлигининг бир тури Мехнат кодексининг 274-моддасида назарда тутилган. Ходимларнинг ғайриқонуний ишдан бўшатишда айбор бўлган мансабдор шахсадан унинг айби билан ғайриқонуний ишдан бўшатилган (бошқа ишга ўтказилган) ходим ишга тикланганда иш берувчи мажбурий прогул вақт учун унга тўлаган пул суммаларини қайтариб олиш мумкин, аммо бу сумма мансабдор шахснинг уч ойлик мансаб маоши жамидан ортиб кетмаслиги лозим. Чекланган моддий жавобгарликнинг бу турига

---

<sup>1</sup> Қаранг: жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солик Кодексининг 135-моддаси, З-бандига кўра даромад (фойда) яширилган тақдирда солик тўловчидан яширилган даромаднинг бутун суммаси ва яна шунча миқдорда жарима ундирилади.

фақат ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ваколатига (бу хақда буйруқларга имзо чекиши ҳукуқига) эга бўлган раҳбар ходимларгина тортилишлари мумкин.

Ходимларнинг иш берувчи олдидағи чекланган (яъни етказилган зарар суммасининг бир кисми доирасида) моддий жавобгарлиги қоида бўлиб, улар истисно тарикасида ва факат қонунларда бевосита белгилаб кўйилган ҳоллардагина тўлиқ моддий жавобгарликка (яъни, зарар суммасининг тўла миқдорида, иш ҳақи эътиборга олинмасдан) тортилишлари мумкин.

Меҳнат кодексининг 202-моддасида ходим тўлиқ моддий жавобгарлиги ҳоллари кўрсатиб кўйилган:

- 1) маҳсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;
- 2) бир галлик хужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;
- 3) қасдан зарар етказилганда;
- 4) алкогольлик ичимликлардан, гиёхвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастилик ҳолатида зарар етказилганида;
- 5) ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда;
- 6) тижорат сирларини ошкор этганда;
- 7) қонунларда шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари назарда тутилган ҳолларда ходим тўлиқ моддий жавобгар бўлади.

Маҳсус ёзма шартнома асосида тўлиқ моддий жавобгарлик факат конунда бевосита назарда тутилган ҳолларда ва тартибларда юзага келади.

Меҳнат кодексининг 203-моддасида кўрсатилганидек, «Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходимнинг маҳсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланиши таъминламаганлиги учун ходимлар тўлиқ моддий жавобгар бўлади. Пул ёки товар қимматлари билан муомала қилиш хизмат вазифасига кирмайдиган ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб хисобланади. Бундай шартнома тузилган тақдирда ҳам у ҳеч қандай юридик кучга эга бўлмайди ҳамда ходим чекланган моддий жавобгарликка тортилиши мумкин. Фақат ўн саккиз ёшга тўлган ходимлар билангина ишга қабул қилиш пайтида ёки меҳнат жараёнида пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш уларга зарар етказилганда тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши мумкин. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс билан тузилган ана шундай шартнома ҳеч бир ҳукукий

аҳамиятга эга бўлмай, заарар етгани ҳолда вояга етмаган ходимга факат чекланган моддий жавобгарлик юкланиши мумкин.

Суд амалиётида ўн саккиз ёшга тўлмаган ходим билан тузилган тўлиқ моддий жавобгарлик шартномаси асосида ходим вояга, яъни ўн саккиз ёшга етганидан кейин юз берган заарар қандай ҳажмда ундирилиши лозим деган муаммо юзага келади. Фикримизча, бундай ҳолда ходим эгаллаб турган лавозим (вазифа) тегиши рўйхатда назарда тутилган бўлса ва ходим ўн саккиз ёшга тўлгандан кейин моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома қайта расмийлаштирилган (ходим у билан қайта таниширилиб, унинг имзоси қайта тасдиқланган) ҳолдагина у ўзига ишониб топширилган пул ёки товар кимматликларига заарар етказилгани учун тўлиқ моддий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар бир корхона ва ташкилотда Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлигининг 1996 йил 2 апрелдаги 2/4-сон қарори билан тасдиқланган тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги ёзма шартнома тузилиши мумкин бўлган лавозимлар ҳамда ишлар рўйхатга мувофиқ равишда тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида ёзма шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари, ёзма шартнома намунаси жамоа шартномасида, у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ўртасидаги ўзаро келишувга биноан белгилаб қўйилади».

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 17 декабрда 565-рақам билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидаларида» қасддан жиноят содир этган ва судланганлиги олиб ташланмаган, сурункали касалликка чалинган, мунтазам жамоат таркибини бузадиган, спиртли ичимлик ёки гиёхванд моддаларни суиистемол қилувчи шахслар пул, товар-моддий бойликлар билан боғлиқ вазифаларга қабул қилинишлари мумкин эмас. Бундай шахслар ҳақида тегишли жойлардан маълумот олиниши шарт.

Агар ходим талабгор бўлаётган лавозим (иш) у билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида ёзма шартнома тузилиши лозимлигини тақозо этса, аммо ходим бундай шартнома тузишни истамаса, иш берувчи уни ишга қабул қилишини рад этишга ҳақли. Ишни давом эттираётган ходим билан меҳнат шароитлари ўзгариши (технologик ўзгаришлар, меҳнатни ташкил этишининг янгича шартлари қўлланилиши ва хоказолар) туфайли тўлиқ моддий жавобгарликлар ҳақидаги ёзма шартнома тузиш лозим бўлиб қолса, аммо ходим бундай шартнома тузишдан бош тортса ва унинг малакасига мос келадиган бошқа ишга ўтишни истамаса, бундай ҳолда иш берувчи ходимни Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 89-моддасига асосан ишдан бўштишига ҳақли.

Мехнат кодексининг 203-моддасига кўра, якка тартибдаги тўлиқ ёки жамоанинг (бригаданинг) тўлиқ моддий жавобгарлиги тўғрисидаги шартномада меҳнат шартномаси тарафларининг ходимга, жамоага (бригадага) ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминлаш бўйича вазифалари аниқ кўрсатилади ҳамда уларнинг кўшимча хукуклари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгилаб қўйилади.

Якка тартибда тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартномага биноан қимматликлар уларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун шахсан жавобгар бўлган аниқ бир ходимга топширилади. Бундай шартнома тузган ходим жавобгарликдан озод бўлиши учун ўзининг айби йўклигини исботлаб бериши керак.

Жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги ҳақидаги шартномага мувоффик қимматликлар уларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгарлик юқлатиладиган, олдиндан белгиланган шахслар гурӯхига (бригадага) топширилади. Бригаданинг айрим аъзоси жавобгарликдан озод бўлиши учун ўзининг айби йўклигини исботлаб бериши лозим.

Зарар ихтиёрий равишда тўланганда (Мехнат кодексининг 206-моддаси) бригада ҳар бир аъзосининг айби даражаси бригаданинг барча аъзолари билан иш берувчи ўртасидаги келишувга асосан белгиланади. Зарар суд тартибда ундирилганда бригада ҳар бир аъзосининг айби даражаси суд томонидан аниқланади.

Қимматликларга оид хизмат (сақлаш, сотиш, ташиш, қайта ишлаш) билан шуғулланувчи корхоналарда иш берувчи билан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан етказилган зарарни таҳлика (таваккалчилик) жамгарма ҳисобидан қоплашга йўл қўйилади.

Ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида ёзма шартнома тузилмаган, шунингдек бундай шартнома пул ёки товар қимматликлари билан муомала килиш хизмат вазифасига кирмайдиган ходим билан, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс билан ёки ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ходимлар тоифаси рўйхатга кирмайдиган шахслар билан тузилган ҳолларда иш берувчига етказилган зарар учун ходимга чекланган моддий жавобгарлик юқлатилиши мумкин.

Корхоналарда иш берувчи ва ходимлар вакиллик органининг ўзаро келишувига кўра жамоанинг (бригаданинг) тўлиқ моддий жавобгарлиги тўғрисидаги шартнома тузиш қоидаларини назарда тутувчи низом ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши мумкин.

Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги ёзма шартнома икки томонлама хусусиятга эга хужжат бўлиб, ходим билан бир қаторда иш берувчи зиммасига ҳам муайян мажбуриятлар юклайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги ҳайъатининг 1996 йил 2 апрелдаги 2/4-сонли қарори билан тасдиқланган «Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги Намунаий Шартнома»нинг 2-бандида айтилишича, иш берувчи кўйидаги мажбуриятларни олади:

а) ходимга маромли ишлаш ва ўзига ишониб топширилган моддий бойликлар тўлиқ сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган шартшароитлар яратади;

б) ходимни корхонага етказилган зарап учун ходимларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги амалий Қонунлар билан, шунингдек, унга топширилган моддий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнида сақлаш, қабул килиш, қайта ишлаш, сотиш (бериш), ташиш ёки қўллашга доир амалий йўриқномалар, меъёрлар ва қоидалар билан таништиради.

«Юридик шахслар томонидан касса операциялари юритиш қоидаларнинг 2-иловасида пул маблағларини сақлаш ва ташиб пайтида уларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш юзасидан тавсиялар берилган. Унга кўра, ташкилот раҳбарлари пул маблағларини банк муассасаларидан олиш, банкка ола бориб топшириш учун зарур ҳолларда милиция томонидан кўриклишни ва транспорт воситалари билан таъминлаши зарур.

Юқорида эслатилган «Қоидалар»нинг 3-иловасида Давлат ва жамоат бирлашмалари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда касса билоларини ҳимоя-ёнғинга қарши сигнализация билан жиҳозлаш, техникавий мустаҳкамлаш юзасидан тавсиялар назарда тутилган. Бу тавсиялар асосида иш юритиш мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотлар учун мажбурий бўлиб хисобланади.

Мехнат кодексининг 202-моддаси, 2-бандига мувофиқ бир галлик ёзма хужжатлар асосида олинган пул ва товар кимматликларига зарап етказилгандан заарни қоплаш масалаларини ҳал этиш пайтида бундай бир галлик хужжат вазифасини одатда ўн саккиз ёшга тўлган, рухий ҳолати яхши бўлган ходимга қонун хужжатларида белгиланган шаклида ва тартибда (корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси имзолаган, корхона думалоқ муҳри билан тасдиқланган, маҳсус дафтарларга қайд этилган) берилган ишончнома тушунилмоғи лозим. Бундай ишончнома ўн саккиз ёшга тўлган ҳар кандай ходимга, унинг эгаллаб турган лавозими (бажараётган иши)дан қатъи назар берилиши мумкин.

Ходим томонидан қасдан, яъни заарарли оқибат юз берини хоҳлаган ҳолларда Мехнат кодексининг 202-моддаси, 3-банди асосида, ҳатто ўн сак-

киз ёшга тўлмаган бўлсада тўлиқ моддий жавобгар бўлади. Бунда ходим лавозими, у бажараётган ишнинг аҳамияти йўқ.

Мехнат кодексининг 202-моддаси, 4-бандига кўра алкоголли ичимлик, гиёхванд ёки токсин моддаси таъсирида маст ҳолда бўлган ходим, ҳатто ўн саккиз ёшга тўлмаган бўлсада, корхона мулкига зарар етказган тақдирда тўлиқ моддий жавобгар бўлиши кўрсатиб кўйилган. Бунда ходимнинг маст ҳолда бўлганлиги факти тиббий текширув, гувоҳлар кўрсатуви (баённома тузиш йўли билан) ёки бошқа усуулларда аниқланиси мумкин. Ходим маст ҳолда иш вақтидан ташқари пайтда зарар етказган тақдирда ҳам (масалан, корхонага тегишли ўзига бириктирилган транспорт воситасини ўзбошим-чалик билан дам олиш кунида олиб чиқиб кетиши ва ундан фойдаланиш пайтида) иш берувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаши лозим.

Мехнат кодексининг 202-моддаси, 5-бандида ходим суд ҳукми билан аниқланган жиноят ҳаракатлари туфайли иш берувчининг мулки ёки бошқа мулкий ҳуқуқларга зарар етказган тақдирда ҳам зарар учун тўлиқ миқдорда моддий жавобгар бўлиши кўрсатилган. Аммо ходим томонидан иш берувчига жиноят содир этганилиги туфайли зарар етказиши факти суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан эмас, балки прокурорнинг (терговчининг) жиноят ишини оқлашга асос бўлмайдиган ҳолатларига кўра ҳаракатдан ётқизиш тўғрисидаги қарорга кўра (масалан, амнистия акти, кам аҳамиятли бўлгани, айбланувчи ижтимоий хавфли бўлмай қолиши ва ҳоказолар) аниқланган тақдирда, ходимнинг моддий жавобгарлиги қандай ҳал этилиши лозимлиги ҳакида қонун ҳужжатларида хеч нарса дейилмайди. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Олий судиplenумининг 1990 йил 14 декабрдаги 5-ПЛ-90-сонли «Ишчи ва хизматчиларнинг корхона, муассаса, ташкилотга етказилган зарар юзасидан моддий жавобгарлигини белгиловчи қонунларнинг республика судлари томонидан қўлланилиши ҳакида» қарорининг (1992 йил 13 ноябрдаги 5-ПЛ-92 ва 1994 йил 7 январдаги 5-сонли Олий Мажлис судиplenумининг қарорлари билан қўшимча ва ўзгаришилар киритилган)<sup>1</sup> 24-бандида айтилишича: «Тергов органининг айбни сокит килмайдиган асослар бўйича жиноят ишини ҳаракатдан ётқизиш тўғрисидаги қарори жиноят содир қилинганлиги фактини белгилашда зарурий кучга эга». Яъни ушбу қарор ходимга Мехнат кодексининг 202-моддаси, 5-бандига кўра тўла моддий жавобгарлик юклашга асос бўлади.

Ходим корхонага тегишли бўлган тижорат сири саналувчи ахборотларни қасдан ёки эҳтиётсизлик хатти-ҳаракатлари туфайли ошкор этишилиги оқибатида иш берувчига етказилган зарар учун тўлиқ моддий

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди бюллетени. 1991 йил, 3-бет, 1993 йил, 1-сон; 1994 йил, 3-сон, 3-бет.

жавобгарлик юз бериши учун бир қатор ҳолатлар мавжуд бўлиши лозим. Жумладан, ходим томонидан ошкор этилган ахборотлар корхона тижорат сири эканлиги ва уларни муҳофазалаш чоралари кўрилган бўлиши, ходим тижорат сири саналувчи ахборотлардан хабардор бўлиши мумкин бўлган ходимлар доирасига кириши, тижорат сирларини ошкор этганлиги учун жавобгарлик хақида, шу жумладан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилган бўлиши талаб этилади. Иш берувчининг айби билан ошкор бўлиб қолган ва ҳамма хабардор бўла олиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этганлиги учун тўлиқ моддий жавобгарлик юз бериши мумкин эмас.

Корхона иш берувчиси ходимлар вакиллик органи билан ўзаро келишган ҳолда тижорат сири саналувчи ахборотлар сирасига кирувчи маълумотлар доирасини, ундан хабардор бўлишлари мумкин бўлган ходимларни, тижорат сири бўлган маълумотларни ҳимоялаш усусларини ва бошقا масалаларни тартибга солувчи маҳсус локал хужжат (низом, коида ёки бошқалар) қабул қилиши мақсаддага мувофик.

Мехнат кодексининг 202-моддаси, 7-бандида ходимларга қонунларда маҳсус кўрсатилган ҳолларда тўлиқ моддий жавобгарлик юклаш мумкинлиги айтилган. Бундай ҳолатлар қаторига масалан, алоқа корхоналари ходимлари (почтачилар ва ҳоказо) моддий жавобгарлиги киритилиши мумкин<sup>88</sup>.

Ходим томонидан иш берувчига етказилган зарар микдорини аниқлаш ва зарарни қоплаш тартиби ҳамда усуслари Мехнат кодексида белгилаб кўйилган. Жумладан, Кодекснинг 204-моддасида айтилишича: «Иш берувчи зарарни муайян ходимларидан ундириш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин етказилган зарар микдорини белгилаш ва унинг келиб чиқиши сабабини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказиши шарт. Бундай текшириш ўтказилиши учун иш берувчи тегишли мутахассислар иштироқида комиссия тузишга ҳақли».

Зарарни келиб чиқиши сабабини аниқлаш учун ходимдан тушунтириш хати талаб қилиниши шарт. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бўйин товлаши иш берувчи уни етказилган зарар учун моддий жавобгарликка тортишга моне бўла олмайди. Ходим барча текшириш материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга. Иш берувчининг молмулкига етказилган зарар микдори ҳақиқий йўқотишлар, яъни олинмай колган фойда ва даромадлар ҳисобга олинмаган ҳолда қўйидаги усусларда аниқланади:

---

<sup>88</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги «Почта алоқалари тўғрисида»ги Қонуни, 15-модда.

а) ходим томонидан меҳнат мажбуриятларини бажариш давомида эҳтиёtsизликдан зарар етказилганида бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида, буюмнинг баланс қийматига кўра (эскириш қиймати белгиланган нормаларда чегириб ташланган ҳолда);

б) иш берувчининг асосий воситаларига тааллукли мол-мулки талон-тарож килинган, камомад бўлган, қасдан йўқ килинган ёки қасдан бузилган тақдирда, шунингдек бошқа ҳолларда ваколатли орган томонидан иш кўрилган куни амалда бўлган бозор нархлари бўйича аниқланади;

в) зарарни ҳақиқий миқдори уни номинал (устига ёзиб қўйилган баҳоси)дан ошиб кетган ҳолларда, башарти талон-тарож килиш, камомад ёки йўқ килиш орқали зарар етказилган бўлса, зарар миқдори алоҳида тартибда, шу жумладан карралаб ҳисоблаш (коэффициент кўллаш) йўли билан аниқланади;

г) иш берувчининг йўқотилган ёки нобуд қилинган мол-мулки баҳосини аниқлаш имкони бўлмаса (масалан, бир нусхада бўлган музей экспонати, нодир кўлёзма ёки бошқа нарса), бундай ҳолда зарар миқдори тегишли товаршунослик ва бошқа фан соҳаси вакилларидан иборат мутахассислар иштирокидаги комплекс экспертиза тайинлаш ва унинг берган хуносаси асосида аниқланади.

Иш берувчи ходимнинг айби билан давлат бюджетига, юридик ва жисмоний шахсларга ортиқча пул тўловлари тўлаган ҳолларда (даромадни яширганлик, шартномани бузганлик, санитария ёки бошқа конунбузарликларга йўл қўйганлик, етказилган мулкий ёки бошқа турдаги зарарни тўлаганлик ва бошқалар учун) зарар миқдори ходим айби билан иш берувчи томонидан ўзга шахсларга тўлаган пул суммалари билан белгиланади.

Ходим зарарни аниқлаш тартиби ва аниқланган миқдоридан норози бўлса, иш берувчининг қарори устидан меҳнат низоларини кўрувчи организма белгиланган тартиб ва муддатда шикоят қилиши мумкин.

Ходим етказган зарарни иш берувчига коплаб беришнинг ҳам бир неча усууллари белгиланган. Улар қаторига қуйидагилар киради:

а) зарар суммасини ходим томонидан корхона кассасига пул тўлаш йўли билан ихтиёрий равишда коплаш;

б) зарар етказилган буюм ўрнига ходим томонидан қиймати тенг бўлган бошқа буюм берилиши йўли билан копланади;

в) ходимнинг маошидан ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган зарарни иш берувчи фармойиши асосида ушлаб қолиш йўли билан ундириш. Бунда зарарни ходимнинг ойлик иш ҳақидан ушлаб қолиш

ҳақидаги иш берувчи фармойиши зарар етказилганлиги аникланган кундан бошлаб бир ой ичидан чиқарилиши мумкин;

г) бир ойлик муддат ўтиб кетган ҳолларда, шунингдек ундириладиган зарар миқдори ходимнинг бир ойлик иш ҳақидаги кўп бўлган ҳолларда зарар судда даъво қўзғаш йўли билан (бир йиллик даъво муддати ичидан) ундирилиши лозим. Зарарни ходимдан ундириб олиш тўғрисидаги даъво иш берувчи, унинг юқори турувчи органи, прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин. Хўжалик низосини кўриш пайтида корхона раҳбари айби билан иш берувчига зарар етказилганлиги аникланса, хўжалик суди ўз ташаббусига кўра корхонага етказилган зарарни унинг раҳбаридан ундириб олиш ҳақида қарор қабул килиши мумкин<sup>1</sup>.

Корхона ва ташкилотларнинг иш берувчилари ходимга нисбатан ундан етказилган зарарни ундириб бериш ҳақида судга даъво қилганларида умумий асосларда давлат божи тўлайдилар ва суд харажатларини қоплайдилар.

Ходимдан у етказилган зарарни иш берувчига ундириш ҳақидаги даъвони қўраётган суд ходимнинг моддий ахволини, айби даражасини ва шаклини бошқа аниқ ҳолатларни хисобга олиб, зарар миқдорини камайтиришга, иш берувчи ва ходимнинг бу ҳақдаги ўзаро келишувини тасдиқлашга ҳақли.

Иш берувчи зарарни ундириб олишдан ихтиёрий воз кечишга ҳақли. Зарар ходим томонидан гаразли жиноятлар қилиниши оқибатида етказилганида унинг миқдори камайтирилиши, иш берувчи эса зарарни ундиришдан воз кечиши тақиқланган.

### **3-§. Ходимга етказилган моддий ва маънавий зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги**

Мехнат шартномаси муносабатлари унинг ҳар икки тарафига ҳам тенг хуқуклар берилиши, мажбуриятлар юклатилиши орқали ижтимоий мувозанатлаштирилган бўлиб, шунга кўра нафакат ходим, балки иш берувчи ҳам ўз айбли ҳаракати туфайли ходимга етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади. Ходимлар учун хавфсиз ва заарсиз шароит яратиш, ўз ходимлари соглиги, мулки ва мулкий манфаатларини ҳар томонлама химоя қилиш иш берувчининг муҳим бурчларидан саналади. Бунда ходимлар учун қулай иқтисодий шароит ва кенгрок хуқуқий ка-

<sup>1</sup> *Каранг:* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикаси айрим конунларига ўзgartирishlar ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конун билан Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексининг 269-моддасига киритилган қўшимча. Ўзбекистон Республикасининг Ахборотномаси. 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда.

фолатлар яратиш мақсадида иш берувчининг ходим олдидағи моддий жавобгарлиги қонунларда белгилаб қўйилган энг паст даражадан (энг кам миқдордан ҳам) кам бўлиши мумкин эмас, деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, муассаса, ташкилотлар ва ҳатто майший мақсадларда одамларни ишга ёллаган ҳамда улар билан меҳнат шартномаси тузган хусусий фуқаролар ҳам иш берувчи сифатида ўз ходимларига етказилган зарар учун моддий жавобгардирлар. Халқаро ҳукукий қоидаларда белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси худудида хўжалик ёки бошқа тадбиркорлик фаолияти юритаётган чет эл корхоналари ва чет эл сармоялари иштирокидаги қўшма корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган миллий қонунчилик режимига риоя этишлари лозим. Шунга кўра чет эл корхоналари ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ўз ходимлари олдида Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексига кўра моддий жавобгар бўладилар.

Иш берувчи ходимга етказилган зарар учун моддий жавобгарлиги обьектлари қаторига Мехнат кодексининг 187-моддасига мувофиқ қўйидагилар киради:

- меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ равишида ходимнинг соғлигига зарап етказилиши туфайли йўқотилган иш ҳаки ва кўрилган бошқа зараплар;
- ходим меҳнат бурчларини бажариши туфайли вафот этганида унинг қарамоғида бўлиб келган меҳнаттага яроқсиз оила аъзолари ўз даромадларидан маҳрум бўлишлари туфайли кўрган зарап;
- ходимни ишлаш имкониятидан ғайриқонуний маҳрум қилиш (ноқонуний ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш ёки ишдан четлатиш) натижасида мажбурий прогул вақти туфайли кўрилган зарап;
- ходимнинг мол-мулкига иш берувчи томонидан ғайриқонуний зиён етказилиши туфайли (ходим мулкининг нобуд бўлиши, йўқолиши, камайиши, шикастланиши) етказилган зарап;
- ходимга иш берувчи томонидан етказилган маънавий (жисмоний ёки руҳий азоб чекиши) зарап.

Иш берувчи ходимга етказилган зарарни қонунда маҳсус кўрсатилган ҳоллардан ташқари тўла ҳажмда тўлайди.

Мехнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ равишида ходим соғлигига шикаст етказиши, майиб бўлиши, касб касаллигига учраши туфайли унга етказилган зарап ўрнини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажа-

риш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари»да<sup>1</sup> белгилаб қўйилган шартларда ва тартибларда амалга оширилади.

Иш берувчи ходимлар соғлигига етказилган зарарни тўлаши шарт. Ходимнинг меҳнатдан майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг башкacha тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт.

Ходимнинг иш берувчи худудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам меҳнатдан майиб бўлиши, шунингдек иш берувчи томонидан ажратилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган пайтда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар бўлади.

Меҳнатда майиб бўлиш оқибатида ёки ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли ходимга етказилган зарарни иш берувчи, башарти зарар унинг айби билан келиб чиққанлигини исботлаб бера олмаса, тўлаши шарт.

Ўз меҳнат вазифаларини бажараётган вақтида юқори хавф манбаи натижасида ходимнинг соғлигига етказилган зарарни иш берувчи, башарти зарар уни бартараф килиш мумкин бўлмаган кучлар туфайли, жабрланувчи томонидан қасдан қилинганлиги хатти-ҳаракатлар оқибатида келиб чиққанлигини исботлаб бера олмаса, тўлаши шарт.

Ходимнинг соғлигига шикаст етиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган зарар миқдори Меҳнат кодексида белгиланган тартибида аниқланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 190-моддасида айтилишича: «Тўланиши лозим бўлган зарар жабрланаувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар олган ўртача ойлик иш хақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлиги даражасига мувофиқ белгиланган ҳар ойлик тўловдан, соғлигига шикаст етиши билан боғлиқ қўшимча харажатларини компен-сациясидан, шунингдек белгиланган ҳолларда эса, бир йўла бериладиган нафақа тўлашдан иборатдир.

Касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотиш даражаси ва жабрланаувчининг қўшимча ёрдам турларига муҳтоҷлиги тиббий меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан аниқланади. Зарар ўрнини қоплаш учун тўловларни тайинлашда жабрланувчи олаётган иш хақи, стипендия, пенсия ва бошқа даромадлар ҳисобга олинмайди. Бунда меҳнатда майиб

<sup>1</sup> Каранг: Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами, 1994 йил, 2-сон, 7-модда.

бўлган жабрланувчилар ногиронларга зарарни қоплаш учун тўланадиган сумма қонун хужжатларида энг кам иш ҳақи миқдорининг 50 фоизидан оз бўлиши мумкин эмас».

Ходим соғлигига зарар етишида унинг ўзи томонидан ҳам қўпол эҳтиётсизлиги заарнинг келиб чиқишига ёки кўпайишига сабаб бўлса (яъни тарафларни аралаш жавобгарлиги юз берган бўлса), у ҳолда иш берувчидан ходим фойдасига ундириладиган зарар ходим айби даражасига мутаносиб равишда камайтирилиши мумкин.

Ходим фойдасига ундириладиган кўшимча зарар (дори-дармон, парваришлар, протезлаш ва ҳоказо) бир йўла бериладиган нафақа миқдори, боқувчиси вафот этганлиги туфайли мархум қарамоғида бўлиб келган оила аъзоларига зарар ундириши пайтида ходимнинг ўзи ҳам айбдор эканлигини асос қилиб, ундириладиган заарнинг камайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ходим вафот этиши муносабати билан (иш фаолияти билан боғлик равишида) унинг қарамоғидаги оила аъзоларига зарарни қоплаш тартиблари Мехнат кодексида кўрсатиб қўйилган.

Ходим меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифасини бажариш билан боғлик ҳолда соғлигига бошқача шикаст етиши сабабли вафот этган ҳолларда, иш берувчи мархумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга, шунингдек 16 ёшга тўлмаган ёки у вафот этган кунга қадар ундан таъминот олиш хукукига эга бўлган шахсларга мархумнинг вафотидан кейин тугилган фарзандига, шунингдек отонасидан бирига, умр йўлдошига ёки оиланинг бошқа аъзосига, агар у ишламасдан мархумнинг уч ёшга етмаган болалари (укалари, сингиллари) ёки невараларининг парвариши балан банд бўлса, зарарни тўлаши шарт.

Кўйидагилар меҳнатга қобилиятсиз деб тан олинади ва зарар қоплашишини талаб қилишига ҳақли бўлади:

- ўн олти ёшга етгуналрича ногирон бўлган шахслар;
- олтмиш ёшга тўлган эркаклар ва эллик беш ёшга тўлган аёллар;
- белгиланган тартибида ногирон деб топилган шахслар.

Оила аъзосининг меҳнатга қобилиятсизлиги бошланган вақти (боқувчининг вафотига қадар ёки ундан кейин) унинг зарарини ундиришга бўлган хукукига таъсир этмайди. Ўкувчилар (кундузги) 18 ёшга тўлганларига қадар зарарни ундириш хукукига эга бўладилар. Зарар миқдорини аниқлаш Мехнат кодексининг 193-моддасида белгиланган тартибида амалга оширилади. Унга кўра:

«Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз бўлган шахсларга тўланадиган зарар миқдори мархумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида, унинг ўзига ва қарамоғида бўлган, лекин зарарни

ундиришга ҳақли бўлмаган меҳнатга қобилиятсиз шахсларнинг улушини чегириб ташлаган ҳолда белгиланади.

Зарар тўловини олишга ҳақли бўлган шахсларнинг ҳар бирига тегишли бўлган зарар миқдорини аниқлаш учун боқувчи иш ҳақининг мазкур шахсларнинг ҳаммасига тўғри келадиган қисми улар сонига тақсимланади.

Вафот этган шахснинг қарамогида бўлган, аммо зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар учун зарар тўлов миқдори куйидаги тартибда белгиланади:

агар таъминот маблағи суд томонидан ундирилган бўлса, у ҳолда зарар тўловлари суд томонидан тайинланган сумма миқдорида белгиланади;

агар таъминот маблағи суд тартибida ундирилмаган бўлса, у ҳолда зарар тўловлари уларнинг моддий аҳволи ҳамда вафот этган шахснинг ҳаётлик вақтида уларга ёрдам кўрсатиш имкониятини ҳисобга олиб белгиланади.

Агар вафот этган шахснинг қарамогида бўлган шахслар ҳам, унинг қарамогида бўлмаган шахслар ҳам айни бир вақтда зарар тўловини олишга ҳақли бўлсалар, бундай ҳолда зарар тўловлари миқдори, аввало, мархумнинг қарамогида бўлмаган шахслар учун белгиланади. Улар учун белгиланган зарар тўлов суммаси боқувчининг иш ҳақидан чегириб ташланади, сўнгра иш ҳақининг қолган миқоридан келиб чиқиб, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган тартибда мархумнинг қарамогида бўлган шахслар учун қопланадиган зарар миқдори белгиланади.

Боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси, худди шунингдек бошқа пенсия, иш ҳаки ва бошқа даромадлар қопланадиган зарар тўлови ҳисобга киритилмайди. Бунга қарамогидаги ҳар бир шахсга тегишли бўлган зарарни қоплаш суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳаки миқдорининг 50% дан оз бўлиши мумкин эмас».

Ходимнинг соғлигига шикаст етганида ёки у вафот этганида (меҳнат фаолияти билан боғлик равишда) бир йўла бериладиган нафақа миқдори иш берувчи билан ходимлар вакиллик органи (касаба уюшмаси) ўртасидаги ўзаро келишувга кўра белгиланади, аммо бу нафақанинг миқдори ходим соғлигига шикаст етганида унинг йиллик иш ҳақидан, ходим меҳнатда майибланиш оқибатида вафот этганида унинг қарамогида бўлган шахсларга тўланадиган бир йўла бериладиган нафақа

микдори эса мархумнинг олти йиллик ўртача иш хақи ҳажмидан кам бўлиши мумкин эмас.

Иш берувчи ходимга меҳнат қилиш имкониятидан гайриқонуний равища маҳрум этганлиги муносабати билан етказилган зарарни тўлашга мажбур. Бунда ходим меҳнат қилиш имкониятидан гайриқонуний равища маҳрум этилган барча ҳолларда ололмай қолган иш хақини иш берувчи унга тўлаши шарт. Бундай мажбурият, агар иш хақи ишга қабул қилиши гайриқонуний равища рад этилганлиги, меҳнат шартномаси гайриқонуний равища бекор қилингандиги ёки ходим гайриқонуний равища бошқа ишга ўтказилганлиги ва меҳнат низоларини кўрувчи органнинг бундай ишлар юзасидан чикарган карори ўз вақтида бажарилмаганлиги, меҳнат дафтарчасини бериш кеччирилганлиги, ҳар қандай йўллар билан ходимнинг шаънига доғ туширувчи маълумотлар тарқатилганлиги натижасида, башарти бу маълумотлар хақиқатга тўғри келмаса, шунингдек бошқа ҳолларда олинмай қолган бўлса, келиб чиқади.

Иш берувчи ходимнинг мол-мулкига етказилган зарар учун ҳам жавобгардир. Меҳнат кодексининг 197-моддасида айтилишича: «Зарар ундириш ҳақидаги аризани иш берувчига жабрланувчи ходим вафот этган тақдирда эса, зарар тўловини олишга ҳақли бўлган манфаатдор шахслар беради.

Иш берувчи аризани кўриб чиқиши ва ариза тушган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида тегишли қарор қабул қилиши шарт. Иш берувчининг ходимга зарарни тўлаш ҳақидаги буйруғининг нусхаси ёки рад этиш ҳақидаги далил асосли ёзма жавоби у қабул қилингандан бошлаб уч кунлик муддат ичида ходим ёки манфаатдор шахсларга топширилади.

Ходим ёки манфаатдор шахслар иш берувчининг карорига рози бўлмаган ёки белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда, улар мазкур низони ҳал қилиб бериш учун судга мурожаат қилишлари мумкин».

Ходимга етказилган маънавий зарар ҳам иш берувчи томонидан тўла қоплаб берилиши лозим. Маънавий зарар микдорини белгилаш манфаатдор шахслар даъво талабига кўра суд томонидан амалга оширилади. Ходимга етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги ариза 10 кун ичида иш берувчи томонидан кўриб чиқилиши, рад этилганида эса ёзма жавоб берилиши шарт.

Зарар иш берувчи томонидан ихтиёрий равища қоплаб берилимаган тақдирда, соғлигига зарар етган ходим, ходим вафот этган тақдирда эса, зарар тўловини олишга ҳақли бўлган манфаатдор шахслар зарарни ундириб берилишини сўраб даъво аризаси билан судга мурожаат қилишлари мумкин. Бундай даъволар бўйича даъво муддати қўлланилмайди ва ходимлар давлат божи ҳамда бошқа суд харажатларини тўлашдан озод этилади.

**Билимингизни текшириб кўринг**

- 1. Мехнат шартномаси томонлари мөддий жавобгарлиги тушунчаси ва унинг та-мойиллари ҳақида сўзлаб беринг.*
- 2. Ҳодимлар мөддий жавобгарлигининг асослари ва шартлари нима?*
- 3. Ҳодимлар мөддий жавобгарлигининг қандай турлари мавжуд?*
- 4. Чекланган мөддий жавобгарлик нима?*
- 5. Ҳодимлар қайси ҳолларда тўғла мөддий жавобгар бўладилар?*
- 6. Тўлиқ мөддий жавобгарлик ҳақидағи шартнома нима ва унинг қандай турлари бор?*
- 7. Ҳодим томонидан иши берувчига етказилган мөддий зарарни ҳисоблаб чиқши ва қоплаш тартиби қандай?*
- 8. Иши берувчи томонидан ҳодим соглигига зарар етиши, унинг вафот этишига сабаб бўлиши туфайли етказилган мөддий зарарни қоплаш қандай қоидалар асосида амала оширилади?*
- 9. Ҳодимга ёки оила аъзоларига унинг соглигига зарар етиши ёхуд вафот этиши ту-файли бир марталик тўлов миқдори ҳақида гапириб беринг.*
- 10. Ҳодимнинг мол-мулкига етказилган зарар қандай тартибда қопланади?*
- 11. Маънавий зарар ва унинг қопланини ҳақида сўзлаб беринг.*

## XVI боб. МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ ВА УНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1-§. Мехнат муҳофазаси тушунчаси ва уни таъминлашнинг хуқуқий воситалари

Кулай меҳнат шароитида ишлаш хуқуқи – фуқароларнинг муҳим конституциявий хуқуқларидандир. Ушбу хуқуқларни амалда таъминлаш меҳнат муҳофазасига оид қонун хужжатлари талабларини оғишмай бажариш йўли билан рўёбга чиқарилиши мумкин. Меҳнат муҳофазаси тегишли қонун ва бошқа меъёрий хужжатлар асосида амал қилювчи, инсоннинг меҳнат жараённида хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Меҳнат хуқуқида меҳнат муҳофазаси атамаси кенг ва тор маънолар-да ишлатилади. Кенг маънода бу атама меҳнатини қўллашга оид барча масалалар мажмuinи ўз ичига оладиган ва меҳнат хуқуқининг турли бўлимлари (меҳнат шартномаси, иш ва дам олиш вақти ва бошқалар)га тааллуқли хуқуқ нормалари йиғиндиши тушунилади. Булар жумласига ишга қабул қилишдан асоссиз бош тортишни тақиқловчи, ҳодимларни ишдан бўшатиш ва бошқа ишга ўтказишни чекловчи, иш вақти чегараларини бел-гиловчи ҳамда бошқа кўплаб қулай меҳнат шароитлари яратилишига қара-тилган йўналишлар киради.

Тор маънода эса меҳнат муҳофазаси атамаси ходимлар учун хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратиш, ишлаб чиқариш участкаларида техникавий, санитария-гигиена шароитларини таъминлаш мақсадида белгиланган стандартлар ва нормативларнинг ишлаб чиқилиши ва уларга амал қилишни таъминлашга оид иқтисодий, хукукий, ташкилий чора-тадбирлардан иборат бўлади.

Меҳнат муҳофазаси техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитариясини ҳам ўз ичига олади. Техника хавфсизлиги деганда ишлаб чиқаришни зарарли омиллари таъсирини бартараф этишга қаратилган ташкилий тадбирлар ва техникавий воситалар тизими назарда тутилади. Ишлаб чиқариш санитарияси деганда, ишлаб чиқаришнинг зарарли таъсирларининг олдини олишга ёки уларни камайтиришга қаратилган ташкилий тадбирлар ва техникавий воситалар тизими тушунилади.

Меҳнат муҳофазасига оид қонунлар мулкчилик шаклидан қати назар, барча корхона ва ташкилотларга, кооперативлар, дехқон-фермер хўжаликларида ёлланиб ишлаётган ёки аъзо бўлган ҳолда меҳнат килаётган барча фуқароларга, ишлаб чиқариш амалиёти даврида корхонала-рга жалб этилган ўқувчилар ва талабаларга, корхонадаги ишларга жалб этилган ҳарбий хизматчиларга, муқобил хизматни ўтаётган шахсларга, шунингдек давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб амалга оширилади-ган бошқа ишларга жалб этилган барча фуқаролар меҳнатини муҳофазалашга нисбатан тадбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»<sup>89</sup> гигиеналик Конуни<sup>89</sup> 4-моддасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати асослари баён этилган бўлиб, корхонанинг ишлаб чиқариш натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устуворлиги бу сиёсатнинг бош қоидаларидан бирини ташкил этади.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг хукукий манбаи Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»<sup>90</sup> гигиеналик Конуни, Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш» боби (211-223-моддалар) ва бошқа қоидалар, Ўзбекистон хукуматининг меҳнатни муҳофаза қилишга оид қарорлари, вазирликлар ва идораларнинг ишлаб чиқаришдаги техник хавфсизлиги, санитария ҳамда гигиенага, профилактикага оид йўрикномалар, стандартлар, техникавий шартлар, маҳаллий давлат ҳокимият органларининг қарорлари, корхона ва ташкилотларнинг бевозита ўзида ишлаб чиқилган, иш берувчилар ҳамда ходимлар вакиллик

<sup>89</sup> Каранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т., «Адолат», 1994, 8-сон.

органлари билан ўзаро келишиб тасдиқлаган меҳнатни муҳофаза қилишга оид локал мөъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг давлатларо икки томонлама ва кўп томонлама ахдлашувлари, Ўзбекистон иштирок этган ёки тан олган ҳалқаро шартномалар ҳам меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликнинг муҳим манбаларидан ҳисобланади<sup>1</sup>.

Меҳнат кодексининг 211-моддасига кўра, меҳнат муҳофазаси меҳнат муносабатларининг муҳим таркибий элементи ҳисобланниб, ундан иш берувчи учун ҳам, ходим учун ҳам муҳим ҳукуклар ва мажбуриятлар вужудга келади.

Меҳнат кодексининг 212-моддасида меҳнатни муҳофазаси юзасидан ходимларнинг мажбуриятлари кўрсатилган бўлиб унга кўра, «Ходим меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва йўриқномаларига, шунингдек маъмуриятнинг ишни бехатар олиб бориш ҳақидаги фармойишларига риоя қилиши, олинган шахсий воситалардан фойдаланиши, инсонлар ҳаёти ва соғлигига бевосита хавф соладиган ҳар қандай холат ҳақида, шунингдек иш жараёнида ёки у билан бօғлик ҳолда содир бўлган ҳар қандай бахтсиз ҳодиса ҳақида ўзининг бевосита раҳбарини (бригадири, устаси, участка бошлиги ва бошқаларни) дарҳол хабардор қилиши шарт».

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга қатъий амал қилиш ходимнинг бурчи бўлиб, унга риоя этмаслик интизомий жавобгарликка ва интизомий жазо қўлланишига сабаб бўлади. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилишини текшириб бориш ва зарур шарт-шароитлари билан таъминлаш иш берувчининг мажбуриятлари сирасига киради.

Корхоналарда меҳнатни муҳофазасига оид ишларни режалаштириш ва амалга ошириш, бу соҳани иш берувчи томонидан бошқариш корхоналарнинг хўжалик мустақиллиги билан уйғун ҳолда олиб боришига асосланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш режалари муайян тармоқ минтақада соғломлаштириш, меҳнат шароитларини такомиллаштиришнинг умумий режалари таркибий қисми ҳисобланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари корхона лойиҳаланиши, курилиш ва фойдаланишига топширилишидан бошлаб, ишлаб чиқариш жараёни давомайди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳалқаро Меҳнат Ташкилотининг 1963 йилги «Машиналарни химоя мосламалари билан таъминлаш ҳақида»ги, 1977 йилги 148-сонли «Ҳавони ифлослантириш, шовқин ва иш жойидаги тебранишлардан химоя қилиш ҳақида»ги ва бошқа Конвенциялари.

мида ҳам узлуксиз амалга оширилади. Мехнатни муҳофаза қилиш юза-  
сидан стандартларни аниқлаш қонун ҳужжатлари билан белгиланади<sup>2</sup>.

Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конуннинг 9-моддасида  
корхоналар ва обьектларни лойиҳалаш, куриш ва ишлатишда, ишлаб  
чиқариш воситаларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза  
қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш чоралари белгилаб  
кўйилган бўлиб, унга кўра меҳнат муҳофазаси талабларга жавоб бер-  
майдиган корхона ва обьектларнинг ишга тушиши таъкиланганлиги  
кўрсатилган.

Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга қаратилган  
профилактик чоралар жумласига юқоридагилардан ташкари,  
корхоналарда техника хавфсизлигини таъминлаш хизмати бўлиши  
лозимлиги ҳақидаги (мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конуннинг 14-  
моддаси) меҳнатни муҳофаза қилишга оид йўрикнома ва бошқа меъёрий  
хужжатларнинг ишлаб чиқилиши, ходимларнинг якка ҳимояланиш  
воситалари билан таъминланишлари ва бу воситалардан фойдаланиш ходим  
учун мажбурий эканлиги, заرارли ишлаб чиқариш шароитларида банд  
бўлган ходимларнинг касалликка чалинишларининг олдини олиш мақсадида  
белгиланган меъёrlарга мувофиқ профилактик озиқ-овқат маҳсулотлари,  
шўр сув, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминланишлари, айрим тоифага  
мансуб ёки заرارли меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларни ишга  
қабул қилиш пайтида ҳамда иш давомида вақти-вақти билан тиббий  
кўриқдан ўтказиб туриш лозимлиги, соғлиги ҳолатига кўра ходимларни  
енгилроқ ишга ўтказиб турилиши каби тадбирлар ҳам киради.

Мехнатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун давлат маблағлари ажрати-  
лади ҳамда улардан тўлиқ ва мақсадга мувофиқ фойдаланилиши давлат ҳам-  
да жамоатчилик йўли билан назорат қилинади. Корхона томонидан меҳнатни  
муҳофаза қилиш учун ажратилган маблағлардан тўлиқ ёки мақсадга мувофиқ  
фойдаланмаслик давлат ва молия интизомини кўпол равишда бузиш деб  
баҳоланади.

Корхоналарда ходимлар иш берувчилар ҳисобидан баҳтсиз ҳодиса-  
лардан ва касб касалликларига чалинишдан мажбурий сугурта қилиб  
кўйилади. Мехнат муҳофазасига оид умумий ва маҳсус қоидалар Ўзбеки-  
стон Республикаси Мехнат кодекси, “Мехнат муҳофазаси тўғрисида”ги  
Конунда, «Ахоли соғлигини сақлаш тўғрисида»ги<sup>1</sup>, “Санитария назорати

---

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2000 йил 7 январда 870-тартиб  
раками билан давлат рўйхатига олинган «Мехнат муҳофазасига оид йўрикномалар ишлаб  
чиқиш ҳақида”ги Низом.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистоннинг янги конунлари, «Адолат», 1997, 82-бет, 14-сон.

тўғрисида”ти<sup>2</sup>, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ти<sup>90</sup> ва бошқа Қонунларда, улар асосида ишлаб чиқилган меъёрий хужжатларда белгилаб кўйилган.

Ходимларнинг айрим тоифаларига мансуб бўлган шахсларнинг (аёллар, ўсмирлар ва бошқалар) меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари уларга доир бўлган маҳсус конун хужжатлари билан тартибга солинади.

Меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқариш шароитларини яхшилаш масалалари корхона жамоа шартномасида, тармоқ келишувларида ва бошқа локал меъёрий хужжатларда ҳам ўз аксини топади.

## *2-§. Меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги юзасидан ходимлар ҳамда иш берувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари*

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 16-моддасида хавфсиз ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш ходимнинг асосий ҳуқуқларидан бири эканлиги белгилаб кўйилган. Меҳнат кодексининг 213-моддасига кўра:

Иш берувчи меҳнат шартномасини тузишда ва бошқа ишга ўтказишида ходимни меҳнат шароитлари, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли тўғрисида, шу билан боғлиқ ҳолда унга бериладиган имтиёз ва компенсациялар, шунингдек шахсий химоя воситалари ҳакида хабардор қилиши керак.

Иш берувчи ходимларга ёки уларнинг вакилларига муайян иш жойидаги ва ишлаб чиқаришдаги меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати ҳакида ҳам ахборот бериши шарт.

Ходим иш жараёнида ўзининг ҳаёти ёки соғлигига таҳдид солувчи ҳолатлар юзага келганда бу ҳақда иш берувчини дарҳол хабардор қиласди. Агар бундай ҳолатлар иш берувчи томонидан дарҳол бартараф этилмаса, у ҳолда ходим иш бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Маъмурият меҳнатни муҳофаза қилишнинг замонавий воситаларини жорий этиш ва ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳамда касб касалликларининг олдини оладиган санитария-гигиена шароитларини таъминлаши шарт.

<sup>2</sup> Каранг: Ўша манба, Т., «Адолат», 1993, 105-бет, 6-сон.

<sup>90</sup> Каранг: Ўша манба, Т., «Адолат», 1993, 195-бет, 7-сон.

Ходимнинг саломатлиги ёки ҳаётига хавф тугдирувчи вазият пайдо бўлганда, у бу ҳақда зудлик билан маъмуриятга хабар қилади, бу ҳол назорат органи томонидан тасдиқланган тақдирда маъмурият ишни тўхтатиши ва хавфни бартараф этиш чорасини кўриши шарт. Маъмурият томонидан зарур чоралар кўрилмаган тақдирда, ходим ишни хавф бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туришга ҳаклидир ва унга ҳеч қандай интизомий жазо қўлланимайди.

Маъмурият агар меҳнатни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан тасдиқланган, ходимнинг ҳаёти ва саломатлиги учун тўғридан-тўғри жиддий хавф ҳамон сақланиб турган бўлса, ундан ишни қайта бошлишни талаб қилишга ҳақли эмас ва ходимга иш тўхтатиб турилган бутун давр учун барча моддий зиённи тўлаши шарт.

Маъмурият меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузган ва бу назорат қилувчи идоралар томонидан тасдиқланган тақдирда, меҳнат шартномаси ходимнинг аризасига кўра, унга ишдан бўшаганда бериладиган пул тўлангани ҳолда исталган пайтда бекор қилиши мумкин. Ходимда касб қасаллиги белгилари аниқланган тақдирда маъмурият тиббий хulosаси асосида унга ихтиносини ўзгартиргунга қадар ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда бошқа ишга ўтказиши лозим.

Соғлиги ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказишига муҳтоҷ ходимларни иш берувчи, уларнинг розилиги билан тиббий хulosага мувофиқ вақтинча ёки муддатни чекламай ана шундай ишларга ўтказишига мажбур.

Соғлиги ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда ходимларнинг шундай ишларга ўтказилган кунидан бошлаб, икки ҳафта мобайнида аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Сил қасаллити ёки касб қасаллигига чалинганилиги сабабли камроқ ҳақ тўланадиган бошқа ишга вақтинча ўтказилган ходимларга шу ишга ўтган вақт учун, лекин икки ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида қасаллик варақаси бўйича янги ишда бериладиган иш ҳақига қўшилганда ходимнинг аввалги ишидаги тўлиқ иш ҳақидан ошиб кетмайдиган миқдорда нафақа тўланади. Башарти, қасаллик варақасида кўрсатилган муддатда иш берувчи бошқа иш топиб беролмаган бўлса, у ҳолда шунинг оқибатида бекор ўтган кунлар учун нафақа умумий асосларда тўланади.

Иш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлигига бошқача тарзда шикаст етказилганлиги муносабати билан вақтинча камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган ходимларга уларнинг соғлиги

шикастланганлиги учун жавобгар бўлган иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқни тўлайди. Бундай фарқ меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ёки ногиронлиги белгилан-гунга қадар тўланади.

Қонун хужжатларида соғлиги ҳолатига кўра енгилроқ ёки нокулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини ҳал этадиган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда аввалги ўртача ойлик иш ҳақини сақлаб қолишнинг давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўлаб туришнинг бошқача ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ходимлар хуқуқлар билан бир қаторда мажбуриятларга ҳам эгалар. Меҳнат кодексининг 212-моддасида айтилишича:

Ходим меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва йўрикномаларига, шунингдек маъмуриятнинг ишни бехатар олиб бориш ҳақида-ги фармойишига риоя қилиши, олинган шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши, инсонлар ҳаёти ва соғлигига бевосита хавф соладиган ҳар қандай ҳолат ҳақида, шунингдек иш жараёнида ёки у билан боғлик ҳолда содир бўлган ҳар қандай баҳтсиз ҳодиса ҳақида ўзининг бевосита раҳбарини (бригадири, устаси, участка бошлиги ва бошқаларни) дархол хабардор қилиши шарт.

Меҳнат муҳофазасига оид қоида ва стандартларга кўра муайян ишни бажаришга ходимнинг қўйилиши учун у маҳсус ўқитилиши ва имтиҳон топшириши лозимлиги белгилаб қўйилган бўлса, у ҳолда ушбу ишлар хавфсизлиги ва эксплуатация қоидалари юзасидан ўқитилиши лозим. Ходимни бундай ўқитишдан бўйин товлашига йўл қўйилмайди.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунни 19-моддасида кўрсатилганидек:

Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича давлат назорат идоралари белгиланган тартиб ва муддатларда ўкишлари, йўл-йўриклар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари шарт.

Маъмурият барча янги ишга кираётганлар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётганлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз усуулларини ўргатишни ташкил этиши, меҳнатни муҳофаза қилиш ва баҳтсиз ҳодисаларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриклар беришлари шарт.

Ўта хавфли ишлаб чиқаришларга ёки касбий танлов талаб қилинадиган ишга кираётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича имтиҳонлар топшириладиган ва кейин вақти-вақти билан қайта аттестациядан ўтиладиган ўкув ўтказилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқитиш, йўл-йўриклар бериш ва билим-

ларни текширишдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш тақиқланади. Маъмурият ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича малакаси мунтазам ошириб борилишини таъминлаши шарт.

Корхоналарда меҳнат муҳофазасини таъминлаш ва соғлом, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиша иш берувчига, унинг вакили саналувчи корхона маъмуриятининг аҳамияти катта. Амалдаги қонунчилик иш берувчи (маъмурият)нинг бу соҳадаги хукуқлари ва мажбуриятларини на- зарда тутади.

Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради. Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлиги учун жавобгардир.

Стандартлар, эргономика, меҳнатни муҳофаза қилишга доир коидалар ва меъёрлар талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, куриш ҳамда қайта куриш, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чикиш, тайёрлаш, таъмирлаш, технологияларни жорий этишга шу жумладан хориждан сотиб олингандарини жорий этишга йўл қўйилмайди.

Ҳеч бир янги ёки қайта курилаётган корхона, ишлаб чиқариш воситалари, агар улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда бериладиган хавфсизлик шаҳодатномасига эга бўлмаса, фойдаланишга қабул қилиниши ва ишга туширилиши мумкин эмас.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган корхоналар Ўзбекистон Республикасининг тегишли назорат идоралари берадиган фаолиятни амалга ошириш хукуқини таъминловчи рухсатномани олдиндан тақдим этишлари шарт. Корхонанинг кўрсатилган рухсатномани олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишловчилар соглиги ҳамда ҳаётига хавф тугдирувчи корхоналар фаолияти ёки ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, улар меҳнат хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтирулгунга қадар, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ваколатли идоралар томонидан тўхтатиб қўйилиши керак.

Йўл қўйиладиган энг кўп месёrlар (концентрацияси) ишлаб чиқарилмаган ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтмаган заҳарли моддаларни ишлаб чиқаришда қўллаш тақиқланади. Меҳнат кодексининг 214-моддасида айтилганидек:

Иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан куйидаги ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиши ташкил қилиши шарт:

йўн саккиз ёшга тўлмаганлар;

олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;

ногиронлар;

меҳнат шароити нокулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт харакати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;

озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиши билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасалар-нинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериши билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Меҳнат шароити нокулай ишлар ва бажараётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирилиги томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ходимлар тиббий кўриқдан ўтишидан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Иш берувчи тиббий кўриқдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларни бажаришдан бош тортган ходимларни ишга кўймасликка ҳақлидир.

Ходимлар меҳнатидан уларнинг соғлиги ҳолатига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл кўйилмайди. Агар ходим ўз соғлигининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташкири тиббий кўриқдан ўтказиши талаб қилишга ҳақлидир. Тиббий кўриқдан ўтиши муносабати билан ходимлар чикимдор бўлмайдилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш учун белгилangan тартибда маблағлар ва зарур материаллар ажратиласди. Бу маблағ ва материалларни бошқа мақсадга сарфлаш ман этилади. Мазкур маблағ ва материаллардан фойдаланиш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилемаган бўлса, иш берувчи билан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишув аосида белгиланади. Меҳнат жамоалари, уларнинг вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағлардан фойдаланилишини текшириб борадилар.

Меҳнат шароити нокулай ишларда банд бўлган ходимлар белгилangan месъёрлар бўйича:

сут (шунга teng бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари);

даволаш-профилактика озиқ-овқати;

газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун);  
махсус кийим-бош, пойафзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланадилар.

Бундай ишларнинг бериладиган рўйхати, бериладиган нарсаларнинг меъёрлари, таъминот тартиби ва шартлари жамоа келишувларида, жамоа шартномаларида, агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

«Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конуннинг 15-моддаси иш берувчи зиммасига ходимларни қонунлarda белгиланган тартибда ва шартларда қасб қасалликларидан ҳамда баҳтсиз ҳодисалардан мажбурий сугурта килишлари лозимлиги мажбуриятини юклайди. Мехнат муҳофазасига оид муносабатлар қасаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, иш берувчилар вакиллари, маҳаллий ва бошқа давлат ҳокимияти ҳамда бошкарув органлари ҳам фаол иштирок этадилар.

Амалдаги қонунчиликка кўра («Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конуннинг 3-моддаси) меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бермайдиган корхоналар ва обьектлар лойихаланиши, қурилиши ва ишга туширилиши тақиқланади.

Корхоналарда меҳнат муҳофазасига оид стандартлар, йўрикномалар ва қоидалар амал қиласди. Улар корхонани лойихалаштирилишдан бошлаб бевосита ишлаб чиқариш жараёнларигача бўлган барча босқичларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда меҳнатни, атроф-мухитни муҳофаза қилишнинг илмий асосланган стандартлари, қоида ва меъёрларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўли билан ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган талаблар даражасини белгилайди, шунингдек қасаба уюшмалари билан келишилган ҳолда меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар, қасб қасалликларининг олдини олишга оид республиканинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини ишлаб чиқади ва молиявий таъминлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қиласди.

Вазирликлар ва идоралар тегишли қасаба уюшмаси идоралари билан келишилган ҳолда меҳнат шароитларини яхшилашга оид тармоқ дастурларини ишлаб чиқадилар ва молиявий таъминлайдилар.

Корхоналарнинг бевосита ўзида иш берувчи ва ходимлар вакиллик органлари ўзаро келишиб меҳнат муҳофазаси, эксплуатация қоидалари ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа локал характеристердаги корхона меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқадилар ва жорий этапдилар.

Ишлаб чиқаришнинг заарли таъсири замонавий фан ва техника ютуқлари билан бартараф этиб бўлмайдиган ҳолларда ходимлар хаёти ҳамда саломатлигини иссиқ ёки совук ҳарорат, кимёвий, физик ёки бошқа заарли таъсирлардан ҳимоя қилишнинг маҳсус чоралари белгиланади. Ана шундай ишларни бажаришнинг маҳсус қоидалари жорий этилиши, ходимлар маҳсус кийим, пойафзал ва якка ҳимояланиш воситалари билан таъминланиши ана шундай чоралардан ҳисобланади.

### **3-§. Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини муҳофазалашга тааллуқли маҳсус қоидалар. Хотин-қизлар меҳнатини муҳофазалаш**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 78-моддасига мувофиқ ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни, уларнинг ҳомиладорлигини ёки ёш боласи борлигини важ қилиб ишга қабул кильмаслик, ишга қабул қилишни гайриконуний рад этиш деб баҳоланади. Иш берувчи ишга қабул қилишни рад этган тақдирда ходимнинг талаби билан уч кун ичидан ишга қабул қилишни рад қилиш асосларини кўрсатиб ёзма жавоб беришга мажбур. Ушбу ёзма жавоб асосида, фуқаро мазкур масала хусусида судга мурожаат қилишга ҳакли. Башарти судда иш кўриш давомида иш берувчи аёл ҳомиладорлиги ёки уч ёшга тўлмаган боласи борлиги туфайли ишга қабул қилишдан бош тортганлиги маълум бўлса, ишга қабул қилишни гайриконуний равишда рад этишда айборд бўлган мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши мумкин (Жиноят Кодексининг 148-моддасининг 2-қисми).

Меҳнат тўғрисидаги конун ҳужжатлари ёш болали аёлларни ишга жойлашиб ҳуқуқларини қўшимча кафолатлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддасида ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар дастлабки синов муддати кўлланилмаган ҳолда, яъни ҳеч бир синов ёки бошқа қандайдир шартларсиз ишга қабул қилинишлари шартлиги ҳақидаги қоид назарда тутилган. Аёллар билан меҳнат муносабати давом этаётган даврда уларни бошқа ишга кўчириш умумий асосларда амалга оширилади. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 226-227-

моддаларига мувофик, тиббий хулосага мувофик ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилиши ёки уларнинг аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд нокулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилиши лозим.

Ҳомиладор аёлга бошқа енгилроқ иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар у ана шу сабабларга кўра ишга чиқмаган барча иш кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод қилинадилар. Шунингдек, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариш имконига эга бўлмаган тақдирда боласи икки ёшга тўлгунга қадар аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда бошқа енгилроқ ишга ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 237-моддасида айтилишича: «Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилишга йўл кўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиши холлари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни, албатта ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади». Мазкур аёлларни ишга жойлаштиришни тугатилаётган корхонанинг ҳукукий вориси амалга оширади, ҳукукий ворислари бўлмаган тақдирда эса, маҳаллий меҳнат бўлимлари уларга маъқул келадиган иш топища ва ишга жойлаштириш даврида конун ҳужжатларида белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан ёрдам кўрсатишга мажбурдир.

Давлатимиз томонидан келажагимиз таяничи бўлган ёш авлодни, улар тарбияси билан машғул бўлган оналар ва барча хотин-кизларни ишлаб чиқариш жараённида ҳимоялашга қаратилган улкан ижтимоий дастурлар ва тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Аёлларни ижтимоий ҳимоялаш», «Ногиронларни меҳнатта қайтариш» давлат дастурларининг рӯёбга чиқарила бошланиши билан бир неча минглаб иш жойлари соғломлашувига, кулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилишига эришилди. Аммо ҳалқ ҳўжалигининг айрим тармоқларида, ижара, фермер ва жамоа ҳўжаликларида меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини писанд қиласмаслик, аёлларга берилган кафолатлардан фойдаланилишига тўқсиналик қилиш, улар меҳнатидан нокулай ва хавфли ишларда фойдаланиш ҳоллари учраб турибди, бу эса аёллар саломатлигига, болалар парвариши ва тарбиясига салбий таъсир қилмоқда<sup>1</sup>.

Корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазасига оид асосий талаблар ҳамда қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси (13-боб,

<sup>1</sup> Қаранг: «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 19 феврал.

211-233-моддаларда), Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларида, тармоқ вазирликлари ва идоралар томонидан ишлаб чиқилиб, тасдиқланадиган меҳнатни муҳофаза қилишга оид стандартлар, корхоналарда тузилган жамоа шартномалари, тармоқ жамоа келишувлари, ички меҳнат тартиби қоидаларида ва бошқа меъёрий хужжатларда назарда тутилган.

Хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилишга оид кўшимча талаблар Меҳнат кодекси ва бошқа қонун хужжатларида белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 225-моддасида айтилишича, «Меҳнат шароити нокулай ишларда аёллар меҳнатининг кўлланиши тақиқланади, ер остидаги баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар) бундан мустаснодир».

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 анвардан 865-тартиб рақами далан давлат рўйхатидан ўтказилган аёллар меҳнатининг кўлланилиши тўлиқ ёки қисман тақиқланган, нокулай меҳнат шароитига эга бўлган ишлар рўйхатида аёллар ишлаши мумкин бўлмаган ёки чекланган касблар, ишлар иш жойлари доираси белгиланган.**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 225-моддаси, 2-кисмида айтилишича, «Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари ман этилади».

Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария Бош шифокори томонидан 1996 йил 19 марта тасдиқланган «Юкларни кўлда кўтариш, ташишда аёллар учун йўл қўйилиши мумкин бўлган оғирликнинг санитария меъёрлари»да мазкур санитария меъёрлари ва қоидалари мулкчиликнинг барча шаклларида корхона, ташкилот ва бирлашмалар учун мажбурий бажарилиши шартлиги қайд этилган. Ушбу санитария меъёрларининг белгиланишидан кўзланган асосий мақсад – аёллар учун энг мақбул меҳнат шароитларини яратиш, репродуктив функция (бola туғиши)нинг бузилиши ва аёл саломатлигига путур етишига йўл кўймасликдан иборатdir.

Ушбу санитария меъёрларига кўра хотин-қизлар ташиши ва кўтариши мумкин бўлган оғирлик меъёрлари 1-жадвалда белгиланган.

16, 18 ёшдаги ўсмир қизлар учун кўлда кўтариладиган ва бир жойдан иккинчи жойга ташиладиган юк массаси 7 кгдан, 14, 15 ёшли қиз болалар учун эса 3,5 кгдан ошмаслиги лозим.

16, 18 ёшдаги ўсмир қизларнинг бир ғилдиракли, 2,3 ва 4 ғилдиракли аравачаларда юкларни ташиш нормалари белгилаб қўйилган бўлиб, бу соҳадаги энг кўп юк миқдорлари 2-жадвалда кўрсатилган.

Вояга етган хотин-қизлар учун огир юкни бир жойдан бошқа жойга олишга йўл қўйиладиган меъёрлар.

**1-жадвал**

<b>Огир юкни кўтариш ва ташиш характери</b>		<b>Кўтариш ёки ташишга йўл қўйиладиган юк массаси кг.да</b>
1.	Бошқа ишларни бажариш давомида ҳар замонда огир юкни кўтариш ва ташиш	9 кг
2.	Бутун смена давомида доимий огир юкни кўчириси ва ташиш	6 кг
3.	Иш сменаси давомида ҳар соат мобайнида кўтариб ташлайдиган юкларнинг умумий массаси қўйидагидан ошмаслиги керак: – ишланадиган жой сатҳидан; – ердан.	300 кг 150 кг
4.	Иш сменаси мобайнида кўтариб ташлайдиган юкларнинг умумий массаси қўйидагидан ошмаслиги керак: – ишланадиган жой сатҳидан; – ердан.	2500 кг 1250 кг

**2-жадвал**

<b>Бошқа жойга олиш тўғрисида</b>	<b>Йўл қўйилг ан юк</b> <b>1 кг</b>	<b>Кўтарилиш даражаси ва юк ташиш шароити</b>
Кўлда	7 кг.гача	0,01 дан ошмаган ҳолда
Бир гилдиракли аравачада	Қизларга йўл қўйилмайди	–
Икки гилдиракли аравачада	Қизларга йўвл қўйилмайди	–
3 ва 4 гилдиракли аравачада	52 кг	0,02 дан ошмайдиган ҳолда текис ерда силжитишга рухсат берилади
Вагончада	224 кг	0,01 дан ошмаган ҳолда релслар устида силжитишга рухсат берилади.

Аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш фақат улар меҳнатдан фойдаланиш тақиқланган иш ва касбларни белгилаш, улар кўтариши ёки ташиши мумкин бўлган юк меъёрларини белгилашдангина иборат бўлмай,

бошқа кўплаб ташкилий хуқукий тадбирлар мажмунини ҳам назарда тутади ҳамда уларнинг асосий мақсади, юкорида таъкидланганидек, бола туғиши, парваришлаш ва тарбиялаш қобилиятларини ҳимоя қилиш, соғликларига шикаст этишининг олдини олишдан иборат.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунга кўра, ҳар бир ходим, шу жумладан хотин-кизлар ҳам, ўзлари меҳнат килаётган шарорити ҳақида, бу шароитларнинг ўз соглиги учун қай даражада хавф-хатар туғдириши мумкинлиги тўғрисида тўлиқ ва объектив ахборотларни олишга ҳақли. Улар ўзларининг

### 3-жадвал

Олиб ўтиш тури	Йўл қўйиладиган юк (кг)	Йўл қўйиладиган кўтариш меъёрлари
Кўлда (бир киши)	9 кг	Текис сатҳ бўйлаб
Замбилда (икки киши)	22 кг	Текис сатҳ бўйлаб
Бир гилдиракли аравада	25 кг	0,01 ошмаган ҳолда нотекис сатҳ бўйлаб
Уч ва тўрт гилдиракли аравада	50 кг	0,01 дан ошмаган ҳолда, нотекис сатҳ бўйлаб ҳам
Икки гилдиракли кўлдаи ортиладиган аравада	60 кг	0,02 дан ошмаган ҳолда, тикис сатҳ бўйлаб
Ўшанинг ўзида	60 кг	0,01 дан ошмаган ҳолда ер катлами ва тош йўлдаги нотекис сатҳда
Вагончаларда	300 кг	0,01 дан ошмиган ҳолда релсларда кўчириш

касб касалликларига ёхуд меҳнат фаолияти билан боғлиқ бошқа касалликларга чалиниб қолишлари эҳтимолининг олдини олиш мақсадида навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтказилишлари, касб касалликларига чалингандаридан эса қонунда белгиланган тартибда ўзларига етказилган зарар миқдорини иш берувчидан қоплаб берилишини талаб қилишлари мумкин. Касб касалликлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарори билан тасдиқланган<sup>1</sup>.

### Ёшлар меҳнатини муҳофазалаш

Ўзбекистон Республикаси давлати ёшларга оид сиёсатининг моҳијати, уларга бериладиган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий,

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти бўйича норматив Ҳужжатлар тўплами. Т., “Меҳнат”, 1994, 44-бет.

хуқукий соҳаларидағи кафолатлар «Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган<sup>2</sup>.

Ушбу Қонуннинг 1-моддасида айтилишича: «Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси Давлат фаолиятининг устивор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол тошиши, ижодий иктидори жамият манфаатлари йўлида имкон борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иктисодий, хуқукий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир».

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ижтимоий химояга муҳтоҷ ва меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган аҳоли қатламлари сифатида давлат томонидан алоҳида муҳофаза этиладиган ҳамда уларнинг меҳнат қилиш хуқуқларини амалга оширишга кўмаклашувчи кўшимча тадбирлар қонунчиликда назарда тутилади.

Энг аввало, ўкув юртларини тамомлаган ўн саккиз ёшга етмаган фукаролар учун иш жойларининг олдиндан банд қилиб (бронлаб) қўйилиши ҳамда мулкчилик шаклларидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотлар ана шу иш жойларига ўн саккиз ёшга тўлмаган ёшларни ишга қабул қилишлари шарт эканлиги, шу шахслар учун қўшимча бўш иш ўринлари барпо этмаган корхоналарга аҳоли бандлиги билан шуғулланувчи органлар томонидан иқтисодий таъсир чоралари кўрилишини айтиб ўтиш лозим.

Бундан ташқари, амалдаги қонун ҳужжатларига кўра ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган маънавий, ахлоқий киёфаларининг шаклланишига салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган ишларга қабул қилиниши қатъий чекланганлиги, уларни белгиланган энг кам иш жойларига ишга олиш пайтида дастлаб синов шартисиз қабул қилинишлари лозимлиги ҳам эътиборда тутилмоғи даркор.

Аввал ҳеч қаерда ишламаган ўсминаларни ишга қабул қилиш, агар ўн олти ёшга тўлган бўлсалар, паспортларини, ҳарбий хизматга алокадорлиги ҳақидаги ҳужжатни (чакирилиш гувоҳномаси) тақдим этганларидан сўнг, тиббий кўрикдан ўтказилиш, топширилаётган вазифага яроқли эканликлари аниклангач, ёзма меҳнат шартномаси (контракт) тузиш йўли билан корхонадаги ишга қабул қилинадилар. Ўн беш ёшгача бўлган шахслар эса ишга кириш пайтида туғилганлик гувоҳномаси, яшаб турган жойларидан маълумотнома тақдим этишлари, бундан ташқари мазкур шахсларнинг ота-онаси ёхуд улар ўрнини босувчи бо-

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистоннинг янги Қонунлари, Т., «Адолат», 1993, 5-сон.

шқа шахслар уларни ишга киришларига қарши эмасликлари тұғрисида ёзма розилик тақдым этишлари лозим. Бу тоифадаги ходимлар ҳам аввал тиббий күрикдан ўтказилиб, топширилаётган вазифага яроқли эканликлари аниқланғач, иш берувчи билан ёзма мәхнат шартномаси тузиш орқали ва иш берувчининг ишга қабул қилиш тұғрисидаги буйругини чикариш йўли билан ишга қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Мәхнат кодексининг 77-моддаси 2-кисмига мувофиқ: «Ёшларни мәхнатта тайёрлаш мақсадида умумтағым мактаблари, хунар-техника билим юртлари ва ўрта маҳсус ўкув юртларининг ўқувчиларини ўн түрт ёшга тұлғанларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан болаларнинг соғлигига ва камол топишига зиён етказмайдыган ва таълим олиш жараёнини бузмайдыган енгил ишларни ўқищдан бүш вактларida бажариш учун ишга қабул қилишга йўл кўйилади». Бундай пайтда ҳам ўкувчининг тугилганик гувоҳномаси, яшаб турган еридан маълумотнома, ота ёки онаси ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахснинг ёзма розилиги талаб этилади ва шундан сўнг бундай шахс тиббий күрикдан ўтказилгач, ёзма мәхнат шартномаси тузилиб, иш берувчининг ишга қабул қилиш тұғрисидаги буйруғи (фармойиши) чикарилиши йўли билан ишга қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Мәхнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг №7 ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 30 майдаги №1 қарори билан мәхнат шароити ноқулай бўлган ва 18 ёшга тўлмаган шахслар мәхнатидан фойдаланилиш тақиқланган ишлар рўйхати тасдиқланган. Ушбу акт Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 9 июнда №1040 рақам билан давлат рўйхатига олинган. 18 ёшга тўлмаган шахслар билан ушбу ишларга қабул қилиш юзасидан мәхнат шартномаси тузилиши мумкин эмас<sup>91</sup>.

Ўн саккизга тўлмаган шахслар ишга тушишларидан олдин иш берувчи уларга мәхнат шартлари, хавфсизлик чоралари ва қоидалари хусусида йўл-йўриклар бериши, уларни назоратсиз қолдирмаслиги лозим. Мәхнат фаолияти давомида иш берувчи ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларни уларнинг розилиги бўлгани тақдирда ҳам оғир ва заарли ишларга, уларнинг тарбиясига салбий таъсир этадиган вазифаларни бажаришга ўтказишлари мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Мәхнат кодексининг 247-моддасига мувофиқ ота-оналар васий (ҳомий)лар, шунингдек мәхнатни муҳофаза қилиш устидан назорат килувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар

<sup>91</sup> «Солик ва божхона ахборотномаси», 2001 йил, № 27.

бажараётган ишни давом эттириш улар соғлигига зиён қиладиган ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақлидирлар. Бундай талабни бажариш иш берувчи учун мажбурий бўлиб, бунда ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимнинг хохиши эътиборга олинмайди.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ёшлар меҳнат шартномаси меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилган умумий тартибда (ходим ташаббуси билан, иш берувчи ташаббуси билан, томонларнинг хохишига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра) бекор қилиниши мумкин. Бироқ, меҳнат шартномасининг иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиниши пайтида ўсмиirlар хукукларини тўлароқ кафолатлаш мақсадида иш берувчи бу масалани корхона жойлашган ердаги ишга жойлаштириш орғанлари билан олдиндан келишиб олиши белгиланган.

Меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларида ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга иш вақти, дам олиш вақти, иш ҳақи тўлаш масалаларида хам кўшимча кафолатлар ва имтиёзлар беришликни назарда тутади. Жумладан, Меҳнат кодексининг 110 ва 242-моддаларига кўра ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун 36 соатдан ортиқ бўлмаган ўн беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса 24 соатдан кўп бўлмаган ҳафталик иш вақти нормаси белгиланган.

Ўқишдан бўш вактларда ишлаётган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг ҳафталик иш вақти 18 соатдан, ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар учун эса 12 соатдан кўп бўлиши мумкин эмас.

### **Меҳнат қобилияти пасайган ва ногирон шахслар меҳнатини муҳофаза қилиш**

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ногиронлар, қариялар ва меҳнат қобилияти пасайган шахсларни қўллаб-кувватлашни назарда тутади. Ана шу мақсадда ушбу тоифадаги фуқаролар учун бир катор янгилик ва имтиёзлар назарда тутилган.

Жумладан, Меҳнат кодексининг 220-моддасида айтилишига кўра:

Иш берувчи, меҳнат биржаси томонидан белгиланган квота хисобидан ишга жойлаштириш тартибида йўллаган ногиронларни иш жойларига қабул килишга мажбурдир.

ТМЭКнинг ногиронларга тўлиқсиз иш вақти режими ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайтириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсиялари иш берувчи томонидан бажарилиши шарт.

I ва II гурух ногиронларига меҳнатга ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмаган қисқартирилган муддати белгиланади.

I ва II гурух ногиронларига ўттиз календар кундан кам бўлмаган муддат билан йиллик узайтирилган асосий таътил берилади.

Ногиронларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек иш вактидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидағи ишларга жалб қилишга уларнинг розилиги билангина, башарти улар бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

Булардан ташқари, бундай тоифадаги ходимларга Меҳнат кодексининг 150-моддасига мувофиқ иш ҳақи сакланмаган ҳолда таътил бериш кўзда тутилган. Унга кўра 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенгластирилган шахсларга, ишлаётган I ва II гурух ногиронларига ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар иш ҳақи сакланмаган ҳолда таътил бериш белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат пенсияси тўгрисидаги Конунида ишлаб турган пенсионерларга ҳам эллик фоизи (конун хужжатларида бевосита кўрсатиб қўйилган ҳолларда юз фоизи) тўланиши кўрсатиб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 25 январдаги, 881-тартиб раками билан давлат рўйхатига олинган «ОИВ (ОИТ) СВИЧ (Спид) вируси билан касалланган шахслар ишлаши тақиқланган ишлар рўйхати ва касб турлари тўгрисидаги қарорга мувофиқ ушбу касалликка чалинган шахсларни ва улар билан ишлаб чиқариш туфайли мулоқотда бўлиши мумкин бўлган шахсларни химоя қилиш мақсадини қўзлади».

#### *4-§. Ишлаб чиқаришда юз берган баҳтсиз ҳодисаларни текшириши ва ҳисобга олиб бориши*

Ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалар юз бериши сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш, шунингдек меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилиши туфайли меҳнат қобилиятини ўйқотган ёки камайган ходимлар хукуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида юз берган баҳтсиз ҳодисаларни ўз вақтида, объектив ва ҳар томонлама текшириш, ҳисобга олиб бориши тартиби белгилаб қўйилган.

Меҳнат кодексининг 222-моддасида айтилганидек:

Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ўз вақтида текшириши ва ҳисобга олиб бориши шарт.

Жабрланувчининг талабига биноан текширув тугаган кундан эътиборан узоғи билан уч кун ичida иш берувчи шу баҳтсиз ҳодиса тўғрисида далолатнома бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамисининг 1997-йил 6 июнданги 286-сонли қарори билан «Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги Низом тасдиқланган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчиликнинг барча шаклларидағи корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек айрим фуқароларда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ходимлар соғлигига шикаст етиши билан боғлиқ заарланишлар, ҳодисалар ушбу низом асосида текшириш ўтказилишига сабаб бўлади.

Корхона ҳудудида ва унинг ташқарисида меҳнат вазифасини бажаравтганда юз берган жароҳатланиш, заҳарланиш, куйиш, чўкиш, электр токи ва яшин уриши, иссик ва совуқ уриши, портлаш, фалокат, иморат ва иншоотлар бузилиб кетиши, ҳайвонлар чақиши, тишлиши, сузиб олиши ва ҳоказолар текширилади ҳамда ҳисобга олинади. Табиий ўлим, ўз-ўзини ўлдириш, жабрланувчининг жиноят содир қилиш чоғидаги шикастланиши кабилар текширилмайди ва ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳодисаси сифатида ҳисобга олинмайди.

Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса натижасида ходимнинг меҳнат қобилияти камида бир кунга йўқолса ёки тиббий хulosага мувофиқ уни бошқа енгилроқ ишга ўтказиш лозим бўлса, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса маҳсус акт – Н-1 шаклидаги далолатнома тузиш йўли билан расмийлаштирилади. Иш берувчи текшириши тугаганидан сўнг 3 суткадан кечитирмай жабр-анувчига ёки унинг манфаатларини химоя қилувчи шахсга давлат тилида ёки жабрланувчи тушунадиган бошқа тилда далолатнома бериши шарт.

Бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ ходим билан юз берган гурхий баҳтсиз ҳодиса;

Ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодиса;

Оқибати оғир баҳтсиз ҳодисалар маҳсус тартибда текширилиши лозимлиги белгиланган.

Бундай баҳтсиз ҳодисалар тўғрисида иш берувчи белгилаб қўйилган схемага мувофиқ дарҳол қуидаги органларга хабар бериши шарт:

- а) давлат меҳнат техника назоратчисига;
- б) юқори турувчи хўжалик органига;
- в) Қарақалпогистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, вилоят (Тошкент шахар) меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоялаш бошқармасига;
- г) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами. 1997 йил, 6-сон, 21-модда.

д) «Ўзсаноатконтехназорат» агентлигига;  
е) вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Касаба уюшмалари Федерацииси Кенгашига.

Гурухий ўлим билан тугаган ва оқибати оғир бўлган баҳтсиз ходисалар вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шахри) меҳнат бошқармаси буйругига кўра ташкил этиладиган комиссия томонидан текширилиб, Н-1 шаклидаги далолатнома тузилади.

Юз берган баҳтсиз ҳодиса туфайли икки-тўрт киши вафот этганида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофоза қилиш вазирлиги буйруги билан комиссия ташкил этилади.

Беш ва ундан ортиқ киши ўлимига сабаб бўлган баҳтсиз ҳодиса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилган комиссия томонидан текширилади. Махсус текшириш ўн беш кун ичидаги тамомланиши ва ходимга (унинг вакилига, қарамоғида бўлганларга) тегишли хужжатларни беради.

Махсус текшириш материаллари текшириш тугагач, 15 кун ичидаги прокуратурага ва бошқа тегишли органларга тақдим этилади. Ишлаб чиқаришда юз берган баҳтсиз ҳодисани текшириш тартибини бузган шахслар конун хужжатларига мувофиқ жавобгар қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори билан «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши бошқача шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўлаш қоидалари» тасдиқланган бўлиб, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар оқибатида ходимга ёки унинг ворисларига қопланадиган зарар миқдори, зарарни коплаш шартлари ва тартиби ушбу хужжатга биноан белгилаб кўйилган<sup>1</sup>.

Ишлаб чиқаришда юз берган баҳтсиз ҳодиса тўғрисида тузилган Н-1 шаклидаги далолатномалар маҳсус журналга қайд этиб борилади, вақтинча меҳнатга яроқсизлик юзасидан маълумотлар статистик хисоботларда акс эттирилади. Баҳтсиз ҳодиса сабаблари, унинг расмийлаштирилиши юзасидан ходим ва иш берувчи, ходим ва комиссия ўтрасидаги ихтилофлар юкори турувчи органлар томонидан, ходим даъво аризасига кўра суд томонидан кўриб ҳал этилади.

## БИЛИМИНГИЗНИ ТЕКШИРИБ КЎРИНГ

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами, 1994 йил, 2-сон, 7-модда.

1. Ҳодимларнинг соглом ва хавфсиз меҳнат шароитларида ишлари ҳуқуғи дегандагималар англанмоги лозим?
2. Меҳнат муҳофазаси дегандагималар тушунилади?
3. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиши тўғрисидаги Конуннинг мазмунини сўзлаб беринг.
4. Меҳнат муҳофазаси юзасидан ҳодимлар ва иш берувчилар ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари нималардан иборат?
5. Корхоналарда меҳнат муҳофазасига оид қандай тадбирлар амалга оширилади?
6. Зарарли ва нокулай меҳнат шароитларида ишловчи ҳодимлар меҳнатини муҳофазалаш қўидалари қандай?
7. Айрим тоифага мансуб ҳодимлар (вояга етмаганлар, аёллар, ногиронлар ва бошқалар) меҳнатини муҳофазалашнинг қандай маҳсус қўидалари мавжуд?
8. Якка ҳимояланиши воситалар ҳақида гапириб беринг.
9. Профилактик озиқ-овқат маҳсулотлари қачон берилади?
10. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва зарарланишилар қандай тартибда текширилади?
11. Умумий ва маҳсус текшириши ўтказши нима?
12. Корхоналардаги баҳтсиз ҳодисалар қандай тартибда ҳисобга олиниб борилади?

## XVII боб. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ

1-§. Меҳнат низолари тушунчаси ва уларни тўғри ҳал этишининг аҳамияти

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида турли мулкчилик шаклини даги корхона ва ташкилотларда ишлётган ҳодимлар меҳнат ҳукуқлариини самарали ҳимоя қилиш, айрим иш берувчилар томонидан йўл кўйилиши мумкин бўлган ўзбошимчаликлар, конун бузарликларни бартараф этиш, шу жумладан баъзи ҳодимларнинг ўз ҳукукларини сустеъмол қилишларига йўл кўймаслик меҳнат муносабатларида конунчиллик ва адолатни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳодим ва иш берувчи ҳукуқлари тенг эътироф этилади, уларга бир хил иқтисодий ҳамда ҳукукий шароит яратиб берилади, шу орқали улар ўртасида келиштириб бўлмайдиган зиддиятлар юз беришининг олди олинади.

Аммо тараққиёт диалектикаси ва ҳаёт қонунларига кўра ҳодим билан иш берувчи ўртасида турли ихтилофлар юз бериши учун ҳар доим сабаблар етарли бўлади ҳамда меҳнат қонунчилигининг вазифаларидан бири ушбу ихтилофлар юз бериши шарт-шароитларини бартараф эта

бориш, юз берганда эса уларни адолат ва қонунчилик тамойиллариға қатъий амал қылған ҳолда ҳал этилишини таъминлашдан иборат.

Корхоналарда ходим ва иш берувчи ўртасида меҳнат низоси юз беришига бир қатор объектив ҳамда субъектив омиллар сабаб бўлади. Объектив омиллар қаторига хукукий онг ва хукукий маданиятнинг етарли эмаслиги, ишлаб чикаришни ташкил этишда йўл қўйиладиган камчиликлар, меҳнат муносабатларида иштирок этувчи шахслар мафаатлари ўртасида зиддиятлар юзага келиши ва бошқалар киради.

Айрим ходим ва иш берувчининг ўз хукукларини суистеъмол қилиши, корхона меҳнат жамоасида носоғлом маънавий-психологик мухитнинг юзага келиши каби ҳолатлар меҳнат низолари юз беришининг субъектив омиллари бўлиши мумкин.

Меҳнат соҳасида ходим ва иш берувчи ўртасидаги якка меҳнат ихтилофлари, қоидага кўра, ҳар икки тарафнинг музокаралари, ўзаро келишувлари орқали тинч йўл билан ҳал этилиши лозим. Аммо бундай келишмовчиликлар тинч йўл билан ҳал этилмаса, у ҳолда меҳнат низоси конунда белгиланган тартибида маҳсус органлар томонидан кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши лозим бўлади.

Якка меҳнат низолари деганда иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа месъерий хужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини кўллаш юзасидан келиб чиқкан келишмовчиликлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 260-моддасига кўра якка меҳнат низолари:

- меҳнат низоларини кўриш комиссиялари томонидан;
- туман, шаҳар судлари томонидан кўриб чиқлади, шунингдек, айрим тоифадаги давлат хизматчиларининг меҳнат низолари бўйсуниш тартибида юқори турувчи органлар томонидан кўрилиши мумкин (276-моддаси);
- ходим янги меҳнат шароитларини белгилаш ёки мавжуд шартларни ўзгартиришга доир меҳнат низоларини иш берувчи ёки касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан ҳал қилинади (МКнинг 280-моддаси).

Ходим меҳнат низосини ҳал этишни сўраб меҳнат низоларини кўриш комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат қилишга ҳақли бўлиб, низо дастлабки тарзда комиссияларда кўриб чиқилмаганлиги суðда кўрилишига тўскинлик қилмайди.

Меҳнат кодексининг 270-моддасига биноан меҳнат низосининг ҳал этилишини сўраб меҳнат низолари комиссиясига ёки судга мурожаат қилиш юзасидан кўйидаги даъво муддатлари белгиланган:

- ишга тиклаш низолари ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилингандаги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;
- ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;
- бошқа меҳнат низолари бўйича ходим ўз хукуки бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ойдан иборат.

Ушбу даъво муддатлари узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда бу муддатни суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин. Меҳнат низолари юзасидан даъво муддатлари фуқаролик конун хужжатларида белгиланган умумий қоидалар асосида тўхтатиб турилиши ёки узилиб қолиши мумкин.

Конунларда айрим турдаги талабларга нисбатан даъво муддатининг та-биқ этилмаслиги, яъни хукук бузилиши ҳолати қачон юз берилганлигидан қатъи назар, хукуклар химоя қилиниши белгилаб кўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 163-моддасига мувофиқ фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий этилмаслиги белгилаб кўйилган.

Ходимда меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиб беришни сўраб судга мурожаат қилганларида (даъвогар ёки аризачи сифатида) суд харажатларини (давлат божи ва бошқа суд харажатларини) тўлашдан батамом озод қилинадилар. Меҳнат низосининг судловлиги ва тааллуклигини ҳал этиш пайтида фуқаролик ишларини судга тааллуклиги тўғрисидаги умумий қоидалар билан бир қаторда меҳнат тўғрисидаги конун хужжатларида талаблари ҳам тўлиқ ҳисобга олинмоғи лозим.

## **2-§. Меҳнат низолари комиссияси ва унинг ваколатлари**

Меҳнат низоларини корхонанинг бевосита ўзида кўриб ҳал этадиган орган – бу, меҳнат низолари комиссияси бўлиб, бу орган низолашаётган томонларга энг яқин турувчи орган сифатида уларнинг манфаатларини тез ва самарали ҳал қилишга хизмат қиласи. Жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувда меҳнат низолари комиссияларини тузиш назарда тутиш мумкин.

Меҳнат низолари комиссиялари иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан тенглик асосида тузилади. Комиссияга касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа ва-

киллик органларидан ажратилган аъзолар тегишли органнынг қарори билан, иш берувчининг вакили эса, унинг буйруги билан тасдиқланадилар.

Меҳнат низолари комиссиясининг ҳар бир мажлисида раислик вазифасини иш берувчининг ва касаба уюшмаси қўмитасининг ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг вакиллари навбатма-навбат бажарадилар. Бунда бир мажлиснинг ўзида раислик ва котиблик вазифасини бир тарафнинг вакиллари бажариши мумкин эмас. Комиссиянинг ҳар бир мажлисида тарафлар томонидан кейинги мажлиснинг раиси ва котиби тайинланади, уларга мажлисни тайёрлаш ва чакириш вазифаси юклатилади.

Меҳнат низолари комиссияларининг сон таркиби ва ваколат муддати жамоа шартномаларида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг келишувига биноан белгиланади.

Башарти ходим мустақил равишда ёки касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи иштирокида иш берувчи билан бевосита олиб борган музокараларида мавжуд келишмовчиликни ҳал эта олмаган бўлса, меҳнат низоси меҳнат низолари комиссияларида кўриб чикилади.

Меҳнат низолари комиссияси меҳнат низосини ариза берилган кундан эътиборан ўн кун муддат ичida кўриб чиқиши шарт. Низо ариза берган ходимнинг иштирокида кўрилади. Ходимнинг ёзма аризаси бўлгандагина, низо унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин. Башарти, ходим узрсиз сабаб билан комиссия мажлисига келмаса, мазкур аризани кўриб чиқиши кун тартибидан олиб ташлаш хусусида қарор қабул қилиниши мумкин, бу эса ходимни такроран ариза билан мурожаат қилиш хукуқидан маҳрум қilmайди. Ходим, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи меҳнат низоси кўриб чиқилишида иштирок этиш учун адвокат таклиф этиш хукуқига эга.

Меҳнат низорлари комиссиясининг қарорлари иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимлар бошқа вакиллик органининг вакиллари ўртасидаги келишувга биноан қабул қилинади. Комиссиянинг қарори далиллар билан исботланиб, меҳнат тўғрисидаги конунлар ва бошқа норматив хужжатларга, меҳнат шартномасига асосланган бўлиши керак. Комиссиянинг пул ундириш талабларига оид қарорида ходимга тегишли сумма аниқ кўрсатилиши лозим.

Қарор мажлис раиси ва котиби томонидан имзоланади. У мажбурий кучга эга бўлиб, бирон бир тарзда тасдиқланмайди. Комиссия қарорининг нусхаси қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичida хо-

димга, иш берувчига ва касаба уюшмаси кўмитасига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига топширилади.

Мехнат низолари комиссиясининг қарори бу қарор устидан шикоят қилиш учун белгиланган ўн кунлик муддат ўтгандан кейин уч кун ичида иш берувчи томонидан бажарилиши керак.

Башарти, иш берувчи белгиланган муддат ичида комиссия қарорини бажармаса, меҳнат низолари комиссияси томонидан ходимга ижро ва-рақаси кучига эга бўлган гувохнома берилади. Агар ходим ёки иш берувчи белгиланган муддат ичида туман (шаҳар) судига меҳнат низосини ҳал этиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этса, гувохнома берилмайди. Меҳнат низолари комиссияси берган ва олинганидан кейин кўпичланадиган муддатни ижро керади.

Ходим белгиланган уч ойлик муддатни узрли сабабларга кўра ўтказиб юборган тақдирда, гувохномани берган меҳнат низолари комиссияси ўтказиб юборилган муддатни тикилаши мумкин.

### **3-§. Якка меҳнат низоларини судда кўриш**

Меҳнат низолари суд томонидан фуқаролик хукукий даволарни кўриб ҳал этиши юзасидан Фуқаролик процессуал қонунчилигага белгилаб кўйилган қоидалар асосида ҳал этилади.

Судлар томонидан кўриладиган меҳнат низолари икки тоифага бўлинади: а) меҳнат низолари комиссиясида кўрилиши мумкин бўлган ва турли сабабларга кўра судга етиб келган низолар ва б) бевосита суднинг ўзи томонидан кўриб ҳал этилиши белгилаб кўйилган низолар. Биринчи тоифага мансуб меҳнат низолари ходимнинг хоҳишига кўра бевосита судга тақдим этилган бўлиши ёхуд комиссия чиқарган қарордан ходим ёки иш берувчи норози бўлганлари туфайли судга мурожаат килинган бўлиши ёхуд корхонада меҳнат низолари комиссияси ташкил этилмаганлиги натижасида судга мурожаат қилинаётган бўлиши мумкин.

Меҳнат низоларининг иккинчи тоифаси юзасидан манфаатдор шахс факат судагина мурожаат қилиш мумкинлиги кўзда тутилган. Меҳнат кодексининг 269-моддасига кўра қуйидаги меҳнат низолари бевосита судда кўрилади:

1) агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;

2) улар меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар ишга тикилаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва

асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;

3) улар ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг тўлашини ҳақида бўлса;

4) улар меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлигига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан, маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса;

5) улар ушбу Кодекснинг 78-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳолларда ишга қабул қилиш рад этилганлиги ҳақида бўлса;

6) улар иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиқсан бўлса.

Низо меҳнат низоси комиссиясида кўриб чиқилганлигини важ қилиб ходим аризасини кўриб чиқилишини рад этишга йўл қўйилмайди. Меҳнат кодексининг 268-моддасига кўра қуидаги шахслар меҳнат низосини судда кўриб ҳал этишини сўраб мурожаат этишга ҳақли бўладилар:

1) ходим, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи;

2) меҳнатнинг хукук бўйича инспектори;

3) иш берувчи меҳнат низолари комиссиясининг қарорига рози бўлмаган ҳолларда, шунингдек унга ходим томонидан етказилган зарарни коплаш ҳақидаги низолар бўйича;

4) прокурор.

Меҳнат низоси юзасидан даъво қўзгаётган шахс ўз аризасини қоида бўйича жавобгар турган ердаги судга тақдим этиши керак. Даъво қўзғаш хукуқига меҳнат шартномаси тузган барча ходимлар эгадирлар. Даъво аризасига талабни асословчи хужжатлар (буйруқ нусхаси, далолатнома, маълумотнома ва бошқалар) илова қилинади.

Меҳнат низолари бўйича судга мурожаат килган ходимлар давлат бож тўлаш мажбуриятидан батамом озод қилинадилар. Судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун қуидаги муддатлар белгиланади:

Ишга тиклаш низолари бўйича – ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

Ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича – зарар етказилганлиги иш берувчи маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

Бошқа мөхнат низолари бүйича – ходим ўз хуқуки бузилғанлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой. Ушбу муддатлар узрли сабаблар билан ўтказиб юборилган бўлса, низони кўраётган орган бу муддатни қайта тиклаши мумкин. Соғлиққа етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги даъволар бўйича даъво муддати белгиланмаган.

Мөхнат низоларини судда кўриш пайтида тарафлар сифатида ходим ва корхоналар қатнашиши. Корхона маъмурияти унинг вакили сифатида ишда қатнашиши мумкин. Даъво прокурор, касаба уюшмаси қўмитаси ёки мөхнат хуқуқий инспекция томонидан кўзғатилган ҳолларда ҳам тарафлар бўлиб ходим ва корхона қатнашади. Даъво кўзғаган прокурор ёки касаба уюшмаси қўмитаси ишда катнашувчи шахс мақомига эга бўлади, холос. Тарафлар ва ишда иштирок этаётган бошқа шахслар (вакиллар, учинчи шахслар)нинг процессуал ваколатлари фуқаролик процессуал қонунчилигига биноан белгилаб қўйилган.

Суд иш материалларини атрофлича ўрганиш, бошқа далилларни бевосита кўриб чиқиш ва баҳолаш асосида низони мазмунан ҳал этади. Бунда ишдан гайриқонуний бўшатилган шахслар хуқуқларини ҳимоя қилиш алоҳида муҳим аҳамиятга эга ва шу туфайли бундай тоифадаги низоларни ҳал этишнинг алоҳида тартиблари жорий этилган. Жумладан, Мөхнат кодексининг 271-моддасида айтилишича:

Мөхнат шартномаси қонуний асоссиз ёки белгиланган тартиб бузилган ҳолда бекор қилинган ёхуд ходим гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган тақдирда у мөхнат низосини кўриб чиқаётган орган томонидан аввалги ишга тикланиши керак. Мөхнат шартномаси иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилинганининг қонунийлиги ёки қонуний эмаслиги ҳақидаги масала ҳал қилинаётганида, суд ходим билан мөхнатга оид муносабатлар бекор қилинганининг асослилигига баҳо бериб ўтади.

Мөхнат шартномасини бекор қилиш сабабларининг таърифи нотўғри ёки амалдаги қонун хужжатларига номувофиқ деб топилгани тақдирда, суд уни ўзгартиради ва ҳал қитув қарорида қонуннинг тегишили моддаси (банди) кўрсатилган ҳолда мөхнат шартномасини бекор қилиш сабабини амалдаги қонун хужжатларига аниқ мувофиқ қилиб кўрсатади. Суд айни бир вақтда қонун хужжатларида назарда тутилган кафолатларнинг берилиши тўғрисида ва ходимга тўланиши лозим бўлган ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ҳақидаги масалани ҳал қиласди. Ходимнинг илтимосига кўра суд мөхнат шартномасини бекор қилиш асосининг таърифини унинг ўз хоҳишига биноан ёки тарафларнинг келишуви бўйича деб ўзгартирилганлиги тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариш билан чекланиши мумкин.

Башарти, ходим мөхнат шартномасини бекор қилинганинг таърифи ўзининг шаъни ва қадр-кимматини камситган деб ҳисобласа, у ҳолда туман

(шахар) суди низони кўриш билан бир вақтда, ходимнинг талабига кўра, унга етказилган маънавий зарарни тўлаш масаласини ҳам ҳал этади. Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси гайриқонуний равища бекор қилингандан уни ишга қайта тиклаш, меҳнат шартномасини бекор қилиш таърифини ўзгартириш, гайриқонуний равища бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишга тиклаш ҳақидаги суд ҳал килув қарори дарҳол, эълон қилинган куниёқ ижро этилади<sup>92</sup>.

Иш берувчи томонидан бундай қарорнинг ижроси кечикирилган тақдирда, қарорни қабул қилган меҳнат низоларини кўрувчи орган кечикирилган барча вақт учун ходимга ўртача иш ҳақи тўлаш ёки иш ҳақидаги фарқни тўлиқ миқдорда тўлаш ҳақида тегишлича ажрим ёки қарор чикаради. Агар гайриқонуний равища бошқа ишга ўтказилган ходим меҳнат низолари комиссияси томонидан берилган гувоҳнома асосида комиссия қарорини мажбурий равища ижро этилишини сўраб судга мурожаат қилган бўлса, суд меҳнат низолари комиссияси қарорнинг ижроси кечикирилганлиги туфайли юзага келган мажбурий прогул вақти учун ходимга иш ҳақи тўлаш тўғрисида ажрим чикаради.

Ходимга уч ойдан кўп бўлмаган вақт учун иш ҳақи ундириш тўғрисида низони кўрган орган томонидан чиқарилган қарор ҳам дарҳол ижро этилади. Иш берувчи ходимнинг пул ундиришга доир талабларини ҳеч кандай меҳнат билан чекламай, ҳамма вақт учун кондиришга ҳақлидир.

Иш ҳақини ундириш тўғрисида низо келиб чиқкан тақдирда, меҳнат низоларини кўрувчи орган ходимнинг пул ундиришга доир қуйидаги талабларини тўлиқ кондиради:

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бермаганлик оқибатида келиб чиқкан мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги;

Меҳнат низоларини кўрувчи органнинг ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги қарорини иш берувчи ижро этмаганлиги оқибатида келиб чиқкан мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги;

Фойдаланмаган таътил учун ходимга тегишли бўлган компенсацияни тўлаш тўғрисидаги.

Меҳнат шартномаси гайриқонуний равища бекор қилинганлиги, бошқа ишга гайриқонуний равища ўтказилганлиги ёки ишдан гайриқонуний равища четлатилганлиги оқибатида келиб чиқкан мажбурий прогул вақти учун ходимга ҳақ тўлаш тўғрисидаги меҳнат низоларини кўриб чиқиши чоғида меҳнат низоларини кўрувчи орган томонидан ходимнинг пул

<sup>92</sup> Қаралсин: Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Конуни. Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2001 йил, №21, 145-модда.

ундиришга доир талаблари бир йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун кондирилади. Ходимнинг пул ундиришга доир бошқа талаблари уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун кондирилади.

Меҳнат низолари юзасидан меҳнат низолари комиссияси чикарган қарор, шунингдек суд чиқарган қарор асосида тўланган суммаларни, башарти қарор ходимнинг берган ёлғон маълумотларига ёки тақдим этган сохта хужжатларига асосан қабул қилинган бўлиб, пировардидаги у назорат тартибида бекор қилинган ҳоллардагина, ходимдан қайта ундиришга йўл қўйилади.

Иш берувчи томонидан ихтиёрий равишда тўланган, шу жумладан конунни нотўгри қўллаш оқибатида тўланган ортиқча иш ҳаки қайта ундириб олиниши мумкин эмас, хисоб-китобда йўл қўйилган хато оқибатидаги ортиқча тўловлар бундан мустасно. Ходимга у берган ёлғон маълумотлари ёки тақдим этган сохта хужжатлари оқибатида тўланган суммалар ундан суднинг қарори ёки хукми асосида ундириб олинади.

#### *4-§. Айрим тоифадаги ходимлар меҳнат низоларини кўриб ҳал этиши*

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 276-модасида:

Айрим тоифадаги давлат хизматчиларининг меҳнат шартномасини бекор қилиш, бошқа ишга ўтказиш, асоссиз равишида бошқа ишга ўтказиш ёки меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш билан боғлик ҳолда етказилган заарни ундириш ва интизомий жазо бериши масалаларига таалуқли меҳнат низолари конунда белгиланган тартибида кўриб чиқилади деб кўрсатиб қўйилган.

Меҳнат низолари маҳсус тартибида кўриб чиқиладиган ходимлар доираси чекланган бўлиб, улар қаторига бугунги кунда:

а) ўз лавозимига юкори турувчи давлат хокимияти ёки бошқарув органи томонидан тайинланадиган, тасдиқланадиган ёки сайланадиган раҳбар мансабдор шахслар (хокимлар, вазирлар, бошқарма бошлиқлари ва бошқалар);

б) судьялар;

в) прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, ёрдамчилари, терговчилар киритилган. Ушбу шахсларнинг юкорида келтирилган, Меҳнат кодексининг 276-модасида санаб ўтилган масалалардаги, яъни:

1) меҳнат шартномасини бекор қилиш;

- 2) бошқа ишга ўтказиш;
- 3) асоссиз бошқа ишга ўтказиш ёки ишдан бўшатиш туфайли мажбуран бекор юрган вақти учун кўрилган моддий зарар ўрнини қоплаш;
- 4) интизомий жазо бериш юзасидан меҳнат низоларигина маҳсус тартибда кўриб ҳал этилади. Бу тоифаларга мансуб шахслар бошқа асослардан келиб чикувчи меҳнат низоларини ҳал этилиши юзасидан умумий асосларда судга мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинга 1996 йил 30-августдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисида»ги Низомга кўра прокурор-тергов ходимлари ўзларига кўлланилган интизомий жазо устидан жазо бериш тўғрисида буйруқ чиқарган прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси бош прокурорига интизомий жазо кўллаш тўғрисидаги буйруқ эълон қилинганидан кейин икки ҳафта ичидаги шикоят қилишлари мумкин. Шикоятни кўриб чиқиши муддатлари ва тартиблари юкоридаги Низомда белгиланган<sup>93</sup>.

Умумий юристдинция судлари ва хўжалик судларининг судьяларини интизомий жазога тортиш ва кўлланилган интизомий жазо устидан шикоят бериш тартиблари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган «Судьяларнинг малака ҳайъати тўғрисидаги Низомга» кўра интизомий жазо кўллаш юзасидан судьянинг берган шикояти малака ҳайъати томонидан белгиланган муддатда ва тартибда кўриб ҳал этилади<sup>94</sup>.

#### **Билимингизни текшириб қўринг**

1. Меҳнат низолари нима ва уларнинг келиб чиқиши сабаблари қандай?
2. Меҳнат низоларини кўрувчи қайси органларни биласиз?
3. Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун қайси муддатларда мурожсаат этиши мумкин?
4. Меҳнат низоларининг тааллуқлилиги ва судловлилиги қандай аниqlанаади?
5. Меҳнат низолари комиссияси ҳақида гапириб беринг.
6. Бевосита туман (шаҳар) судида қайси тоифадаги меҳнат низолари кўрилади?
7. Меҳнат низоси юзасидан судда иши қўзгаши, даъво аризаси билан мурожсаат қилиши ҳуқуқи кимларга берилган?

<sup>93</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинга Ахборотномаси, 1996 йил 9-сон, 145-модда.

<sup>94</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинга Ахборотномаси, 1993 йил, 10-сон, 370-модда. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинга 2000 йил 14 декабрдаги 164-II сонли қарорига кўра янги таҳрирда (ўзгартирлишлар ва кўшимчалар билан) тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 йил, №8, 38-модда.

8. Меҳнат низоси судда қайси муддатда кўриб чиқилади?
9. Меҳнат низоси юзасидан суд ҳал қилив қарорларини ижро этилиши хусусиятлари қандай?
10. Суд қарорларининг қайтарма ижроси деганда нима тушунилади?
11. Меҳнат низолари бўйича суд харажатлари хусусияти ҳакида гапириб беринг.
12. Айрим тоифадаги давлат хизматчиларининг меҳнат низолари ҳал этилишида қандай ўзиға хос хусусиятлар мавжуд?
13. Жамоага доир меҳнат низолари нима?

### **XVIII боб. МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ ОЛИБ БОРИШ. МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИНИ БУЗГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

1-§. Меҳнат муносабатларида қонунчиликни таъминлаш устидан назорат ва унинг турлари

Қонун устуворлиги – амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг бош та-мойилларидан бири саналади. Келажаги буюк давлат барпо этиш макса-дини ўз олдимизга кўяр эканмиз, ушбу буюк давлатни қонун салтанати сифатида, инсоният ўз тараққиётида қўлга киритган демократик ва умуминсоний қадриятлар олий неъмат деб қараладиган фуқаролик жа-мияти сифатида кўз олдимизда тасаввур этамиз. Табиийки, бундай давлатда ва жамиятда фуқаролар хукуклари поймол этилиши, инсоний манфаатлар оёқ ости қилинишига асло йўл қўйилмайди. Қонун салта-натини барпо этиш, энг аввало, қонунларга барчанинг сўзсиз ва оғиши-май амал қилишини таъминлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Афсуски, бугунги кунда корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунлари-ни бузиш, ходимлар хукуклари ва қонуний манфаатларига беписандлик билан қараш ҳоллари тез-тез учраб туриди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муа-ммлори комиссияси мажлисида Қорақалпогистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида жойлашган енгил саноат корхоналарида Меҳнат ко-дексининг хотин-қизлар, вояга етмаганлар ва ногиронлар учун белги-ланган имтиёзларга доир қисмини ижро этилиши аҳволи қониқарсиз

эканлиги, имтиёз ва кафолатлар бу шахсларга тўла ҳажмда берилмаётганлиги, бошқа қонунбузарликларга йўл кўйилаётганлиги қайд этилади<sup>95</sup>. Айрим ҳолларда қонунчиликни таъминлаш учун мастьул шахсларнинг ўзлари томонидан меҳнат қонунлари, бошқа қонун хужжатлари қўпол бузилаётганини кузатишнинг ўзи ачинарли<sup>96</sup>. Бундай салбий холатлар қонунчиликни таъминлаш устидан кузатув ва назоратни куҷайтириш долзарб вазифалардан бири эканлигини кўрсатади.

Меҳнат қонунлари бажарилиши устидан назорат деганда ваколатли давлат ва жамоат органлари томонидан ходимлар меҳнат ҳуқуқларини химоя қилиш мақсадида амалга ошириладиган маҳсус фаолият тушунилади. Назорат фаолияти давомида ушбу ваколатли органлар иш берувчи ва у вакил қилган шахслар томонидан меҳнат қонунлари бузилишининг олдини оладилар, бузилган меҳнат ҳуқуқларини тиклайдилар, қонун бузилишида айбордor бўлган мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий жавобгарликка тортадилар.

Меҳнат қонунларига амал қилишни назорат қилиш ваколатли орган томонидан амалга ошириладиган текшириш ишларидан иборат ва бунда иш берувчи, унинг вакили қарорлари, фармойишиларининг қонунийлиги текшириб чиқилади. Меҳнат қонунларига риоя этиш масалаларига Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни<sup>97</sup>, Меҳнат кодекси ва бошқа қонун хужжатлари бағишиланган.

Меҳнат муносабатларида қонунчиликни таъминлаш борасида назоратнинг қўйидаги турлари амалга оширилиди:

- а) давлат назорати;
- б) идоравий назорат;
- в) суд назорати;
- г) прокурорлик назорати;
- д) жамоат назорати.

Меҳнат қонунчилигини бажаришда амалга ошириладиган назорат фаолияtlари меҳнат шартларини белгиланиши ва бу шартларни қўллалиши устидан амалга оширилади.

Дастлабки назорат, кундалик назорат ва якуний назорат ўзаро фарқ қилинмоғи лозим.

<sup>95</sup> Қаранг: «Ҳалқ сўзи» газетаси, 2000 йил 13 июл.

<sup>96</sup> Қаранг: «Ҳоқим қонунни тан олмаса...», «Ҳалқ сўзи» газетаси, 1999 йил 23 январ; «Тазкиб», «Ишонч» газетаси, 1999 йил 9 ноябр.

<sup>97</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 8-модда.

Мехнат соҳасидаги давлат бошқаруви ва қонунлар бажарилиши устидан назорат ва текшириш олиб бориш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 9-моддасида айтилган бўлиб, бу вазифаларни бажариш:

1) шунга маҳсус вакил қилинган давлат органлари ва уларнинг инспекциялари;

2) касаба уюшмалари ва уларнинг хукуқ ҳамда техника инспекциялар.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари меҳнат тӯғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текширишни қонунда белгиланган тартибда амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси худудида меҳнат тӯғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига ва унга бўйсунувчи прокурорларга юклатилган<sup>98</sup>.

Мехнат кодексининг 8-моддасида айтилишича: «Ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш хукуқларини химоя қилиш кафолатланади, бу химоя меҳнат тӯғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади».

**2-§. Мехнат қонунлари бажарилиши устидан назорат олиб борувчи органлар ва уларнинг ваколатлари**

Маҳсус ваколат берилган давлат органлари ва инспекциялари иш берувчи ёки унинг юкори турувчи органлардан мустақил равишда турли шаклдаги мулкчиликка асосланувчи корхона, муассаса ташкилотларда меҳнат қонунчилигига амал қилиниши аҳволини назорат қиласди. Бу органлар турли давлат идоралари қарамоғида бўлиб, ваколатлари ва вазифалари ҳам турличадир.

**1.** Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг давлат меҳнат хукуқ инспекцияси у ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1993 йил 29 июлдаги 378-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида фаолият юритади<sup>99</sup>.

Давлат меҳнат хукуқ инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Низомнинг 2-бандида айтилишича, инспекция

<sup>98</sup> Қаралсин: Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тӯғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 йил, №20, 139-модда.

<sup>99</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси хукумати қарорлари тўплами. 1993 йил, 7-сон, 29-модда.

барча мулкчилик шаклидаги корхоналар фаолиятини улар томонидан меҳнат қонунлари, жамоа шартномаларига амал қилишини назорат қилиши, ана шу мақсадда корхоналарга тўсқинсиз кириши, зарур хужжатларни талаб қилиб олишлари, қонун бузилиши факлари аникланганида уларни бартараф этилишини талаб қилиши мумкинлиги кўрсатиб қўйилган.

Давлат меҳнат инспекцияси кўрсатмаси белгиланган муддатда бажарилиши, ундан норози бўлинган тақдирда 10 кунлик муддат ичидаги судга мурожаат қилишлари мумкинлиги айтилган. Давлат меҳнат ҳуқуқий инспекциясининг қонунлар ижросини таъминлаш, қонунбузарликларни таҳлил қилиш, таъсир чоралари кўллаш юзасидан бошқа ваколатлари юкоридаги низомда белгилаб қўйилган.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат техникавий меҳнат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 12 апрелда №134 рақам билан рўйхатга олинган низомга кўра иш олиб боради.

Низомнинг 1-бандида унинг вазифалари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат техникавий меҳнат инспекцияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари:

Қоракалпогистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлаттехникавий меҳнат инспекцияси, меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар бошкармалари Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга вазирликларда, корпорациялар, уюшмалар, концернлар, ишлаб чиқариш бирлашмаларида, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, акциядорлик жамиятларида, давлат ҳайъатларида, фермер хўжаликлари, кичик ва қўшма корхоналарда (бундан бўён корхоналар деб аталади) ишлаб чиқариш усули, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар риоя этилиши устидан назорат ва кузатув ягона тизимини ташкил этади.

Давлат техникавий меҳнат инспекторлари қўйидаги ҳуқуқларга эгадир:

Гувоҳномани тақдим этиб, исталган вақтда ҳеч бир тўсиқсиз корхоналарга борадилар ва текширадилар;

Иш берувчиларга, корхоналарнинг раҳбарлари ва мансабдор шахсларга меҳнат муҳофазасига доир Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги мажбурий ижро этилиши лозим бўлган кўрсатмалар беради;

Меҳнат муҳофазасига доир қонунлар, меъёрлар, андоза (стандарт)ларни бузишда айбдор бўлган корхоналарнинг раҳбарлари, ман-

сабдор шахслари ва бошқа масъул ходимларига белгиланган тартибда жарима солади;

Кузатиш ва назорат қилиш вазифаларини амалга оширишда зарур бўлган тушунтиришлар ва бошқа ахборотларни ижро этувчи ҳокимият идораларидан, корхоналардан оладилар;

Мехнат муҳофазасига доир қонунлар ва бошқа мөъёрий ҳужжатлар бузилиши аниқланган чоғда ишлаб чиқариш, цехлар, жиҳозларнинг ишини тўхтатиб қўяди;

Белгиланган тартибда меҳнат муҳофазаси ўкув курсларини тугатмаган ва қоидалар, мөъёrlар, йўл-йўриклар хусусидаги билимларини текширувдан ўтказмаган шахсларни ишдан четлаштиради;

Мехнат муҳофазасига доир қонунларни, қоидалар, мөъёrlар, андоза (стандарт)ларни мунтазам равишда бузиб, тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш, цехлар, жиҳозлар ишини ўзбошимчалик билан тиклаган шахсларнинг эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши тўғрисидаги тақдимномаларни корхона раҳбарларига ва улар бўйсунувчи идораларга беради;

Мехнат муҳофазасига доир қонунларнинг бузилиши, (бош) давлат техникавий меҳнат нозир (инспектор)ининг кўрсатмалари бажарилмагани хусусидаги даъво талаблари ва бошқа материалларни тегишли ҳукукни муҳофаза қилиш идораларига юборади;

Сертификатларга эга бўлмаган ёки давлат андоза (стандарт)лари талабларига ва техникавий шартларга мувофиқ бўлган ишлаб чиқаришни ҳамда якка тартибда ва жамоа бўлиб ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланишни тақиқлайди;

Зарур бўлган холларда бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш ва бошқа машина жиҳозларидан бундан буён ҳам фойдаланиш мумкинлигини аниқлаш учун корхона раҳбарларидан уларнинг ҳолатини техникавий экспертизадан ўтказиши талаб қиласди.

Давлат техникавий меҳнат инспекциясининг кўрсатмалари мажбурий кучга эга бўлиб, ундан норози бўлган шахслар судга шикоят берислари мумкин.

**3.** Саноатда ишларни хавфсиз олиб бориши ва назорат бўйича Агентлик. Бу орган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 7 февралдаги 2535-УП сонли «Ўзбекистон Республикаси саноатда ишларни хавфсиз олиб бориши ва тоғ-кон назорати Давлат қўмитасини саноатда ишларни хавфсиз юритиши ва тоғ-кон назорати бўйича Агентликка айлантириши тўғрисида»ги Фармони асосида ташкил этилган. Унинг тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 7 апрелдаги қарори билан тасдиқланган.

Унинг асосий вазифаси саноатда ва тог-кон саноатида ишларни хавфсиз олиб борилиши, техника хавфсизлиги талабларига риоя этилиши, меҳнат шароитларини тегишли стандартларга мувофиқ бўлишини назорат қилишдан иборат. Уларга ушбу вазифаларни амалга ошириш учун зарур ваколатлар берилган. Жумладан, ушбу агентлик ва унинг жойларда органлари корхоналар ишини текширишга, тегишли қарорлар қабул қилишга, уларни мажбурий ижро этилишини таъминловчи чоралар кўришга ҳақли саналадилар.

**4 . Давлат санитария назорати** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонун асосида<sup>1</sup> ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан белгиланган тартибда фаолият кўрсатади.

Ушбу Қонуннинг 21-моддасида айтилишича:

Ўзбекистон Республикасининг давлат санитария эпидемиология хизмати қайси идорага бўйсунишидан ва мулкчиликнинг шаклларидан катъи назар, Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари устидан давлат санитария назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг, вилоятлар, Тошкет шаҳар бош давлат санитария врачининг, Давлат санитария назоратини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатлари, шу жумладан ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси хавфсизлигини таъминлашга оид ваколатлари ушбу Қонунда мустаҳкамлаб кўйилган.

**5 . Суд назорати** суд ҳокимиятини амалга оширувчи суд органлари томонидан маъмурӣ, жиноий ва фуқаролик ишларини кўриш, одил судловни амалга ошириш жараёнида юз беради.

Судларнинг бу борадаги ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисидаги» Қонунида, Жиноят процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал Қонунларида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб кўйилган.

Суд аниқ фуқаролик, жиноий ёки маъмурӣ жавобгарликка оид ишни кўриб ҳал қилиш жараёнида меҳнат қонунчилиги талаблари бузилганигини аникласа, уни бартараф этиш, юз беришига сабаб бўлган ҳолатларга барҳам бериш, айборларини аниклаш ва жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 10-сон, 355-модда (кейинги кўшимча ва ўзгартиришлар билан).

Суд томонидан қўлланилиши мумкин бўлган хукукий таъсир чоралари тегишли қонун хужжатларида назарда тутилган.

**6. Прокуратура органлари** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни асосида иш олиб борадилар<sup>1</sup>. Ушбу Қонуннинг 2-моддасида уларнинг асосий вазифалари кўрсатиб кўйилган. Унга қўра:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўсунувчи прокурорлар барча вазирликлар, Давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорати идоралари, ҳокимлар, шунингдек кимга бўйсунишидан, кимнинг тасаруфидан бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳарбий қисмларда, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар; фуқаролар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни амалга оширадилар.

Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ прокурор назорати предмети бўлиб:

барча вазирлик, Давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорати идоралари, ҳокимлар, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар, ҳарбий қисмлар, жамоат ташкилотлари, партиялар ва ҳаракатлар, мансабдор шахслар қонунларни бажараётганлиги, шунингдек улар чиқараётган хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Қонунларига мувофиқлиги;

шахснинг дахлсизлиги тўғрисидаги, фуқароларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий, шахсий хуқук ва эркинликлари тўғрисидаги, уларнинг шаъни ва қадр-кимматини муҳофаза қилиш (башарти, ушбу хуқуqlарни муҳофаза этишининг ўзга тартиби кўзда тутилмаган бўлса) тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши;

иктисодий муносабатларга, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва ташки иктисодий фаолиятга доир қонунларга риоя этилиши.

Прокурор аралашувини талаб қиласиган қонун бузилиш ҳоллари ҳақида аризалар ёки бошқа маълумотлар тушганда, шунингдек етарли асослар бўлганда ҳам ўз ташаббуси билан қонунлар ижросининг текширувла-ри ўтказилади. Прокурорнинг хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятига бевосита аралашувига, шунингдек идоравий бошқарув ва назорат органлari фаолиятини амалга оширишга йўл қўйилмайди. Прокурор назорати воситалари ва усуллари қонун хужжатларида белгилаб кўйилган.

**7. Жамоат назоратини** асосан касаба уюшмалари амалга оширадилар ва бунда улар 1992 йил 2 июлда кабул қилинган «Касаба уюшмалари, уларнинг хуқуqlари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги» Қонунга асосан амалга оширилади.

<sup>1</sup> *Каранг:* Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2001 йил 20-сон, 139-модда.

Мазкур Қонуннинг 11-моддасига кўра, «Касаба уюшмалари маъмурят, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этишларини назорат қилиб боради, аниқланган камчиликларни бартараф этишни талаб қилишга ҳақлидирлар. Маъмурят меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунлар бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари тўғрисида бир ой муддат ичидаги касаба уюшмасига хабар қилиши шарт».

Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг меҳнат ҳукуқларини химоя қилиб, даъво ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Шу мақсадда касаба уюшмалари инспекциялари, ҳукукий ёрдам хизматлари ва бошқа зарур идораларга эга бўлиши мумкин. Касаба уюшмалари республика ва вилоят қўмиталари таркибида меҳнат ҳукукий инспекциялар мавжуд бўлиб, улар ўзлари ҳақидаги Низомга асосан назорат фаолиятини олиб борадилар.

Корхона ва ташкилотлардаги касаба уюшмалари қўмитаси уларнинг комиссиялари корхонада меҳнат қонунларига амал қилиниш, меҳнат муҳофазаси ва техника ҳавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши устидан назорат олиб борадилар ва ўз ваколатлари доирасида бу масалада зарур чораларни кўрадилар.

### 3-§. Меҳнат қонунлари ва меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлик

Меҳнат тўғрисидаги қонун талабларини бажармаганлик, қонунбузарлика йўл қўйилгани учун ҳукукий жавобгарликка тортиш кўзда тутилган. Бундай ҳукукий жавобгарлик корхонага нисбатан ва корхоналарнинг мансабдор шахсларига нисбатан қўлланилиши мумкин.

Корхонага нисбатан ҳукукий жавобгарлик қонун талабларини бузганлик учун молиявий санкциялар, хўжалик фаолиятининг айrim тури билан шугуланиш учун берилган лицензия (руҳсатнома)ни кайтариб олиш ва ҳатто корхонани тутатиб юбориш ҳақида қарор қабул қилиш каби шаклларда қўллаш мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 1 декабрдаги 504-сонли қарори билан тасдиқланган «Ахолини иш билан таъминлаш қонунчилигини бузганлик учун жарима солиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 6-бандига кўра ижтимоий химояга муҳтоҷ шахсларга энг кам иш жойларини барпо этмаганлик, ёш мутахассисни ишга қабул қилишдан бош тортганлик (аввал буюртма берган ҳолда) учун корхонада яратилмаган бўш иш жойларининг (қабул қилишдан

бош тортилган ёш мутахассиснинг) ҳар бири учун ушбу иш жойида ишлаши лозим бўлган ҳодимнинг ҳар бирининг бир йиллик иш ҳақи миқдорида жарима солинади.

«Давлат санитария назорати тўғрисидаги» Қонуннинг 31-моддасида айтилишича:

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, санитария қонунларини бузишда айбор бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар шикастланганларни даволаш ва уларнинг саломатлигини тиклаш, давволаш профилактика тадбирларига санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишга сарфланган харажатларни Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ тўлашлари шарт.

Корхоналарда меҳнатнинг ташкил этилиши учун масъул бўлган мансабдор шахслар – ҳодимлар томонидан меҳнат қонунчилик талаблари бузилгани тақдирда улар хукукий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

**1. Интизомий жавобгарлик.** Корхона раҳбари ва корхонада меҳнатни ташкил қилиш, ҳодимларнинг хукуқларини таъминлаш учун масъул бўлган бошқа мансабдор шахслар меҳнат қонунларини бузганликлари учун корхона ички меҳнат тартиби қоидалари, интизом тўғрисидаги Уставлар ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортилишлари мумкин. Масалан, фуқароларни қабул қилиш тартибини бузган корхона мансабдор шахси интизомий жазога тортилиши мумкин.

**2. Моддий (мулкий) жавобгарлик.** Корхона раҳбари ёки бошқа мансабдор шахс ўз айбли хатти-харакати билан корхона мулкига зарар етказгани тақдирда бу зарар ундан қонунда белгиланган тартибда ундириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 274-моддасига кўра: «Суд ҳодим билан тузилган меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишда ёки ҳодимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишида айбор бўлган мансабдор шахс зиммасига ана шу ҳодимга иш ҳақи тўланиси муносабати билан иш берувчига етказилган зарар ўрнини қоплаш мажбуриятини юклайди.

Бундай мажбурият, башарти меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиши қонунини очик-оидин бузган ҳолда амалга оширилган ёки мансабдор шахс суднинг ҳодимни ишга тиклаш тўғрисидаги қарори ижросини кечиктирган бўлса, юклатилади.

Етказилган зарар ўрнини қоплаш учун тўланадиган ҳақ миқдори мансабдор шахснинг уч ойлик маошидан ортиб кетамаслиги лозим».

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 269-моддасига 1998 йил 1 майда киритилган ўзгартиришга кўра корхонанинг банкрот бўлишига сабаб бўлган, корхона молиявий аҳволини ёмонлашувига йўл қўйган мансабдор шахсларга хўжалик низосини кўраётган суд томонидан хўжалик низосини ҳал этиш пайтида моддий жавобгарлик юклатилиши мумкин<sup>1</sup>.

**3. Маъмурий жавобгарлик.** Корхона раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан меҳнат қонунчилиги борасида содир этилган жиддий хатти-харакатлари учун маъмурий жавобгарликка тортиш кўзда тутилган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 49-моддасида мансабдор шахс томонидан меҳнат қонунлари ва меҳнат муҳофазаси талаблари бузилганлиги учун, 50-моддасида меҳнат органлари томонидан ишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишлидан бош тортганлик учун, 51-моддада эса қандайдир шаклда фуқароларни мажбуран меҳнатга жалб этганлик учун жарима жазоси қўлланиши назарда тутилган.

Ана шундай маъмурий жавобгарлик хавфсиз меҳнат шароитларини таъминламаганлик ва бошқа айбли хатти-харакатлар учун қўлланилиши мумкинлиги бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларида ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасига кўра корхоналарда санитария нормалари ва қоидаларини бузган мансабдор шахсларга бош санитария врачлари ва уларнинг ўринbosарлари томонидан жарима солиш тарзидаги маъмурий жавобгарликка тортилишилари айтилган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексида меҳнат қонунчилиги талабларини, техника хавфсизлиги тартиби-қоидаларини бузган корхоналарнинг мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилиш тартиби, асослари, шартлари, маъмурий жазо турлари ва уларнинг қўлланилиши, маъмурий жазо устидан шикоят килиш тартиблари ва кўплаб бошқа масалалар ёритиб берилган.

**Жиноий жавобгарлик.** Корхона раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан содир этилган меҳнат қонунлари ва техника хавфсизлиги талабларини бузиш оғир оқибатлар келтириб чиқаргани ҳолда ёки ижтимоий хавфлилиги юкори бўлганида жиноий жавобгарлик юз беради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 148-моддасига кўра, била туриб, гайриконуний равишда ишдан бўшатиш ёки ишга тиклаш тўғрисидаги суд

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 269-моддаси, 3-кисми (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йил 1 майдаги ўзгаришилари билан).

карорини бажармаслик, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса:

Энг кам иш ҳақининг 25 бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян хукуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Аёлни ҳомиладорлиги ёки ўш болани парвариш қалаётганилгини била туриб, уни ишга олишдан гайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш;

Энг кам иш ҳақининг 25 бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян хукуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Жиноят Кодексининг 257-моддасида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Унда айтилишича, техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини шу қоидаларга риоя этилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши ўртacha ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлса;

Энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваридан 50 бараваригача миқдорда дарима ёки беш йилгача муайян хукуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиши:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатлар келиб чикишига сабаб бўлса:

муайян хукуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

258-моддада тоғ-кон ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун ана шундай жиноий жавобгарлик белгиланган.

Булардан ташқари, мансабдор шахслар томонидан меҳнат қонунчилиги ва техника хавфсизлиги қоидалри бузилишига оид жиноий хатти-харакатлар учун бошқа кўплаб жавобгарликлар ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, ўз хизмат вазифасини сунистеъмол қилган (205-модда), мансаб ваколатидан четга чикиш (206-модда), мансабга совукконлик билан қараш (207-модда), мансаб соҳтакорлиги (228-модда), радиоактив материаллардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (253-модда) ва бошқа турдаги хизмат билан боғлиқ жиноятлар учун жазо белгиланган.

Корхона мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлардан яна бири – суд қарорларини бажармасликдир. Жиноят Кодексининг 232-моддасида айтилишича:

Мансабдор шахснинг суд ёки судьянинг хукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини қасддан бажармаслиги ёхуд уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиши;

энг кам ойлик иш хақининг 50 бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян хукуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузишиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиди.

Хозирги пайтда ғайриқонуний ишдан бўшатилган ёки бошқа ишга ўтказилган ходимларни ишга тиклаш ва унга етказилган моддий зарарни қоплаш ҳақидаги суд қарорларини мансабдор шахслар томонидан бажарилмаслиги ҳоллари учраб турибди.

### **БИЛИМИНГИЗНИ ТЕКШИРИБ КЎРИНГ**

1. Меҳнат муносабатларида қонунийликни таъминлаш нима ва унинг қандай аҳамияти бор?
2. Қонунийликни таъминлаш қайси усуслар ва воситалар билан амалга оширилади?
3. Қайси давлат ва жамоат органлари меҳнат қонунчилигига амал қилинши юзасидан назорат ва текшириши олиб боради?
4. Меҳнат қонунлари амал қилиши устидан прокурор умумий назорати ҳақида гапириб беринг.
5. Меҳнат қонун ҳужжатларини бузгалиги учун қандай ҳукуқий жавобгарликлар белгиланган?

## **XIX боб. МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК**

### **1-§. Мехнат соҳасида халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик ва унда Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши**

Илмий техника революцияси юз бераётган пайтда ижтимоий-иктисодий ва бошқа муносабатларнинг глобаллашув жараёни кузатилмоқда. Бундай шароитда жаҳоннинг бир бурчагида содир бўлаётган воқеа-ходисалар бошқа бурчагида яшовчи халқлар ва давлатлар учун ҳам акс садо бераёттир. Ушбу омиллар юз бераётган жараёнларни мувофиқлаштирилишини, давлатлар ва халқлар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилишини тақозо этмоқда.

Ер курасида аҳоли сони тез суръатлар билан кўпайиб, унинг ресурслари ва иктисодий имкониятлари деярли ўзгармасдан қолаётган бир пайтда барчани иш билан таъминлаш, очлик ва касалликларга, қашшоқликка қарши курашиш долзарб вазифалардан эканлиги шакшубҳасизdir.

Инсоннинг энг муҳим ижтимоий-иктисодий ҳуқукларидан бири бўлган меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, ишсизликка карши курашиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги халқаро ҳамкорлик ва бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни халқаро ҳуқуқий тартибга солиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бевосита иштироки ҳамда раҳбарлиги остида, унинг ихтисослаштирилган ва минтақавий ташкилотлари кенг жалб этилган ҳолда амалга оширилади.

Меҳнат, бандлик ва минимал меҳнат шароитларини таъминлашга доир глобал масалалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг энг аҳамиятли халқаро ҳуқуқий ҳужжатлари: «Инсон ҳуқуqlари Умумжаҳон Декларацияси» (1948 йил 10 декабр), «Иктиносий, ижтимоий ва маданий ҳуқуклар тўғрисида»ги халқаро Пакт (1966 йил 19 декабр) ва бошқа ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган.

«Инсон ҳуқуклари Умумжаҳон Декларацияси»нинг 23-моддасига кўра, «Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулав шароитга эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниши ҳуқукига эга»<sup>100</sup>.

«Ижтимоий, иктиносий ва маданий ҳуқуqlар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддасига кўра: «Ушбу пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг ишлаб маблағ топиш имкониятини қамраб оладиган меҳнат қилиш ҳуқуқини тан олади. Меҳнат турини ҳар бир одам эркин ҳолда танлайди ёки унга эркин ҳолда рози бўлади. Шу Пактга аъзо бўлган давлатлар эса фуқароларни мазкур ҳуқуқ билан таъминлаш учун зарур чоралар кўради»<sup>101</sup>.

Меҳнатни халқаро ҳуқуқий тартибга солишда, айниқса Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ўрни каттадир. Халқаро Меҳнат Ташкилоти БМТнинг ихтисослашган муассасаси мақомига эга ҳолда иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини қўлга киритганидан кейинги ўтган ўн йил давомида ижтимоий-сиёсий, иктиносий, маданий ҳаётнинг барча жабхаларида туб ислоҳотларни амалга оширмоқда ва уларнинг моҳияти – демократик, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадида умуминсоний ва демократик қадриятларни жорий эта бориш, фуқароларнинг ҳуқукларини таъминлашга қаратилган халқаро андозаларга мослашишдан иборат.

<sup>100</sup> Қаранг: «Инсон ҳуқуклари» (олий ўкув юрглари учун ўкув қўлланмаси), Т., «Ўзбекистон», 1997, 188-бет.

<sup>101</sup> Қаранг: Ўша манба, 193-бет.

Ўтган йиллар давомида БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид энг муҳим хужжатлари, Халқаро Мехнат Ташкилотининг бир қатор конвенциялари Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинди<sup>102</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистон халқи умумий эътироф этган халқаро ҳуқуқий нормалар устиворлигини тан олиш қайд этилган. Шунга мувофиқ равишда барча қонунларда, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексида ҳам (10-моддаси) Ўзбекистон иштирок этаётган халқаро ҳуқуқий шартномаларнинг қоидалари миллий қонунчиликка нисбатан устивор эканлиги таъкидланади.

Хозирги кунда меҳнатни ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги халқаро андозалар, агар улар Ўзбекистон томонидан тан олинган бўлса, бевосита қўлланилиши, уларнинг қоидалари Ўзбекистон қонунлари таркибига киритилиши, улар асосида қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиш орқали Ўзбекистонда меҳнат ҳуқукининг ривожланишига таъсирини ўтказмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси-нинг 10-моддасида: «Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки Халқаро Мехнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан имтиёзлироқ қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки конвенциянинг қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларнинг ёки Халқаро Мехнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясининг қоидалари меҳнатга оид муносабатлар бевосита қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолларда ҳам қўлланилади», дейилади.

## **2-§. Халқаро Мехнат Ташкилоти ва меҳнатни халқаро ҳуқуқий тартибга солинишида унинг ўрни**

Халқаро Мехнат Ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасаси сифатида 170 давлатни ўзида бирлаштиради. Унинг ташкилий тузилиши, ваколатлари ва иш олиб бориш

<sup>102</sup> Қаранг: 1991 йил 30 сентябрда «Инсон ҳуқуқлари Умумжахон Декларацияси», 1995 йил 31 августда «Иктисодий, ийкимий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро Пакт ва бошқа кўплаб ҳужжатлар ратификация қилинган.

шакллари ўз Уставида белгилаб қўйилган. Халқаро Мехнат Ташкилотининг олий органи бўлиб ҳар йили бир марта унинг барча аъзо давлатларидан иборат таркибда чақириладиган халқаро меҳнат конференцияси ҳисобланади. Ушбу конференция фаолиятида ҳар бир аъзо давлат 4 делегатдан (2 та хукуматдан, 1 та тадбиркорлардан, 1 та ходимлардан) иборат таркибда катнашади.

Халқаро меҳнат конференцияси 56 кишидан иборат (28 киши хукуматлардан, 14 тадан тадбиркорлар ва ходимлардан) маъмурий кенгашни ташкил этади. Халқаро меҳнат бюроси Халқаро Мехнат Ташкилотининг доимий котибияти саналиб, кундалик ижроия фаолияти билан шугулланади, Бош директор томонидан шакллантирилади.

Халқаро Мехнат Ташкилоти тарихига назар ташланса, унинг барпо этилишида АҚШ касаба уюшмалари, Америка Меҳнат Федерацияси муҳим рол ўйнаганлигини кўриш мумкин. 1910 йилдан бошлаб Америка Меҳнат Федерацияси раиси Самюэл Гомиерс бошчилигида Америка касаба уюшмалари бир неча йил давомида халқаро миқёсида меҳнаткашларни ҳимоя қилишининг халқаро тизимларини яратишга интилиб келди. 1919 йилда АҚШ президенти Вудро Вильсон «Миллатлар ҳамжамияти»ни яратиш ташаббусини олға сурди. Ушбу икки гоя бошқа давлатлар халқлари томонидан ҳам қўллаб-куватланди ва 1919 йил январ ойида бўлиб ўтган Версал конференциясида муҳокама килиниб, 1919 йил 25 январида халқаро меҳнат қонунчилиги билан шуғулланувчи 15 кишидан иборат комиссия тузилди.

Комиссия Буюк Британия тақдим этган лойиҳа бўйича янги (бўлажак XMT) муассаса ваколатлари, унда хукуматлар, иш берувчилар ва ходимлар вакилларининг иштироки, конвенциялар ишлаб чикиш, қабул қилиш, ратификациялашни ташкил этиш, ижро этилишини назорат қилиш механизми мухокама этилди. 1919 йили Миллатлар Лигаси ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти тузиш тўғрисида Версал битими қабул килинди.

Халқаро Миллатлар Лигаси мақсад ва вазифалари фаолият принципиалири ва шакллари унинг Уставида, Устав таркибига киритилган Филадельфия Декларациясида мустаҳкамлаб қўйилган.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти ўз фаолиятини қўйидаги тамойилларга асосланган ҳолда юритади:

- меҳнат товар эмас;
- сўз эркинлиги ва ташкилотларга бирлашиш эркинлиги доимий тараққиётнинг зарур шартидир;
- бирон бир жойдаги қашшоқлик умумий фаровонликка таҳдид солади;

– умумий фаровонликка кўмаклашиш максадида ҳар бир давлатда ва халқаро миқёсда муҳтожлик билан узлуксиз қураш олиб борилиши керак.

Уставда белгиланишича, меҳнат шароитларини яхшилаш учун қўйидаги масалалар бўйича халқаро миқёсида чоралар қабул қилиш лозим:

- иш куни ва иш ҳафтаси муддатини чеклаш орқали иш вақтини меъёрлаштириш;
- ишчи кучини ёллашни тартибга солиш;
- ишсизликка қарши чоралар кўриш;
- қоникарли турмуш шароитларини таъминловчи иш ҳақи кафолатлари;
- меҳнаткашларни касалликлар, касб касалликлари ва ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалардан ҳимоя қилиш;
- болалар ва ўсмирлар ҳамда аёлларни ҳимоя қилиш;
- кариллик ва ногиронлик бўйича кафолатли нафакалар;
- чет элда ишлаётган меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш;
- бир хил қийматдаги меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш;
- ташкилотга бирлашиш эркинлиги тамойилнинг тан олиниши;
- касб-хунар таълимими ташкил этиш ва бошқалар.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставига мувофиқ норма ижод қилиш, яъни меҳнат соҳасида халқаро хуқуқий андозаларни яратиш унинг асосий фаолият йўналишларидан бўлиб ҳисобланади. Шуни айтиш кифояки, 1997 йил июн ойигача бўлган даврга келиб Халқаро Меҳнат Ташкилоти қабул қилган халқаро хуқуқий ҳужжатлар сони 364 тага етди. Улардан 180 таси конвенция, 184 таси тавсиялардан иборат.

Мустақилликка эришганимиздан кейнинг йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 11 та конвенцияси ратификация қилинди. Булар:

1. Иш вақтини 40 соатгача қисқартириш ҳақидаги 40-конвенция;
2. Йиллик ҳақ тўланадиган таътиллар ҳақидаги 52-конвенция;
3. Оналикни муҳофаза қилиш ҳақидаги 103-конвенция;
4. Меҳнат ва иш билан таъминлаш соҳасида камситишлар тўғрисидаги 111-конвенция;
5. Мажбурий меҳнатни бекор қилиш ҳақидаги 105-конвенция;
6. Бир хил қийматдаги меҳнат учун эркак ва аёлларни тенг тақдирлаш ҳақидаги 100-конвенция;
7. Куч ишлатиш ёки мажбурлаш йўли билан меҳнат қилдиришни тақиқловчи 29-конвенция;

8. Корхоналардаги мөхнаткашлар вакиллари ҳуқукларини химоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар ҳақидаги 135-конвенция;
9. Жамоавий музокараларни ташкил этиш ва олиб бориш ҳуқуки тамойилларини кўллаш тўғрисидаги 98-конвенция;
10. Жамоавий музокараларга қўмаклашиш тўғрисидаги 154-конвенция;
11. Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсатга оид 122-конвенция кабилардан иборат.

Халқаро Мөхнат Ташкилоти конвенциялари ва тавсиялари Халқаро Мөхнат Конференцияси томонидан ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Халқаро Мөхнат Конференцияси қабул қилган конвенция Халқаро Мөхнат Ташкилоти аъзоси бўлган камида икки давлат томонидан ратификация қилиниши билан кўп томонлама халқаро битимга айланади ва уни ратификация қилган давлатлар учун ҳам, ратификация қилмаган давлатлар учун ҳам мажбуриятлар юклайди.

Халқаро Мөхнат Ташкилоти тавсиялари халқаро шартнома хисобланмайди ва шу туфайли уларни ратификациялаш талаб этилмайди, аммо барча аъзо давлатлар унга амал қилишлари, ўз миллий қонунчилигига тегишли ўзгартиришлар киритишлари лозим бўлади.

#### **БИЛИМНИГИЗНИ ТЕКШИРИБ КЎРИНГ**

1. Халқаро мөхнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиши зарурлиги нималар билан белгиланади?
2. Мөхнат муносабатларига оид қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни биласиз?
3. Халқаро Мөхнат Ташкилоти ва унинг вазифалари тўғрисида сўзлаб беринг.
4. Халқаро Мөхнат Ташкилоти конвенциялари ва тавсияларининг халқаро мөхнатни тартибга солиши, мөхнат соҳасида халқаро ҳуқуқий стандартлар яратилишидаги аҳамияти қандай?
5. Ўзбекистон Республикасининг мөхнат соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги хусусиятлари нималардан иборат?
6. Мөхнат соҳасидаги қайси халқаро ҳужжатлар Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган?
7. Мөхнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаши соҳасида Ўзбекистон Республикаси амалга ошираётган халқаро ҳамкорликнинг мақсадлари, йўналишилари ва асосий тамойиллари ҳақида нималарни биласиз?

### **ФАННИ ЎРГАНИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР**

#### **I-IV бобларга**

1. Каримов И. А. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўз модели», Т., «Ўзбекистон», 1993.

2. Каримов И. А. «Замонавий кадрлар тайёрлаш – ислоҳотлар муваффакиятининг асоси», «Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил 26 декабр.
3. Каримов И. А. «Ватан ободлиги, озодлик ва фаровонлик – олий мақсадимиз», «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 23 январ.
4. Каримов И. А. «Адолат – қонун устиворлигига». «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 30 август.
5. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси, Т., «Адолат», 1999, 1-4 боблар (1-56 моддалар).
6. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолати тўғрисида»ги Конуни, «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», № 23. Т., «Адолат». 2001.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг хукуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Конуни, «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», № 6. Т., «Адолат», 1992.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив хукукий хужжатлар тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1-сон, 2000.
9. БМТнинг «Инсон хукуqlари Умумжаҳон Декларацияси», «Инсон хукуqlари» ўкув қўлланмаси Т., «Ўзбекистон», 1998, 183-бет.
10. БМТнинг «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуклар тўғрисида»ги Халқаро Пакти, «Инсон хукуклари» ўкув қўлланмаси. Т., «Ўзбекистон», 1997, 191-бет.
11. Халқаро Мехнат Ташкилотининг «Ташкилотга бўлган хукуклар ва жамоа шартномалари тузиш тўғрисида»ги Конвенцияси, Права чоловека, Т., «Шарқ» НМК, 1995, т 1. стр. 442.
12. «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2000 йил учун жамоа шартномалари тузиш юзасидан тавсиялари», 2000 йил 10 январдаги 39-05/11 сонли хати.
13. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят-ижроия кодекси», Т., «Адолат», 1997, 13-боб, 42-46-бетлар.
14. «Законодательные основы рынка». Т., ИПК «Шарқ», 1996, стр. 402-413.
15. «Трудовое право», учебник, М., «Прогресс», 1998, стр. 7-139.
16. Гасанов М. Ю., Соколов Е. А. «Ўзбекистон Республикасида меҳнат шартномаси (контракти)», Т. Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси» нашриёти, биринчи ва иккинчи китоблар, 1996, 384-443-бетлар.
17. Толкунова В. Н., Гусов К. Н. «Трудовое право России», Учебное пособие, М., 1995.
18. Сыроватская Л. А. «Трудовое право», Учебник.
19. «Курс Российского трудового права», СПб, 1996.

20. Хохлова Е. Б., «Экономические методы управления и трудовое право», Л., изд. ЛГУ, 1991.
21. Смирнов О. В. «Основные принципы советского трудового права», М., 1977.
22. Иноятов А. А., Турсунов Й. «Ижтимоий таъминот соҳасида аёлларга бериладиган кўшимча кафолатлар». «Хотин-қизлар ва болаларнинг хукуклариға оид қонун кафолатлари» тўплами. Т., «Ўзбекистон», 2000, 203-236 бетлар.
23. Ахмедов А. «Некоторые проблемы заключения коллективного договора в банковской системе», «Банковские ведомости», 1997 г., № 36.
24. Смолярчк В. И. Источники Советского трудового права. М., 1968.
25. Смирнов О. В. «Эффективность правового регулирования организаций труда и предприятий». М., 1968.
26. Маврин С. П. «Современные проблемы общей части российского трудового права». СПб., 1993.
27. Снигирева И. О. «Профсоюзы и трудовое право», М., 1983.
28. Турсунов Й. «Мехнат хукуки», Ўқув қўлланмаси, Т., «Молия», 1999, 5-34-бетлар.
29. Исаев М., Тўлаганов Ш. «Халқаро Мехнат Ташкилоти ва унинг Конвенциялари». «Ишонч» газетаси, 2000 йил 31 март.
30. Гасанов Ш., Соколов Е. «Рабочее время и время отдыха», 2000.
31. Безина А. К. «Вопросы теории трудового права и судебная практика», 1976.

## V бобга

1. Каримов И. А. «Замонавий кадрлар тайёрлаш – ислохотлар муваффақиятининг асоси», «Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил 26 декабр.
2. Каримов И. А. Қонунларимиз халқ манфаатларига хизмат қилин, «Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби», Асарлар, 5-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т., «Адолат», 1998.
4. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси, Т., «Адолат», 1999, V боб, 57-69 моддалар.
5. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистоннинг янги қонунлари, Т., «Адолат», 1998, №19.
6. «Мехнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғриси-

да Низом». Адлия вазирлигига 1999 йил 13 октябрда 831-тартиб рақами билан давлат рўйхатига олинган.

7. «Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларини энг кам миқдорини белгилаш тартиби тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 декабрдаги 504-сонли қарори билан тасдиқланган.

8. «Ҳак тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги 353-сонли қарори билан тасдиқланган.

9. «Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 2 июлдаги 762-тартиб рақами билан давлат рўйхатига олинган.

10. «Бозорнинг хуқуқий асослари», Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1996, 402-413-бетлар.

11. Акбаров А., Турдиев А. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига шархлар. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 2000.

12. «Трудовое право». Учебник, «Прогресс», М., 1998, стр. 140-170.

13. Турсунов Й. Меҳнат хукуки. Т., «Молия», 1999, 35-52-бетлар.

14. Сайдназирхонов С., «Ишчи кучи миграцияси», «Инсон ва қонун» газетаси, 2000 йил 16 май.

## VI бобга

1. Каримов И. А. «Қонунларимиз халқ манфаатига хизмат қилсин», «Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби», Асарлар, 5-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1997.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т., «Адолат», 1998 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Т., «Адолат», 1999, VI-боб, 72-113-моддалар.

4. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1930 йилги 29 сонли «Мажбурий меҳнат тўғрисида»ги Конвенцияси.

5. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1957 йилги 105-сонли «Мажбурий меҳнатни бекор қилиш тўғрисидаги» Конвенцияси.

6. Халқаро Мөхнат Ташкилотининг 1982 йил 22 июнданги 158-сонли «Тадбиркор ташаббуси билан мөхнат муносабатларини бекор қилиш түгрисида»ги Конвенцияси.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 17 сонли «Судлар томонидан мөхнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи конунларни кўлланиши ҳакида»ги Карори.

8. «Бозорнинг хукуқий асослари», «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, Т., 1996, 413-432-бетлар.

9. Гасанов М. Ю., Соколов Е. А. «Ўзбекистонда мөхнат шартномаси (контракти)», «Иктисолиёт ва хукуқ дунёси» нашриёти, биринчи, иккинчи ва учинчи китоблар. Т., 1996.

10. Гасанов М. Ю., Соколов Е. А. «Ўзбекистоннинг мөхнат түгрисидаги қонун хужжатлари». Биринчи китоб, Мөхнат шартномаси (контракти). Т., 1999.

11. Турсунов Й., «Мөхнат хукуқи», Ўқув қўлланмаси. Т., «Молия», 1999, 53-80-бетлар.

12. «Трудовое право», Учебник, «Прогресс», М., 1998, 140-170.

13. Сыроватская Л. А., «Трудовое право», учебник. М., «Высшая школа», 1995.

14. «Трудовое право России». Под ред. А. С. Пашкова, СПб, 1994.

15. Лившиц Р. З., Чубайс Б. М. «Трудовой договор», М., «Наука», 1986.

## VII бобга

1. Каримов И. А. «Юксак хукуқий тафаккур – демократик жамият тақозоси». «Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил 22 май.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т., «Адолат», 1998.

3. Ўзбекистон Республикаси Мөхнат кодекси, Т., «Адолат», 1999.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 марта даги 13-сонли қарори ва унга иловалар.

5. «Ички мөхнат тартибининг Намунавий коидалари». Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 14 июнда 746-тартиб рақами билан давлат рўйхатига олинган.

6. Ўзбекистон Республикаси Мөхнат вазирлиги томонидан 1997 йил 6 сентябрдаги 6/1-сонли қарор билан тасдиқланган «Акциядорлик жамиятларида мөхнат муносабатларини тартибга солишни такомиллаштириш юзасидан Тавсиялар».

7. Халқаро Мөхнат Ташкилотининг 1935 йилги 47-сонли «Иш вақтини хафтасига 40 соатгача қисқартириш түгрисида»ги Конвенция.

8. Халқаро Мөхнат Ташкилотининг 1936 йилги 52-сонли «Йиллик ҳақ тўланадиган таътиллар түгрисида»ги Конвенция.

9. «Бозорнинг хукукий асослари», «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, Т., 1996.
10. Турсунов Й. «Мехнат хукуки», Ўқув қўлланмаси, Т., «Молия», 1999, 81-93-бетлар.
11. «Трудовое право» Учебник. «Прогресс». М., 1998, стр. 140-170.
12. Гасанов М., Соколов Е. «Ўзбекистон Республикасининг меҳнат хақидаги конун хужжатлари», II китоб, «Иш вақти ва дам олиш вақти», Т., «Шарқ» НМК, 2000.

### **VIII-IX бобга**

1. Каримов И. А. «Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби», 5 жилд, Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. Т., «Адолат», 1999, IX-X боблар, 153-170-бетлар.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 23 июндаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни ошириш тўғрисида»ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 июндаги 280-сонли «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф тизими ҳақида»ги қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 июля 788-тартиб рақами билан давлат рўйхатига олинган «Ёлланиб ишловчилар сони ва уларга тўланадиган иш ҳақи ставкаси юзасидан йўрикнома».
6. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 11 марта 133-сонли қарори ва унинг 5-6-иловалари.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 августдаги 326-сонли «Хорижий сармоялар бўлган корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш юзасидан чоралар ҳақида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2000 йил 29 сентябрда 975-рақам билан рўйхатга олинган шу ҳақдаги Низом.
8. «Намунавий ички меҳнат тартиби қоидалари».
9. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1949 йилги 95-сонли «Иш ҳақи тўлашни муҳофазалаш ҳақида»ги Конвенция.
10. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1951 йилги 100-сони «Тенг қийматли иш учун эркаклар ва аёлларга тенг иш ҳақи тўлаш тўғрисида»ги Конвенцияси.
11. «Трудовое право». Учебник, «Прогресс», М., 1998, гл. 11, стр. 248-294.

12. Турсунов Й. «Мехнат ҳуқуқи». Ўкув қўлланмаси, Т., «Молия», 1999, 94-107-бетлар.

13. Быков А. М. «Командировки», М., «Юридическая литература», 1989.

## X бобга

1. Каримов И. А. «Адолат ҳар ишда ҳамроҳ бўлсин», «Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 14 ноябр.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т., «Адолат», 1998.

3. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси, Т., «Адолат», 1999, XI боб, 174-184-моддалар.

4. «Намунавий ички меҳнат тартиби қоидалари», III бўлим.

5. «Иқтисодиёт ва ижтимоий тармоқларга оид айрим корхона, муассаса, ташкилотларда амал қилувчи интизом Уставлари».

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни.

8. «Трудовое право». Учебник. «Прогресс», М., 1998, гл. 13. стр. 314-326.

9. Турсунов Й. «Мехнат ҳуқуқи», Ўкув қўлланмаси, Т., «Молия», 1999, 108-113-бетлар.

## XI бобга

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т., «Адолат», 1998.

2. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси, Т., «Адолат», 1999, XII боб, 185-212 моддалар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарор билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлик ҳолда жароҳатланиш, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўланиши қоидалари».

4. Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги ҳайъатининг 1996 йил 2 апрелдаги 2/4-сонли қарори билан тасдиқланган (2-илова) «Мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб бўлган корхона, муассаса, ташкилотлар асраш учун берилган бойликлар сақланишини таъминлаш, қайта ишлаш, сотиш (бериш), ташиш ёки ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш

бобида тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартномалар тузилиши мумкин бўлган ходимлар эгаллайдиган ёки бажарадиган лавозимлар ҳамда ишларнинг намунавий рўйхати» ва «Тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисидаги намунавий шартнома» (3-илова).

5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси, 1991 йил 3-сон, 1993 йил, 1-сон, 1994 йил 3-сон.

6. «Трудовое право». Учебник. «Прогресс», М., 1998, гл. 14, стр. 327-356.

7. Турсунов Й. «Мехнат ҳуқуки». Ўқув қўлланмаси, Т., «Молия», 1999, 114-133-бетлар.

8. Сагдулаев Д. «Пора пробудиться от сиячки». Газета «Народное слово», 1998, № 52.

## XII бобга

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т., «Адолат», 1998.

2. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси, Т., «Адолат», 1999, XIII боб, 213-220-моддалари.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни. «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», Т., «Адолат», 1993 йил, 8-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1997 йил 6 июндан 286 сонли қарор билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва бошқача тарзда ходимлар соғлигига етказилган жароҳатларни текшириш ва хисобга олиш тўғрисида»ги Низоми.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 28 майда 247-тартиб раками билан давлат рўйхати олинган «Мехнат шароитларини баҳолаш услубияти ва иш жойларини меҳнат шароитига кўра шаҳодатлаш тартиблари».

6. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1977 йилдаги 148-сонли «Иш жойларидағи ҳавони ифлосланиши, шовқин, вибрация туфайли юз берадиган касбий ҳавф-хатардан меҳнаткашларни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конвенцияси.

7. «Трудовое право». Учебник. М., «Прогресс», 1998, гл. 12. стр. 248-294.

8. Турсунов Й. «Мехнат ҳуқуки». Ўқув қўлланмаси, Т., «Молия», 1999, 134-157-бетлар.

## XIII бобга

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т., «Адолат», 1998.
2. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси, Т., «Адолат», 1999, XV боб, 259-281-моддалар.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистоннинг янги қонунлари». Т, «Адолат», 1995 йил, 10 сон, 244-бет.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг хукуклари ва эркинликларини бузадиган хатти-харакатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», Т. «Адолат», 1996 йил, 11-сон, 112-бет.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал Кодекси. Т., «Адолат», 1997.
6. Толкунова В. Н., Гусов К. Н. «Трудовое право России», учебное пособие. М., «Юрист», 1995.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 17 сонли «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларни кўлланиши ҳакида»ги Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидағи қонунларни кўллашнинг айrim масалалари тўғрисида»ги қарори.
9. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал Кодекси. Т., «Ўзбекистон», 1998.
10. «Особенности рассмотрения отдельных категорий гражданских дел», М., изд-во МГУ, 1987 г. раздел III, стр. 193-243.
11. Турсунов Й. «Мехнат хукуки». Ўкув қўлланмаси, Т., «Молия», 1999, 168-177-бетлар.

#### **XIV бобга**

1. Каримов И. А. «Қонунларимиз ҳалқ манфаатига хизмат қилсин», «Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби». Асарлар, 5-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Адолат», 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси, Т., «Адолат», 1999.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», Т., Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2001, № 20, 139-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг хукуqlари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Конуни, «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», Т, «Адолат», 1993 йил 6-сон, 72-бет.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Конуни, «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», Т., «Адолат», 1993, 6-сон, 105-бет.

7. Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлигининг «Давлат меҳнат хукуқ инспекцияси тўғрисидаги Низоми», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 29 июлдаги 378-сонли қарори билан тасдиқланган.

8. «Давлат техникавий меҳнат инспекцияси тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 214-сонли қарори билан тасдиқланган.

9. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси, Т., «Адолат», 2000.

10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Т., «Адолат», 1999.

11. Гасанов М. Ю., Соколов Е. А. «Ўзбекистонда меҳнат шартномаси (контракти)», I, II, III китоблар. Т., 1996.

12. Гасанов М. Ю., Соколов Е. А. «Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари». Биринчи китоб, «Мехнат шартномаси (контракти)», Т., 1999.

13. Сыроватская Л. А., «Трудовое право», учебник, М., «Высшая школа», 1995.

14. Турсунов Й. «Мехнат хукуки». Ўкув қўлланмаси, Т., «Молия», 1999.

## XV-XIX бобларга

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т., «Адолат», 1998.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Т., «Адолат», 1999.

3. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конуни, «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», Т., «Адолат», 1997, 15-сон, 4-бет.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Халқаро шартномалар тўғрисида»ги Конуни, «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», Т., «Адолат», 1996, 12-сон, 55-бет.

5. Богусловский М. М. «Международное частное право», М., 1994.

6. Сайдуллаев Т. С., Турсунов Й. «Халқаро иқтисодий хукук», Т., 2000.

7. Ахмедов Э., Саидаминова З. Ўзбекистон Республикаси, Т., «Ўзбекистон», 1995.

8. «Трудовое право», учебник, М., «Проспект», 1998.
9. Турсунов Й. «Мәденият хуқуқы». Т., «Молия», 1999.

## **МУНДАРИЖА**

Сүз боши.....

3

## УМУМИЙ ҚИСМ

### **I боб. МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ ВА ТИЗИМЛАРИ**

1-§.	Ўзбекистонда бозор муносабатлари қарор топиши шароитида меҳнатга оид ижтимоий муносабатларни ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишнинг зарурлиги.....	5
2-§.	Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси ва предмети.....	7
3-§.	Меҳнат ҳуқуқи услублари ва тизимлари.....	10
4-§.	Меҳнат ҳуқуқи ва унинг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқи.....	14
5-§.	Меҳнат ҳуқуқи тамойиллари.....	17

### **II боб. МЕҲНАТ ҲУҚУҚИННИГ МАНБАЛАРИ**

1-§.	Меҳнат ҳуқуқи манбалари тушунчаси, турлари ва уларнинг аҳамияти.....	20
2-§.	Меҳнат ҳуқуқи манбалари саналувчи норматив хужжатларни вакт, худуд ҳамда шахсларга нисбатан амал қилиши.....	24

### **III боб. МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТЛАРИ**

1-§.	Меҳнат ҳуқуқи субъектлари тушунчаси, турлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми.....	28
2-§.	Фукаро (ходим)лар меҳнат ҳуқуқи субъекти сифатида.....	29
3-§.	Иш берувчилар (корхона ва ташкилотлар) меҳнат ҳуқуқи субъекти сифатида.....	32
4-§.	Касаба уюшмалари (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва меҳнат жамоалари меҳнат ҳуқуқи субъекти сифатида. Иш берувчиларнинг вакиллiği.....	34

### **IV боб. МЕҲНАТГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР**

1-§.	Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг турлари..	39
2-§.	Ходим ва иш берувчи ўртасидаги бевосита меҳнат ҳуқуқий муносабатлар.....	43
3-§.	Бошқа турдаги меҳнатга оид муносабатлар.....	45
4-§.	Меҳнат ҳуқуқий муносабатларнинг келиб чиқиши, ўзгариши ва бекор бўлиши.....	50

### **V боб. ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ВА ЖАМОА КЕЛИШУВЛАРИ**

1-§.	Жамоа шартномаси ва жамоа келишувлари тушунчаси, уларнинг меҳнат ҳуқуқий муносабатларни тартибга солинишидаги ўр-
------	---

ни.....	52
2-\$. Жамоа шартномаси тарафлари ва шартноманинг тузилиш тартиби.....	54
3-\$. Жамоа шартномасининг мазмуни ва таркибий тузилиши...	55
4-\$. Жамоа келишуви томонлари, тузилиш тартиби ва мазмуни....	57
5-\$. Жамоа шартномалари ва келишувининг бажарилishiни таъминлаш ҳамда улар амал килиши устидан назорат фаолияти.....	58

## МАХСУС ҚИСМ

### **VI боб. АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

1-\$. Аҳолини иш билан таъминлаш тушунчаси ва фуқароларнинг ишга жойлашиш ҳуқуқлари.....	60
2-\$. Ходимларни корхоналардан бўшатилиши ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши.....	67
3-\$. Ишсизлик тушунчаси ва ишсиз шахсларга бериладиган ҳуқуқий кафолатлар.....	68
4-\$. Ишсизлик нафақаси ва ишсиз шахсларга бериладиган ижтимоий ёрдамлар.....	70
5-\$. Аҳолини иш билан таъминлашга оид тадбирларда иш берувчилар, касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари иштироки.....	74
6-\$. Фуқароларни ишга жойлаштириш. Ишга жойлаштириш органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми.....	77

### **VII боб. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТУШУНЧАСИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ЎРНИ**

1-\$. Меҳнат шартномаси тушунчаси ва аҳамияти.....	86
2-\$. Меҳнат шартномасининг фуқаролик ҳуқуқий шартномалардан фарқ килувчи жиҳатлари.....	88
3-\$. Меҳнат шартномаси ва унинг томонлари.....	90
4-\$. Меҳнат шартномасининг шакли, мазмуни ва амал килиши муддатлари.....	92

### **VIII боб. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТУЗИШ ВА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

1-\$. Ишга қабул қилишнинг умумий тартиби.....	98
2-\$. Ишга қабул қилишда дастлабки синовни кўллаш.....	103
3-\$. Ишга қабул қилишни расмийлаштириш. Меҳнат дафтарчаси ва унинг юридик аҳамияти.....	104

4-§.	Айрим турдаги мекнат шартномалари тузишнинг ўзига хос жиҳатлари.....	108
------	--	-----

**IX боб. МЕХНАТ ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ..... 114**

**X боб. МЕХНАТ ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

1-§.	Мекнат шартномасини бекор қилиш тушунчаси ва унинг асослари таснифи.....	119
2-§.	Мекнат шартномасининг ходим ташаббуси билан бекор қилиниши.....	121
3-§.	Мекнат шартномасининг иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиниши.....	124
4-§.	Мекнат шартномасининг тарафлар ҳоҳишига боғлик бўлмаган ҳолатга кўра бекор қилиниши.....	137
5-§.	Мекнат шартномаси бекор қилинишини расмийлаштириш ва ходим билан ҳисоб-китоб.....	140
6-§.	Файриконуний равиша ишдан бўшатилган ёки бошқа ишга ўтказилган ходимлар хуқуқларининг ҳимоя қилиниши. Ишдан четлашиб.....	142

**XI боб. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ**

1-§.	Иш вақти, унинг турлари ва давомийлиги.....	149
2-§.	Дам олиш вақти, унинг турлари ва аҳамияти.....	154
3-§.	Йиллик мекнат таътили.....	156
4-§.	Ижтимоий таътиллар ва уларни бериш асослари.....	158

**XII боб. ИШ ҲАҚИ ТЎЛАШ**

1-§.	Иш ҳақи тушунчаси ва умумий таърифи.....	164
2-§.	Иш ҳақи тизими ва турлари.....	167
3-§.	Иш ҳақи тўлаш тартиби. Иш ҳақидан ушлаб қолиш қоидалари.....	169

**XIII боб. КАФОЛАТЛИ ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ**

1-§.	Кафолатли тўловлар тушунчаси, турлари ва уларнинг аҳамияти.....	173
2-§.	Компенсация тўловлари, уларнинг турлари ва аҳамияти....	177
3-§.	Хизмат сафари.....	179

**XIV боб. МЕХНАТ ИНТИЗОМИ**

1-§.	Мекнат интизоми тушунчаси, аҳамияти ва уни мустаҳкам-лашнинг хуқуқий воситалари.....	182
2-§.	Корхоналарнинг ички мекнат тартиби қоидалари.....	184

3-§.	Ходимларни ишдаги ютуқлари учун рағбатлантириш.....	187
4-§.	Ходимларнинг интизомий жавобгарлиги.....	189

**XV боб. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТОМОНЛАРИНИНГ ЎЗАРО  
МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

1-§.	Меҳнат шартномаси томонларининг моддий жавобгарлиги ту- шунчаси.....	194
2-§.	Ходимнинг иш берувчи олдидағи моддий жавобгарлиги.....	196
3-§.	Ходимга етказилган моддий ва маънавий зарар учун иш берувчи- нинг моддий жавобгарлиги.....	206

**XVI боб. МЕҲНАТ МУХОФАЗАСИ ВА УНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА  
СОЛИШ**

1-§.	Меҳнат муҳофазаси тушунчаси ва уни таъминлашнинг ҳуқукий воситалари.....	213
2-§.	Меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги юзасидан хо- димлар ҳамда иш берувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятла- ри.....	217
3-§.	Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини муҳофазалашга тааллукли маҳсус қоидалар. Хотин-кизлар меҳнатини муҳо- фазалаш.....	224
4-§.	Ишлаб чиқаришда юз берган баҳтсиз ҳодисаларни текшириш ва хисобга олиб бориш.....	232

**XVII боб. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ**

1-§.	Меҳнат низолари тушунчаси ва уларни тўғри ҳал этишининг аҳамияти.....	236
2-§.	Меҳнат низолари комиссияси ва унинг ваколатлари.....	238
3-§.	Якка меҳнат низоларини судда кўриш.....	240
4-§.	Айрим тоифадаги ходимлар меҳнат низоларини кўриб ҳал етиш.....	245

**XVIII боб. МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ  
ОЛИБ БОРИШ. МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИНИ БУЗГАНЛИГИ УЧУН  
ЖАВОБГАРЛИК**

1-§.	Меҳнат муносабатларида қонунчиликни таъминлаш устидан назо- рат ва унинг турлари.....	247
2-§.	Меҳнат қонунлари бажарилиши устидан назорат олиб борувчи ор- ганлар ва уларнинг ваколатлари.....	249
3-§.	Меҳнат қонунлари ва меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлик.....	254

**XIX боб. МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ  
ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК**

1-\$. Мехнат соҳасида халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик ва унда Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши.....	259
2-\$. Халқаро Мехнат Ташкилоти ва меҳнатни халқаро ҳуқуқий тартиб- га солинишида унинг ўрни.....	261
Фанни ўрганиш юзасидан тавсия этиладиган қўшимча адабиётлар..	265